

АБДУЛЛА ОРИПОВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2001



**АБДУЛЛА
ОРИПОВ**


*ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР*

ТЎРТ ЖИЛДЛИК

УЧИНЧИ
ЖИЛД

Таржималар

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2001



Ўз 2
О-68

Таҳрир ҳайъати:
О. Шарафиддинов, М. Қўшжонов, Э. Воҳидов,
Х. Султонов, Р. Ш. Шоғуломов, М. Юсуф, К. Норматов

Тўплаб, нашрга тайёрловчи Дониёр Бегимқулов

О $\frac{4702620202 - 20}{M352(04) - 2001}$ режа 2001

ISBN 5-635-01992-7

© Абдулла Орипов, Фафур Фулом
номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 2001 й.



ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ

Илоҳий комедия

ДЎЗАХ



БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

Данте қоронғи ва зулмат ўрмонда тун бўйи адашиб, тонгга яқин у ердан бир амаллаб чиқиб олади ва юксак тепаликка кўтарила бошлайди. Аммо унинг йўлини қоплон, арслон ва қашқир тўсиб, қайтадан ўрмонга қисиб бора бошлайди. Шунда шоирнинг рўпарасида қадимги дунё шоири Вергилий пайдо бўлади ва таскин сўзлар айтади. Уни Дўзах ва Аросатдан омон-эсон олиб ўтажagini, Жаннатга эса Беатриче олиб киражagini билдиради. Шундай қилиб, Данте Вергилийнинг изидан кетади.

Ердаги умримнинг ярмини юриб,
Зулмат водийсида адашиб қолдим.
Боқсам, бир ўрмонга кетибман кириб.

- 4 О, уни нега ҳам ёдимга олдим,
Даҳшатларга тўла ўрмон эди у,
Эсдан чиқаролмай неча йил толдим.
- 7 Ҳатто ажал ундан туюлгай эзгу,
Лекин топдим ундан мангулик савоб,
Айтай кўрганларим мисоли кўзгу.
- 10 Эслолмам, лекин бу тушмиди, сароб,
Қандоқ кирдим у ён йўлимдан озиб,
Қандай рўё мени этганди хароб?!
- 13 Мени қон қақшатган водийдан ошиб,
Тоғнинг унгурига етдим ва шу он
Юксак тепаликка бордим ёнашиб.
- 16 Боқдим, сайёралар бўлди намоён.
Уларнинг раҳнамо нури басма-бас
Порларди тоғларнинг кифтида шоён.

- 19 Гүё тун кўрқуви бўлганди абас,
Даҳшатлардан холи руҳим ҳам, биллоҳ,
Олганди анчайин енгил, хуш нафас.
- 22 Тўлқинлар қаъридан қутулган сайёҳ
Соҳилга чиққан дам ортга боқиб жим
Хўрсиниб қўйгандай аламдан гоҳ-гоҳ.
- 25 Абгору безовта менинг ҳам руҳим
Тин олди ортига қайрилиб ночор,
Риҳлат сўқмоқларин кўрдим-ку шу зум!
- 28 Вужудимга энгач яна куч, мадор,
Заминга тўш босган пиллапоядан
Юксакка интилиб кетдим шиддаткор.
- 31 Баланд тоғ бағрида қия қоядан
Тушиб келди ногоҳ бир қоплон чаққон,
Танаси палакдек хол-хол ғоятан.
- 34 У юксак йўлимни тўсганча гирён
Айланиб турарди ютоқиб тугал.
Хаёл қилар эдим қайтмоқни омон.
- 37 Лекин пайдо бўлиб офтоб шу маҳал
Юлдузлар тўдасин ортга кузатди,
Илоҳий Муҳаббат мисли даставвал,
- 40 Ситоралар тўпин бу ён узатди.
Субҳидам маҳали, хуш соат, гўё
Қалбдан таҳликани бир зум йўқотди.
- 43 Энди чўчимасдим махлуқдан, аммо
Шу чоқ пайдо бўлди ёлдор бир арслон,
Қалбдаги таскин ҳам сўнди мутлақо.
- 46 У босиб келарди гўё мен томон,
Келарди очликдан жағи такиллаб,
Атроф-теваракка солиб қатағон.
- 49 Қоқ суяк қашқир ҳам тиши шақиллаб
У билан бақамти соларди даҳшат,
Келарди жаҳлдор махлуқ яқинлаб.

- 52 Қашқирнинг дастидан торгдим кўп кулфат,
Таъқиб этар экан ёвуз назари —
Юксакликдан ҳатто қайтган эди шахт.
- 55 Хасис сармоядор тўплаган зари
Қўлдан чиқар чоғи оху воҳ ила
Кечмиш ҳасратини қилган сингари,
- 58 Мени ҳам чулғаган эди гулғула.
Таъқиб этар экан изма-из қашқир
Зулматда қолгандим энди бир йўла.
- 61 Зулмат водийсида эдим бетадбир,
Бир зот пайдо бўлди қаршимда ногоҳ,
Гўё танҳо, белуф, толиққан, ҳақир.
- 64 Уни кўрган заҳот ёлвордим: “Эвоҳ,
Қутқазгин сен мени, айлагил қарам,
Майли, одаммисан ва ёки арвоҳ”.
- 67 У деди: “Бир чоғлар бўлганман одам,
Асли ломбардлардан тарқаган зотим,
Мантуяда ўтган менинг шажарам.
- 70 “Sub Julio” даврида таваллуд топдим,
Август паноҳида яшадим Римда.
Азизни эъзозлар эди эл қадим.
- 73 Шоир эдим, шеърим суянч дилимда,
Мағлуб Троядан Анхиз ўғли нақ —
Мағрибга кетгандай ночор қадимда.
- 76 Наҳот яна қайтсанг азобга мутлақ.
Нурафшон арш сари чиқмассан нечун?
У ерда ибтидо, фароғат ва ҳақ”.
- 79 “Бу сен Вергилийми, бепоеён очун
Қуйидан баҳраманд бўлган чашмадил?!—
Шундоқ жавоб қилдим жаҳд ортиб бутун.—
- 82 Назм аҳлин хуршиди, о пири комил,
Муҳаббатим бирла ва чекиб заҳмат
Ижодинг уқмоққа бўлганман ноил.

- 85 Сен менга устозсан, суюкли ибрат,
Ҳар қайда шон топган гўзал ва маҳбуб,
Услубни қолдирдинг менга сен фақат.
- 88 Менга манов махлуқ озор берар кўп,
Мадад айла энди, авлиё инсон.
Дастидан сабр косам кетди-ку тўлиб!”
- 91 “Сени қутқзади ўзга йўл аён,—
Ҳолимга кўз ташлаб сўз бошлади у,—
Ваҳшатли манзилга қайтма ҳеч қачон.
- 94 Сени қон йиғлатган қашқир кўп бадхў,
Бу ёққа юксалса қайси бир банда
Маҳв этар, йўлларин тўсиб серқутку.
- 97 У шундоқ ёвуздир, ғаддор, шарманда,
Очофат — еб тўймас, мечкай ва ҳарис,
Луқмадан сўнг баттар дод солар ганда.
- 100 Бу мода қашқирни босган ҳаром ҳирс,
Учраган жонзотни йўлдан урар, ғар.
Шавкатли Ит келгач, иши бўлар терс.
- 103 Нафс қули эмас у Қашқирдай бесар,
Дониш ва муҳаббат, номус-ор ила
Яшар қаноатда, доим музаффар.
- 106 Эвриал ҳамда Турн, Нис ва Камилла
Қурбон бўлган мулки итальянга хос,
Камарбаста бўлгай шонли Ит, илло.
- 109 Қаёнга қочмасин Қашқир каж, ифлос,—
Ит уни Дўзахга тикқувси бир қур,
Ғараз манзилига тушгувси паққос.
- 112 Менинг сўзларимни энди тинглаб тур:
Рухларнинг абадий маскани сари
Сени бошлаб кетай, менинг билан юр.
- 115 Ундадир қадимий арвоҳлар бари —
Улар фарёдига соларсан қулоқ,
Тингларсан нечоғ зўр илтижолари.

- 118 Оташгоҳ томукда кўрарсан бироқ,
Бир қавмки, бўлса-да азобдан озод,
Жаннат фароғатин кутади муштоқ.
- 121 Яна юксакроқни айласанг мурод,
Диловар руҳ сени олгайдир кутиб.
Иккинги кетарсиз, эгармиз хайрбод.
- 124 Мен арш ҳазратидан кетолмам ўтиб,
Чунки айламадим йўлин эътироф,
Ҳатто ҳамроҳимни қолар у тутиб.
- 127 Амри вожиб тахти менга серитоб;
У жой олий даргоҳ, у олий хиргоҳ,
У жойга етишмак шараф ва савоб”.
- 130 Дедим: “Сен, йўлидан беҳабар халлоқ
Расулининг ҳаққи, айлай илтижо:
Шоирим, балодан қутқаз мени, оҳ.
- 133 Йўл бошла, айтганинг руҳ сари аъло.
Пётр — Аъроф ҳаддин шуъласин кўрсам,
Кўрсам ётганларни маҳкум, мубғало”.
- 136 Кетди, мен эргашдим қадам-бақадам.



ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

Данте ўзининг бундоқ сафарга тайёр эмаслигини идрок этиб, иккилана бошлайди. Вергилий эса бу ерга ўзининг Беатриче томонидан юборилганини ва Дантенинг Дўзахдаги дахлсизлиги учун эса самовотда қайғуришаётганлигини баён этади. Шундагина Данте ўзининг дастлабки қарорига қайтади ва Вергилий билан машаққатли сафарга йўл олади.

Кун қайтиб борарди, қорайиб осмон,
Замин жонзотлари кирди уйқуга,
Фақат мен турардим бесару сомон.

- 4 Ўзни чоғлар эдим сафар, қутқуга,
Ҳадикка соларди лекин машаққат,
Чидарманми дердим азоб, қайғуга.
- 7 О, сиз Илоҳалар, берингиз мадад,
Тамғаи даҳонгни, о сен, тафаккур,
Менинг баёнимда зоҳир эт минбаъд.
- 10 Дедим, раҳбонимга айлаб таҳайюр:
“Беназир бир ишга чорладинг, қайдам,
Қурбим етармикан, этмам тасаввур.
- 13 Сен дейсан, Сильвийлар падари у дам
Ҳаёт занжиридан бўлмайин халос
Бақо дунёсига қўйганди қадам.
- 16 Куфру гуноҳларнинг баридан рўй-рост
Бохабар хилқатнинг ўзики магар
Унинг шарафини айлабди эъзоз,
- 19 Иззат-ҳурмати ҳам бешак, муқаррар:
Савоб нури бордир пешонасида,
Римга салафликка бўлмиш муяссар.

- 22 Шаҳар-чи, шон топиб замонасида
Ҳазрати Пётрнинг вориси учун
Айланди шариат остонасига.
- 25 Сен тўлиб қуйлаган у зот, инчунин,
Зафар иштиёқи бирла бўлган банд;
У боис, музаффар папа ушбу кун.
- 28 Авлиё Павел ҳам Энейга монанд
Меърожга бир маҳал чиққанди, атай
Умнатлар тангрига бўлсин деб пайванд.
- 31 Мен-чи, мен, ўзимни кимга тенг тутай?
Мен на авлиёман, на шоҳга аждод,—
Муносиб эмасман, ростимни айтай.
- 34 Руҳлар оламида бўлурман барбод,
Ақлимдан озурман, у ерда, аё,
Англарсан барисин, сен дониш устод”.
- 37 Бўлар-кечар ишни чўтлагач расо,
Аввалги фикр ила ўйидан мутлоқ
Тониб, қайтиб турган кимсадай гўё,
- 40 Зулмат манзилида турардим шундоқ,
Аввал мафтун этган ўйларни энди
Фикру хаёлимдан қувлардим йироқ.
- 43 Руҳ менга жавобан шундоқ ўтинди:
“Лутфингда ҳақгўйлик янграган замон
Руҳинг ваҳм-тахлика ичра бекинди.
- 46 Ақлга зўр келса қўрқув ва гумон
Ярамай қолурмиз ҳеч битта корга,
Васвасага тушган жониворсимон.
- 49 Ваҳму гумонларга тушма бекорга;
Тингла, билганимни айлайин баён.
Не боис лойиқсан лутф, эътиборга.
- 52 Куфру савоб аро турган ломакон —
Бетимсол бир аёл чорлаб айтди сўз.
Адо этажакман ўтинчин, ишон.

- 55 У аёл нигоҳи бамисли юлдуз.
Гўё фариштадай ширин каломи,
Шундоқ лутф қилганди — лутфиким лазиз:
- 58 “Шухрати дунёни тутган тамоми,
О, сен мангуялик покдомон банда,
Шонингга келмасин завол айёми.
- 61 Менинг шўр пешона дўстим шу дамда
Зулмат водийсида адашиб бироҳ,
Турибди чорасиз, қўрқув, аламда.
- 64 Шундоқ пайғом келди кўкка баногоҳ;
Хавотирим буюк, ўтди деб муддат,
Бардош бердим у кулфатга, эвоҳ.
- 67 Бор унинг қошига, бир чора кўрсат,
Гўзал сўзлар ила ё ўзга йўсун
Уни халос этсанг тинчлангум фақат.
- 70 Мен — Беатричеган, сўзим шу мазмун.
Севикли диёрдан мени бу томон
Олиб келган ишқдир. Лафзим ишқ бутун.
- 73 Тангри-таолодан сенга ҳар қачон
Имон тилаб турай, номинг шарафлаб”.
Хитоб қилдим унга жавобан шу он:
- 76 “Ёлғиз сен туфайли, ёлғиз сен сабаб
Самога юксалмиш бандалар шони
Ўзга жонзодлардан олий, боматлаб.
- 79 Фармонингда бўлмак — юрак армони,
Зарра тамаим йўқ, билсам бўлди, бас,
Сенга не лозимдур — бажаргум они.
- 82 Заминнинг қаърига, дил бовар этмас,
Қандайин тушурсан қўрқмай, беҳадик,—
Кўкка тортиб турса истак ва ҳавас?”
- 85 Деди: “Гар бор экан хоҳиш шунчалик,
Майли, боисини айлайин баён.
Билгил, қандоқ тушгум қўрқмай сира, тик.

- 88 Дилга яқин зотни кутган ноаён
Яширин кулфатдан даркор эҳтиёт,
Ўзга даҳшатларнинг йўруғи осон;
- 91 Мени шу тахлитда яратмиш миръот,
Сизнинг азобларга этмасман парво,
Киравергум мангу оташга рўй-рост!
- 94 Кўкда бир аёл бор — пурҳиммат, расо,
Уқубатли зот деб чекди азият
Ва ҳакам дилига солди раҳм, зиё.
- 97 Сўнг Лючияга соҳиб мурувват
Юзланиб дедик: — бандаи содиқ
Муридинг ғам чекар, айлагил шафқат.
- 100 Роҳила иккимиз эдик, ул ҳозиқ
Раҳмдил Лючия лутф этиб менга
Деди: “Шукронамиз тингласин холиқ!”
- 103 О, Беатриче, дил бериб сенга,
Олам ташвишидан юксак чиққан зот
Кулфатда қолмишдир, мадад бер унга.
- 106 Ва ё қилмассанми шўрликка имдод?
Жангу жадалларда толиққан, ночор
У зотни тўфонлар этмоқда барбод.
- 109 Ғам, кулфат дастидан эзилган, абгор
Кимса ҳам бахт сари чопмагай бунча,
Дил-дилдан даъватга бердим ихтиёр.
- 112 Иқбол нарвонидан келдим тушганча,
Лутфу карамингга айлаб таважжуҳ,
Устувор аҳдингга кўзим туганча”.
- 115 Шундоқ сўзлар эди ғамгин, серандуҳ
Ёш билан порлаган чашми гирёни,
Мени сен сорига шошилтирди чўх.
- 118 Онинг муҳибиман, келдим шу они;
Йўл тўсиб, роҳингга бўлган тўғаноқ
Махлуқдан қутқаздим ушбу замони.

- 121 “Нега имиллайсан? Тушунмам мутлоқ,
Нега журъатинг йўқ? Келмайди оринг?
Руҳинг ёритмасми у жасур чароқ?
- 124 Ахир самовотда келиб бароринг,
Мадад берар бўлди кўкда учовлон,
Аёнди у йўлда қандай бораринг”.
- 127 Тунги аёз чоғи қақшаган, нолон
Чечак субҳидамда қайтадан яшнаб
Бош кўтарган каби гул ёзиб шодон,
- 130 Кўрқинч ҳам тарқади ўшанга ўхшаб
Ва дедим жавобан сўз қотиб дадил,
Жасоратим ортиб, таҳликам тарқаб:
- 133 “Нечоғ олиҳиммат карам этган дил!
У аёл йўруғин йўруқ деган зот,
Мададга ошиққан, сен соҳиб кўнгил.
- 136 Сўзларингни тинглаб беҳад бўлдим шод.
Яна жасоратга тўлиқдир юрак,
Бошланган йўллардан кетавергум бот.
- 139 Фақат кўнгул ичра ёлғиз бир тилак:
Сен менга ҳодийсан, устозсан, соҳиб”.
Илтижом шу бўлди, мен тутиб этак,
- 142 Кетдик хилват, қора жарликлар ошиб.



УЧИНЧИ КЎШИҚ

Шоир Дўзах дарвозаси пештоқида даҳшатли лавҳани ўқийди ва Вергилий таскини туфайли ичкарига қадам қўяди. Вергилий Дантега ялқов ҳамда пасткаш кимсалар жазо тортаётган Дўзах остонасини кўрсатади. Сўнгра улар Дўзах дарёси Ахеронга яқинлашадилар. У ерда Дўзах қайиқчиси Харон маҳкумларни нариги қирғоққа ўтказиб қўйиш билан шуғулланади. Зилзила рўй беради, яшин чақнайди. Данте беҳуш йиқилади.

“Элтаман хор, мискин элатлар сари,
Элтаман мангулик укубат томон,
Унда завол топган авлодлар бари.

- 4 Меъмормимга этган ҳақ илҳом эҳсон,
Мени бино қилган холиқи раззоқ,
Мени илк муҳаббат яратган шоён.
- 7 Мендан кўҳна фақат неки бор мутлоқ,
Абадият билан тургум баробар.
Кирсанг, умидларинг ташлаб кир шу чоқ”.
- 10 Хира пештоқ сари боқиб саросар
Мен ўша сўзларни ўқидим ногоҳ,
Дедим: “О, даҳшат-ку, қилолмам бовар”.
- 13 Шундоқ жавоб этди устоз фаҳмосо:
“Руҳинг маҳкам бўлсин бу ерда фақат,
Енгмасин таҳлика, бўл буткул огоҳ.
- 16 Айтдим-ку, арвоҳлар қалашиб қат-қат,
Ақлу фаросатин йўқотиб мангу
Ётган манзилларга ўтармиз албат”.

- 19 Ваҳима чекма, деб қўлин чўзди у,
Юзларида эса сокинлик ажиб,—
Сирли йўлак томон бошлаб қолди-ку.
- 22 Зулматли маъвода чорасиз, ғариб,
Тўхтовсиз йиғи-ю, оҳу нола, зор
Қошида ёш тўқдим аввал сарғариб.
- 25 Алаҳлаб ётарди ҳамма нолакор,—
Даҳшат, қўрқув тўла қуроқ каломи,
Ёлворар, ўшқирар, талпинар ночор.
- 28 Барчаси айқашиб бунда тамоми,
Азобда, беадад, зулумот узра
Нолакор хок учар, қуундай коми.
- 31 Дедим, бошим карахт ваҳима ичра:
“Булар ким, бу нечук оҳ ила воҳдир.
Бу нечук халойиқ, англолмам сира?”
- 34 Устозим дедики: “Бир қавм бордир,
Билар у на шуҳрат, на ор, на номус.
Шундоқ яшаб ўтган, юзсиз, беордир.
- 37 Улар билан бирга бебок ва беюз
Лоқайд фаришталар тўдаси ҳам бор.
На осий, на содиқ, шундайин бетус.
- 40 Уларни маҳв этди само ғазабкор.
Қабул айламагай Дўзах ҳам ҳатто,
Топмагай ҳаттоки куфри эътибор.
- 43 Дедим: “Айтгил, устоз, нечук ул жазо,
Нечук айб уларни этмиш хору хас?!”
Дедики: “Қисқадир жавоб мутлақо:
- 46 Уларга ҳаттоки ажал ҳам боқмас,
Ҳар қандай кулфат ҳам бу ҳолдан созроқ,
Шу қадар мушкулдир кечар куни, бас.
- 49 Хогири заминда ўчгандир мутлоқ,
Жазо ҳам уларга бўлмаган раво.
Сўз қотиб ўтирма, ўта бер узоқ”.

- 52 Йироқда бир ялов кўрдим шу асно,
Мисли тўзон ичра ваҳший, ёвуз куч
Таъқиб этар эди уни доимо.
- 55 Ортидан чопарди бандалар ғуж-ғуж, —
Сира ишонмасдим уларга боқиб,
Ажалга шунча эл бўлганми деб дуч.
- 58 Нигоҳим этаркан уларни таъқиб,
Кўнгилчанлик боис осийлик қилган
Шўрлик кимсани ҳам ололдим таниб.
- 61 Англадим, бу ерда ҳасратга тўлган
Пасткаш кимсалардир, бебок, овора,
На тангри, на иблис назарга илган.
- 64 Бандаи бешариф, буткул бечора,
Уларни туну кун бижғитиб мудом
Таларди мўр-малах, қуршаб тобора.
- 67 Кўзидан қонли ёш оқарди тамом,
Очкўз қуртлар эса тортиб, талашиб
Уни ютишарди бамисоли ком
- 70 Ва боқсам бир оқим келарди тошиб,
Кўрдим у оқимга ёвуқ тўдани,
Дедим устозимга: “Ҳолни айт очиб,
- 73 Кимлар анов тўда, огоҳ эт мани,
Аён эт, у ёқда қандайин қудрат
Гўё оқим сари қувлар ҳаммани”.
- 76 Устоз жавоб қилди: “Келади фурсат,
Ахеронга томон борурмиз яқин,
Англаб олажаксан бор гапни албат”.
- 79 Замин оғушига кўз тикиб ғамгин,
Эзма бўлмай дея кетдим шу дамда
Соҳил тарафларга йўл солиб сокин.
- 82 Боқсам, қайиқ суриб, додлаб аламда
Оппоқ соқолли чол келарди елиб,
Дерди: “Қуриб кетгил, лаънати банда!

- 85 Унут самовотни, менга дуч келиб.
Абадий зулмат ва оташ, муз сари
Элтажакман сизни, қўйингиз билиб.
- 88 Сен эса, сен эса кет мундан нари,
Арвоҳлар сафида нечук тирик жон?!”
Мени ҳайдар экан дерди жангари:
- 91 “Сен саҳв қилибсан келиб бу томон,
Жўнроқ қайиқ топгин яхшиси ҳозир,
То сени етказсин соҳилга омон”.
- 94 Йўлбошчим дедик: “Харон, бўл оғир,
Ахир самовотнинг истаги шундоқ,
Хархаша қилма кўп, вожиб ул амр”.
- 97 Тунд дарё дарғасин даҳшатли, пахмоқ
Башараси қотиб қолганди шу зум.
Кўзларида оташ ёнарди бироқ,
- 100 Мажруҳ бандаларга тушди-ку кўзим.
Мангулик азобга маҳкум қилган раб,
Аҳволлари нигун, топганлар тўзим.
- 103 Бақирар эдилар тангрини қарғаб,
Қисмату башарни, юртни бетўхтов
Сўкарди, авлоду аждодин булғаб.
- 106 Сўнг нола чекканча оломон дарров
Етарди азобкор дарё қаърига,—
Мавжи осийларни ютгай беаёв.
- 109 Харон-чи, ҳайқирар улар барига,
Даҳшатли эшкагин ҳар томон сирпаб,
Қатагон соларди танбалларига.
- 112 Куз чоғи япроқлар сарғайиб, титраб,
Тўкилгайлар қур-қур ва бир кун шумтол
Кўргай либосининг ётганин қувраб.
- 115 Шундоқ, зоти Одам шўрлик, беиқбол
Тутдай тўкиларди, чорасиз, сўқир,
Тўрга тушган қушдек топарди завол,

- 118 Юзмоқда сув узра мана, бетадбир;
Кечувдан ўтишга улгурмай ҳали
Пайдо бўлди ўзга тўда бесабр.
- 121 “Ўғлим, — деди устоз вазмин, шиквали,—
Раббано ғзабин кўзғатган гумроҳ
Қавму эл, бу томон шошгай азалий.
- 124 Гувранар бу ерда турфа хил арвоҳ,
Одил тангри ҳукмин бўлиб қурбони,
Даъватга айланар қўрқув, нола, оҳ.
- 127 Кимнингки бут эса агар имони
Бу ерга тушмагай йўли ҳеч қачон,
Хароннинг шунинг-чун чиқди фигони”.
- 130 У сўздан тинганда, атроф ногаҳон
Титраб кетди буткул қасирға аро,
Қора терга ботгум эсласам ҳамон.
- 133 Ер қаъридан чиқиб боди марг бало,
Ғам дашти оловга чулғанди чунон,
Бу қирмиз ёғдуга чидолмай асло,
- 136 Йиқилдим, уйқуга банди зотсимон.



ТҮРТИНЧИ ҚҰШИҚ

Даҳшатли момақалди роқдан сергакланган Данте ўзини биринчи доиранинг канорасида кўради. Сўнгра у христиан динига мансуб бўлмаган кишилар ҳамда чўқинтирилмаган бола-бақра жойлашган Лимбга кириб боради. Ундан нарироқда эса Исо пайғамбар ақидасига ғайри бўлган қадимги дунё донишмандлари ва қаҳрамонларини кўради. Улар орасида Шарқ донишмандларидан ибн Сино ва ибн Рушд ҳам бор.

Мудраган руҳимда қутқу дафъатан,
Босиқ сурон ичра кўз очдим беҳос.
Кимдир уйғотгандай турткилаб бирдан.

- 4 Кўз ташладим тетик теграмга оз-оз,
Ҳар ёнга тикилдим туриб оёққа,
Азоб диёрини кўрай деб бир оз.
- 7 Жарлик ёқасида эдик шу чоғда,
Пойимиз остида қўрқинчли дара
Шовқин, фарёд тўла гувлаб ётмоқда.
- 10 Шу қадар зулумот, теран, қоп-қора,
Унинг тепасидан боқдим ва лекин
Фарқлай билолмадим ҳеч нени сира.
- 13 “Ногирон дунёга ўтармиз секин,—
Шундоқ сўз бошлади шоирим беҳол,—
Мен йўлни бошлайман, сен эса кейин”.
- 16 Юзига боқдимуга англадим дарҳол,
Дедим: “Сен ўзингки тушдинг даҳшатга,
Мен нетай, ўзинг айт, не кечар аҳвол?”

- 19 У деди: “Англадинг мени албатта,
Лекин сен кўражак бандалар дарди,
Даҳшатмас, ғам солган қалбимга катта.
- 22 Йўл узоқ, пайтидир, кетайлик нари”.
Ортидан мен кетдим, йўл бошлади у,
Йўлимиз — заминнинг даҳшатли қаъри.
- 25 Қулоққа чалинган йиғимас, ёху,
Инграш келар эди ҳар ёндан фақат,
Мангу хилқат узра таралган оҳ бу!
- 28 Бу — бедард ҳасратдан қолган оқибат,
Мисли дучор бўлмиш ушбу дам ғамга
Гўдаклар, аёллар тўдаси қат-қат.
- 31 “Нега сўз қотмайсан менга эй, ҳамдам,
Нега сўрамайсан буларни, нега? —
Шундайин сўз қотди йўлбошчим пурғам. —
- 34 Ўйлама, булар деб бегуноҳ банда,
Уларни покламас фақат хизмати,
Ақидаси кўҳна, ўзга имонда;
- 37 Насорон динини кимки билмади —
Осийдир бир қадар, мен ҳам ўшандоқ.
Ғоят буюк бўлди бунинг қулфати.
- 40 Маҳкуммиз барчамиз шу сабаб мутлоқ,
Парвардигор бизга ҳукм этган тадбир —
Юрибмиз ташнаҳол, ноумид, муштоқ”.
- 43 Алам юрагимни ўртади тахир,
Шундоқ ажиб зотлар ва неча буюк,—
Лимбо водийсида кезишар фақир.
- 46 “Айтгил, эй устозим, соҳибим суюк,—
Хитоб айлар эдим титраб аламнок
Ва имон келтириб тангрига қуюқ,—
- 49 Борми булар ичра бирор зоти пок,
Ё биров дуоси, ё ўз савоби
Насиб қилган бўлса то нури афлок?”

- 52 Шундоқ бўлди менга устоз жавоби:
“Гувоҳман, бу ерга келди бир дафъа
Улуғ ҳазратлари — ғолиб жаноби.
- 55 Одам Атони у қутқазгандир, ҳа,
Ўғлонин ҳам шундоқ. Нуҳи муборак,
Ҳазрати Мусо ҳам у зотга халфа.
- 58 Шоҳ Довуд, нуроний Иброҳим бешак,
Авлод-аждоди-ла ҳазрат Исроил,
Роҳила — қимматга тушган келинчак.
- 61 Бўлмиш кўп азизлар меҳрига ноил,
Лойиқ бўлолмаган бошқалар ва лек.
Илк бор ўшаларга боққанлар мойил”.
- 64 Улкан чангалзорда икков кетардик,
У фақат сўзларди, мен-чи, тинглардим,
Чангалзор — инсонлар руҳистонидек.
- 67 Хоб чулғаган жойдан йироқ кезардим,
Муқаввас зулматнинг тагида лов-лов
Ёнаётган ўтга тушди назарим.
- 70 Гарчанд узоқдайди биздан у олов,
Лекин ўша ёнда беҳад сарафроз
Зотлар гуруҳини пайқадим дарров.
- 73 “Эй, санъат ва дониш соҳиби устоз.
Айтгил, кимдир булар, турар овлоқда —
Ўзгалардан кўра боҳурмат, мумтоз”.
- 76 Устоз жавоб қилди менга шу чоқда:
“Заминни янгротган буларнинг шони,
Бу кун самода ҳам доврўқ солмоқда”.
- 79 “Қутлангиз, энг юксак шоирни, қани”,—
Кимнингдир овози қолди жаранглаб,
Яқинлаб келарди руҳ ҳам шу они.
- 82 Шундайин сўзларни турардим тинглаб,
Эшитдим тўрт аъзам қадамин сасин,
Келардилар на шод ва на дарғазаб.

- 85 “Боқ, — деди шавкатли устод олиб тин,—
Ҳаммадан олдинда, қўлида шамшир,
Рухсори улуғвор, қадами сокин
- 88 Гомер келар эди, шоирларга пир,
Ортида Гораций — шаддод қаламқаш.
Ундан сўнг Овидий ва Лукан шоир.
- 91 Бизни туташтирар буюк ном яккаш,
Қошида шунинг-чун айладим таъзим,
Ҳақлидир, булар ҳам боққанда дилкаш”.
- 94 Қаршимда турарди зотларки, азим,
Шеърлари жаҳонни янгатган беҳад,
Ҳануз бетимсолдир уларнинг назм.
- 97 Устоз пешвоз чиқди уларга хушвақт,
Куйчилар тўдаси юрди мен томон,
Мамнун жилмаярди устозим фақат.
- 100 Уларнинг сафига кирганим замон
Шарафим ошарди менинг тобора,
Сафда мен олтинчи зот эдим, шодон.
- 103 Суҳбатга берилдик юриб нур аро,
Бу ерда бизларнинг мулоқот гарчанд,
Билмам, лозиммиди ё йўқ, шу асно.
- 106 Қаср пайдо бўлди қаршимда баланд,
Етти қат девору етти қат равоқ,
Атрофда чулдирар чашмалар хурсанд.
- 109 Саф-басаф йўл босиб юридик нарироқ,
Етти дарвозадан ўтди сўқмоқ йўл —
Чиқди қаршимиздан ям-яшил ўтлоқ.
- 112 Вазмин зотлар эди у ерда нуқул,
Уларнинг овози сокин, жарангдор.
Нигоҳлари босиқ, сипойи буткул.
- 115 Очиқ майдон ичра буюк, шуъладор
Тепалик турарди, савлати олий,
Унга кўтарилдик бизлар саф қатор.

- 118 Шу он яйлов узра, мисли хаёлий,
Шавкатли инсонлар бўлдилар пайдо,
Кўз олдимда эди улар жамоли.
- 121 Электра турар аждодлар аро,
Эней ва Гектор ҳам у ерда аён.
Бургутназар Цезарь, жангсевар даҳо.
- 124 Пентеселия ва Камилла бир ён,
Турарди Лавина — ёнда отаси,
Олий жоҳ Брут ҳам бўлди намоён.
- 127 Цезарь қизи, Коллатин заифаси,
Гракхлар онаси, Катон маҳрами,
Салоҳиддин турар — сафда ҳаммаси.
- 130 Қиялик томонга боқдим, жами
Донишманд зотларнинг устозин кўрдим,
Оқил ҳамдўстлари унинг ҳамдами.
- 133 Афлотун, Суқротга мен боқиб турдим,
Бақамти юрарди у зотга булар.
Дунё тасодиф деб атаган қадим —
- 136 Буюк ҳикматшунос Демокрит турар,
Анаксагор, Фалес, Диоген бунда, —
Зенон, Эмпедокл, Гераклит юрар.
- 139 Шифо билағони Диоскорид унда,
Сенека-ю Орфей, Туллий ҳамда Лин.
Кўзимни узоққа югуртдим шунда:
- 142 Ҳисобдон Эвклид, Батлимус, Гален,
Гиппократ, ибн Сино, ибн Рушд пайдо —
Янги гоёларни тарғиб этган чин.
- 145 Айтолмасман санаб барчасин асло,
Баёним бўлмоғи даркор мухтасар,
Тафсил қисқа эса этинг истисно.
- 148 Икков қолдик, тарқаб давраи сарвар,
Осойиш бу жойдан қасирға томон
Ўзга манзилларга айладик бовар.
- 151 Қуршаб олган эди буткул зимистон...

БЕШИНЧИ ҚҰШИҚ

Вергилий ва Данте айланиб тушган иккинчи доиранинг қопқасида бандаларнинг гуноҳини тайин этиб, жазосини кўрсатувчи Минос ўтирган бўлади. Бу доирада шаҳватпарастлар жойлашган бўлиб, улар даҳшатли қуюн комида бетўхтов айланиб юрадилар. Бу ерда Данте бахтсиз севги қурбони Франческа билан суҳбатлашади.

Тарк этиб биринчи доира ичин,
Йўл олдим тубанга — бошқаси томон.
Гарчанд у мўъжазроқ бўлса ҳам, лекин

- 4 Минос кутар эди бизни беомон.
Айни остонада сўроққа тутиб,
Дум силтаб, Дўзахга итқитар ёмон.
- 7 Маҳкум келган заҳот дарёдан ўтиб,
Қиссасини зўрға айта оларди.
Минос гуноҳларнинг ҳисобин этиб,
- 10 Дум ўраб, маҳкумни ҳайдаб соларди.
Айбига яраша — маҳкум ҳам жадал
Давраи хосига бориб қоларди.
- 13 Оломон турарди титраб, кутиб гал;
Даҳшатли ҳакамга бир-бир ёнашиб,
Учиб кетар эди пастига шу маҳал.
- 16 “О, сен, коми ғамга келган адашиб”,
Минос йиғиштириб ишини бирпас,
Сўз бошлаб қолди-ку, мен томон боқиб.
- 19 “Кимсан, ҳамроҳинг ким, сўзла шу нафас,
Ўзни бос, томуққа кирмоқ кўп қийин”.
Устоз жавоб қилди: “Йўлни тўсма, бас,

- 22 Роҳи Дўзах унга муқаррар, тайин,
Шаҳодат бергандир у Олий даргоҳ,
Даргоҳ амри вожиб, сенга айтигин”.
- 25 Шу пайт қулоғимга келди оҳ-воҳ;
Минглаб бандаларнинг турфа ноласи
Гангитиб қўйганди мени баногоҳ.
- 28 Бу ерда хилқатнинг ўчган нафаси,
Бамисли қўрқинч ва теран уммонда
Гирдибод олишар, чўнг ғарғараси.
- 31 У Дўзах самуми, ҳамма томонда
Арвоҳлар тўдасин итқитар ҳар ён,
Чирпирак қиларди зўр ғалаёнда.
- 34 Улар қоя узра учгани замон
Оламни тутарди даҳшат, бақириқ.
Додлашар тангрини қарғаб беомон.
- 37 Оломонга боқиб, билдимки аниқ:
Бу ерда ақл ила инсофдан кечиб
Зинога берилган кимсалар тўлиқ.
- 40 Қаҳратон қиш чоғи роса жунжикиб
Кўчган чуғурчуқлар галаси монанд,
Нокаслар тўзғирди бўронда учиб.
- 43 Чирпирак бўларди гоҳ паст, гоҳ баланд,
Азоб-чи, бир нафас тинмоғи душвор,
Бўшалмасди асло бу доми каманд.
- 46 Ғамгин қуйлар билан қатор ва қатор
Жанубга йўл солган турналар мисол
Юксакда бир қавм учар нолакор.
- 49 Улар соя эди буткул бемажол,
Дедим: “Кимдир булар ва нечун ахир
Уларни тилкалар бу қора шамол?”
- 52 Устозим дедики: “Боққил бирма-бир,
У аёл кечмишда қанча эл-элат
Устидан ҳукм этган, юргизган амр.

- 55 Лекин у аёлда бўлган бир иллат,
Ўз ҳолига қўйган элатларни у
Этмоқ-чун ошкора ўзи ҳам ишрат.
- 58 Қадимги замона маликаси бу,
Семирамидадир — Нингадир маҳрам,
Мулклари Султонга топширилган-ку.
- 61 Мана, нозик ҳиснинг маъбудаси ҳам
Сихейнинг хокини этганди поймол.
Бу-чи, Клеопатра, гуноҳкор санам.
- 64 Жанглар сабабкори, энг гўзал аёл —
Елена мановдир. Бу — жасур Ахилл,
Муҳаббат дастидан топганди завол.
- 67 Бу — Парис-Тристан”. Устоз хилма-хил
Қавму тўдаларни кўрсатди роса, —
Улар ҳирс йўлида бўлганлар сабил.
- 70 Бари олам узра солган овоза
Зотлар, маликалар эдилар номдор.
Сўрадим устоздан, руҳ тушиб тоза!
- 73 “Бўрон енгилгина учирган абгор —
Анов иккисидан эшитсам жавоб,
Чирпирак бўлмоқда иккови ҳам хор”.
- 76 Устозим дедики: “Сабр айла, шу тоб
Шамол суриб келар уларни бу ён.
Тўхтарлар, айласанг дилдан гар хитоб”.
- 79 Яқин келар эди улар биз томон,
“О, банди гуссалар, — дедим ўша чоқ,—
Жавоб айланг, берса агар У имкон”.
- 82 Бамисли ошённинг илиқ ва муштоқ
Меҳрига талпинган қўша кабутар
Қанотларин ёзиб учгандай илҳақ,—
- 85 Менинг овозимни эшитиб улар,
Дидонанинг ғамгин сафин этиб тарк,
Ҳузуримга келди муаллақ, лобар:

- 88 “О, сен барҳаёт зот, о, сен руҳи барқ,
Келибсан кўргали бизни бу айём,—
Ер юзин қонига этганларни фарқ.
- 91 Рўйхуш бермас бизга самовот тамом,
Йўқса имонингни олардик сўраб,
Ҳолимиз англаган, сен — зоти киром.
- 94 Мулоқот айлагил, мойил бўлса табъ,
Муштоқмиз, суҳбатдан баҳра олсак то,
Бу ер тинч — бўрон ҳам, қуюн ҳам тўхтаб.
- 97 Жилғалари билан келиб наҳри По
Тинган соҳилларда топдим таваллуд.
Ҳорғин суворийдир тўлқинлар гўё.
- 100 Муҳаббат дилларни ёққувчи зўр ўт,
Гўзал бир вужудга мафтун эди бу,
Вужудки, сўнги дам бўлди хор, нобуд.
- 103 Ишқ бу — фақат ишқни чорловчи туйғу,
Мен ҳам кўнгил бердим унга шу асно,
Инон-ихтиёрим топширдим, ёҳу,
- 106 Етди бошимизга муҳаббат — бало,
Бизнинг қотил топгай Каиндан хос жой”,
Шундоқ сўз дердилар, бардоши адо.
- 109 Улар сўзин тинглаб, қаддим бўлиб ёй,
Беҳад изтиробда бош эгдим ғамгин.
Устоз: “Не гап?” дея сўз қотди атай.
- 112 Дедим: “Бирор кимса ҳеч билганмикин,
Уларни қандайин пок, ширин хаёл
Бу аччиқ қисматга олиб келганин?!”
- 115 Улар сукутдайти, мен бердим савол:
“Шарҳи ғаминг тинглаб, чидолмам сира,
Қалбга, Франческа, ғам солди бу ҳол.
- 118 Муштоқ кўнгилларни фасли ҳажр ичра
Туташирган недир, аён айлагил,
У қай бир тасодиф, қай ҳол соҳира?”

- 121 У деди: “Бахтсизлик чоғида ҳар дил
Шод пайтин эсласа ғам чекар ортиқ,
Бу ҳолга устозинг бўлғувси кафил
- 124 Ва лекин толесиз севгининг аниқ
Тафсилотин қилсам гар сенга аён —
Ҳар ённи қоплагай кўз ёшим аччиқ.
- 127 Ҳордиқ маҳалида бир кун икковлон
Ланчелот ҳақида ўқирдим қисса,
Фақат икков эдик, бепарво, шодон.
- 130 Кўзлар тўқнашарди саҳифа узра,
Юзга балқар эди энтикиш сирли.
Қисса ғолиб келди бизга, алқисса.
- 133 Ёигит маъшуқасин интиқ ва нурли
Лабларига лабин қўйгани заҳот,
Дақиқа келди-ю, ажиб, сурурли,
- 136 У ҳам лабларига лаб қўйди, ҳайҳот.
Қолди жой-жойида китоб ҳам, аммо
Биз учун бўлганди гўё Галеот”.
- 139 Арвоҳ сўзлар эди уқубат аро,
Ҳамроҳи инграрди, инграрди шўрлик.
Ҳасратлари мени қилди-ю адо,
- 142 Ёиқилдим ўша он, бамисли ўлик.



ОЛТИНЧИ ҚЎШИҚ

Учинчи доирада зил-замбил ёмғир, дўл, қор остида Цербернинг даҳшатли тирноқлари ва тишлари дастидан чексиз азоб тортаётган очкўзлар қавми жойлашган. Улар орасида флоренциялик Чакко деган зот ҳам бўлиб, у Дантега қадрдон шахрнинг тақдири ва жазога мустаҳиқ бир неча элатларнинг қисмати ҳақида гапириб беради. Шундан кейин Данте Вергилий билан йўқлик дунёси ҳақида суҳбатлаша туриб, Дўзахнинг тўртинчи доираси томон кетади.

Аянчли рўёнинг арз-ҳолин тинглаб,
Буткул бўлган эди тоқатларим тоқ.
Ҳали олар-олмас ўзимни ўнглаб,

- 4 Дуч келди ўзгача азоб ва қийноқ:
Маҳкумлар ётарди қаёнга боқмай,
Қаёнга юз бурмай арвоҳлар мутлоқ.
- 7 Совуқ, рутубатли ёмғир паёпай
Ёғар эди бунда абадул-абад.
Дўзахнинг учинчи саҳнидайдим шай.
- 10 Тупроқдан анқирди қўланса бўй бад,
Дўл, ёмғир, чиринди — бари аралаш —
Қоплаб олган эди заминни қат-қат.
- 13 Уч ҳалқум чўнг Церберъ — кўзи қонталаш —
Халойиққа қараб итдай ҳурарди,
Оломон балчиқда бижғирди яккаш.
- 16 Ҳамманинг терисин бир-бир шиларди,
Махлуқ хўппа семиз, тирноғи узун,
Қоп-қора соқоли сермой, юрарди.

- 19 Маҳкумлар қанжиқдай увлар уззукун,
У ёндан бу ёнга ағанаб ночор —
Ҳимоя қилмоқчи бўларлар ўзин.
- 22 Бизни кўргач, очди оғзин мисли ғор,
Мурдор курт — сур Церберь талваса тортиб.
Унинг буткул тани гувранар ғаддор.
- 25 Устозим эгилди, товонин артиб,
Тупроқдан сиқимлаб олди-ю шу он,
Аждар ҳалқумига юборди отиб.
- 28 Сўнгакка кўз тиккан кўппак нигорон —
Вовиллаб, бетиним фингшигандай сур,
Тингандай улушин олгани замон,
- 31 Цербернинг уни ҳам ўчди, ҳайтовур,
Шовқиндан донг қотган арвоҳлар гўё
Сукутдан топдилар ҳордиқ ва ҳузур.
- 34 Ёмғир шиббалаган арвоҳлар аро,
Вужудларни ошиб босдик биз қадам,
Вужудлар бўшлиқдай пуч эди, аммо.
- 37 Улар ётишарди тигиз, жамулжам,
Бири бизни пайқаб, солди-ю назар,—
Ўрнидан қўзғалди, термилиб пурғам.
- 40 “О, сен, жаҳаннамга келган биродар,
Мени билсанг керак, — сўз қотди арвоҳ,—
Тирикдинг мен бу ён қилган чоғ сафар”.
- 43 Дедим: “Шу қадарли ғарибсан, э воҳ,
Чехранг менинг учун буткул бегона,
Кимга ўхшашинг ҳам айтолмам бироқ,
- 46 Сўйлагил, сен кимсан, маҳкум бечора,
Даҳшатли азобга дучор бўлган зот.
Тўзим топаётган зумда минг бора”.
- 49 Деди: “Сен яшаган шаҳар — музофот,
Ғийбат, ҳасад билан тўлган у маъво
Шаҳрим бўлган эди менинг ҳам, ҳайҳот!

- 52 Чакко деб атарди мени фуқаро,
Очофат эканман, шунинг сабаби
Чириб кетмоқдаман ёмғир, сел аро.
- 55 Танҳо эмасдирман. Бунда мен каби
Гуноҳ айлаганлар ётибди қат-қат”.
У шундоқ деди-ю, узилди гапи.
- 58 Дедим: “Чакко, сенинг шул экан қисмат,
Ҳолингга боққанда эзилар қалбим
Ва лекин сен менга бир ҳолни англат:
- 61 Шаҳр аҳли не учун тарафкаш, ганим,
Оқибат не кечар ва ким эрур ҳақ,—
Низо боисин ҳам айтарсан балким?”
- 64 У деди: “Хунхорлик бўлгай муҳаққақ,
Оқибат ўрмонлик келгайдир ғолиб,
Ганимлар қувилгай, шармисор мутлақ.
- 67 Офтоб чиққанида уч бора балқиб,
Булар маҳв бўлғувси, улар қўзғаб бош —
Уларни қўллагай найрангбоз соҳиб.
- 70 Ғолибларга бўлгач шон, омад йўлдош,
Қаддин тиклашганин англашиб расо,
Мағлублар кўзидан оқизурлар ёш.
- 73 Икки тақводор бор, уларга аммо
Ҳеч ким қулоқ солмас. Очкўзлик, кибр,
Ҳасад — шу уч нарса доим бедаво”.
- 76 Сўзин адо қилиб тинди у дилгир,
Дедим: “Кулфатларнинг қаъридан бирпас
Марҳамат қил менга, аён эт, билдир:
- 79 Теггяйю, Фарината руҳи забардаст,
Диллари ҳамиша ростгўй ва комил,
Арриго, Моска ё Рустикуччи, бас,
- 82 Уларни кўрмоқни истайди кўнгил;
Қисмати не кечди, улар қаёнда?
Дўзахми, Жаннатга бўлганлар ноил?”

- 85 Деди: “Улар жойи баттар ёбонда,
Дўзахнинг теранроқ қабатыга бор,
Кўрасан уларни ўша томонда.
- 88 Лекин сенга сўнгги ўтинч айлай зор,
Одамларга эслат, улар сафида
Мен ҳам яшагандим, етказгил зинҳор”.
- 91 Зорлик зоҳир бўлди унинг афтида,
Тубанга энгашди, юздан қочди нур
Ва олди шўрликни замин забтига.
- 94 Устозим дедики: “Чалингунча сур,
Шундоқ ёгади у тупроққа ботиб,—
Маҳшарда бағрига олгай яна гўр.
- 97 Яна ўз ҳолига келгувси қайтиб,
Тепасида тургай даҳшатли ҳакам,
Самовот садосин тинглагай ётиб”.
- 100 Бақо борасида сўзлаб дамо-дам,
Турфа арвоҳлару ёмғир, сел аро
Икков сокингина ташлардик қадам.
- 103 Дедим: “Айтгил, устоз, амри таоло
Бу маҳкум қавмларни найлар оқибат,
Ортарми, камаяр уларга жазо?”
- 106 Деди: “Севган фанинг таъкидлар минбаъд:
Бўлган сайин олам — хилқат мукамал
Ортгувси роҳат ҳам, кулфат ҳам албат.
- 109 Мустаҳиқ бандалар эса ҳеч маҳал
Расо бўлолмагай ўзини таниб,
Тугалроқ бўлгувси қисмат нотугал”.
- 112 Икков кетар эдик шундоқ айланиб,
Суҳбат тафсилотин қилмайин тасвир,
Жарликнинг комида бизни шайланиб,
- 115 Плутос кутарди — балойи кабир.

ЕТТИНЧИ ҚЎШИҚ

Дўзахнинг тўртинчи доирасида посбонлик қилиб турган Плутос Дантени дағдаға билан қўрқитмоқчи бўлади. Лекин Вергилий Плутосни тинчитади ва исрофгарлар ҳамда зиқналар тортаётган жазони кўрсатмоқ учун мухлисини йўлга бошлайди. Маҳкумлар улкан тошларни кўкраклари билан суришиб, бир-бирларини булғалаб сўкиш билан овора. Шоирлар бойлик маъбудаси Фортуна ҳақида йўл-йўлакай сўзлашиб, бешинчи доирада — ғазабнок, ғажур инсонлар жазоланаётган Стикс бўйлаб сафарларини давом эттирадилар.

“Pape Satan, pape Satan, aleppe!” —
Қичқирди Плутос бўғилиб шундоқ.
Менга таскин бериб устоз дедики:

- 4 “Махлуқ бўлса ҳамки, нечоғ ваҳшийроқ,
Ҳадик олма сира, маслаҳатим шу,
Қай куч бўла олур бизга тўғаноқ!”
- 7 Устоз айлаб қолди махлуққа ружу:
“Бас қил, бас қил дейман, лаънати қашқир,
Ўз бошинг ўзинг е, солмагин қутқу.
- 10 Биз зулмат қаърига тушурмиз ҳозир,
Қосид Микоилни сизга босабот
Йўллаган Миръотнинг амри шу, ахир”.
- 13 Кема ҳавозаси қулаган заҳот
Ўралиб-буралиб тушгандай елкан,
Махлуқ ҳам бўшашиб қолди бесабот.
- 16 Дунё жирканчилиги жамулжам бўлган
Азоб соҳиллари узра ошиб йўл,
Тўртинчи қаватга тушдик шахт билан.

- 19 Ё ҳақ парвардигор, раббано одил!
Қайси гуноҳ учун бунча уқубат?!
Ақл бовар қилмас, азоб шунча мўл!
- 22 Харибда бағрида тўлқин сершиддат
Тўлқинга дуч келиб ортга қайтгандай,
Маҳкумлар айқашиб ётарди қат-қат.
- 25 Улар шунча кўпки, саноғи йўқдай;
Икки тўда келар бирдан рўбарў —
Харсанг жилдиришиб тўшда пайдар-пай.
- 28 Тўқнашиб қулашар, қайтиб сергулу:
“Йиғмоқ на ҳожат?” — деб бошлашар сурон,—
“Сарфиёт нечун?” — деб қилишар ҳай-ху.
- 31 Ним хира даврада айланиб гирён,
Ўтру келишарди нуқтада тағин,
Ҳолдан тойиб расо, сўкиниб чунон.
- 34 Тарафкаш тўдалар давраси ҳорғин
Қайта айланишга улгурмасданоқ,
Дедим устозимга дилтанг ва ғамгин:
- 37 “Кимдир анов тўда, хомуш, аламнок?
Бошин ялтиратиб қирган тепакал —
Наҳот руҳонийлар тўдаси нопок?”
- 40 Деди: “Рўпарангда турганлар мужмал,
Ҳушлари шу қадар бўлмиш норасо.
Сарфу харажатда ноқис, беамал.
- 43 Ўша хусусида гингшир доимо,
Рўбарў бўлишар ўкраб ҳар дафъа,
Бир-бирига ганим, бамисли бало.
- 46 Анов тепакаллар ўзгача жаҳдда,
Зиқналик бобида тенгсиз қурумсоқ
Кардинал бу ерда, бу ерда папа”.
- 49 Дедим: “Мановларнинг сафида шу чоқ
Таниш кимсалар ҳам бордир, эҳтимол,
Номларин булғаган иллат ўшандоқ?”

- 52 Деди: “Танимоғинг уларни маҳол,
Бемисл бад бўлмиш уларнинг суврат,
Таниб олмоққа ҳам ақлу зеҳн лол.
- 55 Улар тентирагай абадул-абад,
Гўридан тургайлар рўзи маҳшарда —
Бирови мушт тугиб, бири — кал талъат.
- 58 Кимки бедиёнат йиғса агарда
Ва ё этса исроф — маҳкум мутлақо.
Қолғувси шулардай ғамда, кадарда.
- 61 Боқ, ўғлим, нечоғ каж Фортуна — рўё,
У боис одамзод омад талашиб
Курашар бир-бирин егудай гўё.
- 64 Оламда жамики сийм-зарни ташиб,
Уйиб қўйсанг ҳамки, бамисли хирмон,
Булар нафси қонмас, ютоқур очиб”.
- 67 Дедим: “Соҳир устоз, айлагил аён,
Одамзод жиловин чангалда тутган
Ғолиб Фортунада қандай сир ниҳон?”
- 70 “О, шўрлик бандалар — аслин унутган,—
Устоз таскин ила айларди хитоб,—
Сизнинг фаросатни зулумот ютган.
- 73 Тангри аввал-бошдан қилмайин итоб,
Хилқатга йўллади расули раҳбон,
Нурин билвосита етказди шитоб,—
- 76 Баробар баҳраманд бўлсин деб жаҳон;
Дунё хайлининг-чи, жамики корин
Фортуна қўлига берди бегумон
- 79 Меъёрга солсин деб насиба борин,
Унинг ҳам маҳрида қисматдан жиҳат,
У тинглар иқболсиз авлодлар зорин.
- 82 У боис, забт этар элатни элат,
У ўз ҳунарини юритгай содиқ.
Илондай бекиниб иш кўрар фақат.

- 85 Фаҳмингиз ғарибдир қошида аниқ;
Ўзга расуллардай айлар у бажо,
Кўнглига не келса агар мувофиқ.
- 88 Ҳукмини юргизар толиқмай асло;
Уни шошилтирар муҳтожлик мудом,
Лутфи бир дақиқа айламас вафо.
- 91 Уни этарлар ҳам гоҳида бадном,
Мадҳу саноларга лойиқдир гарчанд,
Уни қарғайдилар беҳуда тамом.
- 94 У-чи, бепарводир, ўз иши-ла банд,
Ҳуштагини чалиб юраверар шод,
Тангрининг илк, эрка зотлари монанд.
- 97 Уқубат қаърига йўл оламиз бот;
Оғаётир таниш юлдузлар юксак,
Шошилмоқлик даркор!” — деди-ку устод.
- 100 Қабатни айланиб нарироқ ўтсак,
Оқиб ётар эди жилғалар қатор,
Ўзлари ўйишган жардан кечарак.
- 103 Сув эди қоп-қора, қуйқа, сермоғор.
Биз уни ёқалаб кетдик қуйироқ,
Ошиб ён багиру сўқмоқ хатаркор.
- 106 Стигий ботқоғи ичра тунд булоқ
Қайнаб тинар эди ва йўл соларди
Кул ранг қоя тошлар томон шошароқ,
- 109 Боқсам, нарироқда гирдоб қайнарди
Ва унда айқашиб ваҳший оломон
Балчиқ орасида бижғиб юрарди.
- 112 Юлқишар эдилар улар беомон,
Тўш уриб, қўл силкиб, тиз уриб пайваст —
Шўнғиб, ғажийман деб бир-бирин ёмон.
- 115 Устозим дедики: “Боққил шу нафас,
Ғазабга йўл берган банда бу бари,
Ҳатто сув тагида бижғийди бесас.

- 118 Талпиниб ётишар бўшлиқлар сари,
Оҳу надомати эса тубандан
Пуфакдай биқирлар, бетин, сарсари.
- 121 Улар шивирлашар ночор шу ваддан:
“Биз ёруғ дунёда тунд эдик буткул,
Яшадик қовоқни сира очмасдан.
- 124 Мана, тиқилганмиз балчиққа нуқул.
Улар хиргойиси шулдир бу айём,
Тавбаси бефойда, аҳволи мушкул”.
- 127 Юҳодек ботқоқни айланиб тамом,
Сайҳон, балчиқлардан йўл солиб шитоб,
Нохуш манзарадан, хулласи калом,
- 130 Келдик бир минора қошига шу тоб.



САККИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар ботқоқликни айланиб ўтишаётганда, уларнинг таширифидан хабар топган Флегий икковлон сайёҳни Дит шаҳрига ўтказиб қўймоқ учун қайиғи билан етиб келади. Улар кечувда Филиппо Аржентини учратадилар. Қопқага етиб боришганда, иблислар Дантени ичкарига ўтказмайдилар. Вергилий уларга гап уқтирмоқчи бўлади, аммо иблислар дарвозани бекитиб оладилар. Вергилий, бизнинг мададкоримиз тезликда етиб келади, дея Дантени юпатади.

Алқисса, минора қошига ночор
Мушкул йўллар босиб етдик икковлон,—
Мезана кўринди баланд, қиррадор.

- 4 Икки ўт ёнарди у ерда чандон,
Жавоб берган каби буларга ошкор,
Йироқда бошқа ўт бўлди намоён.
- 7 Устодга дедимки: “Эй ҳикматбардор,
Бу қандай ўт эрур, қандоқ аланга?
Учинчи ул ўтда қандай сеҳр бор?!”
- 10 Деди: “Тикилиб боқ йироқ туманга,
Ўшанда англайсан, оташин чароқ
Кимни чорлашини ўзи томонга”.
- 13 Бир қайиқ келарди биз сари ногоҳ,
Камон ўқи каби, йўқ, ундан баттар,
Учиб келарди бир шиддаткор арвоҳ.
- 16 Ёлғиз бир эшкакчи қайиқда сар-сар
Ҳайқириб келарди биз томон тинмай:
“Тушдингми қўлимга, осий?!”— деб бесар.

- 19 Йўлбошчим сўз қотди пинагин бузмай:
“Флегий, беҳуда кўтарма ғавғо,
Бир зумлик ҳожатга дод солма, ҳай-ҳай”.
- 22 Кимдир лақиллатиб кетганин расо
Эшитган кимсадай Флегий шу дам
Жунбушга кирди-ку, қараши бежо.
- 25 Қайиққа ўтирди устод муҳтарам,
Ортидан мен чиқдим, ўшанда бир оз
Қайиқ вазминлашди, валлоҳи аъзам!
- 28 Ўрнашдик кемага икков сарафроз
Ва кўҳна бу қайиқ елди илгари,
Ёриб тўлқинларни кетдик шу алфоз.
- 31 Беҳаёт наҳр узра сузардик нари,
Бир кимса дедики (беланган лойга),
“Кимсан, куни битмай келган биз сари?”
- 34 “Йўлчиман, муваққат,— дедим,— бу жойда,
Лекин ўзинг кимсан, бу қадар бадҳол?”
Деди: “Куним ўтар доим дод-войда!”
- 37 “Йиғлайвер,— дедим мен,— йиғла, бемалол,
Ифлоссан, кимлигинг қилолдим идрок —
Арвоҳсан лаънати, мангу шунда қол”.
- 40 У қўлин қайиққа узатди шу чоқ,
Устоз даф айлади лекин уриб зарб:
“Кет чиққан уйингга, кўппаксан шаккок!”
- 43 Устоз лутф айлади мени қучоқлаб:
“Нечоғ ҳимматлидир суронли ул руҳ —
Дунёга келтирган сени ёрлақаб.
- 46 Мағрур эди манов, лекин бешуқуҳ,
Одамлар бермаган унга зарра дил,
Мана, жазо тортар, кўру кар, мажруҳ.
- 49 Ҳозир ҳукми жорий кўп шоҳлар ҳам, бил,
Қолдириб ўзидан шармисор бир ном
Шу жойга келурлар, тўнғиздай сабил”.

- 52 Дедим: “Имкон бўлса, устоз, шу айём
Кўрсайдим мен унинг чорасиз ҳолин,
Ботқоққа ғарқ бўлиб кетишин тамом”.
- 55 Деди: “Ўтайлик-чи йўлнинг давомин,
Сенга насиб қилар у шод дақиқа,
Тўйиб кўражаксан унинг заволин”.
- 58 Ўша он арвоҳнинг устига лиққа —
Оломон ёприлди, тангрига шукр,
Гувоҳ бўлдим мен ҳам бу кўргуликка.
- 61 “Ушла Аржентини!” — оломон ёвқур
Уни ўраб олди, у-чи, дарғазаб —
Ўз-ўзин тирнарди аламдан мажбур.
- 64 Даф бўлди, у ҳақда ўтирмам сўзлаб,
Эшитилиб қолди йироқдан оҳ-дод,—
Нигоҳ югуртирдим у ёнга қараб.
- 67 “Ўғлим, — деб лутф этди муҳтарам устод,—
Шаҳри Дитга келдик, бу ерда маҳқум
Кимки умр кўрган бўлса тунд, ношод”.
- 70 Дедим: “Работни ҳам этолдим мавҳум,
Қирмизи масжидлар бўй чўзган кўкка,
Ўтда пешлангандай товланар ҳар зум”.
- 73 Деди: “Мангу ўт бу, отилар тикка,
Шундан қирмиз бўлар минорлар юксак,—
Рўбарў бўлдинг сен пастки томуққа”.
- 76 Қиялик хандаққа кемани бурсак,
Зулматли пўртана бўлди намоён,
Бамисли чўяндай тегра-теварак.
- 79 Тубанга тушгунча айландик гирён,
Бўтана баҳрнинг бу тунд хўжаси
Қичқирди: “Тушинглар, тушинглар чаққон!”
- 82 Қопқанинг қошида арвоҳ тўдаси
Соқчига гап сўқди мени кўрсатиб:
“Манов ким? Қандай зот? Кимнинг шарпаси?”

- 85 Тирик зот бу ерда найлар адашиб?”
Устозим уларга айлаб ишора,
Ташрифим боисин айтди сир очиб.
- 88 Ғазабин ютишиб, топмайин чора,—
Дедилар: “Бу ерга кир ўзинг танҳо,
Қайтариб юборгин уни дубора.
- 91 Бемаъни сафарин айласин адо,
Ёлғиз кетаверсин, ўзинг бунда қол,
Топсин у ўзига бошқа раҳнамо”.
- 94 Нафратли сўзларни эшитиб беҳол,
Билсайдинг, ўқувчим, тушдим ваҳмга,
Қайтиб кетиш йўлин топмоғим маҳол.
- 97 Дедим: “О, устозим, келгин раҳмга,
Мени ҳар балодан ўтказдинг омон,
Мадакдор бўлгандинг доим руҳимга,—
- 100 Ёлғиз қўйма мени ушбу қўрқинч он,
Бизга бу шаҳарнинг дарвозаси берк,
Қайтайлик, яхшиси, орқага томон”.
- 103 Валломат ҳамроҳим сўз бошлади тек:
“Бизнинг йўлимизни тўсмоқлик душвор,
Йўруқ шундоқ бўлган, ҳайиқма ва лек,—
- 106 Шу ерда кут мени, умид бўлсин ёр,
Зимистон қаърида бундан бу ён ҳам
Ўзим бўлажакман дўст, ҳожатбарор”.
- 109 Пири забардастим йўл солди илдам,
Қолдим ўзим танҳо, шубҳалар ичра,—
Нима бўлар экан оқибат?! Мубҳам!
- 112 Эшита олмасдим сўзларин сира
Ва лекин у билан сўзлашиб бот-бот
Ғанимлар кетарди ичкари кира.
- 115 Устознинг қошида, гумбурлаб, ҳайҳот,
Темир дарвозалар қолди ёпилиб,
Ҳорғин қайтиб келди ортига у зот.

- 118 Нигоҳи ғуссали, маъюс, букилиб,
Устоз шивирлади: “Қайси ҳукми бад
Менга бу қалъани қўймиш ман қилиб?!”
- 121 У менга юз бурди: “Мен маъюс гарчанд,
Лекин сен чўчима, бу бора ҳам боқ,
Уларнинг бандини айларман парканд.
- 124 Уларнинг қилиғи таниш-ку, бироқ,
Ташқи қопқада ҳам кўрганмиз аввал,—
Қутқу, дағдағасин — бундан баттароқ,
- 127 Эсингдами ўшал лавҳа марг, ажал;
Ўша юксакликдан бизнинг мададкор
Келмоқдадир аниқ биз томон жадал.
- 130 Қўрғон қопқасини очар у саркор”.



ТЎҶҚИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Данте қўрқув ва ваҳима билан Вергилийдан аввал ҳам бу йўлдан ўтган-ўтмаганлигини сўрайди. Вергилий эса бу йўлдан қачон ва қандай қилиб ўтганлигини гапириб беради. Дафъатан қасоскор илоҳалар пайдо бўлиб, шоирларга таҳдид қила бошлайдилар. Вергилий Дантени ҳимоясига олади. Шу аснода само элчиси ҳам етиб келиб, шоирларга шаҳар дарвозасини очади. Ичкарида аҳли бидъат, осийлар сағаналарда Дўзах оловига чулганиб ётган бўлади.

Ҳамроҳим мен томон бурилган заҳот,
Боқиб юзимдаги қўрқув, ҳадикка
Ўзни тутиб олди тетик, серсабот.

- 4 Мени тинглар эди боққанча тикка —
Йироқ-йироқдаги зулматли маъво
Ва бурқсаб тутаган чўнг ботқоқликка.
- 7 У деди: “Музаффар ўлғаймиз, илло,
Мадад ҳамшираси бўлмагай заиф,
Қайдасан, соҳира, эй дафъи бало?!”
- 10 Устоз гапин тинглаб, бўлдимки воқиф,
Сўзлари паришон, калом тумтароқ,
Ҳариф сўзлар эди у лутфи зариф.
- 13 Жасоратим тугаб бўлардим адоқ
Ва ўшал калому ўшал илтифот
Менга туюлганди баттар қўрқинчроқ:
- 16 “Ғуссали юҳога, айлаб сайрбод,
Дастлабки қабатга биз кўрган нукул
Нияти барбодлар тушарми, устод?”

- 19 Шундоқ сўз қотгандим жавоб қилди у:
“Мен ўтган йўллардан жуда камчил зот
Бу жойга етолган, топа олган йўл.
- 22 Бир бора ўтгандим мен ҳам рўйирост,
Чақириб олувчи вужудга жонни
Жодугар Эрихто қаргаганда бот
- 25 Ва руҳим тарк этган заҳоти танни,—
Яхудо сарҳадин қули-ла, ниҳон,—
Ўтгандим бу саддин топиб имконни.
- 28 Барча қабатлардан кўра зимистон
Чархнинг ҳалқасига етганман бориб,—
Бекор ташвиш тортма, йўл менга аён.
- 31 У теран қабатда гирдоб айланиб,
Пўртана қайнайди бадбўй, серзуғум,
Бизга зарб бермоқчи бўлар шайланиб”.
- 34 Унинг барча гапи эсда йўқ шу зум;
Юксак-юксакдаги алвон қасрга
Ўша он тушди-ку ҳасратли кўзим.
- 37 Ундан уч ёсуман солиб қасирға —
Учиб келар эди, ваҳмаш рухсор
Ҳам яшил аждаҳо — чулғанган бирга.
- 40 Аёлсифат эди бу уч қасоскор,
Лекин зулфу кокил ўрнида бадхў
Саҳро илонлари ўралган қатор.
- 43 Зулмат маликасин чўрилари бу,
Уларни устозим этди-ю раҳм,
Дедики: “Дарғазаб Эринийлар-ку.
- 46 Манов Тисифона — ўртада, лаим,
Сўлдаги Мегера, ўнгда Аленто —
Ўкраб келаётир”. Устоз қолди жим.
- 49 Улар ўз-ўзини тирнашиб расо,
Ғалаён соларди тинмай қийқириб,—
Устознинг пинжига кирдим шу асно.

- 52 “Медуза қаёнда? Қолсин тош қотиб;
Афсус, Тезейдан биз олмадик қасос”.
Улар шундоқ дерди тубанга боқиб.
- 55 “Кўзингни юмгилу ортга бурил боз,
Горгонага кўзинг тушмасин ногоҳ,
Йўқса тош қотгайсан!” — Шундай деб устоз,
- 58 Мени бу балодан қилди-ю огоҳ,
Ўзи кўзларимни ёпиб дафъатан,
Орқага қайтарди, паналаб, биллоҳ.
- 61 О, хушёр оқиллар, боқингиз, зотан
Менинг бу ғалати ашъорим аро
Англаб олажаксиз бир ўгит ростдан.
- 64 Иккала қирғоқни титратиб расо,
Атроф-теваракка солиб қатагон,
Ўкириб келарди қандайдир бало.
- 67 Шундоқ даҳшат солиб бетийиқ тўфон
Чирпираб қуюндай ташланса агар,
Унга сарҳад бўлмас, йўқ балогардон.
- 70 Шоху шаббаларни қайириб ташлар,
Итқитар, кўпорар дуч келса неки,
Ҳайвон ҳам, чўбон ҳам унга баробар.
- 73 Устоз кўзларимни очиб дедики:
“Бурқсаган қадимий кўпиклар узра
Сим-сиёҳ жойга боқ, йўқ учи-чеки”.
- 76 Илонни кўрганда аҳволи тийра
Ночор қурбақалар турли томонга
Жонини ҳовучлаб қочгандай гурра,—
- 79 Кўзим тушди шундоқ бир оломонга!
Стикс суви узра чопарди жадал,
Елгандай бамисли ўтлоқ — ёбонда.
- 82 Қўлини шахт билан силкитиб ҳар гал
Елимдай тутунни қоларди ҳайдаб,
Фақат тутун уни қийнарди сал-пал.

- 85 Само элчиси у, ололдим пайқаб;
Устозим ишора қилдики, энди
Турмоқ лозим экан жим, сукут сақлаб.
- 88 Зимистон қаъридан у гувлаб инди,
Қопқаннинг қошига келди-ю шартга,
Дарвозани очди ва бир зум тинди.
- 91 Гулдураб, сўз бошлаб қолди шу пайтда;
“О, само қаҳрига учраган авлод,
Ўжарлик қиласан, қандай ниятда?
- 94 Ҳосил бўлармикан бирорта мурод,
Олий хилқат билан ўйнашмоқ нега?!
Фақат гуноҳингиз ортар бенажот!
- 97 Нечун ўзни урмоқ қисмат қаҳрига?!
Сизнинг Церберингиз, эсласангиз гар,
Роса ишқаланди тумшуғи ерга”.
- 100 Кетди у сўзини айлаб мухтасар;
Деёлди ва лекин на сўз, на калом
Ва на парво қилди бизга бир қадар.
- 103 Кетди у; бизлар-чи, тетик батамом,
Муқаддас каломдан олиб куч-қувват,
Йўл олдик дарвоза томон шу айём.
- 106 Кирдик ичкарига билмай сира ҳад,
Мен-чи, маҳкумларнинг ҳолин кўрай деб,—
Атрофга кўз ташлаб борардим фақат.
- 109 Нигоҳ югуртирдим ичкари боқиб,
Кимсасиз мазгилни илғадим, лекин
Ҳасрат гуркурарди юракни ёқиб.
- 112 Рона бўйидаги Арле деймикин,
Итаъ дарвозасин ювган Карпаро —
Ёнидаги шаҳри Поль каби мискин.
- 115 Турардик саноқсиз дахмалар аро,
Улар юксалганди қат-қат — мутаббақ.
Инграш, оху фарёд тинмасди аммо.

- 118 Теграда ловиллаб оташ — мисли барқ
Ёндириб, куйдириб ётарди лов-лов.
Темирни ҳам бундоқ пешламаслар, ҳақ.
- 121 Мозорлар турарди очиқ, беаёв —
Уқубат ичида қайси бир ғариб
Додлаб ётганини пайқардинг дарров.
- 124 Дедим устозимга кўнглимни ёриб:
“Ушбу мозорларда ким чекар кулфат,
Нечун инграшади бари ёлбориб?!”
- 127 Устозим дедики: “Бу ерда бидъат,
Куфрга берилган бандалар бари,
Ётганлар барчаси кофирдир минбаъд.
- 130 Гуноҳига кўра қатор сафлари,
Оташ ҳам куйдирар шунга яраша”.
Устоз йўл бошлади ўнг қанот сари.
- 133 Кетдик азоб саҳни ва қаср оша.



ЎНИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар сағаналар оралаб кезиб юришганда Данте маҳкумларнинг баъзилари билан суҳбатлашиш истаги борлигини Вергилийга баён қилади. Шу орада маҳкумлардан бири Дантени чорлаб қолади. Бу — Фарината дельи Уберти. Данте у билан суҳбатлашиб турганда Кавальканте Кавальканти исмли бошқа бир маҳкум шоирга мурожаат этиб, ундан ўғлини суриштиради. Данте унинг саволига қисман жавоб бергач, Фарината билан узилиб қолган суҳбатини давом эттиради. Фарината Дантенинг сургун бўлажagini башорат қилади ҳамда марҳумлар ёруғ дунё ҳодисаларидан нечоғли хабардор бўлишлари ҳақида гапирди.

Турфа сўқмоқ бўйлаб, работлар ошиб,
Ҳасратли маъвода қадам-бақадам —
Устознинг ортидан кетдим эргашиб.

- 4 Дедим: “Қабатлардан қабатга шахдам
Мени элтаётган устоз бузруквор,
Жавоб бер сўзимга ва айла карам.
- 7 Бу оташ заминда маҳкум, хору зор.
Ётган кимсаларни кўрсак босавоб —
Йўқдир посбони ҳам, очиқдир мозор”,
- 10 Деди: “Маҳшар чоғи, саҳродан у тоб
Ўз шаклига кириб қайтурлар яна
Ва шунда бекилур мозорлар шитоб.
- 13 Диндан қайтганларга бу жой сағана,
Эпикур ва унга бўлганлар йўлдош
Мангу маҳв бўлгайлар бежон, бетана.

- 16 Бу ерда сен учун бордир суҳбатдош,
Сўроғимга жавоб бергай, ҳайтовур,
У сенинг қалбингга ниҳоний сирдош”.
- 19 Дедим: “О, йўлбошчим, ҳиммати зоҳир,
Барча йўригингга айлаб риоят,
Сўзларинг қилурман қалбимга муҳр”.
- 22 “Эй, шаҳри оташда жонзот сертоқат,
Хоксор, камтарин, камсуқум мардум,
Кел менинг қошимга, айлаб иноят.
- 25 Лаҳжаю шевангни тингладим шу зум,
Ҳойнаҳой, юртимда топгансан камол,
Ўтказгандим юртга балки кўп зуғум”.
- 28 Ёнимдаги ўша қабрдан, филҳол,
Шундайин хитобни эшитдим, ё раб!
Устозга биқиндим қўрқув ичра, лол.
- 31 Устозим дедики: “Кўрқма, боқ қараб,
Бўй кўрсатган сенга Фарината бу,
Ярим танаси-ла аён, муқарраб”.
- 34 Тикилиб турардим энди рўбарў,
Қоматин ғоз тутиб, Дўзахни гўё
Истеҳзоси билан ёритарди у!
- 37 Устоз мени бошлаб оташ, чўғ аро,
Хавфсизроқ заминга элтди ўша чоқ
Ва деди: “Сўзлашгил очиқ, ошкоро”.
- 40 Сағана қошига қўйгандим оёқ,
Мурда кўзларида чақнаб қатъият:
“Кимнинг авлодисан?” — деб берди сўроқ.
- 43 Устоз гапларига айлаб итоат,
Зотимни айловдим ошкора баён,—
Мурда қарашида ёнди жиддият.
- 46 Деди: “Фанимимдир сизнинг хонадон,
Муҳибларимга ҳам эрурсиз рақиб,
Сизни мен енгганман икки бор чандон”.

- 49 Дарҳол дедим: “Гарчи бўлса-да таъқиб,
Улар қайтиб келди ортига тагин,—
Қавминг бу борада беиқбол, ғариб”.
- 52 Шу асно қабрдан бир арвоҳ бетин
Ияк чўзиб аранг ташлади назар,
Ерпарчин ҳолида тиз чўкиб, ҳоргин.
- 55 Кўз ташлаб атрофга, боқиб сарбасар,
Кимнидир ахтарди, жавдираб шўрлик,
Лекин умид сўниб, ингради баттар.
- 58 Деди: “Даҳо сабаб — келибсан тирик,
Унда, айт-чи, менинг ўғлим қаёнда,
Нега ёнингда йўқ, келмади нечук?”
- 61 “Ўзимча келмадим, — дедим бу ёнга,—
Устодим йўл бошлар; сизнинг Гвидо
Уни тан олмаган эди жаҳонда”.
- 64 Ҳоли алфози-ю, тортмиши жазо
Менга англатганди кимлигин дарров,
Жавоб этдим ошкор, не бўлса раво.
- 67 Жунбушга кирди у ҳасратда лов-лов:
“Тан олмаганмиди? Эзгу нур наҳот
Ёритмаган унинг чашмини бирров?!”
- 70 Сукутда турганим кўргани заҳот
Унинг саси чиқмай қолди бутунлай,
Сўнг кўздан йўқолди ва бўлди барбод.
- 73 Мени мулоқотга чорлаган атай
У мағрур зот эса турар эди жим,
Ҳеч не кўрмагандай, пинагин бузмай.
- 76 У яна суҳбатни бошлаб айтдиким:
“Мен учун қавмимнинг чорасиз ҳоли
Дўзах азобидан баттар ғам балким.
- 79 Эллик бор кўринмай ойнанинг жамоли —
Бошинга иш тушар, англарсан тамом —
Қанчалар мушкулдир зафар аъмоли.

- 82 Ёруғ дунё сари қилурсан хиром,
Лекин айт, сизларнинг райъу риоя
Нечун қавларимни таҳқирлар мудом?”
- 85 Дедим: “Талон бўлган ўша Арбия —
Харобот, қон учун бу тавқи лаънат.
Черковда шундақа талқин, ривоя”.
- 88 У оғир энтикди, қалбида ҳасрат —
Деди: “Жанггоҳда мен эмасдим якка,
Ким чиққан бесабаб ёхуд беният?!”
- 91 Флоренциянинг аммо кулини кўкка
Совурмоқчи бўлган чоғида ғаним
Бир ўзим чиққанман майдонга тикка”.
- 94 Дедим: “То наслингиз омон топсинким,
На эрур, айтингиз, чора ва усул,
Уҳдасин тополмай чувалган ақлим.
- 97 Сизга аён эрур келажак буткул,
Фаҳмимча, барчасин кўрурсиз порлоқ,
Ҳозир безовтароқ боқасиз нуқул”.
- 100 Деди: “Олис манзил бизга аёнроқ,
Баъзи кўзи ўткир инсонларсимон
Бизга шу хислатни берган беҳтарроқ.
- 103 Не мавжуд ва нени яратгай замон —
Бизга қоронғидир. Тириклик сасин
Фановий хабарлар англатар аён.
- 106 Фаҳмларсан ўзинг ҳам бунинг барчасин
Ёпилган заҳоти қопқаи ҳаёт, —
Не билсак — биз учун бўлар чилпарчин”.
- 109 Изтироб ичра мен хитоб қилдим бот:
“Анов хароб зотни айлангиз огоҳ,
Унинг ўғли ҳали тирик, барҳаёт.
- 112 Саволига жавоб қилмовдим, валлоҳ,
Шубҳа, гумондайди фикр ила таъб,
Бари аён бўлди энди баногоҳ”.

- 115 Устозим турарди чақириб, чорлаб,—
Арвоҳга узр айтиб, сўз қотдим яна:
“Бу жойда сен билан кимлар бор, ажаб?”
- 118 У деди: “Туман минг ушбу ўпқонда,
Федерик иккинчи, ҳамда Кардинал,
Шуларни санадим, очиқ айтганда”.
- 121 У ниҳон бўлганди. Қадамим жадал —
Шоири мозийга шошилдим ноҳос,
Жумбоқ у жавобни этмоқ учун ҳал.
- 124 Кетиб борар эдик, сўз қотди устоз:
“Нечук безовтасан? Сезяпман ахир”.
Унга эшитганим айтдим рўйирост.
- 127 Деди: “Эшитганинг ёзмиш ва тақдир,
Қисмат азалингдир, сир сақла шаксиз”,
Сўнг деди: “Унутма лекин бари бир,—
- 130 Назар қилган чоғи диловар у кўз
Англарсан қисматнинг энг тўғри роҳин,
Келажак йиллар рост кўрсатгувси юз”.
- 133 Сўнг сўлга йўл солди устозим сокин,
Йўлимиз бурилди девордан нишаб —
Жарликка — қабатнинг тубига яқин.
- 134 Бадбўй, қўланса ҳид келарди бурқсаб.



ЎН БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар еттинчи доира тепасига бориб етадилар. Пастликдан бадбўй, қўланса бир ҳид бурқсаб туради. Ҳидга тоқат қилолмаган шоирлар сал бўлса ҳам кўникмоқ учун папа Анастасий сағанаси ортига бекинишга мажбур бўладилар. Вергилий Дантега доира қабатларини тушунтиради ва суд-хўрлик, балохўрлик парвардигор иродасига номувофиқ эканини англатади. Сўнгра улар сўқмоқ бўйлаб пастликка эниб кетадилар.

Хандақнинг четига келдик яқинлаб,
Қоялар — тўшига қўйган чоғ қадам —
Ўпирилиб кетарди баттар шовқинлаб.

- 4 Жарликнинг тубидан биз сари ҳар дам
Бурқсаб келар эди бир ҳид — қўланса,
Сағана ортига бекиндик шахдам.
- 7 Лавҳа битилганди у ерда эса:
“Папа Анастасий бу жойда маҳкум,
Фотинадан кейин адашган кимса”.
- 10 “Қияга тушмоққа ошиқма бир зум,
Димоқ бадбўй ҳидга кўниксин сал-пал,
Сўнгра билинмагай”, — деди устозим.
- 13 Дедим: “Беҳудага ўтар фурсат, гал,
Бирор не сўйлагин, лутф этиб, қани”.
Деди: “Ниятим шул менинг ҳам, тугал”.
- 16 “Ўғлим, — сўз бошлади устоз сермаъни,—
Чоғроқ уч қабатни кўрарсан ҳозир,
Улар эслатади учта зинани.

- 19 Лаънати арвоҳлар у ерда бижғир;
Фақат нигоҳ ташлаб ўтмоғинг учун
Айлайин уларнинг кўфрини зоҳир:
- 22 Самога зид бўлган ёвузлик ва кин,
Адоват — муроди — ёлгон ва ўтрик;
Фириб, куч — уларнинг яроғи бутун.
- 25 Фириб, иллат экан инсонга шерик,
Яратганга эса буткул бегона.
Шу сабаб тангрининг ғазаби буюк.
- 28 Илк қабат — жабру зулм аҳлига хона,
Учга бўлинади унинг ўзи ҳам,
Шунинг-чун уч хилдир шаклу остона.
- 31 Холиққа етказар озор ва ситам
Ва ҳам бандасига койиш ва кулфат.
Кўрсанг ишонарсан ўзинг мусаллам.
- 34 Ҳар бири топади кулфат оқибат:
Ўлим ё жароҳат, қувғин ё сургун,—
Ўғирлик, ўт қўйиш усули фақат.
- 37 Зоҳир минтақада қотил, аҳли хун,
Ўғри, йўлтўсару қароқчи — бари
Саф-басаф бўлиниб тентирар бетин.
- 40 Ит қавмида кетган бул баъзилари,
Қасд қилган ўзига, савоби абас.
Кўз ташлагин ўрта минтақа сари:
- 43 У ерда жамики ношукур, нокас.
Қиморбоз, исрофгар олган йигилиб,
Йўқотган ўзлигин, оқибати паст.
- 46 Койиш етказарлар тангрига нолиб,
Диллари эгридир уларнинг тамом,
Яратганни мудом юрарлар яниб.
- 49 Минтақа ортида Каорсо, Содом —
Балоҳўрлар аҳли ўтда чекар оҳ,
Ёнар шикоятчи осийлар бадном.

- 52 Фирибдан ҳамма ҳам хабардор, огоҳ,
Лаққа тушганга у келтирар бало,
Ишонмаганга ҳам қазгусидир чоҳ.
- 55 Сўнгиси меҳр ипин узар мутлақо,
Узар муҳаббатнинг ишонч риштасин,
Иккинчи қаватнинг азоби аммо —
- 58 Чулғаган риёкор, очкўз ҳаммасин,—
Алдамчи, ҳийлагар ё банди мансаб,
Қўшмачи, сохтакор, қаллоб галасин.
- 61 Меҳр ипи узилса оқибат сабаб,
Ишонч, имонга ҳам еткуси путур,
Барҳам топар дўстлик, ҳар эзгу матлаб.
- 64 Дитнинг тахти турган энг теран чуқур —
Олам туби бўлмиш энг пастки қабат —
Сотқинлар аҳлини мангуга ютур”.
- 67 Дедимки: “Устозим, лутф айлаб ғоят,
Жаҳаннам қаърини этдинг ифода,
Маҳкумлар ҳаққинда қилдинг ҳикоят.
- 70 Лекин бандилар бор балчиқ юҳода,
Уларни савалар ёмғир ва қуюн,
Ҳаққин талаб қилар букиб ирода,—
- 73 Бу қирмиз қалъага кирмаган нечун,
Ҳолбуки, ғазабга бўлмишлар дучор?
Сабабин айтиб бер бу ҳолнинг бутун”.
- 76 У деди: “Ҳақ йўлдан қайтдинг-ку зинҳор,
Фикрингда ғалатлик бўлибди содир?
Ақлинг фаромушдур ҳамда беқарор.
- 79 Ахлоқ китобида ёзилган ахир,
Уч нарса фалакка буткул нораво,
Наҳот эслолмассан уларни ҳозир:
- 82 Енгилтаклик ва кек, пастлик — уч бало;
Тангри таолонинг қошида зинҳор
Енгилтакнинг ҳоли эмасдир авло.

- 85 Тафаккур айлагач бу ҳолни такрор,
Эслагач маҳкумлар сафларин қайта —
Ким ичда бандию, ким ташда абгор,—
- 88 Англарсан, не учун улар ҳар қайда,
Уларни иккига ажратмиш тангри,
Азоб ҳам бир қадар енгил у жойда”.
- 91 “О, ақлу зеҳннинг нури, сарвари,
Сенинг ўғитларинг тинглаб тобора
Таважжуҳим ошар ҳикматлар сари.
- 94 Марҳамат айла-ю англат дубора:
Нечун порахўру балохўр зоти
Тангрининг қошида энг паст, энг қора?”
- 97 Деди: “Кимнингки бор сабоқ саботи,
Файласуф неча бор унга уқтирган:
Хилқатнинг бошида аввал ижоди —
- 100 Ҳикмат ва илоҳа санъати турган;
Улуми зоҳирни варақласанг гар
Шу сўзлар чалинар кўзингга бирдан:
- 103 Санъат табиатга доим эргашар,
Шогирди мисоли борар изма-из.
У ҳам илоҳийдир асли бир қадар.
- 106 “Инжил” авроқидан уққансан шаксиз:
Ҳар икки жиҳатга тангри таоло
Яшаш ва яшнашни буюрган шаксиз.
- 109 Балохўр-чи, озган йўлидан, расво,
На хилқат, санъатни менсимас ҳеч бир,
У ўзга йўлларни излар доимо.
- 112 Фурсат ўтиб борар, қани энди юр;
Ҳут юлдузи бўлди машриқда пайдо,
Етти оғайни гарб-шимолда турур,
- 115 Йўлимиз олисдир тубангача то”.

ЎН ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар Минотавр-Гавомардни ғазабидан тушириб, ўз яқин кишиларининг мол-мулки ва ҳаётига кўз олайтиргани учун қайноқ хун дарёда жазо тортаётган зўравонлар қавмини бориб кўрадилар. Бир тўда кентавр қўлида ўқ-ёй тутган ҳолда маҳкумларни қамалда ушлаб туради. Кентаврлардан баъзилари шоирларга таҳдид қилади. Лекин Вергилий уларни ҳам тинчитади. Ҳатто бир кентавр Дантени нариги қирғоққа ўтказиб ҳам кўяди. Данте ундан бу жойларнинг тафсилотини ва жазога мустаҳиқ бўлган ҳукмдорларнинг номларини билиб олади.

Томуғнинг тубига элтгувчи жарлик
Жуда даҳшат эди ҳамда хатарнок,
Ҳар қандай кимсани ҳам чўчитарлик.

- 4 Зилзилали кўчкин туфайли андоқ
Тренто шаҳрининг паст томонида
Адич соҳилига қулаганди тоғ.
- 7 Ғадир-будур ўша харсанг комида
Пастга тушмоқ бўлса агар халойиқ,
Юрарди тошларнинг қирра томида.
- 10 Бу зулмат маъво ҳам ўша жой янглик;
Қияликда эса ётарди найнов —
Аҳли критликнинг исноди — махлуқ.
- 13 Минотавр — гавомард — ярим одам, гов,
Бизни кўрган заҳот бошдан учиб ҳуш,
Ғажий бошлаганди ўзини дарров.
- 16 Устоз деди: “Жининг қўзидими, хўш?
Афина ворисин ёнига олиб —
Келди, деб ўйларсан, балки хасм куш?

- 19 Ҳамроҳим синглинга эмасдир жониб,
Ундан ҳийла дарсин олмаган, фақат
Кўз ташлар ҳолингга, нари тур бориб”.
- 22 Болтадан зарб еган буқа жон ҳолат
Арқонин узишга уриниб, аммо
Типирлаб ётгандай беҳол, бетоқат,
- 25 Гавомард ҳам тушди шу ҳолга гўё;
Зийрак устоз менга айлади хитоб:
“Югур тез! Пайқамас махлуқ мутлақо!”
- 28 Қиялик томонга йўл солдик шу тоб,
Ваҳима кўпарди қўйган чоғ қадам:
Ўприлиб кетгудай эди тош, нишаб.
- 31 Хаёлга фарқ бўлиб борардим илдам
Устозим сўз қотди: “Босдими ҳайрат,—
Жим қотган махлуққа қараб дамо-дам?”
- 34 Илк бора Дўзахга келганим фурсат,
Бу ерда йўқ эди ҳеч қандайин роҳ,
Ҳар ён бундан баттар тош эди фақат.
- 37 Дитга маҳбус бўлмиш зотларни, биллоҳ,
Озод этай дея келди халоскор.
Қадам қўйганида у буюк салоҳ
- 40 Титраб кетган эди зулматли диёр;
Фаҳм этдим, нурига чулғанди жаҳон,
Шундоқ бўлган ҳазрат истаги бисёр.
- 43 Ҳақ меҳри туфайли — Мавҳумот ҳар ён,
Ўшанда бу қоя бўлган чилпарчин,
Бошқа қоялар ҳам бўлганди пайҳон.
- 46 Лекин назар солгин, теграда тошқин
Хун дарё оқмоқда, комида ёнар —
Кимки бандасига ўтқазган заҳмин”.
- 49 О, жоҳил кин, ғазаб, о, ҳасад кўр-кар!
Фоний умримизда эзғилаб, сўнгра
Жаҳаннам ичра ҳам қийнарсиз баттар.

- 52 Кўрдимки, ёймисол эгилган ўра
Сайхонлик теграсин қамраган буткул.
Устоз айтганидан фарқи йўқ сира.
- 55 Ўлжа қувиш билан бўлишиб машғул —
Одам бошли отлар ҳад аро саф-саф —
Заминда кезгандай чопишар нукул.
- 58 Бизларни кўришгач қотишди қараб,
Учови бўлса-чи келди яқинроқ
Биз сари, камонин шайлаб ва ростлаб.
- 61 Бири хитоб қилди, чиқиб олдинроқ:
“Ким сизни бу ёнга йўллади, айтинг,
Йўқса ўқ узаман, қўзғалманг мутлоқ”.
- 64 Устоз деди унга: “Бу нечук ваҳминг,
Биз фақат Хиронга берурмиз ҳисоб,
Қизиққон эдинг сен аввалу аслинг”.
- 67 Устоз менга деди: “Турган бу хуноб —
Деянира учун ўлдирилган Несс,
Ўлаётиб қасос ололган камёб.
- 70 Бошин эгиб турган бир ёнда шу кез
Ахилл отабеги — Хирон улуғвор;
Учинчиси Фолдир — шаддод, раҳмсиз.
- 73 Улар дарё узра юрар саф-қатор,
Кимки қонли мавжга берар бўлса чап,
Канорадан туриб камондан отар”.
- 76 Юрдик кентаврлар тўдаси тараф,
Турарди ўртада азамат Хирон,
Камон ўқи билан мўйловин бураб.
- 79 Дўрдоқ лабларини кериб шу замон
Деди ўзгаларга: “Манов мусофир,
Қадам босганида тош кўчар осон.
- 82 Арвоҳ қадам босмас бундайин ҳеч бир”.
Жуссаси ғаройиб зот сари устод
Яқинлаб борди-ю, сўз қотиб, охир

- 85 Деди: “Тирикдир у, чиндин у ҳаёт!
Бу зулмат маъвода мен унга раҳбон,
Бекор келмагандир, боиси — нажот.
- 88 “Ҳамд-сано” маҳали энг олий тобон
Берган фармойишни айлагум ижро;
Мен бадхулқ, у ўғри эмас ҳеч қачон.
- 91 Менга насиб бўлиб амри таоло,
Хатарнок сафарга чиқдим шу сабаб.
Бирингиз йўл бошланг, шулдир муддао.
- 94 Олинг йўлдошимни елкага жойлаб,
Саёзроқ кечувдан бошлангиз фақат —
Арвоҳ эмасдир бу, учса ҳаволаб”.
- 97 Ўнг томон бурилиб Хирон шу фурсат,
Нессга ўтинч қилди: “Бора қол, боргил,
Ҳайдаб сол, гар кимки учраса тўсат”.
- 100 Йўл солдик соҳиллар ёқалаб дадил,
Қайноқ дарёда-чи маҳкумлар ўкраб —
Азоб чекар эди қоврилиб сабил.
- 103 Манглайгача ботган баъзилар, ёраб,
Кентавр дедик: “Шоҳлар бу бари,
Ётарлар — наинки нафсу хун сабаб:
- 106 Буларнинг унвонин булғаган жабри.
Фессал Искандари, Дионисий бунда —
Сицилиянинг ундан битганди сабри.
- 109 Граф Аццолино — қоп-қора тунда,
Обиццо д’Эсте — рухсори порлоқ —
Нифоқ, низо тўла бетинч очунда
- 112 Уни ўлдирганди ўз ўғли бироқ”.
Устозим шу нафас илғаб нигоҳим,
Деди: “Уникидир ҳозир ушбу роҳ”.
- 115 Бандалар тўдаси сари юрдик жим,
Уларнинг ҳар бири бўғзига қадар
Қайноқ тўлқинларда ётарди маҳкум.

- 118 Боқсак ёлғиз шарпа йироқда турар,
Несс деди: “Тензада ётган зотнинг у
Кўксига черковда урганди ханжар”.
- 121 Оқимдан пастроққа кўз ташлаб бадху,
Баъзи арвоқларни ололдим таниб:
Зоҳир бирида тўш ёки елка — шу!
- 124 Саёзлаб борарди тўлқинлар тиниб;
Кечув тизза бўйи келди ниҳоят
Ва шунда дарёдан ўтдик талпиниб.
- 127 Кентавр дедики: “Оқим оқибат
Саёзлаб боради ва лекин яна
Теранлашиб кетар пастликда ғоят.
- 130 У ерда қайнайди мудҳиш пўртана,
Барча мустабидлар бўлишгандир жам —
Вовайло қилишар, ғарқоб айлана.
- 133 Самовот қаҳрига дучор кони ғам:
Раббано қамчиси Аттила ва Пирр,
Секст унда; азобда ёш тўкар пурғам —
- 136 Жиш қилиб юзини кўз ёши тахир;
Риньер де Пацци ва Риньер Корнето,
Йўлтўсар, қароқчи гуноҳи кабир”.
- 139 Кентавр қайгадир бекинди, оё!



ЎН УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоир Дўзах доирасининг иккинчи қаватига — ўз-ўзига ёхуд мол-мулкига қасд қилган худкашлар манзилгоҳига қадам қўяди. Худкашлар дарахтга айланиб қолишган бўлиб, шох-шаббаларида гарпий-қузғунлар ин қуришган. Мол-мулкни қирон қилганларни эса очкўз итлар тинимсиз таъқиб этиб, ҳолдан тойгунча талайдилар. Данте Рьер дела Виньяни учратиб, ундан нега ўзини ўлдирганлигининг сабабини, худкашлар қандоқ жазоларга дучор бўлажакларини билиб олади. Шоир, шунингдек, бошқа бир неча маҳкумларни ҳам кўради ва улар билан мулоқотда бўлади. Марс ҳайкали билан боғлиқ ривоятнинг тафсилотини эшитади.

Кентавр дарёни кесиб ўтмаёқ,
Ёввойи ўрмонга қадам қўйдик биз.
У ерда бор эди на бирор сўқмоқ;

- 4 Қўнғир барглар қатор осилган тиғиз,
Ўрмалаб киргулик, чалкаш ҳар томон,
Унда на мева бор, заҳардир илдиз.
- 7 Чечина, Корнето ёқда ҳам, аён,
Саҳройи махлуққа макон бўларлик
Бундақа хилват йўқ, йўқ бундай ўрмон.
- 10 Трояликларга солган-чун таҳлик
Строфаддан кетган бир гала қузғун —
Гарпийлар бу ерда жойлашган лиқ-лиқ.
- 13 Юзи қизбашара, қаноти узун,
Тирноқлари — қирра, қорин, тўш — серпай,—
Таратиб ётишар мудом мунгли ун.

- 16 Уқтирди устозим айлаб раъият:
“Уқиб ол сен шуни йўлга чиқмай то,
Иккинчи минтақа биз турган қабат,
- 19 Ундан нари эса оловли сахро;
Ажиб манзарани кўрарсан ҳозир,
Ишонмасдинг айтиб берганда асло”.
- 22 Ҳар ёндан нола, оҳ келарди оғир,
Бирор зот йўқ эди, лекин атрофда,
Қотиб турар эдим ҳайратда базўр.
- 25 Устоз ҳам тонг қолган балки шу тобда,
Менинг назаримда, тўда оломон
Чангалзор ичида додлар, азобда.
- 28 Лутф этиб, сўз қотди дониш суҳандон:
“Бирорта бутоқни қайир ё синдир,
Чилпарчин бўлғувси сендаги гумон”.
- 31 Дафъатан қўлимни узатдимۇ бир —
Бутоқни синдирдим ва шунда бехос
Овоз чиқди: “Тегма, оғрийди ахир!”
- 34 Бутоқ синган жойдан қон ҳам чиқди боз,
“Шафқатинг борми ҳеч? Азобинг бас қил,
Қийнама бунча”,— деб берарди овоз.
- 37 “Инсон эдик, энди ўсимликмиз, бил,
Муртад руҳларга ҳам раҳм эт ихтиёр,
Гуноҳдир бу қадар айласанг сабил”.
- 40 Оловга ташланган бутоқ бемадор
Ёнаётган чоғи ўзга учидан
Дарз кетиб, тўккандай кўз ёш шашқатор —
- 43 Дарахт ҳам инграрди, зор қилиб чиндан,
Нола чекар эди беланиб қонга.
Мажруҳ шохча тушди қўлимдан бирдан.
- 46 Устоз жавоб қилди унга армонда:
“Менинг шеъримдаги кароматни гар
Учратишин билса ушбу ёбонда,—

- 49 Азоб бермасди у сенга бу қадар.
Токи англасин деб мўъжиза недир,
Сени юзлаштирдим, қалбимда қадар.
- 52 Унга кимлигингни айтгил, таништир,
Заминга қайтган чоғ айлар сени ёд,
Илтифотинг боис — қилажак хотир”.
- 55 Дарахт нидо қилди: “Жозибали зот,
Майли, даъватингга жавоб айлайин,
Ҳикоятим ноҳуш, этмасин ношод.
- 58 Федерик кўнглининг калити тайин
Менинг қўлимдайди, уни ҳар қачон
Чизган чизигимдан юргиздим майин.
- 61 Барча сирларини сақлаб, бегумон,
Муборак бурчимни қилай деб бажо,
Аямадим кучу ҳаловат, имон.
- 64 Юксак қасрларга ёприлган бало,
Ҳасад — ғаразгўйлик — бедаво кулфат,
Саройлар оғуси, элларга вабо,
- 67 Аҳли сарой бўлди мен учун офат,
Улар қутқусига учди-ю Август,
Тинчгина бошимга солди фалокат.
- 70 Бундоқ маломатдан норизо, маъюс —
Худкашлик қилдим мен аччиқма-аччиқ,
Лекин ноҳақ бўлиб қолдим дабдуруст.
- 73 Илдизимда мудҳиш қон ҳақи, аниқ,
Яшадим — аҳдимни бузмасдан бир зум,
Қилдим хизматимни хўжамга содиқ.
- 76 Тириклик мулкига қайтсангиз, розим,
Мени тавқ-лаънатдан айлангиз халос,
Шарафим ҳасаддан топганди тўзим”.
- 79 “Фурсатга қарагил, — сўз қотди устоз,—
У сўздан тўхтади, бўлса гар савол,
Яхшиси, сен уни гапга солсанг соз”.

- 82 Дедим: “Ўзинг нени айласанг хаёл,
Сўрагил, менга ҳам то фойда мақбул,
Ўзим журъат этмам, келмакда малол”.
- 85 Менга имо қилиб соҳиби кўнгул,
Деди: “Бул — истагинг бажармоққа шай,
Лекин айт, о, зулмат қаъридаги қул,
- 88 Айтгил, шох-шаббалар, қай йўсин, қандай
Сизнинг руҳингизни айлаган асир?
Халос бўлурсизми сиз бундан, қалай?”
- 91 Оҳ чекиб юборди дарахт кўп оғир
Ва шул баробари деди у мунгдор:
“Мухтасар жавобим сизга шундоқдир.
- 94 Сўнг нафас кўчган руҳ бешафқат, безор
Вужуд либосини тарк айлаган чоғ
Еттинчи юҳога йўллар Минос, хор.
- 97 Лекин тайин жойни кўрсатмас мутлоқ.
Ўрмонга тушар руҳ, мисоли уруғ —
Сўнгра ўсаверар беэга, яйдоқ.
- 100 Навдалар улғаяр ва тана бўлуғ;
Гарпий — қузғун қушлар чўқлайди расо,
Жароҳат — туйнукдир, инграймиз мунглуғ.
- 103 Биз ҳам вужуд сари боргаймиз, аммо
Маҳшарда биз уни киймасмиз қайта,
Воз кечдик — демак, тан — ҳаром мутлақо.
- 106 Вужудни ва лекин судраклаб шартта
Қўярмиз тиканак тагига қатор,
Ғофил сояси-чи беҳис, албатта”.
- 109 Уқубатли дарахт яна давомдор
Сўзлайверар девдик, лекин сокин, лол,
Зимистон ўрмондан келди шовқин, зор.
- 112 Худди ўров чоғи овчи бемалол
Қобон югуришин, този қувлашин,
Чангалзор шитирин эшитганмисол,

- 115 Сўл ёқда иккита дабдала, парчин,
Яланғоч кимсалар бўлдилар пайдо,
Чигал чангалзорга уришиб тўшин.
- 118 Олдингиси дерди: “Келгил, ажал, о”,
Наригиси эса қолишмай зарра
Дерди: “Шижоатинг баланд-ку, Лано,
- 121 Чаққонсан Топпода кезгандан кўра”,
Маҳкум атрофига солди-ю назар,
Қулади ўша он бутазор узра.
- 124 Орқа ўрмонда-чи, лиқ қанжиқ итлар —
Кўзи олазарақ, оч ва ютоқи,—
Бўшалган тозилар янглиғ кезарлар.
- 127 Йиқилган кимсага ўша заҳоти
Ёпишиб оларди тишларин қайраб,
Ғажирди сўнгаги қолмайин токи.
- 130 Устоз бир бутоққа қолди-ку бошлаб,
У-чи, алам ичра инграб беҳуда —
Узуқ шохлари-чун йиғларди додлаб:
- 133 “Жокамо де Санд Андреа, жуда
Номардлик қилгансан айлаб мени хор,
Бузғун ҳаётинг-чун айбдор менми, а?”
- 136 Унга яқин келиб устоз бузруквор
Деди: “Кимсан ўзинг, жароҳат аро
Нола чекаётган, чекаётган зор?”
- 139 У деди: “Бўлибсиз бу ерда пайдо,
Асрий зулмат ошиб келибсиз, аён,
Кўргали нечоғлик эканим адо.
- 142 Япроқларим уланг танамга чаққон;
Иоанн деб унут бўлди ул салаф,
Ўша шаҳар эди менинг-чун макон.
- 145 Қасос олаётир санъати ашраф;
Арн сувларида гар иттифоқо
Парчаси қолмаса эди, бешараф —

- 148 Аттил харобаси ўрнида асло
Қуриб бўлмас эди ҳеч қандай қўрғон,
Тер тўкарди халқ ҳам чакки, мутлақо.
- 151 Кулбамда ўзимни қилганман қурбон”.



ЎН ТҮҮРТИНЧИ ҚЎШИҚ

Еттинчи доиранинг учинчи қавати қайноқ қумликдан иборат бўлиб, осмондан тинимсиз олов ёмғири ёғиб туради. Бу ерда парвардигорга, хилқат ва санъатга саркашлик билан терслик қилган гуноҳкорлар жойлашган. Улардан биринчиси — Дўзах азобига ҳам беписанд боқувчи Капанейдир. Шоирлар йўлда давом этиб, қонли жилғага дуч келадилар. Вергилий бу жилғанинг қандай пайдо бўлгани ҳақида, шунингдек, Дўзахнинг бошқа дарёлари хусусида Дантега сўзлаб беради.

Дилбар ватанимни хотирлаб ғамгин,
Тўкилган баргларни йиғдим битталаб
Ва беҳол танага қайтардим тагин.

- 4 Сарҳадга чиқдик биз ўрмон оралаб,
Учинчи ичида иккинчи қават,
Ҳакам турар энди тепадан қараб.
- 7 Келсин зеҳнингизга мана шу сурат:
Бамисли сўзана — улкан, паёпай —
Турарди беҳаёт, ўлик, яланг дашт.
- 10 Уни ўраб олган ўрмон уқадай,
Ўрмон атрофида қайноқ руд жўшар,
Сахро четида биз турар эдик шай.
- 13 Қум эди ҳамма ёқ кетгунга қадар,
Худди бир замонлар Катон топталаб,
Босиб ўтган қайноқ чўлларга ўхшар.
- 16 Сатримни ўқиган ҳар кимса, ёраб,
Даҳшатларга тушиб қолмоғи бешак,
Бу ҳолга зоҳирда турибман қараб.

- 19 Саҳрода яланғоч арвоҳлар лак-лак,
Асрий азоб ичра йиғларди бари,
Ҳар қайсининг ва лек азоби бўлак.
- 22 Ким ёғар чалқанча, юзи тескари,
Ким эса ғужанак — серчанг заминда,
Ким эса тентирар бетин, сар-сарни.
- 25 Тентираган руҳлар кўп эди бунда;
Узала тушганлар камроқдир, бироқ —
Уларнинг оҳ-воҳи чўнг эди жуда.
- 28 Саҳро устида-чи, сокин, ярқироқ,
Парча-парча ёғар оловли ёмғир,
Шамолсиз ҳавода ёққан қор ончоқ.
- 31 Саратон оловин остида, оғир,—
Ҳиндга жаҳд айлаган Искандар қаттол
Палахмон ўтида қолиб бетадбир —
- 34 Лашкарга фармойиш бермишким, дарҳол —
Алангани бир-бир ўчирмоқ зарур,
Токи, мушкул бўлмай бутунлай аҳвол;
- 37 Шундоқ ёғиларди самум, оташ пур;
Ўтдаги пилиқдай ёнар эди хок,
Маҳқумлар азобин зўрайтиб допқур.
- 40 Кўрдим, қуриб кетган қўллар аламнок,
Танага ёпишган оташ парчасин —
Сидириб ёғарди бетиним ҳар чоқ.
- 43 Дедим устозимга: “О, лойиқ таҳсин,
Мудом қодир эдинг, қила олдинг мот
Қопқани бекитган жиндан бошқасин.
- 46 Кимдир манов ётган бўйчан ва тунд зот,
Ёмғир ҳам юшатмас азобни, аммо
У эса беписанд боқади наҳот?”
- 49 Гурур, мардлигига боқиб шу асно,
Ҳайратга тушганим англаб, деди у:
“Қандоқ яшаганман — шундоқман борҳо.

- 52 Сўнгги дам қилсин деб тавба-тазарру,
Мени қийнаш учун ясаган асбоб —
Оҳангарни Зевс қийнасин, гап шу!
- 55 Монжибель темирчи аҳлин ё шу тоб
Беҳуда кор билан айласин сарсон,—
“Қутқаз”, деб Вулқонга қилсин зор, хитоб —
- 58 Флегра устида дегандай нолон;
Бошимда, майлига, солсин дағдаға,
Лекин қасос завқин туймас ҳеч қачон!”
- 61 Устоз жунбуш ичра кирди орага,
Уни бу аҳволда кўрмовдим аввал,
Деди: “О, Капаней, орттириб ғовға,
- 64 Гуруринг бошингни еган ҳар маҳал,
Ўжарлик қиласан қутуриб, қайнаб,
Ўзинга етказиб баттарроқ халал”.
- 67 Устоз деди сокин мен томон қараб:
“Февга зарба берган етти ҳукмдор —
Подшонинг бири шу: ўжар, дарғазаб;
- 70 Тангри қарғаса ҳам бўйсунмас, ғаддор.
Ҳозир айтганимдек, шон топган лойиқ,
Дағал сўз унинг-чун обрў, ифтихор.
- 73 Энди йўл юрайлик аввалги тариқ,
Чет-четдан қадам бос, бўлиб эҳтиёт.
Йўқса, қум оёғинг куйдирар аниқ”.
- 76 Етдик бир жилғага жим, сақлаб сабот,
Жилғаки — ўрмондан келгувчи оқим,
Ҳануз қутим ўчар эсласам, ҳайҳот.
- 79 Кетсин деб тандаги мараз, гуноҳим,
Аёллар сув олган Буликаме каби,
Қумзорда қайнарди чашма сервахм.
- 82 Тош қотмиш жилғаннинг ҳар икки лаби,
Тош қотмиш ҳалқобнинг туби ҳам буткул;
Англадим — шу ерда йўлнинг мансаби.

- 85 “Қопқадан ўтиб, то босиб қанча йўл,
Барча кимса учун очиқ маъвода,
Неники кўрибмиз маъқул — номаъқул —
- 88 Баридан шу жилға эрур зиёда;
Ундан буғ чиқади бутқул ажойиб,
Маҳв этар ҳар қандай ўтни дунёда”.
- 91 Устоз шундоқ деди. Мен чанқоқ толиб,
Сўрадим: “Лутф айла, ташнадир қалбим,
Юраин қошингда токи мен қониб”.
- 94 Деди: “Денгиз ичра бир жой бор, қадим,
Критдир унвони; унинг вақтида
Гуноҳқордан олам бўлган пок, карим.
- 97 Тоғлар орасида бор машҳур Ида;
Бир чоғлар ям-яшил яшнаган маскан,
Ҳозир-чи, хароба бўлгандир жуда.
- 100 Рея гўдақларин унга бермишкан,
Излаган у жойдан бошпана, уя,
Гўдақлар йиғисин шовқин-ла босган.
- 103 Тоғнинг устида-чи, улуғ қария;
Елкасин ўгирган Дамиате томон,
Рим сариға эса боққандир қия.
- 106 Тилла бош нур сочиб турар нурафшон;
Кўкраги, қўллари — қуйилган нуқра.
Белигача эса мис эрур, шоён.
- 109 Белдан пастда эса темир бир сира,
Унинг оёқ кафти-чи хокитуроб лой,
Ўнг таянчи шу, лойдир — шокира.
- 112 Вужуди дарз кетган бошдан токи пой.
Сизиб ётар ундан кўз ёши тубан,—
Ва уни ютади пастда — ғор — сарой.
- 115 Яна кета берсанг ўша йўл билан,
Туғилар Ахерон, Стикс, Флегетон;
Улар сўнг оқади яна ҳам теран.

- 118 Охир-оқибатда дарё — учовлон
Коцитга айланар; бу бошқа мавзу,
У жойни қўрарсан ўзинг бегумон”.
- 121 Дедим: “Ёруғ дунё суви экан бу,
Модомики, келмиш шу ерга қадар,
Нечун бирданига бўлди ниҳон у?”
- 124 Деди: “Пастга томон ўзан айланар;
Гарчанд босиб ўтдик қанчалар сўқмоқ,
Лекин йўл узоқдир юҳога қадар;
- 127 Ўтиб улгурмадик барчасин бироқ.
Йўлиқса дафъатан янги ҳодисот
Ҳафсаланг пир бўлиб тишлама бармоқ”.
- 130 “Лета қаёндадир? — савол бердим бот, —
Қайда Флегетон? Кўрсатгил, алҳол,
Уни сен кўз ёшдан девдинг-ку бунёд?”
- 133 Устоз карам қилди: “Ҳақ рост бу савол,
Лекин хун оқимнинг гуврашин тинглаб,
Сенга аён бўлди ғаройиб бир ҳол.
- 136 Ҳали Летага ҳам боқарсан бўйлаб,
Арвоҳлар ўз-ўзин покловчи манзил,
Соҳиллар ёқалаб наҳр оқар ажаб”.
- 139 Сўнг деди: “Кетармиз бу ердан, билгил,
Мен билан изма-из юргайсан фақат.
Оқим бўйлаб ўтар энди сўқмоқ йўл.
- 142 Бунда ўт-оловни ютар рутубат”.



ЎН БЕШИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар қумлик ёқалаб кетаётиб, яшашнинг табиий тарзига нисбатан зўравонлик қилган содомитлар (бачча-воз) қавмига дуч келадилар. Шоир ўз ўқитувчиси Брунетто Латини билан ёнма-ён бораётиб, Флоренция ҳақида, қисмат йўриғи ҳамда зафар ва мағлубиятлар ҳақида гаплашди. Брунетто ўз атрофидагилар тўғрисида ҳам маълумотлар беради, сўнгра ўз қавми ортидан югурганича кетади.

Ёқалаб борардик тошлоқ ёбонни,
Жилға тепасида таралган буғ-пар —
Асрарди пускурган ўтдан тўғонни.

- 4 Бруджек, Гвидзант аро бир вақтлар,
Қудратли оқимнинг йўлини тўсиб,
Фламандлар қурган дамбага ўхшар.
- 7 Кьярентанодан келса сел жўшиб,
Падуанлар, қасримиз ювмасин деб то,
Брентда қўйгандай садди роҳ қуриб.
- 10 Шундай қурилганди бу жой ҳам, илло,
Ким бўлсин устаси — қурган-қурганча,
Улкан бўлмаса ҳам — ажибдир аммо.
- 13 Ўрмондан узоқлаб кетгандик анча,
Кўзга чалинмасди энди у ўрмон,
Ортимга бурилиб қарамай қанча.
- 16 Рўбарўдан чиқди арвоҳлар нолон,
Кўзларини узмай турдилар биздан,—
Мисли янги ойга боққан оломон.

- 19 Бир-бирига қараб қўярди зимдан;
Боқарди биз томон кўз қисиб синчков,
Чол ип ўтказгандай игна кўзидан.
- 22 Улар орасидан дафъатан биров,
Мени таниб қолиб қичқирди: “Ажаб!”
Ва сўнг этагимга ёпишди дарров.
- 25 Куюк рухсорига турардим қараб,
Менинг этагимга ёпишган заҳот.
Унинг кимлигини англай олдим заб.
- 28 Энди аён бўлди мавҳум турган зот:
Жизғанак бандага келиб яқинроқ,
Дедим: “Сэр Брунетто, сизмисиз, наҳот?”
- 31 У деди: “Афу эт мени, бўталоқ,
Балки бошқаларни бир зум этиб тарк,
Хоҳласанг, лотинча дарс ўтсак озроқ”.
- 34 Жавоб бериб дедим: “Розиман бешак,
Йўлдошим хоҳлагай истасангиз гар,
Сиз билан ёнма-ён ўлтирсам андак”.
- 37 Деди: “Бизнинг қавмда кетган бандалар,
Бир зум имилласа азоби ошур,
Юз йил олов ичра ёнар бешбаттар.
- 40 Юрингиз, сизларга эргашгум ҳозир;
Гуноҳлари кабир, азоби абад
Ўз қавмимга қайтиб келурман охир”.
- 43 Унинг йўли эди оловли қабат,
Шу сабаб ёнма-ён кетолмадим, лек
Борардим юксакдан букканимча қад.
- 46 Деди: “Қандай тақдир, қай қисмат малик
Сени олиб тушди бу ён тириклай,
Ва ким бу — йўл бошлар сенга шунчалик?”
- 49 Дедим: “Ёруғ дунё юзида, найлай,
Зулмат водийсида қолувдим танҳо,
Яшаб бўлмагандим умрим бутунлай,

- 52 Тунда илоҳамга терс келдим аммо,
Тагин йўлдан қайтдим — бунга келиб дуч,
Йўлбошчим бўлди у — айни муддао”.
- 55 Дедики: “Ёр бўлмиш саодатли бурж,
Илғай олган эдим ҳаётда тугал,
Иқбол ҳамроҳингдир, шону шуҳрат куч.
- 58 Фано топмасайдим агар бемаҳал,
Самовий йўлингга мамнун ташлаб кўз
Мадад берармидим, эҳтимол, сал-пал.
- 61 Лекин у ёвуз эл беҳиммат, беюз,
Фъезоль тоғларидан келган кўчманчи,—
Босар-тусарини билмайди ҳануз.
- 64 Фаним дер — яхшилик қилсанг-да гарчи;
Ҳамма ёқни босса алаф ва ажриқ,
Бечора лоланинг ҳолин кўрсанг-чи.
- 67 У халқни дердилар сўқир ва фосиқ,
Ҳасадгўй, ўлгудай ман-ман, очофат,—
Ёндашсанг қораси юқарди аниқ.
- 70 Ҳар икки тараф ҳам сенга терс ва бад,
Хизматинг кўролмай қайрашади тиш,
Қўлидан ҳемири келмагай, минбаъд.
- 73 Ўз похолин ковшаб қилсинлар хониш,
Фақат у махлуқлар сенга тегмасин,
Тегмасин, гар уруғ отган эса ниш.
- 76 Бир вақтлар ўтрик ва гавфо уясин
Ичида бўй чўзган римликлар каби
Асрасин ўзида гавҳар донасин”.
- 79 Дедим: “Бажо топса юрак матлаби,
Ижобат бўлсайди мендаги тилак,—
Сўнмасди сизнинг бу ҳаёт кавкаби.
- 82 Сизнинг қутлуғ номни асрагай юрак,
Боқий ҳаёт йўлин неча бор такрор
Англаган, уқтирган устозсиз бешак.

- 85 Ажиб суратингиз дилда барқарор;
Сизнинг хотирангиз фоний дунёда
Калом ва сўз билан этгум бахтиёр.
- 88 Қолди сўзларингиз дилда зиёда;
Бунинг барисин у айлагай қиёс,—
Агар насиб қилса висол самода.
- 91 Фақат билиб қўйинг, виждоним бехос
Менга бермаса бас, шафқатсиз жазо,
Масъулман, қисматнинг йўруғига мос.
- 94 Кўникиб қолганман бунга мутлақо,
Фортуна — тақдирнинг чарх калисоси
Қандай айлансин ҳам — менда не парво”.
- 97 Шу он эшитилди устоз садоси,
Лутф айлаб сўз қотди у кифтим оша:
“Диққатдир — суҳбатнинг асли асоси”.
- 100 Сэр Брунетто ҳам шунга яраша
Тинмай берар эди гапимга жавоб.
Дедим: “Ким бор машҳур, сизга ҳамгўша”.
- 103 У деди: “Йўқ эмас ҳа, аҳли арбоб,
Лекин қолганларни гапирмаган соз,
Чунки ундақалар беҳад, беҳисоб.
- 106 Бунда аҳли черков, диндорлар мумтоз,
Юрт бўйлаб донг солган олимлар бордир,
Тавқи лаънатлари ўхшаш ва дамсоз.
- 109 Анов Присцианнинг ёнида ҳозир
Турибди Франциск Аккурсий, ана,—
Тангри бандаларин хос қули — нозир.
- 112 Арподан Баккильонега қилган бадарға
Ва унда ҳаётин айлаган барбод —
Зот ҳақида ва ё сўзлай сидирға?!
- 115 Бошқаларни, майли, эсламам зиёд,
Туғаб қолаётир бизларнинг муддат:
Жўшаётир ортиқ тўзон, гирдибод.

- 118 Унга дуч келмасдан қайтай беғурбат,
Ғазнаи илмимни асра — шу армон,
Илмимда барҳаёт қолганман фақат”.
- 121 Физиллаб жўнади бурилиб чаққон,
Гўё Веронада қайси бир маҳал —
Яшил мато учун чопиб саргардон,
- 124 Довда ғолиб чиққан зот каби жадал.



ЎН ОЛТИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар еттинчи доиранинг учинчи қаватига тушаётиб, Дўзах дарёси Флегетоннинг шовқинини эшитадилар. Бу ерда Данте содомитларга мансуб яна уч ватандошини учратади. Улар шоирга Флоренциянинг сиёсий инқирози, фуқаронинг маънавий тубанланиши ҳақида гапирадилар. Сўнгра Вергилийнинг ишораси билан жарлик тубидан ниҳоятда ғалати махлуқ — Герион пайдо бўлади.

Тубан оқаётган сувнинг ғувурли
Шовқини ёвуқдан келди қулоққа,
Ари уясидай ғунғур-ғунғурли.

- 4 Оломон ичидан дарров биз ёққа
Уч соя қайрилиб келди дафъатан,—
Қайноқ сел барчасин солган қийноққа.
- 7 Қийқириб келарди учта куюк тан:
“Тўхта! Либосингдан турибмиз таниб,
Иллатлар шаҳридир сен келган ватан”.
- 10 Улар қоврилганди оловда ёниб,
Шўрликлар танида сонсиз жароҳат,
Ҳатто ёдга олсам кетгум сесканиб.
- 13 Уларнинг даъватин тинглаган соат
Устоз хитоб қилди: “Бардош қил бирров.
Сақлаш керак эрур одоб, назокат.
- 16 Агар ёғмасайди кўкдан чўғ-олов,
Бўлмасайди агар аланга-оташ —
Улармас, сен пешвоз чиқардинг дарров”.

- 19 Тўхтадик, бир муддат сўзсиз ва ёввош;
Тинган надоматин давом эттириб
Бизни ўраб олди учовлон бебош.
- 22 Худди майдон ичра рўпара туриб
Тиклашган яланғоч полвонлар чаққон —
Пайт пойлаган каби қўл силкиб юриб,
- 25 Улар теграмизда изғирди гирён,
Оёғин олдинга босарди, бироқ
Қарарди бўйнини буриб мен томон.
- 28 Бирови сўз қотди: “Замин-ку юмшоқ,
Лекин беланганмиз бутунлай қонга,
Жиркансанг керак-ку, бизлар бадҳолроқ;
- 31 Бовар қил бизларнинг шуҳрат ва шонга,
Лутф этиб жавоб бер, кимсан, эй одам,
Қандай келиб қолдинг тирик бу ёнга!
- 34 Олдда кетаётган қадам-бақадам
Мана бу ҳамроҳим, яланғоч, кир-чир,
У нечук зот эди? Ўйламассан ҳам.
- 37 У Гвальдраданинг набирасидир;
Гвидо Гверро — донгдор саркарда,
Қўлида ўйнаган найзаю шамшир.
- 40 Манов чанг тўзғитиб юрган серзарда
Теггьяйо Альдобранди — хизмати буюк,
Номин ҳурмат билан эслаш даркор-да!
- 43 Мен Рустикуччиман, дилда ғам туюк,
Томуғ оташига бўлдим гирифтор,
Хотин балосидан тилгинам куюк”.
- 46 О, гар бўлолсайдим дафъи балоқор,
Қалқон қилар эдим ўзимни шартга.
Устоз ҳам бўларди шаксиз мадақкор.
- 49 Лекин ҳайиқардим ўтдан, албатта,
Кўксимга уларни босолмасдим, оҳ,
Боқа олмас эдим меҳр-шафқатда.

- 52 Дедим: “Кўнглингизга келмасин ногоҳ,
Ҳолингизга боқиб, дил тўла ҳасрат;
Жирканиш қаёқда, мен-ку хайрихоҳ.
- 55 Устозим сизларни кўргани фурсат,
Шариф-шажарангиз айтганди бир-бир,
Айтганди не бўлса — сизга хос хислат.
- 58 Ватандош эрурмиз ҳаммамиз ахир;
Шонли хизматингиз қадрлаб мудом,
Ёшликдан севганман сизни беназир.
- 61 Устоз ваъда қилган роҳатга тамом
Етиб бормоқлигим керакдир чидаб:
Лекин бир довон бор — нуқтаи низом”.
- 64 У деди: “Кўп йиллар ёр бўлиб матлаб,
Даврон суражаксан хушнуд, омон, соғ,
Шуҳратинг ҳамиша тургай чарақлаб.
- 67 Лекин айт, бизларнинг шаҳарда бу чоғ
Қолганми диёнат, инсоф, риоя
Ва ё бўлишганми улар тумтароқ?
- 70 Гульельмо Борсиере — хор бениҳоя,
Саҳрода юрибди қатл этилган зот,
Келтирмиш бу ерга ғамгин ҳикоя”.
- 73 Флоренция, йўлинг йўқотиб, ҳайҳот,
Муккадан кетибсан кибру ҳавога,
Сени келгиндилар айламиш барбод!—
- 76 Шундоқ хитоб қилдим, боқиб самога
Бамисли ҳақлигин англаган воиз —
Улар берилдилар рамзу имога.
- 79 Дедилар: “Бахтлисан дунёда шаксиз,
Неки мушкул бўлса, барига магар
Жавоб бераркансан лойиқ ва жоиз.
- 82 Бу зулмат маъводан қайтиб, сен беҳтар
Чароғон дунёга солганда нигоҳ,
Бизларни эслагил ва ўша сафар —

- 85 Дегил: “Уларни мен кўрдим баногоҳ”.
Кетдилар учовлон йўл бўйлаб нари,
Қанотга ўшарди оёқлари, воҳ.
- 88 Кўз очиб-юмгунча йўқолди бари,
Кўздан ғойиб бўлди жадаллаб тезкор.
Отланди устоз ҳам энди йўл сари.
- 91 Эргашдим изидан, лекин ғалвадор
Шаршара шовқини келди қулоққа,—
Дастидан гапни ҳам эшитмоқ душвор.
- 94 Монте-Везодан то кунчиқар ёққа
Апеннинлар бўйлаб оқади дарё,
Дастлаб унинг номи бутунлай бошқа:
- 97 Аквакета дея аталар, аммо
Етганда қуйига — Форли ерига
Ўзгартиб олади номин, ажабо.
- 100 Етгач Сан-Бенедетто — у тоғ наҳрига,
Пастга қуйилади роса гувиллаб,
Минглаб дарё сиғар у наҳр бағрига.
- 103 Шундоқ, бу дарё ҳам пастга шовуллаб
Қирмиз тўлқин отиб оқарди ўктам,
Қулоқни тешгудай даҳшатли улаб.
- 106 Белимда бор эди арқоним — пўтам,
Мўйнаси ялтироқ, ажиб жонивор
Қоплонни тутмоқчи бўлгандим мен ҳам.
- 109 Пўтамни ечдиму ғоят таъзимкор
Устозга узатдим, бир сирасига
Эшгандим пўтамни пишиқроқ такрор.
- 112 Устоз келиб жарнинг кунгирасига
Пўтанинг бир учин итқитди тубан,
Илашмасин деб то жар қиррасига.
- 115 “Устозки иш тутар эҳтиёт билан,
Ўпқоннинг қаърида бўлмасин бало”,—
Ўз-ўзимга шундоқ дедим хаёлан.

- 118 Нечоғли вазминлик, тоқат керак, о,
Ёнингдаги одам, наинки зоҳир,
Ботин ўйларингни англаса ҳатто.
- 121 Устозим дедики: “Қараб тур ҳозир,
Икков қутган кимса кўргазар жамол,
Кўз олдинда сеҳр бўлгуси содир”.
- 124 Ўтрикка ўхшаган рост гапни, алҳол,
Тишнинг ковагида лозим асрамоқ,
Йўқса орттирасан ортиқча малол.
- 127 Лекин вужудимни босади титроқ,
Баён этгум сенга, азизим шеърхон,
Комедиям ҳақи қасам ичароқ.
- 130 Боқдим: жар тубида сузиб биз томон
Келарди қандайдир махлуқ қийлиқол —
Ҳар қандай ботир ҳам қолгудек ҳайрон.
- 133 Кема парканд бўлиб топганда завол,
Фоввос этганида мадад ва ёрдам,
Шўнғиб-шўнғиб чиқар у ҳам шу мисол.
- 136 Сузарди, гавдаси чаққон ва шахдам.



ЎН ЕТТИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоир Герионнинг қиёфасини тасвирлайди. Вергилий Герион билан музокаралар олиб бораётган пайтда Данте олов ёмғири остида азоб чекаётган маҳкумлар билан қизиқади. Уларнинг ҳар бирининг бўйнига нишонли тўрвалар осилган. Сўнгга икки шоир Герионга мингашиб олиб, саккизинчи доира томон равона бўладилар.

“Мана шу махлуқдир касадум ҳайвон,
Унга бас келади на ҳад, на шамшир,
Ер юзин бузган у, булғаган ёмон”, —

- 4 Шундоқ сўз бошлади устози кабир,
Баҳайбат махлуқни чақирди имлаб,
Мармар соҳил узра қўйган деб бағир.
- 7 Думини йиғмасдан, сузиб, ўрмалаб,
Соҳилнинг ёнига келди у махлуқ,
Ёлғон, алдамчилик тимсоли, бадтаъб.
- 10 Рухсори ёқимтой, боқиши улуғ,
Беғубор, самимий ташларди назар,
Лекин қолган қисми илондир тўлиқ.
- 13 Панжалари эса сертирноқ, сербар;
Елка, қорни, биқин чипор ҳандалак —
Рангдор ҳошиялар танасин безар.
- 16 На турк ва на татар тикканда палак,
Бундай чипор бўлмас ўриш арқоғи;
Ҳатто Арахна ҳам мот қолар бешак.
- 19 Қайиқ бекатида тўхтаган чоғи,
Тенг ярми тўлқинга ботиб тургандай,
Ёхуд келган пайти олмон ютоқи,

- 22 Кундуз жанг қилишга бўлган каби шай,
Қумзор ўлкадаги харсангга яйдоқ
Тўшин босиб олди махлуқ ҳам атай.
- 25 Тубсиз бўшлиқ ичра думи тумтароқ,
Заҳри заққуми-ла ётар эшилиб,
Чаённинг нишидай ўткир, ялтироқ.
- 28 “Энди юрмоқ даркор йўлдан бурилиб,
Ўша тош томонга ўтайлик ҳатлаб”, —
Шундоқ деди устоз марҳамат қилиб.
- 31 Ўнг томон бурилдик, канора бўйлаб
Ўн қадамча ўтдик бўшлиқ майдонда,
Оташу қумзорин четлаб, ҳаволаб.
- 34 Ажиб оломонни кўрдим шу онда,
Жарнинг ёқасида тўдаи судхўр
Ўлтирар эдилар қайноқ тўзонда.
- 37 Устозим дедики: “Буларнинг бир қур
Пасти-баландини англаб ола қол,
Томоша қила қол, барчасини кўр.
- 40 Лекин гапни чўзма, шуни англаб ол,
Мен анов махлуқни аврай-чи, зора
Бизни елкасига миндирса дажжол”.
- 43 Тағин йўлга тушдим, ошиб канора,
Еттинчи қабатда бир ўзим танҳо
Сокин гуруҳ сари бўлдим равона.
- 46 Барчасин кўзида ғусса эди жо;
Қўлларин силташиб, ҳаммаси жадал
Башарасин артиб турар доимо:
- 49 Тик келганда офтоб саратон маҳал,
Итлар худди шундоқ қашинар фингшиб,
Бургами ё пашша берганда халал.
- 52 Юзларини олов юборган тешиб;
Таниб ололмадим ҳеч кимни, қанча —
Теграсида сарсон айланмай жўшиб.

- 55 Ҳар бирин кўксида турфа ранг анча
Бор эди тамғали, нишонли ҳамён;
Туришар эдилар мамнун боққанча.
- 58 Ажиб эди бирин ҳамёни чунон:
Заъфарон матода бир яшил сураг —
Кўринар — елкаси чўққайган арслон.
- 61 Бошқа бирига ҳам айладим диққат,
Унинг ҳам бор эди бўйнида халта —
Қирмизи матода ғоз расми дастхат.
- 64 Бўз ранг ҳамёнида кўм-кўк ва катта
Чўққанинг суратин солган ўзга кас:
“Не қилиб юрибсан”, — деб қолди шартта.
- 67 Ва деди: “Бу ерлар сенинг жойингмас,
Йўлингдан қолмагил, лекин огоҳ бўл,
Юртдош Витальяно келар муқаввас.
- 70 Мен флоренцияликларга бегона буткул,
Аслим падуялик: булар-чи, ҳай-ҳай,
Мияни қоқишиб, дейдилар нуқул:
- 73 “Жўрабоши қани, у қачон келгай”.
Тилин чиқарди сўнг оғзи тиришиб —
Лабин ялагандай хўкиз пайдар-пай.
- 76 Устознинг ўгити эсимга тушиб,
Қолмай деб бу ерда тагин ҳаяллаб,
Маҳкум оломонни тарк этдим шошиб.
- 79 Устозим эса-чи, бу орада заб
Анови махлуққа урибон эгар,
Деди: “Ўзингни тут, бўлгил сергактаб.
- 82 Кўрдингми, тубанга қайси йўл элтар;
Сен ўтир олдинда, орқада ўзим,
Токи етказмасин дум сенга зарар”.
- 85 Устознинг сўзларин эшитганим зум
Иситма олдидан титраб вужуд-тан,
Тирноғи кўқарган, дилтанг, серзуғум

- 88 Кимсадай тумшайиб қолдим норасан;
Лекин жасур хўжа қошида ношуд
Хизматкор мисоли ўнгландим бирдан.
- 91 Махлуқ ўрқачига миндим ва не суд,
“Мени ушланг”,— дея жуфтладим оғиз,
Товушим чиқмади; лол қолдим, беҳуд.
- 94 Мудом қалқон бўлган устозим ёлғиз,
Бу бора ҳам ҳолим фаҳм этиб ниҳон,
Маҳкам қучиб олди елкамдан сўзсиз.
- 97 Ва деди: “Хўш, қани, кетдик, Герион,
Кифтингда юк бордир, истайсанми-йўқ,
Сузгил эҳтиётроқ, омон, альгамон”.
- 100 Қуйруқ томонидан жилгандай қайиқ,
У ҳам илгарига сузиб қолди-ку,
Олда кенглик эди, улкан ва ёйиқ.
- 103 Ўша ёнга қараб йўлни солди у;
Илонбалиқ каби ростлаб гавдасин,
Суза кетди махлуқ айлаб жаҳд, ружу.
- 106 Аравасин мажақ этганда чақин,
Тизгинни ташлаган Фаэтон ҳатто
Бунчалик, бунчалик кўрқмагани чин.
- 109 Оташин бағрига тортганда само,
Куйганда Икарнинг қанот — бол пари,
Отаси: “Ўғлим”,— деб қилганда нидо,
- 112 Кўрқмаган, эҳтимол, менинг сингари,
Кўрганим поёнсиз, тубсиз зулумот
Ва махлуқ ўрқачи — елар илгари.
- 115 Наздимда у теран шўнғирди бот-бот,
Чунки паст-баланддан беадад шамол
Чаппа-раста эсиб, айларди барбод.
- 118 Шаршара шовқинин эшитдим, не ҳол,
Бизнинг ўнг томонда гувлар эди у,
Пастга назар солдим энгашиб дарҳол.

- 121 Лекин қалбим босди баттарроқ кўрқув,
Унда ёнар эди мудҳиш аланга,
Қулоққа келарди даҳшатли қий-чув.
- 124 Илк бор аён бўлди шу нарса менга,
Чарх уриб тушардик тубанга рўй-рост,
Атроф тўла эди шовқин-суронга.
- 127 Ўлжасидан маҳрум қарчиғай нохос,
Йўқотиб ғайрату ўктам шиддатин,
Хўжасидан кутиб гинадор овоз —
- 130 Учган жойи узра силкиб қанотин,
Юз бора айланиб юрар даставвал,
Сўнг қўнар бир четга, тажанг ва сокин.
- 133 Шундоқ Герион ҳам келди-ю жадал
Ўпқон сарҳадига қўнди-ю, тинди;
Махлуқ елкасидан тушдик, шу маҳал —
- 136 Ўқ каби учди у, кўздан бекинди.



ЎН САККИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Олдинги қўшиқларда ҳайвоний ҳирс, иродасизлиги туфайли тенгсиз гуноҳ орттириб дўзахий бўлган бандалар тасвирланади. Қолган қўшиқларда маккор, фирибгар, товламачи, ёлғончи, сотқин, хоинлар ҳоли қаламга олинади.

Дўзахда бир жой бор, оти Ёвуз Фор,—
Чўяндай тош эрур бошдан-оёғи,
Тик кетган жар каби залварли девор.

- 4 Унинг тубида-чи, кенг ва қоронғи
Оғзин очиб ётар мудҳиш бир қудуқ,—
Ўшал ҳақда бўлгай гапнинг бу ёғи.
- 7 Қоя ва жарликнинг ораси узуқ,
Ўртада биз ўтган ўша поғона —
Айлана шаклида — ўн жойдан ботиқ.
- 10 Қалъалар шу тахлит бўлар фасона,
Асрар деб ногаҳон бошланса қамал —
Хандоқ, ўра бўлар атроф айлана.
- 13 Бу жой ҳам шунақа эди, филмасал;
Дарвозадан тортиб қирғоққа қадар
Тўшалгани каби кўприклар гал-гал.
- 16 Тубсиз жарлик узра узун, серхатар
Чўзилиб кетганди тоғ қирралари,
Ул қудуқ қошида бу тизма тўхтар.
- 19 Шу тобда битганди девнинг сафари;
У бизни қолдириб бўлганди ғойиб;
Устоз йўл бошлади чап муҳит сари.

- 22 Ўнг ёнимда эса буткул ғаройиб,
Ўзга хил азоблар кўринди аён.
Маҳқумлар тентирар хандоқда ҳориб.
- 25 Юрарди икки саф сарсон-саргардон;
Биз томон келарди яқиндаги саф,
Униси кетарди шахдам, ёнма-ён.
- 28 Римликлар ҳайитда шуларга ўхшаб,
Йўлак ўрнатарди кўприкларда, то,—
Тиқилиб қолмасин оломон тўхтаб.
- 31 Қалъа деворига қилишиб парво,
Биридан черковга ўтар эди халқ,
Биридан қайтарди тоғ сари, аммо —
- 34 Тошлоқ чуқурликнинг энг тубида, нақ,—
Битта шохдор иблис, қўлида дарра —
Ўтганни аямай калтаклар шақ-шақ.
- 37 Унинг савашиди шафқат йўқ зарра,
Кетма-кет зарбалар етар беаёв
Кўз очиб-юмгунча неча бир карра.
- 40 Ногаҳон кўзимга кўринди биров,
Уни учратгандим аввал қайдадир,
Хитоб қила қолдим мен унга дарров.
- 43 Ким эди? Ўйланиб кетдим бесабр,
Серҳиммат йўлбошчим этмади тақиқ,
Мулоқот учун мен излардим тадбир.
- 46 У маҳқум зот эса, юзини аниқ
Энгашиб яширмоқ бўларди бекор,
Дедим: “Эй, рухсорин беркитган рафиқ,
- 49 Танийман-ку сени, беркинма зинҳор:
Венедико Каччанемико! Нечун —
Насибангга тушмиш бу роҳи ғаддор?”
- 52 Деди: “Бермасайдинг савол инчунин,
Жавоб қилмас эдим, билгил, сира ҳам;
Сен боис хотирга келди у очун.

- 55 Синглим Гизолабеллани маркизга маҳрам,—
Ўйнаш бўлмоқликка унатдим, гарчанд
Билсам-да гуноҳдир бу иш чинакам.
- 58 Болоньядан ёлғиз эмасман дардманд;
Тўлиб-тошиб ётар истаганингча,
Савено ва Рено аро ҳам ҳарчанд.
- 61 Сира дегувчилар топилмас бунча,
Турган гап, тамадан инсон деган зот
Қутулмас, кўзига тупроқ тўлгунча”.
- 64 Зарб уриб қолди-ку иблис шу заҳот,
Даррасини силкиб сўкинди дағал:
“Жойимас, юр дейман, қўшмачи фасод”.
- 67 Йўлбошчим ёнига қайтдим мен жадал;
Шамшир тигимисол тизма қояга
Етиб келдик икков фурсат ўтиб сал.
- 70 Осонгина чиқдик пиллапояга;
Ўнг томон йўл солиб, кетавердик жим,
“Хайр”, — деб бехосият — чала сояга.
- 73 Тош поя сўнгида тўхтадик бир зум;
Пастдан ўтар эди маҳқум тўдаси.
“Қани, кўрайлик-чи,—деди устозим,—
- 76 Нотанишдир, балки сенга анчаси,
Ёнма-ён юргандик боя саф-қатор,
Кўрмадинг кўпининг юзин, чамаси”.
- 79 Кўҳна-қадим кўприк остидан қатор,
Иккинчи гуруҳ ҳам борарди ўтиб,
Биз билан юзма-юз келганди дубор.
- 82 Устоз саволимни турмасдан кутиб,
Деди: “Ҳов, новчага ташлагил назар,
Кетмоқда беписанд, ўзини тутиб.
- 85 Кечмиш салобати унда нақадар,
Ҳукмдор Ясон у, донишманд, ёвқур,
Тилла ранг терига талабгор аскар.

- 88 Сузиб борган эди Лемносга базур,
У ерда аёллар эрларин топтаб,
Қолди диёнатсиз, беҳис, беғурур.
- 91 Бу ёвқур Ясон-чи, гап билан боплаб,
Ёш Гипсипиллани туширди қўлга,
У ҳам отасини қутқазган алдаб.
- 94 Қизни ташлаб кетди оқибат йўлда;
Ўша гуноҳи деб тортади кулфат,
Тагин Медеянинг хуни ҳам шул-да.
- 97 Қолган бандилар ҳам доғулисифат;
Анови маҳқумлар ҳақида, ҳатто,
Арзимас, менимча, мулоқот, суҳбат.
- 100 Сўқмоқ йўл узайиб, рўпарада то
Кейинги роҳ билан кесишгунча, биз
Қадам босар эдик тўхтамай борҳо.
- 103 Яқин орада-чи, маҳқумлар тигиз,
Хуриллаб юришар, чўзишиб тумшуқ.
Ҳар бири ўз-ўзин шаппатлаб тинсиз.
- 106 Елимга қопланган қиялик тўлуқ,
Пастдан анқир эди бир ҳид — бедаво,
Димоқни ёргудай, жаҳаннам — томуғ.
- 109 Тубанга боқмоқчи бўлсангиз аммо,
Сиротнинг устига чиқмоқлик даркор,
Кўринар бор нарса аён, ошкоро.
- 112 Ўтдик ўша ёнга икковлон зудкор,
Бир гала оломон турарди, ҳайҳот,
Нажасга беланган, ифлос, нобакор,
- 115 Улар орасида бор эди бир зот,
Шу қадар булғанган, ирганч эди ул,—
Бирон қавмдан деб қўйиб бўлмас от.
- 118 У менга қичқирди: “Бўлдимми мақбул,
Бунча боқиб қолдинг менга айрича?”
Дедим: “Аҳволингдан эмасман ғофил,

- 121 Билгимча, олифта зот эдинг анча;
Алессио Интерминелли нажас аралаш
Қараётир бизга, бошин бурганча”.
- 124 У деди: “Гуноҳим фақат ёлғонлаш,
Ўтрик гаплар айтдим бир умр тинмай,
Шу сабаб тушганман азобга яккаш”.
- 127 Хитоб қилди менга устозим атай:
“Қарагин, шоирим, елкангни буриб,
Сенга энг ғалати зотни кўрсатай”.
- 130 Гоҳо ўтирар у, гоҳида туриб,—
Ифлос тирноғи-ла қашланар мудом
Дунёда энг қабиҳ, разил, серфириб,
- 133 Бу аёл — фоҳиша Фаида, бадном.
Ўйнаши деганда: “Қондирдимми, хўш?!”
У деган: “Мўъжиза эрурсан тамом!”
- 136 “Жонга тегди, етар, бу ҳолат нохуш”.



ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Дўзахнинг бу доирасида порахўр ва ярамас черков аҳли жазо тортади. Уларнинг оёғи осмондан, ҳаммасини даҳшатли аланга чулғаб олган. Бу ерда Данте папа Николай III ни учратади. Шоир черков суллоҳлари ҳақида шафқатсиз сўзлар айтади.

- Бадбахт ялоқхўрлар, о, Симон қаллоб,
Олтин, кумуш учун пок ва бокира
Илоҳа иффатин юрганлар булғаб.
- 4 Очофат, ҳирс-нафсга бўлганлар жўра,
Учинчи туйнукда бандисиз, маҳқум,
Энди сўз сизларнинг аҳволга кўра!
- 7 Янги ҳад — ўзга бир жар ошиб шу зум
Букри сирот узра устоз икковлон
Тубанга термилиб турардик лол, жим.
- 10 О, Олий Тафаккур, одилсан шоён,
Қаерда бўлма, сен — ҳар нега қодир,
Мудом ҳақ йўлини қилурсан аён.
- 13 Кўрдим бу жойда ҳам кўз ташлаб ҳозир:
Бўз тошлар юзида қатор ва қатор
Гардишли ўпқонлар этмишсан зоҳир.
- 16 Сан-Жованнида ҳам шундоқ мазгил бор:
Чўқинтирилгувчи бола-бақрани —
Шакли-шамойили ўхшаркан бисёр.
- 19 Бир вақт қутқазай деб маъсум болани;
Ҳовузлардан бирин бузган эдим, рост;
Боқинг: гуноҳмикан у ишим, қани!

- 22 Ҳар бир чуқурчада бандаи нокас
Оёғи осмондан ётар шалвираб,
Вужудлари бўлса тошга банд-пайваст.
- 25 Тепасида эса ўт ёнар гувлаб;
Жон ҳолатда ҳар ким гувранар, ҳатто
Ўзга ҳолда узар қўйсанг занжирлаб.
- 28 Бу ерда ёнарди қорамой гўё —
Фақат юзасида бордир аланга,
Ловиллар товондан тирноққача то.
- 31 “Айтинг,— дедим боқиб устоз томонга,—
Ким бу зот, тўлғанган барчадан баттар,
Нечун оташ зўрроқ чулғанмиш анга?”
- 34 У деди: “Англадим, истасанг магар,
Сени қуйироққа бошлайин, кўргил,
Унинг ўзи сенга жавобин айтар”.
- 37 Дедим: “Сен не десанг, менга ҳам маъқул,
Фикримни ҳамиша англарсан аён,
Соҳибсан, вожибдир йўрифинг буткул”.
- 40 Тўртинчи ҳад сари чиқдим ўшал он,
Сўл томонга юрдик, у ерда лов-лов
Аланга сочарди саноқсиз ўпқон.
- 43 Огоҳ этолмади устозим шу ров,
Бир маҳқум бандага келдимۇ ёвуқ,
Саволимни дадил йўлладим дарров:
- 46 “Сенки, эй маскани қоронғу томук,
Зеру забар экан ҳолинг мутлақо,
Иложинг бўлса гар, жавоб бер тўлуқ”.
- 49 Қатлга маҳқум зот олдида гўё,
Имон келтирмоқчи руҳониймисол,
Турар эдим ундан тинглаб илтижо.
- 52 “Бонифаций,— деди бечора дарҳол,—
Сенмисан? Келдингми муддатдан бурун,
Рўйхат лақиллатмиш бизларни, алҳол.

- 55 Жонга тегдими ё мансаб, мулк, жунун,
Сен эмасми, ахир, мансаб бор жойда
Фирибга алмашган черковни бутун?”
- 58 Мен-чи, ҳайрон эдим ушбу ҳой-ҳойда;
Лол қотиб қолгандим ҳайрат ичра тек.
Нима гап ўзи бу? Англамоқ, қайда!
- 61 Вергилий дедими: “Хитоб айла тик,
Сен кутган у банда менмас де зинҳор”.
Мен ҳам жавоб қилдим устоз айтгандек.
- 64 Жунбушга кирди-ку дарҳол гуноҳкор,
Хитоб қилди инграб, изтироб аро:
“Йўқса, нега мени чорладинг бекор?”
- 67 Кимлигим билай деб, айлаб муддао,
Нишаб қияликдан тушган бўлсанг, бас,
Билгил: олий эди мен кийган ридо,
- 70 Уруғим аювдир: улуғ, муқаддас;
Қурдошларим дея бўлдим очофат,
Ҳамён — оқибатда ўзимга қафас.
- 73 Пастда салафларим ётибди қат-қат;
Форлар тирқишига тикилган бари,
Черков суллоҳлари — маҳкум, дуобад.
- 76 Мен айтган ўша зот келса биз сари,
Ўрнимни бўшатиб берардим шартга,
Ўзим тушар эдим тубанга нари.
- 79 Муддат чўзилмоқда; азоб ҳам катта;
Гарчанд у бу жойда бўлмагай узоқ,
Лекин яқин қолди муддат, албатта.
- 82 Сохта роҳиб келар анча кейинроқ.
Ўшанда барчамиз тубанга кетиб,
Тепамизда бўлгай ўша зот қопқоқ.
- 85 Ясонга подшоҳ марҳамат этиб
Эркалатганмисол, унга ҳам чексиз
Ҳиммат этар фаранг тожи қўл тутиб”.

- 88 Сўзларим бўлса ҳам тарқоқ ва эпсиз,
Унга хитоб қилдим шу он амаллаб:
“Сўйла-чи, раббано, Пётрдан тенгсиз —
- 91 Қандоқ хазинани этганди талаб?
Қўлига берганди ҳуқуқ — барқарор.
Ва деган: “Бўл менга содиқ, муқарраб”.
- 94 Матвей ҳақ бермаган Пётрга зинҳор.
Салтанат қўлидан кетгани заҳот.
Маҳрум бўлган эди буд-шуддан якбор.
- 97 Сен-ку айб қилгандинг; жазо тортиб ёт;
Карлга чоғлантирган ўшал ғазнани
Авайла, кетмасин у ҳаром бисот.
- 100 Агар сен етишган ҳақ — мартабани
Қадр этмасайдим азалдан-азал,
Ҳурмат қилмасайдим ҳозир ҳам ани —
- 103 Роса боплар эдим ҳаммангни тугал;
Мўмин насоронни тупроққа топтаб,
Аҳли суллоҳга сиз қўйдингиз ҳайкал.
- 106 Черков пешволарин, Иоанн фол қараб
Кимлигини аён айтиб кетганди,—
Сиз фар шоҳлар ила қилган айш-тараб.
- 109 Етти бош махлуқ ва бир фар ўтганди,
Иоанн фол очганда, айлаб сизни фош,
Ўхшаш тақдирингиз идрок этганди.
- 112 Олтин ва кумушдир сизларнинг меърож;
Бутпараст юкинса битта санамга,
Сиз бир деб, минг бирга уражаксиз бош.
- 115 Саяю кароматинг шулми оламга,
Сўйла, Константин, бу қандай савдо?
Рағбат билдирдинг-а кашиш аҳкомга?”
- 118 Ўзимча айлардим шунақа даъво!
У бўлса, ё газаб, ё виждон сабаб,
Талваса ичида қолди мутлақо.

- 121 Устоз кузатарди мамнун, мойилтаб,
Унинг наздида ҳам гапларим ростгўй,
Рози бўлган эди, сўзларим тинглаб.
- 124 Қулочини ёзиб келди бўйма-бўй
Ва қучди ёрлақаб, босди кўксига.
Сўнгра келган йўлдан қайтдик жўйма-жўй.
- 127 Боқмайин ҳамроҳин чарчоқ тусига
Мени етаклади юксаклик томон;
Бошлади тўртинчи ҳаднинг устига.
- 130 Қоя тепасига чиқазди омон.
Тоғларда ёввойи такалар ҳатто
Бундоқ мушкул йўлда юрмоғи гумон;
- 133 Олдда янги дара бўлганди пайдо.



ЙИГИРМАНЧИ ҚЎШИҚ

Бу жойда авлиёлик даъво қилган алдамчи фолбинлар сан-қиб юрадилар. Уларнинг боши тескари қилиб қўйилган, шу сабабдан таваккал қадам ташлашга мажбурдирлар. Вергилий донгдор фолбинлар ҳақида, хусусан, фивалик Манто ҳақида сўз юритади. Мантуя шахрининг тарихи унинг номи билан боғлиқ эканини ҳикоя қилади.

Йигирманчи қўшиқ мана, бошланди,
Гирдибодга маҳқум зотлардан айттай.
Азоблар ҳақида шеърим илк банди.

- 4 Турар эдим боқиб жар томон беткай,
Оҳу воҳга тўла саноқсиз хандоқ
Кўринарди равшан, туташ, паёпай.
- 7 Гунг-соқов оломон бечорасиёқ,
Хандоқ атрофида кезарди ёввош,
У — хос ибодатга ўхшарди кўпроқ.
- 10 Боқдим ва ажиб ҳол бўлди шунда фош,
Буткул ўзгачайди улар атвори,
Жуда ғалат эди кўкрак билан бош.
- 13 Барчасининг эди юзи тескари;
Ортга тисарилиб босарди қадам,
Зеру забар эди нигоҳ назари.
- 16 Қоқшолга учраган бечора одам
Вужудин тебратар ўшандоқ ўқтин,
Булар асрори не? Мен учун мубҳам.
- 19 Ўқувчим, илоҳо, холиқи ботин
Ҳикоям-ла берсин сизга ўгит-панд:
Ановларнинг ҳоли кўп оғир локин.

- 22 Қарайман, ўкинчим бўғзимда тирбанд;
Уларнинг кўз ёши, айланг тасаввур,
Оқар сағрисида ариқча монанд.
- 25 Қояга қапишиб йиғлардим шўр-шўр,
Хитоб эта қолди муҳтарам устод:
“Вовайло айлама, фаҳм этгин бир қур.
- 28 Булар эзгуликни билмаган бедод
Бир қавмдир, тангридан қилишар фиғон.
Шу сабаб ортади айблари зиёд.
- 31 Боқил, маҳқумлардан бирин беомон
Қора ер ютмоқда, Амфиарай бул,
Фиваликлар эса демоқда: “Қаён,
- 34 Жанг майдонин ташлаб, қайга солдинг йўл?”
Қочмоқчи бўлганди бетўхтов, теран,
То Минос қаҳрнок чўзмагунча қўл.
- 37 Чарх ҳукми — кураги кўкракка дўнган!
Унга аён эди қисмат доимо,
Энди-чи, кўргани пой ости — тубан.
- 40 Манови Тиресий, кажрухсор бало,
Чирмашган илонга солган-чун рахна
Аёлга айланган бир кун беибо.
- 43 Сеҳрли ҳассасин қайтадан яна
Илонга теккизгач жодудан фориг —
Ўз шаклига қайтган ўша замона.
- 46 Арунсдир манов зот, юрган шу тарийқ,
Луни деган жойда қурганди даргоҳ,
Ки ул жой қоятош, мрамарга тўлиқ.
- 49 Мрамар ғорда туриб у соҳибнигоҳ
Термулган самога — йироқ-йироққа,
Денгизлар уфқига кўз югуртган гоҳ.
- 52 Боқил, қани энди, ҳув анов ёққа;
Сочи елкасида бамисоли ёл,
Мантодир — Аруннинг қизи, кезмоқда.

- 55 Элма-эл, саргардон, дайдиб ночор ҳол,
Сўнг менинг юртимга қўнганди муқим,
Ўша ҳақда, майли, сўйлайин мақол.
- 58 Ота-ю онадан қолгач у етим
Вакҳлар шаҳрида қулдай юрди хор,
Кўп йиллар изғиди бамисли самум.
- 61 Гўзал Италия ёқда, пурвиқор —
Манья яқинида Тиралли томон
Бенако аталган тиниқ бир кўл бор.
- 64 Чулдираб неча юз булоқлар хандон
Апенинни ювиб оқар у сари,
Мовий кўл бағрида топмоқ-чун макон.
- 67 Верона, Брешья руҳонийлари
Мумкинди у ерда қурмоғи манзил,
Бажо бўлсин деб то ибодатлари.
- 70 Қўрғон бор у ерда муҳташам, асил,
Оти Пескьерадир — қўшниларга ҳад,
Кўрфаз теграсида пасқам бир соҳил.
- 73 Бенако қўйнига сув сиғмай беҳад
Дарё бўлиб яна этади давом
Кўм-кўк ўтлоқлардан оқар беадад.
- 76 Дарё кўл бағридан чиқдими — тамом,—
Минчо деб аталар ва тугар охир
Қўшилгач дарёи Пога, вассалом.
- 79 Пасқамга дуч келгач йўлида наҳр,
Ҳар ёнга ёйилиб оқар бемалол.
Ёзда қотиб қолар атроф тап-тақир.
- 82 Бу ердан ўтаркан бокира жамол,
Ташландиқ, кимсасиз ботқоқлик аро
Тақир ялангликка боқмиш сермалол.
- 85 Канизлари ила узоқ ва танҳо,
Кимсасиз оролда фолбин қиз дарров
Руҳини вужуддан этмиш мосуво.

- 88 Атроф-теградаги одамлар ров-ров
Қилмиш бу ерларга азми ихтиёр.
Бўлиқ адирларда тикмишлар ўтов.
- 91 Сўнгаклар устида эл топиб қарор —
Барпо айламишлар қалъа — шаҳристон,
Номин ҳам Мантуя қўймишлар пойдор.
- 94 Галварс Касалодини бир кун устомон,
Айёр Пиномонте алдагунча то,
Ул шаҳар бўлганди гавжум, ободон.
- 97 Юртим борасида одамлар аро
Эшитсанг гар бундан бўлак ривоят,
Билгил, ёлғон эрур унда бу даъво!”
- 100 Дедим: “Устоз, нақлинг ажибдир ғоят,
Барига инонгум, ростдир бу қисса,
Мен учун ёлғондир ўзга ҳикоят.
- 103 Ва лекин, айт, устоз, гар шундоқ эса,
Манов ўтиб турган бандалар ичра
Борми назарингга лойиқ ҳеч кимса?”
- 106 Деди: “Мана бири — серсоқол тўра,
Ияқдан белгача осилган мўйи,
Унинг кимлигини сен мендан сўра.
- 109 Юнонларнинг боши осилиб қўйи
Гўдақдан бошқа эр қолмаган маҳал
Каромат қилган у ўтирган қўйи.
- 112 Ўша Эврипилдир! Эсларсан тугал,
Унга бахш этганман энг юксак ашъор,
Унга фожиамда қўйганман ҳайкал.
- 115 Манов озгин фолбин доғули айёр,
Микеле Скотто — исми шарифи,
Фирибгарлар пири, тенги йўқ маккор.
- 118 Манов иккиси ҳам шайтонга шафе;
Бонатти, Азденте — эски этиқдўз
Бигизини қўмсар, йўқ энди нафи.

- 121 Афсунгар аёллар кезишар беюз,
Рўзғор ишларидан бўйнини товлаб,
Фолбинлик йўлига буткул тиккан кўз.
- 124 Фурсатдир, турмайлик энди пайт пойлаб,
Ой — Ҳобил — Сивилья ортига бу он
Оғди елкасига шох-шабба жойлаб.
- 127 Ўтган тун балқирди тўлин, чароғон,
Эслайсанми, тунда ўрмонда эдик,
Сокин шуълалари чақнарди ҳар ён”.
- 130 Йўл-йўлакай шундоқ сўзлашиб кетдик.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

*Бу жойда порохўрлар, мансаб — амални пулловчи қал-
лоблар бўлиб, уларнинг тортадиган жазоси қайноқ мум ҳовуз-
да ётишдир. Атрофда паншаха кўтарган иблислар маҳкум-
ларни ҳовуздан нарига жилдирмай, қўриқлаб турадилар.*

Ҳад-баҳад ўтардик сўзлашиб, аммо
Назмимга дахлсиз эди бу суҳбат.
Турфа азобларга боқардик борҳо.

- 4 Ёвуз Фор бағрини кўргали фақат
Интилиб борардик ошиб кўприк, сой,
Қора бир манзилга етдик ниҳоят.
- 7 Венецияда ҳам бор шунақа жой,
Эски кемаларни қилмоқ-чун бутун
Қиш бўйи ёқишар тинмай қорамой.
- 10 Юмуш бор у ерда ҳар кимса учун;
Кимдир эшкакларни ростласа, кимдир
Дарз кетган жойларга тиқади тиқин.
- 13 Ҳар ким ўз ишига излайди тадбир,
Лангар созлаш билан биров овора,
Биров анжом ясар янгидан, моҳир.
- 16 Мен кўрган мум ҳовуз — улкан шарора,
Ўт йўғу каромат туфайли қайноқ,
Сачрарди ҳар ёнга чалқиб тобора.
- 19 Ҳеч не англамадим боқиб турароқ,
Ичида не савдо — эдим беҳабар,
Пуфакчалар ғалат қайнарди ҳар чоқ.

- 22 Энгашиб, тубанга ташладим назар,
Устоз дастин чўзиб деди: “Тез қара”.
Эҳтиёт айларди мени у сарвар.
- 25 Бировни қувса гар бало, тасқара,
Қўрқиб, орқасига қараб қочгандай,
Юрагин ҳовучлаб, ҳоли масхара,
- 28 Кўзларин олайтиб катта очгандай —
Боқдим, шундоқ рўй-рост қоп-қора иблис
Югуриб келарди биз томон тинмай.
- 31 О, унинг рафтори нечоқ бад, беҳис,
Оёқларин серпаб соларди қутқу,
Қанотларин ёзиб чопарди ғиз-ғиз.
- 34 Маҳқумнинг пойидан даст кўтариб у,
Чўнқир елкасига ортиб мисли юк,
Қояи сиротга чопиб қолди-ку.
- 37 Деди: “Хаскашчилар, киришинг тузук,
Зита хўжасини боплангиз дарҳол,
Шаҳарда мижозлар кўпдир ҳар нечук.
- 40 Тагин хабар олиб келай-чи жадал.
Шаҳарда Бонгуро фақат пок, тоза,
Пора олмас, лек дер: “Чўнтагимга сол”.
- 43 Шундоқ деб, маҳқумни, шайланиб роса,
Пастга улоқтирди. Сўнг кетди чопиб,
Ит бундоқ югурмас ўғрини топса.
- 46 Маҳқум беланганди мойга хўп ботиб,
Иблислар баравар солдилар чуввос:
“Муқаддас Ликдан биз келганмиз тониб.
- 49 Серкьо сувимас бу, чўмилсанг паққос,
Чап бермоқчи бўлсанг бизнинг қармоққа,
Мум ҳовузга қайта шўнфигин, шоввоз”.
- 52 Иблислар тишларин қайрашиб шаққа,
Маҳқум биқинига солдилар оғиз.
Дердилар: “Уринма бош кўтармоққа,

- 55 Қанча фирибинг бор — пусиб қил шаксиз”.
Ошпазлар қузатгай, шогирд шу йўсин
Товада лахмни этсин деб жиз-биз.
- 58 Устоз деди: “Улар сезмасин учун
Қоя орқасига бекин бенишон,
Иложи бўлса гар — ёпиб ол бутун.
- 61 Мендан ташвиш тортма, етмагай зиён:
Таниш эрур менга бу жойлар анча,
Бундақа сўғишлар азалдан аён”.
- 64 Кўприкни тарк этди устоз кетганча,
Бўлмоғи зарур у сокин бир мардум
Олтинчи жарликдан токи ўтганча.
- 67 Бечора тиланчи топмайин тўзим
Ҳар қайда боумид қўл чўзган чоғи
Ташлангани каби итлар серзугум —
- 70 Кўприкнинг тагида гала ютоқи
Иблис чангак силкаб бошлади ғавфо,
Лекин устоз деди: “Сабр этинг, доғи —
- 73 Мени бурдалашга шошманг мутлақо,
Сизнинг бирингизда жиндак гапим бор,
Сўнгра не лозимдир, этгайсиз бажо”.
- 76 Иблислар қичқирди кўчгандай бозор;
“Ҳой, Думдор, чиқ бу ён!” — шу он ғўнғирлаб
Бири пайдо бўлди: “Намунча ур-ёр?”
- 79 Устоз деди: “Думдор, ўзинг кўр ўйлаб,
Қошинга келишга қилибман бовар,
Соғ-омон юрибман жаҳаннам бўйлаб,
- 82 Демак, тангри ўзи менгадир парвар,
Шундоқ бўлдими, бас — йўлни тез бўшат,
Ғайб ўзи раҳнамо — айлармиз сафар”.
- 85 Иблис чангагини ташлаб шу фурсат
Қавмларига боқиб айлади хитоб:
“Бу билан айтишманг, сизга маслаҳат”.

- 88 Устоз чорлаб қолди: “Ҳой сен, сабри соб,
Тошлар орасидан энди чиқа қол,
Юр менинг ортимдан қўрқмайин, шитоб”.
- 91 Устоз ҳузурига шошилдим дарҳол,
Иблислар ҳам олға босишди қадам,
Қўрқдим, қилмаса деб бирор кори ҳол.
- 94 Капрон қалъасида мағлублар бир дам
Қуролин топширмай бўлганди таслим,
Қўрққан эдим роса ўша пайтда ҳам.
- 97 Дафъи бало учун тайёр туриб жим
Устозга қапишиб кетдим йўл оша,
Ёвуз иблисларда эди назарим.
- 100 Бир иблис бирига шипшиди шоша:
“Орқасидан бориб урсакми чангак?”
“Чинқирса, бўларди роса томоша!”
- 103 Лекин иблис, бир гап айтай, деб андак,
Хайрият, сўз қотди шерикларига,
Деди: “Қани, жим бўл, ҳой Хира Читтак”.
- 106 Сўнг бизга юзланди: “Йўл йўқ нарига,
Бузилиб ётибди олтинчи кўприк,
Энди душвор эрур роҳ илгарига.
- 109 Битта йўл бор, лекин сизга ҳар нечук,
Қоядан айланиб ўтарсиз охир,
Манави из бўйлаб кета беринг тик.
- 112 Олтмиш олти йилу ўн икки аср
Бурун яксон бўлган кўприк бўронда,
Исо жон берар чоғ иш бўлган содир.
- 115 Бизнинг ҳам юмуш бор ўша томонда,
Иситиб қайтармиз маҳқумларни сал,
Қўрқмай юраверинг сафда, омонда”.
- 118 Чорлади дўстларин Думдор шу маҳал:
“Ҳой, Чол, Эгриқанот, отланинг тезроқ,
Ишбоши Соқолдир сизларга бу гал;

- 121 Аждар, Хира Читтак бўлади ҳамроҳ,
Сўйлоқ Тўнғиз билан Қичима ҳам бор,
Хурмачақилиқ ва Малларанг Суллоҳ.
- 124 Қайноқ ҳовузларни текширинг зинҳор;
Мановлар боради тизмагача то,
Майли, омон етсин, берманглар озор”.
- 127 Дедим: “О, устозим, бу нечук бало,
Парвардигор ҳаққи, ҳамроҳ не зарур,
Йўлни биласан-ку, кетайлик танҳо.
- 130 Зуккосан, буларга назар солиб кўр,
Кўзлари бежо-ку, буларнинг, ҳайҳот,
Тишлари тақиллар, боқар беҳузур”.
- 133 Устоз деди: “Чекма беҳуда фарёд,
Тишларин қайрашса ўзига сийлов,
Маҳқумларни қийнаш буларнинг мурод”.
- 136 Иблислар йўл солди сўл томон дарров,
Лекин бошлиғига ишора айлаб,
Тилларин кўрсатар эдилар ров-ров,
- 137 Бошлиқ-чи, жавобан... ел чиқарди зап.



ЙИГИРМА ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар тўғон бўйлаб ўнг томонга юрадидилар. Бу ерда ҳам мум ҳовуз бўлиб, унда олижаноблик ва адолатни суистеъмол қилган порахўрлар, фирибгарлар маҳкумдирлар. Улардан бири наварралик Чамполо. У иблисларга фириб беради, натижада иблислар ўзаро жанжаллашиб қолиб, мум ҳовузда жиш бўладидилар.

- Кўрганман суворий сафлар мақомин:
Турфа жанггоҳларда, сафарларда, ё
Ёвдан нажот излаб қочган айёмин.
- 4 Кўрдим, талончилар солганин ғавго,
Кўрдим, қанча-қанча чавандозларни,
Кўрдим, курашда қай шаҳсувор пешво.
 - 7 Эшитганман турфа даъват-созларни.
Итальян усули ё ўзга жиҳат,
Жангларга чорловчи кўп овозларни.
 - 10 Замину баҳрда қўзғаган ғайрат,
Барча созлардан ҳам ғаройиби бор,
Барчасидан афзал сурнайди фақат.
 - 13 Ўнта иблис била кетардик қатор,
Ва лек черковда пир кўрса эҳтиром,
Майхонада майхўр топгай эътибор.
 - 16 Кўз ташлаб ўтардим мумга бекалом;
Кимлар маҳкум экан қайноқ қозонда,
Қанақа жой эрур бу даҳшатли ком.
 - 19 Делфинлар сакрашиб баҳру уммонда
Сайёҳни хатардан этгандай огоҳ,
Улар ҳам кўринар ҳар-ҳар замонда.

- 22 Сўнгсиз укубатга чидолмай гоҳ-гоҳ
Тўлғанар эдилар қайноқ мум аро,
Бекинар эдилар лекин баногоҳ.
- 25 Кўлмак қирғоғидан эрталабдан то
Оқшомга қадарли бақрайиб мудом
Боққан қурбақалар сафидай гўё
- 28 Маҳқумлар ётарди адоий тамом;
Соқолнинг шарпасин сезгани заҳот
Урарди ўзларин мумга, вассалом.
- 31 Бир бор сал кечикди шўрлик маҳқум зот,
Уни ҳанузгача эсласам агар
Юрагим орқага тортади, ҳайҳот.
- 34 Яқинроқ борди-ю Қичима бесар
Унга зудлик ила ташлади илмоқ.
Қирғоққа судради савсардан баттар.
- 37 Иблислар лақаби эсимда бироқ;
Гаплашиб келганди улар йўл бўйи,
Номлари ёдимда қолганди мутлоқ.
- 40 Малъунлар қичқирди тутишиб хўйи:
“Ҳой, Малла, мановнинг терисини шил,
Ном-нишон қолмасин, ўчсин ранг-рўйи”.
- 43 Устозга дедимки: “Марҳамат этгил,
Иблислар қўлига тушган бечора,
Сабий зот ким экан, суриштириб бил”.
- 46 Устоз яқин борди унга тобора,
Маҳқум бизга шундай айлади жавоб:
“Кимлигим сўрасанг — юртим Наварра,
- 49 Отам молу мулкни этгач соб, хароб,
Ночор ҳолда қолгач бечора онам,
Хизматга олганди мени бир жаноб.
- 52 Хўжам қирол Тебальд — ғоят серкарам,
Мени яқин тутди, бўлдим порахўр,
Мана, тортмоқдаман жазосини ҳам”.

- 55 Ахта Тўнғиз шу он этганча хўр-хўр,
Сўйлоқ тишларини солганча ишга
Бурдалай бошлади маҳқумни масрур,
- 58 Бошқалар ёприлди ёрдам қилишга;
Соқол-чи, қайирди, лекин қизганиб,
Деди: “Кучим етар уни тилишга”.
- 61 Устозга сўз қотди Соқол юзланиб:
“Хоҳласанг, у билан суҳбатлашиб қол,
Хомталаш бўлганча савол бер қониб”.
- 64 Устоз деди: “Айт-чи, эй бечораҳол,
Борми ҳеч лотинлик бу оташ мумда?”
Деди: “Шу яқинда биттаси, алҳол,
- 67 Бор эди, биргайдик қайноқ қулзумда,
Чангак балосидан бўлардим холи
Ётсайдим у каби мумда шу зумда”.
- 70 Фурсат ўтганидан келиб малоли
“Қачонгача!” — дея Читтак солди чов
Ва маҳқум гўштини юлди-ю олди.
- 73 У билан талашиб Аждар беаёв
Бутига чанг солай деган фурсатда
Ўнбоши уларни тўхтатди дарров.
- 76 Улар ярашдилар яна албатта;
Маҳқум ётар эди бурдаланиб тан,
Устоз сўраб қолди маҳқумдан шартта:
- 79 “Анави лотинлик, айтгил, ким экан,
Сен хароб бўлибсан, унга ким шафе?”
Деди: “У — фирибда учига чиққан —
- 82 Роҳиб Гомитадир, йўқдир тарафи,
Таважжуҳ бор дея ҳибсдаги ёвда
Вазирга уқтирган ва ўтган гапи.
- 85 Пул олиб, қўйворган барин дарровда,
Сувдан қуруқ чиққан, далил йўқ фақат,
Балоҳўр эди у, бозори довда;

- 88 Микеле Цанке — бу иккиси улфат,
У-чи, логадорлик, эртадан то кеч
Сардин ҳаётини эслар боҳурмат.
- 91 Иблис қайраётир тишин тинмай ҳеч,
Йўқса, айтар гапим бор эди яна,
Иблис этар мени бурда, печу печ”.
- 94 Читтак шайланганди жангга мардона,
Лекин уни дарҳол тўхтатди бошлиқ:
Деди: “Ўзингни бос, ҳой маҳмадона”.
- 97 Гапда давом этди маҳқум ҳам мунглик,
“Кўрмоқчи экансиз юртдошларни гар,
Юзлаштирар эдим шу фурсат аниқ.
- 100 Холи қўйсайди сал иблислар кофар.
Чўчимай келарди улар биз томон.
Ҳуштак чалдимми — бас, беш-олти нафар
- 103 Таниш-билишларнинг келмоғи аён.
Бизда шунақанги тартиб-қоида —
Кўз-қулоқ бўламиз биримиз пинҳон”.
- 106 Ит лақабли иблис — бузуқ авзойда
Ғўнғирлаб қўйди сал: “Гар имкон берсак
Қочиб қолмоқчи бу, эси жойида!”
- 109 Наварралик деди: “Олғирман бешак,
Ортгирсам дўстларга қийноқни қанча
Устомон бу, десанг бўларди, эй сак!”
- 112 Эгри қанот эса деди шошганча:
“Юрмасман орқангдан имиллаб, йўртиб,
Етгум мум ҳовузга қанот ёзганча.
- 115 Бир бор силкиндикми, борурмиз етиб —
Бизни этолмассан сарсон, сарсари.
Сени сал фурсатда олурмиз тутиб”.
- 118 Ўқувчим, кўп қизиқ олам ишлари:
Қизиққон иблисдан тортиб ҳаммасин
Боши бурилганда салгина нари —

- 121 Наварралик маҳкум ростлаб нафасин,
Ерга оёғини тираб, барала
Шўнғиди тубанга, чиқармай сасин.
- 124 Кўринг, иблисларнинг ҳолин шу палла!
Ҳаммадан ишбоши мулзам, газабнок,
“Ушлайман!” — деди-ю ташлади калла.
- 127 Лекин қайтиб чиқди ортига бебок,
Теран шўнғиганди маҳкум ҳам айёр.
Қанотли иблисга қайда шўнғимоқ!
- 130 Лочин ҳужум қилса, ўрдак шиддаткор
Сув остида зумда бўлади ғойиб,
Лочин қайтиб кетар тунд ва жаҳлдор.
- 133 Чол-чи, учар эди тез қанот қоқиб,
Маҳкум йўқолса-ю, унинг истаги
Сўнг жанжал қилишса ўзлари ётиб.
- 136 Маҳкум ғойиб бўлди патраб юраги;
Чол-чи, бир иблисга ботирди тирноқ,
Айқашиб кетдилар, ким уст, ким таги.
- 139 Буниси ҳам ҳали ҳолва-ку, шу чоқ
Ташланди уларга мурдашўй лочин.
Жўш мойга барисин беллади мутлоқ.
- 142 Ажралди чамбарчас иблислар ҳорғин,
Турар эди улар забун, ночорҳол.
Кўтаролмай мойга ботган қанотин.
- 145 Йўл-йўриқ кўрсатди серташвиш Соқол,
Чангагини олиб аранг тўртовлон
Жардан учиб ўтди у ёнга дарҳол.
- 148 Сўнг яқин келишиб қирғоққа томон
Чўза бошладилар чангагин пастга.
Қолганлар бижғирди мумда саргардон.
- 151 Тарк этдик бу жойни бизлар ҳам аста.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолган иблислардан узоқлашиб, йўлда давом этадилар. Аммо иблислар қуулаб келаётганини сезган Вергилий Дантени оғушига босиб, олтинчи жарлик томон зудлик билан сирғалиб тушади. Уерда мунофиқ, риёкор, иккиюзламачилар қавми жазо тортади. Улар кўринишдан зарҳал, аммо ниҳоятда зил-замбил қўрғошин либосни кийиб юришга мажбурдирлар. Шоирлар уларнинг иккитаси билан суҳбатлашадилар.

Мубҳам йўллар оша иккимиз танҳо
Кетиб борар эдик бесўз, бекалом.
Икки оға-ини дарвишдай гўё.

- 4 Ўтган ҳодисотни эсласам тамом
Қурбақа ва сичқон — Эзоп масали
Хаёлимни қайта айлар эди ром.
- 7 Жуда ўхшаш эди уларнинг ҳоли;
Бири “ҳозир”гина бўлганди содир,
Бири воқе бўлмиш “ўша маҳали”.
- 10 Гапдан гап чиқади, фикрдан фикр,
Ўзга ўйлар этди хаёлимни банд,
Расо ортган эди таҳликама оғир.
- 13 Иблислар биз боис едилар-ку панд.
Улар олмасмикан шафқатсиз қасос,
Шу ҳадик миямдан кетмасди ҳарчанд.
- 16 Мушкулдир қасд ишга феъл ҳам келса мос;
Ҳисоб-китоб қилар улар бир карра,
Қуёнга ташланган итдан баттар маст.

- 19 Сочим тиккайди-ю ваҳима ичра
Бир зум қотиб қолдим қаққайиб, тўхтаб,
Хитоб эта қолдим устозга сўнгра:
- 22 “Чамамда, иблислар келмоқда қувлаб,
Кўнглимда шундай ўй, шундай бир хаёл,—
Дедим,— бекинайлик, чора топ ўйлаб”.
- 25 У деди: “Англадим фикрингни яққол,
Тушундим кўз очиб-юмгунча чаққон,
Қўрқувдан қолмади танингда мажол.
- 28 Сендан мутаассир бўлдим бегумон,
Менга ҳам кўчгандир сендаги ҳадик,
Ўйлаб қолдим мен ҳам чора-ю имкон.
- 31 Ўнг ёқда учраса эди қиялик,
Жар сари ўтишга йўл бўлса ўнғай,
Қувлаб етолмасди улар деярлик”.
- 34 Устоз гапларини айтиб тугатмай
Илғадим, ёприлди иблислар жадал,
Қанотларин қоқиб, ов қилмоққа шай.
- 37 Йўлбошчим қўл чўзди менга шу маҳал;
Шовқинда ногаҳон уйғонган она
Ўт кетган уй ичра ҳовлиқиб тугал
- 40 Туртина-суртина у ён-бу ёна,
Кийим-ўрамни ҳам айлаб фаромуш
Боласин кўтариб қочгандай, мана,
- 43 Устозим мени ҳам этди-ю оғуш,
Пастлик — қияликка сирғалди чунон;
Олтинчи жарликка етдик мисли қуш.
- 46 Шиддат-ла айланиб ётган тегирмон
Парраги остидан отилган сув ҳам
Бунчалик шитобда оқмас ҳеч қачон.
- 49 Мени кўкрагига босганча маҳкам,
Дўстимас, ўғлига бўлгандай тиргак,
Шижоат кўрсатди устоз чинакам.

- 52 Иблислар келишди шошиб, жонҳалак,
Тепамизда эди уларнинг дасти
Ва лекин ўтганди хатар, ё фалак.
- 55 Бешинчи туйнукнинг аҳлига асти
Бу ерда таважжуҳ бўлса ҳам, аммо
Уларнинг гаплари энди ўтмасди.
- 58 Пастда тўп оломон бўлганди пайдо.
Улар кезар эди сокин, ноумид,
Ҳорғин қадам босиб, кўз ёши дарё.
- 61 Устларида хирқа бамисли совут,
Зилдай оғир эди, лекин бу жубба;
Клунь роҳибларин эслатарди худ.
- 64 Зоҳиран безакдор — тилла ранг қубба,
Асли қўрғошинга эдилар мағлул.
Бу либосда юрмоқ мушкулдир жуда.
- 67 Сохтакор либослар, оғирсиз нукул!
Маҳқумлар ортидан эргашидик аста,
Уларнинг суҳбатин истарди кўнгул.
- 70 Зил-замбил либосда бемажол, хаста
Маҳқумлар имиллаб босарди одим;
Ўтардик, улар-чи, қоларди сафда.
- 73 Шу он устозимга сўз қота қолдим:
“Изн топ, ё эса ахтар баҳона,
Суҳбатга бирор зот топилгай балким?”
- 76 Лаҳжамни эшитиб бир шўрпешона
Ўзини тутолмай қичқирди: “Тўхтанг,
Зулматда боргайсиз шошиб қаёна?”
- 79 Неки истасангиз, майлига, сўранг!”
“Шу ерда бирпас тур,— уқтирди устоз,—
Сўраб ол сен ундан неки истасанг”.
- 82 Иккита маҳқумни кузатдим бир оз,
Бор эди уларда баҳри иштиёқ,
Лекин юки оғир, йўл тиқин, носоз.

- 85 Яқин келишди-ю, айлаб иштибоҳ,
Бирор сўз демасдан термилдилар, чун
Мени кузатдилар бошдан то оёқ.
- 88 Сўнгра бир-бирига сўз қотди дилхун:
“Ҳалқуми қимирлар, тирик бовужуд,
Улар бу манзилда тентирар нечун?”
- 91 Менга сўз қотишди: “Эй банди ҳудуд,
Тосканлик, кимлигинг аён эт бизга,
Жавоб қил, бўлсак ҳам биз аҳли мардуд”.
- 94 “Арноданман,— дедим мен кириб сўзга,—
Ҳаётман, шу вужуд менда барқарор,
Азалдан то бу дам кўриндим сизга.
- 97 Сизлар кимсиз, айтинг, бу нечук оҳ-зор,
Бу нечук кўз ёши, бу нечук қайғу,
Бу нечук изгироб, либос шуълакор?”
- 100 Бири жавоб қилди: “Этмагил орзу,
Шунчалар оғирки бу ажиб ридо,
Уни кўтаролмас ҳеч бир тарозу.
- 103 Бизлар Каталано ва Лодеринго,
Асли болоньялик, гаудент насаб,
Ғалвага қўйғали нуқта, интиҳо.
- 106 Кўмакка борганмиз элингиз тараф;
У ерда қилганмиз нечоғли хизмат —
Англарсан Гардинго қасрига қараб...”
- 109 Дедим: “Оғайнилар, ишингиз фақат...”
Лекин гапдан қолдим: биров ерпарчин
Ётарди, уч қозиқ қоқилган сумбат.
- 112 У мени кўрди-ю, қалтираб ҳорғин,
Хўрсина бошлади, уф тортиб расо,
Каталано айтди бу ҳолнинг важин:
- 115 “Қошингда ерпарчин ётган бу тарсо
Фарисей қавмига айтар эди ваъз.
Элга бас бир кимса тортса деб жазо.

- 118 Йўлда у кўприкдай ётар муқаввас,
Ўтган-кетган ҳар ким ўтади босиб,
Турфа оғирликни сезгай ҳар нафас.
- 121 Қайнатасига ҳам шу қисмат насиб,
Қарғишга қолмишдир буткул бир жоме,
Яхудийлар юрар — касрига қолиб”.
- 124 Абадий уқубат, изтироб коми
Ютган бу кимсага Вергилий устод
Назар ташлаб ўтди ғалат, тамоми.
- 127 Сўнг Каталанога хитоб этди бот:
“Айтингиз, йўл борми энди ўнг ёққа,
Токи учрамаса хатар, мушкулот.
- 130 Токи кета олсак бундан узоққа.
Қора фаришталар кузатгай токай,
Тоқат йўқ уларнинг юзин кўрмоққа”.
- 133 У деди: “Шу ердан узун, паёпай
Тош тизма ўтади кесиб ўпқонни,
Лекин айни чоғ у ўприлиб ётгай.
- 138 Энди сизга айтсам, йўлнинг осони,
Ўтарсиз ўприлган ўша тош тимдан.
Улар қоплаб ётар атроф, ҳар ённи”.
- 139 Устоз бошин эгиб турарди зимдан,
Сўнг деди: “Алдабди бизларни демак,
Чангак кўтаришган иблислар чиндан”.
- 142 У деди: “Болонья юртида бешак
Мендан бошқанинг ҳам фаҳми етгандир,
Яъни иблис зоти зулмга эгизак”.
- 145 Устоз йўлга тушди бадҳол, таъби кир,
Қовоқларин уйиб кетди мардона,
Бу сабил элни ҳам тарк этиб ахир
- 146 Устознинг изидан бўлдим равона.

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ ҚЎШИҚ

Дўзахнинг олтинчи жарлигидан амаллаб чиқиб олган шоирлар ғуж-ғуж илонлар орасида таъзирини кўраётган ўғрилар манзилгоҳи — еттинчи жарликка келадилар. Илон чаққан маҳқум лов этиб ёниб кетади, сўнгра кулдан қайта тикланади. Данте улар орасида пистойялик Ванни Фуччини учратади. Ўз аҳволидан аламзада Фуччи Дантега оқлар партиясининг мағлуб бўлиши ҳақида гапиради.

Буржи Должда ҳали мурғакдир офтоб
Йил боши, ҳаво ҳам илийди ров-ров.
Рўбарў келади кун ва тун шитоб.

- 4 Далалар бағрини қоплайди қиров,
Гарчи унинг дами кун-бакун қайтар,
Лекин бир қарашда қор дейсан дарров.
- 7 Деҳқон кўз ташлайди уйғониб саҳар,
Ажабо, қор босмиш яйловни текис,
Пешонага уриб, оҳ чекар баттар.
- 10 Найласин? Чорасин томолмай, эпсиз
Уйга кириб кетар сўкиниб яна;
Лекин бир зум ўтиб боқса-чи, чексиз
- 13 Далалар тусини ўзгартмиш, мана;
Қувнаб қўлга олар яна таёғин,
Сурувни яйловга ҳайдар мардона.
- 16 Мен ҳам кўриб илк бор устоз сиёғин
Қутим ўчган эди ўшандоқ ҳайрон,
Лекин устоз ўзи тинчитди тағин.

- 19 Вайрона сиротга етганимиз он
Ёришиб кетди-ку устоз чехраси,
Дастлаб кўрганимдай руҳи чароғон.
- 22 Уюлиб ётарди тошлар парчаси,
Устоз ён-атрофга боққач, ниҳоят
Мени қучиб олди биратўласи.
- 25 Режали одамлар айлаб риоят,
Мудом иш тутгандай ўйлаб келгусин,
Кўтарди мени у шахт этиб ғоят,
- 28 Уюм тош устига чиқдим шу йўсин.
Деди: “Мустаҳкамми, қадам қўйиб боқ,
Қимирлатиб боққин тошнинг унисин”.
- 31 Бундай йўлда мушкул ридода юрмоқ;
Биз ҳам тармашардик тошларга аранг,
Устоз мадад бериб борарди бироқ.
- 34 Нишабга йўлиқдик, бу ҳолни қаранг,
Йўқса, устозни-ку, билмадим, аммо
Менинг ҳолим ғоят бўлар эди танг.
- 37 Ҳамоно бу ўша Ёвуз Фор — юҳо,
Унга олиб тушар нишаб — ёнбағир,
Икки тараф девор паст-баланд борҳо.
- 40 Уюм тош устига чиқдик биз охир,
Энг сўнгги харсангга етганда ночор,
Буткул ҳолдан тойиб, тин олдим оғир.
- 43 Нафас олмоғим ҳам эди кўп душвор,
Ўлтирган жойимда қолдим жилолмай,
Нари йўл босишга йўқ эди мадор.
- 46 Устозим дедики: “Огоҳ бўлгин, ҳай,
Пар тўшак қошига келмас шон-шараф,
Чарчоқ, танбалликка берма асло раъй.
- 49 Кимки шон ахтарса беаҳамат яшаб,
Ундан қолажақдир омонат бир из,
Елда — тутун, мавжда кўпикка ўхшаб.

- 52 Кўзғал! Танбалликка берилма ҳаргиз!
Дунёда ҳад йўқки енголмаса руҳ,
Руҳ бўлмаса басдир вужуддай ноқис.
- 55 Зиналар бор олдда узоқ, серандуҳ,
Четга чекинмоқлик сенга нолойиқ,
Ўғитим тингласанг — бўлма дилмажруҳ”.
- 58 Отландим мардона, зоҳиран босиқ,
Тетик тутар эдим ўзимни анча.
Дедим: “Мен тайёрман, эй пири ҳозик”.
- 61 Қоя пуштасига қадам босганча,
Кетдик, лекин бу йўл анча хатарнок,
Баттаринроқ эди кета-кетгунча.
- 64 Сўзлаб борар эдим босса ҳам чарчоқ,
Ногоҳ ғор қаъридан чиқди бир овоз,
Овозки, каломга ўхшамас мутлоқ.
- 67 Сирот чўнқиридан қулоқ тутдим боз,
Англаб бўлмас эди бирор сўз, калом,
Узоқлашар эди гўё у ноҳос.
- 70 Тубанга энгашиб боқдим шу айём,
Ҳеч не кўринмасди қуюқ зулматда,
Устозга дедимки, айлаб эҳтиром:
- 73 “Қуйироқ олиб туш, теран хилватда
Овоз келади-ю, сўзин англамам.
Ҳеч нени кўриб ҳам бўлмас, албатта”.
- 76 У деди: “Хоҳишинг бажо айларам;
Адл ишга бошласа азму ихтиёр
Унга рўйхуш қилмоқ кордир серкарам”.
- 79 Саккизинчи ҳалқа томон раҳгузор —
Сиротнинг йўлидан боқдик ўпқонга,
Аён кўринарди манзара бисёр.
- 82 Кўзим тушди шу он гиж-гиж илонга,
Қай хили десангиз бордир, во ажаб,
Эсласам, тил ҳатто келмас забонга.

- 85 Ливия дашти ҳам келолмас тараф,
Чиндан морзор эрур гарчи у сахро,
Лекин бунақаси йўқ эрур, ёраб!
- 88 Ҳабаш чўлларини қўшсанг ҳам ва ё
Қулзум соҳилларин устига-устак,
Бундай улкан морзор бўлмагай барпо.
- 91 Бижғиган илонзор ичида лак-лак
Маҳқумлар кезарди бесару сомон,
Мордан бекинмоққа йўқ пана, ковак.
- 94 Чирмашиб ётарди барига илон,
Сиқиб олган эди қўлларин маҳкам,
Гарданларин ўраб ташлашган ёмон.
- 97 Бирига даф қилди илон ўша дам,
Кекирдакка солди тишин бешафқат,
Ошкор кўринарди бизга бари ҳам.
- 100 Рақам чеккунчалик ўтмайин фурсат
Ногоҳ ўт олди-ю, лов ёнди маҳқум,
Бир ҳовуч кул қолди ўрнида фақат.
- 103 Дақиқа ўтмайин хок туроб мардум
Қаддин ростлади-ю, туриб оёққа,
Аввалги ҳолига қайтди-ку шу зум.
- 106 Қадим донишмандлар битмиш авроққа:
Беш юз йилда бир бор Самандар гўё
Ўзин маҳқум этар ўтда ёнмоққа.
- 109 Наботот эмасдир емиши асло,
Маҳв ўлса долчиндир бу қушга кафан,
Тириклик чораси эса мўмиё.
- 112 Ҳушдан кетган кимса билмас дафъатан,
Оёғидан чалган иблисми ёхуд
Васвасами боис — қолмиш фикрдан.
- 115 Ўрнидан тургач у серрайиб беҳуд
Теварак-атрофга боқадди карахт,
Хўрсиниб қўяди ночор ва ношуд.

- 118 Ўшандоқ эди бу маҳқум ҳам бебахт.
О, сен парвардигор, о, қодир қосид,
Қасос олажаксан нечоғ бешафқат.
- 121 Устоз хитоб қилди: “Кимсан, эй фосид?”
У деди: “Тоскандир ватаним меним,
Гуноҳим мана шу жарликка оид.
- 124 Одамдай яшашни севмасди жиним,
Исмим Ванни Фуччи, хачирдай ўжар
Ҳайвонман, Пистойядир такиягоҳ жойим”.
- 127 Устозга дедимки: “Бу қонхўр бесар
Нечун баҳри хунга бермай мубаддал,
Бу жарда бандидир, сўра, эй раҳбар”.
- 130 Маҳқум сўзларимни тинглаб муфассал,
Шармисор ҳолатда бетга уриб қон,
Мен сари юзланиб деди шу маҳал:
- 133 “Менинг бир нарсадан ўкинчим чандон,
Дуч келдим мен сенга шундоқ аҳволда,
Бунча ғам тортмовдим ажал келган он.
- 136 Жавоб айта қолай сенга ҳар ҳолда;
Черков омборида ўғирлик қилдим,
Шу сабаб қолганман ушбу қамолда.
- 139 Бошқачароқ эди жазоим қадим,
Аҳволимга қараб шодланмаёқ тур,
Сенга сир айтишга жазм айладим.
- 142 Гапларимни эшит сергак, диққат бур:
Қоралар маҳв бўлар Пистойяда аввал,
Сўнгра Флоренция юргизар дастур.
- 145 Магра водийсида қодир Марс жадал
Зулматли булутлар силсиласин бот
Пицен даштларига ҳайдайди тугал.
- 148 Жанг бўлар даҳшатли ва қирғинбарот,
Оқлардан бу сафар юз бурар омад,
Бошма-бош ҳар бир Оқ бўлғувси барбод.
- 151 Қалбингни тирнашдир гапимдан мақсад”.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар Как исмли кентаврға — ярим одам, ярим от қиёфасидаги махлуққа дуч келадилар. У саркаш Ванни Фуччини таъқиб этади. Шунингдек, Данте бу ерда жамоат мулкани ўғирлаган бир неча флоренциялик юртдошларини учратади, улар даҳшатли жазо жараёнида илонга айланиб қоладилар.

Сўзин тамом қилиб у ёвуз бало
Бармоқларин букиб, диндак кўрсатди,
Қичқирди: “Мана бу сенга, раббано!”

- 4 Шу пайтдан илонга ҳурматим ортди:
Ёвузнинг бўғзига ўралди бири,
Гўёки атайин гапдан тўхтатди.
- 7 Шахт ила бошқа бир илоннинг зўри
Маҳкумнинг дастини қайирди чунон,
Битди балохўрнинг бардош, шуури.
- 10 Ёниб бит, Пистойя, таг-тугинг-ла ён!
Асли зотингдан ҳам осийсан баттар!
Кўкларга соврилсин сендақа макон!
- 13 То Дўзах қаърида кезиб, баччағар,
Бундайин саркашни кўрмадим сира,
Капаней ҳам эмас бунчалик ўжар.
- 16 Қочиб қолди ёвуз ўша он ура,
Ортидан кентавр чопди ҳайҳайлаб,
Деганча: “Сенмисан, мақтанчоқ тўра?”
- 19 Кентавр сағриси эди кўп ажаб,
Сонсиз илонлардан ўрилганди дум,
Ҳатто Маремма ҳам келолмас тараф.

- 22 Елкасида эса аждар серзугум
Турарди ҳар ёнга ёзганча қанот.
Маҳв бўларди унга дуч келган маҳкум.
- 25 Устозим дедики: “Қаршингдаги зот
Какдир, қон тўккан у қанчадан-қанча,
Авентин тоғида яшаган шаддод.
- 28 Бу ерда юрибди танҳо кезганча,
Ўзга қопқада бор хешлари тўп-тўп.
Бу эса — ўғирлик қилганди анча.
- 31 Геркулес адабин берган эди хўп,
Юз бора тўхтовсиз урганди чўқмор,
Гарчи ўнтасида бўлса ҳам мағлуб”.
- 34 Сўзлашиб турардик шундоқ беозор,
Пастда тўпланибди уч нафар арвоҳ;
Балки этмас эдик бизлар эътибор,
- 37 Арвоҳлар қичқирди: “Кимсиз!” — деб ногоҳ,
Дафъатан хитобдан тўхтади суҳбат,
Икковлон тубанга ташладик нигоҳ.
- 40 Мутлақ танимадим уларни, фақат
Бири яна қайта берганди савол,
Улар ким — фаҳмлаб қолдим шу фурсат.
- 43 Дерди: “Келмадими Чанфа, айта қол”,
Эшитсин деб унинг сўзларин устоз,
Ишора айладим тубанга дарҳол.
- 46 Менинг гапларимга балки эътироз,
Шубҳа билдирурсан, азиз китобхон,
Кўрдим бир ҳолники, мўъжизага хос.
- 49 Кузатиб улгурмай барин, ногаҳон
Олти оёқ аждар бўлди-ю пайдо,
Уларнинг бирига чанг солди обдан.
- 52 Биқинини қисди унинг аввало,
Олдги оёқлари ошди елкадан
Ва икки жағига ёпишди бало.

- 55 Маҳкумнинг сонларин йириб дафъатан,
Орасига тикди думини буткул,
Киранди буралиб сабил ғоятан.
- 58 Улкан дарахтни ҳам ўраб печакгул
Бу махлуқ қадарли чулғамас машъум,
Эзғиларди махлуқ маҳкумни нуқул.
- 61 Иккови қўшилди мисли қайноқ мум,
Ҳатто баданларин ранги омихта,
Мутлақ ўзга ҳолга кирдилар, мавҳум.
- 64 Саратонда ёнса гар қоғоз сўхта,
Алангасин ранги бўлар шу тахлит,
Қорамас ё оқмас — қўнғир бир тусда.
- 67 Қолган икки нафар дерди бўлиб хит:
“Нима бўлди сенга, Анъел, бечора,
Тоқ деса тоқмассан, ё жуфт деса жуфт”,
- 70 Бошлари бирлашар экан шу ора,
Аввал ғалатиноқ туюлган рухсор
Аён тортар эди энди тобора.
- 73 Вужуди чорбўлак — жуфт-жуфт қўли бор,
Тўш, қорин, оёғу гардан, умуртқа
Айқашиб кетганди — кўп қизиқ рафтор.
- 76 Турфа тус аралаш — бамисли куйқа,
Секин йўлга тушди жирканч алвасти,
Бировми — икковлон, мубҳам, шунақа.
- 79 Баравж келганида саратон тафти,
Четаннинг тагидан кув калтакесак
Югуриб ўтади — яшиндай шахти.
- 82 Ўшандоқ бир илон чиқди жон ҳалак,
Чипор рангда эди ёвуз, очофат,
Бирига даф этди чаққон ва тийрак.
- 85 Ҳали вужудида ҳаётбахш шарбат
Жавҳари қуримай турган жойига —
Айни моягига оғиз солди шарт.

- 88 Сўнг илон сирғалиб тушди пойига,
У-чи, меровланиб эснади узун,
Хуш келгани каби бу иш раъйига.
- 91 Икков ўтру келиб тикишди кўзин,
Бири тутун пускар, бири боқар сур,
Тутун қоплаганди икковин бутун.
- 94 Сабелл, Насидийни ёзган серғурур
Лукан ҳам жим қолсин, майли, шу дафъа,
Менинг битигимни тингласин бир қур.
- 97 Овидий қуйлаган Аретуза, Кадма,
Бири жилға бўлган, бириси — илон,
Бўлса бўлаверсин, эмасман хафа:
- 100 Юзма-юз туришган гарчанд икковлон,
Чеврилтирмоқ учун сийратин ва лек
Мажбур этолмаган мановларсимон.
- 103 Икков икки ёндан боқар эди тек:
Илон думи ногоҳ бўлди-ю айри,
Маҳкум товонлари қапишди бирдек.
- 106 Болдир ила сони вақт ўтган сари
Ёпишиб борарди жипсу мустаҳкам,
Қолмайин заррача чокнинг асари.
- 109 Илон думлари-чи, энди чинакам
Ўхшаб қолган эди икки оёққа.
Ўзгарганди лойиқ терилари ҳам.
- 112 Маҳкумнинг қўллари ичкари ёққа
Тортилиб кирганди муштира қадар,
Илонда қўл ўсиб чиқди шу чоғда.
- 115 Орқа оёқлари эса сарбасар
Эркак олатига айлана қолди,
Бунда-чи, думга у айланди яксар.
- 118 Орада тутун ҳам аста тарқалди,
Батамом ўзгарди улар ангори,
Бунда мўй ўсди-ю, унда йўқолди.

- 121 Бириси чўзилди илон сингари,
Униси қолди-ку ўхшаб одамга;
Сўнгра юзлари ҳам дўнди тескари.
- 124 Бири чакагини йиғнаб тутамга
Этидан ростлади қулоқ, баногўш.
Буниси эса-чи, сўзсиз шу дамда
- 127 Кулчадай, гужанак ерга қўйди тўш,
Лозим бўлганича чўзилди тумшуқ,
Лабу жағ ҳам ўсди келганича хуш.
- 130 Илон туфроқ ичра беланди тўлиқ,
Ғойиб бўлди унда қулоқ оқибат,
Ҳолат зоҳир бўлди — баайни шиллиқ.
- 133 Қачондир тили ҳам бор эди якқат,
Айри бўла қолди энди бутунлай,
Унда-чи, рўй берди шундоқ акс ҳолат.
- 136 Илон суратида руҳ энди тинмай
Вишиллаб судралди қай бир ковакка,
Бу-чи, ўдағайлаб, туфларди, ҳай-ҳай.
- 139 Маҳқумга айланган илон-чи тикка
Ғўнғирлаб дер эди: “Буозо, майли,
Мен каби судралсин сарсон ва якка”.
- 142 Кўрдим-ку мен ахир, қув тарсо хайли
Кўз олдимда бўлди айқаш ва уйқаш.
Балки гуноҳ этдим қалам туфайли.
- 145 Атроф хира тортди, руҳим ҳам чалкаш,
Ановлар нечоғ тез кетмасин, аммо
Таниб қолдим оқсоқ Пуччони яккаш.
- 148 Қоялар қошида турибмизки то,
Ғақатгина унга етмади зиён.
Ўшал учта муртад қароқчи аро,—
- 151 Бирин деб Гавилда оҳ тортар ҳамон.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ҚЎШИҚ

*Бу ерда қитмир маслаҳатгўйлар қавми аланга ичида ёниб,
гирён кезадилар. Улар орасида Улисс ва Диомед ҳам бор.
Улисс Вергилийнинг илтимосига биноан ўзининг сўнги ден-
гиз сафари ҳақида сўзлаб беради.*

Фахр эт, Флоренция, омадинг порлоқ,
Денгиз, заминда-ку қозондинг шавкат,
Ҳатто Дўзахда ҳам шонинг ярқироқ.

- 4 Қароқчилар аро беш меним элат,
Буларни кўрмоқдан айлағум номус.
Булар деб сенга ҳам ёғилмас раҳмат.
- 7 Саҳар чоғи магар туш кўрсанг холис,
Унинг ўнг келмоғин сезиб тургай дил,
Эрк учун Прото тиккан каби кўз.
- 10 Бўладиган ишнинг бўлгани маъқул,
Тезроқ воқе топсин армон ҳам, билъакс
Йиллар ўтган сайин эзилгай кўнгил.
- 13 Яна йўл бошладик ва лекин баръакс,
Келган изимиздан қайтдик биз тағин,
Юксакка тирмашиб борардик ҳамдаст.
- 16 Ёлғиз сўқмоқ бўйлаб кетардик ҳорғин,
Тойганда тошларга тирмашдим аранг,
Йўл мушкул тортарди юксалган сайин.
- 19 У йўл азобларин сиз мендан сўранг,
Лекин кўрганларим эсларкан аниқ,
Яна ҳам қийналиб турибман дилтанг.

- 22 Ақлу идрокимга берурман озиқ,
Юлдузим бахш этган эса фазл, камол,
Уни топтамайин янглишиб ортиқ.
- 25 Кун ботиб, кирганда лаҳзаи завол
Дўнгда ҳордиқ олиб ўтирган деҳқон
Боқар, кўз ўнгида юз очар бу ҳол:
- 28 Чивиннинг ўрнида пашшалар ғужғон,
Пастда, водий узра, узумзорларда
Қуртлар шуъла сочиб, ялтирар чунон.
- 31 Рўбарў келгандик шундоқ манзарга;
Саккизинчи эди биз етган қопқа,
Шуълалар чақнарди тубанда — жарда.
- 34 Аробасин ҳайдаб булутлар аро
Яшиндай учганда Илёс пайғамбар,
Айиқдан қасосин топган авлиё
- 37 Унинг бу шахтига ташлабди назар.
Булутдай юксалган ҳазратга қараб
Илғапти у фақат ялт-юлт бир ахгар.
- 40 Жарликнинг тубида шундоқ ярқираб
Айланарди сонсиз олов парчаси.
Гарчанд гуноҳқорни бўлмасди илғаб.
- 43 Юксакдан кўринар эди барчаси,
Харсанга суялиб боқмасам, паққос
Мен ҳам қулар эдим, гапнинг сираси.
- 45 Аҳвол-руҳиямни фаҳм этиб устоз
Деди: “Ҳар бир оташ парчаси ичра
Бир маҳкум ёнмоқда, азоб беқиёс”.
- 49 Устозга дедимки, юз буриб сўнгра:
“Менга аён бўлди сиру синоат,
Саволим бор ҳатто шу ҳолга кўра:
- 52 Ана, ёнаётир ёлғиз ўт ялт-ялт,
Негадир аланга тили қўшалоқ
Гўё иниси-ла Полиник бадбахт”.

- 55 Йўлбошчим дедики: “Бул икки ўртоқ,
Улисс ва Диомед — гуноҳи ўхшаш,
Энди азоби ҳам бир хилдир, мутлоқ.
- 58 Асл румликларнинг шаҳрига саркаш
Киритиб қачондир сохта, ёғоч от,
Деворларни бузган ғаюр, тарафкаш,
- 61 Дейдамия эса чекканча фарёд
Дўзахда балокаш Ахиллни чорлар,
Палладий туфайли ушбу мукофот”.
- 64 Устозга дедимки: “Уларнинг магар
Сўзлашмоққа бўлса зарра забони,
Ёлвориб сўрайман, о, пири сарвар.
- 67 Сабр айла, кутайлик биз ўшал онни,
Берироққа келсин қўшалоқ олов,
Сўзлашмоқ истаги ўртайди жонни”.
- 70 Устозим дедики: “Бундақа сўров
Ҳар қандай дилда ҳам қўзғар иштиёқ,
Лекин сен сабр айла, тилга сол тушов.
- 73 Мен ўзим уларни тергайман озроқ,
Нечун безовтасан — турибман англаб,
Сўзлашмас сен билан — юнон сердимок”.
- 76 Қўша тил аланга келди яқинлаб,
Энг қулай фурсатда устод муҳтарам
Уларга хитобан бошлаб қолди гап:
- 79 “О, оташ қаърида топганлар барҳам,
Ғанимат умримда сизни куйладим,
Куйладим ҳол-қудрат, ортиқ, балки кам.
- 82 Сизнинг ҳақингизда назмда сўйладим;
Иқрорингиз айтинг тин олиб бирпас,
Ҳалок бўлгандингиз бирингиз қадим”.
- 85 Саҳродаги гулхан шамолда элас
Чайқалгани каби зориқиб ночор,
Аланганинг учи энгашди бесас.

- 88 Гоҳ у ён, гоҳ бу ён титраб нолакор,
Тилга кира қолди олов, ниҳоят:
“Цирцея билан мен хайрлашдим сўнг бор.
- 91 Мени у бекитган авайлаб ғоят,
Бир йил паноҳида кечирдим умр.
Энейдан шундай ном олган вилоят.
- 94 На фарзанд меҳри-ю, на ёрдан узр,
На уй-жой, на падар қошидаги бурч
Ва на Панелопа бахш этган ҳузур,
- 97 Ҳеч нима, ҳеч қандай андиша ва куч
Тўхтата олмади мени йўлимдан,
Чиқиб кетдим шундоқ, саёҳатга ўч.
- 100 Содиқ аскарларим ила элимдан
Чоғроқ бир кемада кетдим ягона,
Денгизлар қўйнида сайр этдим зимдан.
- 103 Марокашни кўрдим йўлимда, яна
Испанлар юртини, сардлар ўлкасин
Кездим, оролларга бўлдим равона.
- 106 Валломатлар эдик, кўрдик барчасин,
Олам интиҳоси — сўнгги бўғозда
Кўрдик Геркулеснинг ҳад-чегарасин.
- 109 Тўхтамоқ фарз эди ҳадди мумтозда;
Қолди ортда Сетто, Севилья аввал,
Кетиб борар эдик шундоқ алфозда.
- 112 Дедим: “О, дўстларим, йўл босиб чигал
Модомики келдик кунботар томон,
Қолган умримизни бағишлаб тугал,
- 115 Кўрайлик не бўлса янгилик, армон.
Етган манзилимиз — офтоб ботар жой,
Кимсасиз маъвога боқайлик шоён.
- 118 Кимнинг зурёдисиз, ўйланг, ҳойнаҳой,
Яралган эмассиз нафс учун фақат,
Тафаккур ва шавкат инсонга чирой”.

- 121 Ҳамроҳлар жунбушга келди, билмай ҳад
Ташлана қолдилар дафъатан олға,
Ўзим ҳам чорасиз қолгандим ғоят.
- 124 Кеманинг қуйруғи кунчиқар ёқда,
Жадал кетавердик шундоқ бебошвоқ,
Йўлимиз оғарди сўл томонроққа.
- 127 Тунда кўз ташладим самога, бироқ
Буткул ўзга осмон бўлди намоён,
Денгизнинг сатҳи ҳам ўзгарди мутлоқ.
- 130 То қалтис сафарга чиқдим бу томон,
Беш бора тўлишди ой ҳам фалакда,
Ўтганди орадан беш ой бегумон.
- 133 Дафъатан уфқнинг тубида якка
Бир тоғ пайдо бўлди, қоп-қора, улкан.
Илк бор дуч келдим бу кўҳи юксакка.
- 136 Шодлик алмашинди ғам, алам билан,
У ёндан қўпди-ю зўр қуюн — гирдоб,
Кемани чархпалак айлади бирдан.
- 139 Уч бора зарб берди гирдибод тезоб,
Кема тўртинчи бор соб бўла қолди,
Ба фармони раззоқ бўлдик биз хароб.
- 140 Бизни серавж баҳр қаърига олди”.



ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ҚЎШИҚ

Данте папа Бонифацийга маккорона маслаҳат берган Гвидо да Монтефельтро билан суҳбатлашади. У шоирга ўз қисмати ҳақида сўзлаб бериб, ватанида нима гаплар борлигини суриштиради.

Дилкаш шоир билан битгач мулоқот,
Аланга қўзғалди — шакли бир текис,
Уни ўз қаърига олди зулумот.

- 4 Яна пайдо бўлди олов изма-из
Гувлаб келар эди, овози мужмал,
Диққатни тортарди турқи, шубҳасиз.
- 7 Сицилия ёқда, қачондир азал
Маҳқумни жазолаш фикрида атай
Мисдан қуйдиришган эди пуч ҳайкал.
- 10 Буқа шаклидаги ҳайкалга талай
Маҳқумни тикқанлар, сўнг ёққанлар ўт:
Улар бўкиришган гўё буқадай.
- 13 Устани тиқишган биринчи мавруд;
Аланга чулғаган манов бечора
Гувраниб турипти худди шу тахлит.
- 16 Аланганинг қиёқ тиллари аро
Аранг келар эди унинг овози,
Ўтда қалтирарди солиб ғарғара.
- 19 Дерди у: “Сенгадир қалбим нидоси,
Ломбардча каломинг эшитдим ҳозир,
Дединг: “Боравер, мен суҳбатдан рози”.

- 22 Қошингда ҳаяллаб бўлсам ҳам зоҳир,
Ёлбораман, шошма, садағанг кетай,
Оташда ўртаниб турибман, охир.
- 25 Дўзахнинг кўру кар тубидасан шай,
Севиқли лотиндан келтирдинг пайғом,
Маҳқумман, бир гапни бесабр сўрай:
- 28 Айт-чи, Романья тинчми бу айём?
Урбинодан тортиб Тибрга қадар,
Оралиқ воҳадир юртим бардавом”.
- 31 Мен уни тинглардим — ўйларим даҳсар,
Устоз тирсагимдан ушлаб қотди гап:
“Манов элатингга айт бирор хабар”.
- 34 Жавобни аввалроқ қўйгандим тахлаб,
Хитоб қила қолдим чечан, бетўхтов:
“О, Дўзах қаърида банди бешараф;
- 37 Юртинг тинч турганин кўрганми биров,
Ҳеч курса ҳоқимлар қалбида бор кин,
Гарчи шу кунларда осойишдир-ов.
- 40 Равенна турибди жойида сокин:
Ишлар бажо бўлган, Червьегача то
Полента бургути ёзган қанотин.
- 43 Фаранглар ҳужумин даф қилиб, ҳатто
Уларни тор-мор айлаган шаҳр
Узра Яшил арслон эрур кадхудо.
- 46 Монтанья юртига ўтказган жабр
Кучукваччаси-ла Веррукко кўппак
Ҳамон бир суякни тинмасдан ғажир.
- 49 Ламоне, Сантерно юртига келсак.
Унда Оқ муҳрли шер ҳукми жорий,
Дўстликда бетайин, алдамчи бешак.
- 52 Савьо аҳолисин тақдири, оре,
Икки оралиқда қолгандир чиндан,
Ярим қул, ярим ҳур, йўқдир қарори.

- 55 Жавоб ола билдинг бир қадар мендан,
Хотиранг кетмасин ўчиб дунёда,
Кимлигинг аён эт, сўрайман сендан”.
- 58 Тўнғиллаб олди у ўша аснода,
Сўнгра алангасин тебратиб кам-кам,
Сўз бошлаб қолди-ку йиғнаб ирода:
- 61 “Менинг гапларимни тинглаган одам
Ҳаётга қайтишин билсайдим зарра,
Титрамас эдим ҳеч бунчалар пурғам.
- 64 Ва лекин, аён ҳол, иккинчи карра
Ёруғ дунёга биз этмасмиз ҳижрат,
Шу сабаб, номусдан қўрқмасман сира.
- 67 Бир кун қиличимни, айлаб хуш ният,
Роҳиб пўтасига этдим айирбош,
Менинг орзум эди роҳи ҳидоят.
- 70 Лекин гуноҳ ишга яна урдим бош,
Гўрингда ўт ёнгув папа — олий зот
Мени йўлдан урди, боис — юрт талош.
- 73 Токи кезар эди танимда ҳаёт,
Одатим бор эди сут билан кирган,
Муғамбир эдим мен тулкидан зиёд.
- 76 Зот эдим, юлдузни бенарвон урган,
Билардим қалъалар махфий йўлларин,
Ҳунаримни жаҳон эшитган, кўрган.
- 79 Қўлимдан не келса қилгандим барин;
Ҳар қандай оқил ҳам, битганда меъёр
Елкан йиғиштириб, ташлар лангарин.
- 82 Мен ҳам этган эдим узлат ихтиёр,
Тинчимни топарман девдим тамоми,
Во дариф, терс келди толе кажрафтор.
- 85 Фарисей аҳлининг янги имоми
Ғазот эълон қилди Сарацингамас,
Яҳудога эмас, балки аҳкоми

- 88 Аҳли салиб билан жангга кирди, бас,
Акра қўлдан кетди — Сарацин сабаб,
Мусулмон-ла савдо қилган булармас.
- 91 Гарчанд папада бор имкон ва мансаб,
Гўё унутди-ю бунинг ҳаммасин,
Менга қўлин чўзди маслаҳат сўраб.
- 94 Мисли мохов очган шоҳ Константин
Сираттдан Сильвестрни чорлаган мисол,
У ҳам йўллаб қолди менга рабгатин.
- 97 Гўё мен туфайли ўнгланар аҳвол,
Қошимда турарди мастдай довдираб,
Унга не дейишни билмасдим дарҳол.
- 100 Деди: “Пенестринони янчгин, шу талаб,
Қўрқма, урмас сенга увол муҳаққақ.
Гап шу: маслаҳатинг ўтирма аяб.
- 103 Жаннатни очиб ҳам ёпурман тақ-тақ.
Шу боис қўлимда иккита калит,
Салафим буларга қараган бефарқ”.
- 106 Жаннат борасида сўз кетди яхлит,
Бундай важ қошида қилдиму ирим,
Дедим: “Айлагандинг гуноҳдан соқит,
- 109 Фатво ҳам бергувчи ўзингсан, пирим,
Раббано дилиннга солса, бас, инсоф,
Зафар қозонгайсан, рақибинг мужрим”.
- 112 Сўнгни дам Франциск келганда шитоб,
Бермади руҳимни иблис — тошқўнгил,
Деди: “Тегма бунга, қилмагил итоб.
- 115 У — менинг улушим, Дўзахга ноил,
У ҳийла йўлига ўтгандан буён
Менинг маҳрим бўлган, шуни яхши бил.
- 118 Тавбасиз ювилмас гуноҳ ҳеч қачон,
Тилда тавба қилиб, дилда бўлса доғ,
Ижобат бўлмагай узру пушаймон”.

- 121 Бутун вужудимни қоплади титроқ,
Мени саранжомлаб оларкан, ё раб,
Иблис дерди: “Билгум мантиқни озроқ”.
- 124 Мени олиб учди Миносга қараб,
У эса саккиз бор силтаб думини,
Ҳатто ғазаб ичра ўзин таталаб,
- 127 Деди: “Алангага топширинг буни”,
Кўриб турибсанки, охир беаёв,
Оташин ридонинг бўлдим тутқуни”.
- 130 Қиссаи ҳасратин тугатиб дарров
Тарк этди бизларни бўйчан аланга,
Қиёқ тилин чўзиб кетди у олов.
- 133 Икковлон йўл солдик яна баландга,
Сиротдан боқардик жарга муаллақ,
Зулмга сабабкорлар ётар тубанда,
- 136 Энди жазосини тортиб муҳаққақ.



ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Ушбу қўшиқда тасвирланган зотлар инсонлар орасига низо ва нифоқ уруғини сочганликда айбланади. Уларнинг жазоси ўзига хосдир: маҳкум бир доира бўйлаб тинмай айланади, бир нуқтага етганда, иблис уни шамшир билан ёриб ташлайди. Маҳкум доирани яна айланиб келгунга қадар жароҳат битади, ўша жазо эса яна такрорланади. Бу ерда Данте Муҳаммад пайғамбар, ҳазрат Али, Медичи, Курион, Моска, Борн сингари зотларни учратади.

Биз чеккан жароҳат, биз кўрган қонни
Ифода қилолур қайси бир инсон?
Таъриф-тавсифининг йўқдир имкони.

- 4 Баёнин этолмас ҳеч битта лисон,
Беҳад ҳодисотнинг икир-чикирин
Қамраб ола билмас шуур ҳеч қачон.
- 7 Даҳшат қоплаганди Пулия ерин,
Қонга ботди барча жанг майдонида,
Майиб ва шикаста бўлди баттарин.
- 10 Троя қасд қилиб ғаним жонига,
Мурдалар қўлидан йиедилар узук,
Ливий ҳақ сўз битган ўз баёнида.
- 13 Руберт Гвискар-ла жанг бўлган буюк,
Унга бас келай деб отланган элат,
Чеперано қошида маҳв бўлган черик.
- 16 Пулийлар лашкари — боис хиёнат
Сўғишда оқибат бўлганди мағлуб,
Маккор фаранг Алар берганди мадад.

- 19 Қирғин қай ниетга бўлмасин мансуб,—
Тўққизинчи қопқа қаъридаги ҳол
Уларнинг баридан кетгайдир ўтиб.
- 22 Таги тушиб қолган қўш қулоқ мисол,
Маҳкумнинг вужуди ёрилганди қоқ —
Лабдан то думғаза — очилган яққол.
- 25 Бутига осилган ичак ва чавоқ,
Нажас ўтар жойда — халтача аро
Юрак ҳам кўриниб турарди шундоқ.
- 28 Менга кўзи тушгач маҳкум бечора
Қўли билан очиб кўкрагин тархин
Деди: “Қара, менинг ҳолимга қара!
- 31 Бу банда нечоғ бад, бир назар солгин!
Қаршимда юрган зот бенаво, далли.
Боши қоқ иккига бўлинган ҳорғин.
- 34 Бундаги маҳкумлар ҳаёт маҳали
Жаҳонга солганди нифоқ ва низо,
Энди жазо тортар, келмишдир гали.
- 37 Ортда пойлаб турар иблис серғавғо,
Бизни тилкалайди тиг уриб тамом,
Ҳар бир айланганда тагин шул жазо.
- 40 Шу ҳол такрорланар тўхтамай мудом,
Айланиб боргунча битгай жароҳат,
Яна ўша жазо этади давом.
- 43 Нечун нигоҳингда бунча важоҳат,
Сен кимсан? Юксақда турган, эй инсон!
Боқурсан тубанга бунча бетоқат?”
- 46 Лутф айлаб сўз қотди йўлбошчи шу он
“У зот марҳум эмас, Дўзахда сайёҳ,
Гуноҳи туфайли келганмас бу ён.
- 49 Дўзахни кезмоқда юриб роҳ-бароҳ,
Қисмат йўриғи шу — мен, ҳамроҳ — марҳум
У ҳам худди мендай қошингда, валлоҳ”.

- 52 Ногоҳ тўпланди-ю жамики мардум,
Буткул унутишиб ўз азобини
Менга анграйдилар, этолмай мафҳум:
- 55 “Қайта кўрсанг ҳаёт хуш офтобини,
Дольчинога айтгил, маҳв бўлмай то
Топсин жон сақлашнинг йўл, ҳисобини.
- 58 Қор кўчиб, Навардан етгунча бало
Сариштасин қилсин чидаб, амаллаб
Бир муддат енгилмай тургай, иншолло”.
- 61 Яна йўлга тушиб, доира бўйлаб,
Кезмоқ-чун кўзғалиб қўяркин қадам —
Шу бўлди Муҳаммад айтган сўнгги гап.
- 64 Бизга яқин келди ўзга бир одам,
Кекирдак ўйилган, бурни йўқ буткул,
Қулоқ йўқ, терилаб ташланган қош ҳам.
- 67 Сўз айтай дерди-ю, аҳволи мушкул,
Бўғзидан отилиб чиқар эди қон,
Потраб теваракка сачрарди нуқул.
- 70 Деди: “Тингла мени, покдомон инсон,
Адамаса агар ўхшаш қиёфа
Сени Италияда кўрганман, ишон.
- 73 Пьер да Медичинани эслаб қолгин, ҳа:
Верчелли деворин канорасидан
Маркабога қадар бор гўзал воҳа.
- 76 У ерда Фанонинг фуқаросидан
Мақбули Гвидо ҳам Анжолелло,
Фолим холи бўлса саҳв балосидан
- 79 Етказ икковига, келиб ёв — бало
Уларни кемадан ағдарурлар тез,
Шундоқ макр қилар мустабид расво.
- 82 Қибрис ва Майорка ораси денгиз,
Унда қароқчи-ю юнонлар талай,
Бундақасин Нептун кўрмаган ҳаргиз.

- 85 Музофот ҳокими — бир кўзли ғилай
Икковин чорлагай атай суҳбатга,
Гарчанд қўшним унга билдирмагай раъй.
- 88 Суҳбат баҳона-ю панд берар шартта,
Фокара бағрида икковлон, рости,
Қолар бежаноза, бегўр, риҳлатда”.
- 91 Дедим: “Тирикларга гапингни, баски,
Етказгум, сўровим бор, лекин тағин,
Айтгил, анов зот ким, ғалати афти?!”
- 94 Ушлаб дабдурустдан шеригин жағин
Даҳанин силжитиб қўйди нарироқ
Ва деди: “Бекитдим оғзин — мазахин.
- 97 Цезарга гап маъқул қилган бақироқ,
Жанглар сабабчиси нотиқ ушбу зот,
Деган: “Тайёр эсанг — даркор урушмоқ”.
- 100 Нотиқ Курион-чи, даҳани барбод
Аранг турар эди тополмай чора,
Жавоб айтолмасдан, ғазабкор, шаддод.
- 103 Ўша он бошқа бир маҳкум бечора
Мажруҳ қўлларини кўтариб аранг,
Юзидан қон силқиб қилди ишора.
- 106 Деди: “Москага ҳам қайрилиб қаранг”.
У айтган: “Ким енгса — шуники маъқул”,
Юртга зулм етказган у кони найранг.
- 109 Дедим: “Ҳикматинг-ла қўшмозор бўлгил”.
У-чи, тентирарди мисли савдойи,
Изтироби ортиб, серҳасрат, маълул.
- 112 Тоқатим тоқ бўлиб, буткул адойи.
Ақл бовар қилмас қисматлар кўрдим,
Ёдга олмас эдим барин, илойи.
- 115 Нетайки, виждоннинг гапига кирдим,
Ҳушёр йўлдошимиз виждон ҳамиша
Ҳақиқат либосин кийгай бежирим.

- 118 Бир ҳолни эслайман мен ўша-ўша,
Даврада кезарди калласиз вужуд,
Бошқалар қатори, ҳамсаф, ҳампеша.
- 121 Қўлида бамисли чароғи муршид
Кўтариб олганди серсоч калласин,
Боқар эди бизга гамгин бош — мардуд.
- 124 Пойига машғалдай сочган шуъласин,
Булар икковлонми ёхуд яғона,—
Яратганнинг ўзи билгай ҳийласин.
- 127 Вужуд сирот узра туриб мардона
Каллани баландроқ кўтарди, токи
Эшитилсин дея лутфи сўзона.
- 130 Дерди: “Бундоқ азоб учрамас, боқки,
Марҳумлар аро сен юрган зот сар-сар,
Нохуш сезмакдасан ўзни ҳаттоки.
- 133 Кимлигим билмоқлик истасанг магар —
Бертрам де Борнман, қирол Иоанни
Йўлдан оздирганман, макрим шу қадар.
- 136 Ота-бола аро қўзғадим жангни,
Абусалом билан шоҳ Довуд аро
Бир вақт Ахитофель қилган найрангни
- 139 Қўлламадим, уздим риштани расо.
Шу боис жазога бўлдим мустаҳиқ,
Яъни каллам абад танадан жудо.
- 140 Кўплардай, қасосга эканман лойиқ”.



ЙИГИРМА ТҮҢҚИЗИНЧИ ҚҰШИҚ

Дўзахнинг ушбу манзилгоҳида жазосини тортаётган зотлар алхимиклардир. Улар турли-туман яра-чақаю жирканч иллатларга мубтало бўлганлар. Улар орасида Данте биладиган Гриффолино ҳамда Капоккьо бор.

Маҳкумлар ҳоли-ю мудҳиш манзара
Тўлдириб юборган эди дийдамни,
Йиғлагим келарди яширмай сира,

- 4 Вергилий фаҳм этиб мендаги ғамни
Деди: “Телмиурсан тубанга бунча,
Нени ахтарурсан, қандоқ одамни?”
- 7 Ўзга қопқалардан ўтиб келгунча
Чекмаган эдинг-ку бунча фироқлар.
Арвоҳ эса беҳад — кета-кетгунча.
- 10 Фурсат ўтиб борар, ой ҳам оёқлар,
Сайри томуққа ҳам оз қолди муддат,
Сени кутаётир ўзга қирғоқлар”.
- 13 Дедим: “Ниятимни англасанг албат
Рози бўлиб, балки айлардинг карам,
Кимни кўрмоқлигим билсайдинг фақат”.
- 16 Шундоқ деб ортидан қўйдим мен қадам,
Айтдим кетаётиб устозга тагин:
“Мен боққан гўшада бордур бир одам.
- 19 Изтироб чулғаган шўрликни тайин
Жазосин тортмоқда қилмишига мос,
У менга қурдошдир, ростим айтайин”.

- 22 “Фикринг бўлма,— дея лутф этди устоз,—
Кўрмасанг кўрмабсан, шунгами нола?
Ўйласанг — бошқача ўйлар бордир соз.
- 25 Кўрдим, узугин у қилиб ҳавола
Хитоб айлаганди сенга ғазабнок,
Исми Жери экан, чекарди вола.
- 28 Ўзга жойда эди сенинг ақл, идрок,
Готфор ҳукмдори ила эдинг банд.
Пайқамардинг, кетди қурдошинг йироқ”.
- 31 Дедим: “Ўлдирилган эди жувонмард,
Унинг-чун дунёда олмадим қасос,
Шу сабабли боққан хафа, худписанд.
- 34 Унинг гинасига бор чиндан асос,
Шу боис этмаган менга илтифот,
Баттароқ ачиндим бечорага, рост”.
- 37 Кетдик иккаламиз айлаб мулоқот,
Чиқдик ўзга жарлик кунгурасига,
Теграмизда эди хира зулумот —
- 40 Йўқса, Ёвуз Форни бир сирасига
Сўнгги зотигача аён кўрардик,
Боқар эдик балки гуж кўрасига.
- 43 Фарёд, қарғиш сўзлар найза каби тик
Отилиб чиқарди дилим айлаб танг,
Зўр ғавғо — қулоқни расо тешгудек.
- 46 Саратон чоғида Сардин, Вальдикиян
Мареммида бўлган жамики бемор,
Беморхоналарни бир жойга йиғсанг —
- 49 Бунчалик оҳ-нола чиқмоғи душвор;
Бамисли айниган ярадай, ё раб,
Бир ҳид тараларди жуда ҳам мурдор.
- 52 Устоз икков ўтдик юқори тараф,
Қиялик томонга нигоҳим бурдим
Ва кўрдим барисин тубанга қараб.

- 55 Раббано йўруғин фаҳм этиб турдим,
Бу ерда Адолат юритарди иш,
Жазосин тортарди сохтакор мардум.
- 58 Эгина элини босиб ғам, ташвиш,
Ўлкага келганди бедаво вабо,
Элни қирган эди балойи мудҳиш.
- 61 Битта ҳам тирик жон қолмаган асло.
Қайтадан дунёга келмиш ўша халқ,
Чумоли зотидан бўлганмиш пайдо.
- 64 Роқимлар шундоқ деб ёзмишлар филҳақ;
Жарлик тубидаги арвоҳлар ҳоли
У элдан минг бора баттар эди, ҳақ.
- 67 Бирови судралса қуриб мажоли,
Бирови юзтубан чангда, тўзонда
Ўрмалаб юрарди ортиб малоли.
- 70 Жимгина кезардик ушбу маконда,
Ерпарчин қавмда назар ва нигоҳ,
Диққат ва хаёл ҳам шулар томонда.
- 73 Қайрилиб боқдимۇ кўрдим баногоҳ,
Турарди ўтдаги товага ўхшаш
Елка қалаштирган иккита арвоҳ.
- 76 Отбоқар хўжасин куттирса дил ғаш,
Ва ёким ишидан ҳориса, шитоб
Отини қашламас буларга ўхшаш.
- 79 Бақамти бўлишиб икковлон хароб
Роса қашланарди босишиб тирноқ,
Балки сал хуш ёқиб, тарқагай азоб.
- 82 Кўчиб кетган эди териси мутлоқ;
Шундоқ тозаларлар балиқ танасин,
Тангасига роса ишқашиб пичоқ.
- 85 Устоз хитоб қилди бирига: “О, сен,
Бармоғинг омбурдай бурдалайди гўшт,
Кўрмадингми бунда лотин бандасин?”

- 88 Гар билсанг, айт бизга, лутф айлагил хуш,
Тирноғинг то абад кўрмасин завол,
То абад хизматда билмасин ҳориш”.
- 91 У жавоб айлади хўрсиниб дарҳол:
“Қошингда турган биз худди италян,
Айт-чи, ўзинг кимсан бергувчи савол?”
- 94 Устозим дедики: “Тирик зот билан
Айланиб юрибмиз қопқалар оша,
Дўзахни кўргай у равзан-баравзан”.
- 97 Мен томон ўгрилиб, қалтираб, шоша
Нигоҳ қадаб қолди икков дадил таъб,
Боқди бошқалар ҳам — аҳли томоша.
- 100 Устоз деди менга хуш назар қадаб:
“Қандай гапинг бўлса дарров айта қол”.
Сўз бошладим устоз раъйига қараб:
- 103 “Сизлар барпо бўлган ва топган камол
У ёруғ дунёда сиздан қолган из
Ўчмасин, сира ҳам топмасин завол.
- 106 Айтинг-чи кимсизлар, қайси элдансиз,
Азобингиз гарчи жирканч ва макруҳ,
Қошимда уялиб, ор қилманг ҳаргиз”.
- 109 “Мен арещоликман,— жавоб қилди руҳ, —
Съенада мени ёққан Альберо,
Гарчанд у сабабли эмас бу андуҳ.
- 112 Ҳазил қилиб девдим унга бир бора:
“Кўкка учишнинг ҳам билгайман сирин”.
Шу гапга ишонди галварс бечора.
- 115 Туриб олса борми қанот бер деб чин,
Ундан чиққан эмас Дедал албатта,
Мени ўтда ёқди пири ва лекин.
- 118 Алхимик эдим мен, шу сабаб шартта,
Ҳатолардан холи, тўғригўй Минос
Ўнинчи зиндонга тутқазди патта”.

- 121 Шоирга дедимки: “Галварсликда рост,
Сьеналикларнинг тенги жуда кам,
Бас келиши қийин фаранг ҳам паққос”.
- 124 Тилга кирди энди ўзга маҳкум ҳам,
Деди: “Стриккини қўшманг ҳисобга
Пухта у, фойдасин билган чинакам.
- 127 Никколо номи ҳам кирмас бу бобга,
Илк бор етиштириб қалампирмунчоқ,
Текин ақча топиб, чиққан рўёбга.
- 130 Качча, д’ Ашшано боғини андоқ
Улфатлари билан совуриб еган,
Абальято еган эсини мутлоқ.
- 133 Сьеналикларни икков сен билан
Айлаб ўтирибмиз роса масхара,
Разм сол, зотман мен Капоккьо деган.
- 136 Дунёда беҳуда бўлиб овора
Қалбаки маъданлар ясаб юардим.
Мен билган зот эсанг, эсларсан зора.
- 139 Тенги кам устомон эдим мен қадим”.



ЎТТИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Дўзахнинг ушбу бўлинмасида турли-туман сохтакор шахслар жазоланади. Хусусан, қалбаки пул ясовчилар, бировларнинг хатти-ҳаракатига фириб билан тақлид қилиб, бошқаларни лақиллатганлар, ёлғончилар ва ҳоказолар. Уларнинг жазоси ҳам турлича. Бири ташналикдан азоб чекса, бирини безгагу иситма қийнайди.

Семела туфайли роса дарғазаб
Фивликларга қаҳрин сочди Юнона,
Аввал ҳам неча бор бўлганди тараф.

- 4 Афамант ақлидан бўлиб бегона,
Малика қўлида ўз болаларин
Кўриб қичқирганди ўша замона:
- 7 “Қани, мода шер ва шерваччаларин
Йўлин тўсиб, дарҳол тўрга тиқайлик”.
Шундоқ деб қутурди подшо баттарин.
- 10 Чанг солиб Леархни кўтарди-ю тик
Ҳарсанг тошга уриб айлади мажоқ.
Ўзгаси-ла чўкди малика шўрлик.
- 13 Қисмат қасирғаси — Фортуна бир чоқ
Трояни этди ер билан яксон,
Маҳв бўлди молик ҳам, мулк ҳам тумтароқ.
- 16 Асирликда муҳтож Гекуба нолон
Қизи Поликсенанинг кўрди мурдасин.
Денгиз ёқасида, соҳилда бежон —
- 19 Ўғли Полидорнинг эзгин гавдасин
Топгач, асаблари беролмай бардош
Ит каби хурганди, бечора мискин.

- 22 Лекин на Троя — тоқати одош,
Ва на Фив — инсону жонзотга хунхор
Ғазабин бу қадар айламаган фош.
- 25 Икки шир яланғоч арвоҳ сур рафтор
Учраган кимсага қиларди хужум,
Четан бузган ахта тўнғиздай ғаддор.
- 28 Капоккво бўйнидан бири серзуғум
Тишлаб олган эди. У-чи серфарёд
Тошга қорнин ишқаб, топарди тўзим.
- 31 Аретинлик эса солар эди дод:
“Бу Жанни Скикки, бошларга бало,
Ҳамманинг жонига теккан саркаш зот”.
- 34 Дедим: “Тишламасин бошқаси асло,
Унинг кимлигини айлагин нақл,
Ўзи ёнгинангда турибди ҳатто”.
- 37 Деди: “Бу — Мирранинг руҳи, беақл,
Бир замон кириб у ўзга сиёққа
Алдамоқчи бўлган падарин асл.
- 40 Шундоқ қилган ҳам у, ботиб гуноҳга
Отасини авраб, айлаган зино;
Назар сол жангари анов арвоҳга.
- 43 Кекса Буозога тақлидан расо
Гўё ўлаётиб қилган васият;
Байтал ва бойликни ўмарган, расво”.
- 46 Узоқлашган эди булар, хайрият,
Ўзга маҳкумларга ташладим назар,
Ваҳший арвоҳлардан холи кайфият.
- 49 Ғалати маҳкумни кўрдим бу сафар,
Қирқсанг гар чотидан икки оёғин
Танаси кундадай, удга ҳам менгзар.
- 52 Иллат босган эди унинг ҳар ёғин,
Қорин бўшлиғида йиғилган зардоб,
Мешдай хўппа семиз этган сиёғин.

- 55 Қултум сув дардида чекканча азоб,
Бамисли оташда ўртанган бемор
Оғзин каппа-каппа очарди хароб.
- 58 У деди: “Билмадим, қандай сир-асрор,
Соғ-омон тушибсиз гўшаи ғамга,
Менга ҳам айлангиз назар, эътибор!
- 61 Уста Адамоман, дучор аламга!
Не истагим бўлса қондирдим, бироқ
Бу ерда ташнаман томчи сув, намга.
- 64 Казентинода бор бесаноқ ирмоқ,
Мовий тоғлар узра Арнога қараб
Ўзанларда оқар сувлар шарқироқ.
- 67 Ўша кўз олдимда турар ярқираб,
Ётибман зоҳиран қувраб қийноқда.
Дардим ҳам бунчалик эмасдир, ё раб.
- 70 Жазомни тортгандим роса у ёқда,
Дўзахдаман, лекин боқурман, мана,
Ёруғ дунё томон ҳажр, иштиёқда.
- 73 Мулки Роменада ясадим танга,
Ҳазрат тамғасини буздим сохтакор,
Шу сабаб ташланган эдим гулханга.
- 76 Мени йўлдан урган Алессандро беор,
Гвидо ё улар хешларин кўрсам —
Бранда чашмасин айлардим нисор.
- 79 Қутуриб чопмоқда кимлардир — мубҳам,
Фаҳмимча, келмишдир улардан бири,
Илож не? Қанийди ўрнимдан турсам!
- 82 Қорним чоғроқ бўлса, дард қайтса бери,
Юз йилда бир қарич боссам ҳамки йўл —
Бел боғлар эдим мен мақсадим сари.
- 85 Бу ифлос маъвони кезардим буткул,
Гарчанд ўтсам ҳамки ўнлаб чақирим
Уларни топардим, муддаойим шул.

- 88 Ўшалар сабабли қуриган шўрим,
Тангага уч карра мис қўшганман заб
Уларга сарф бўлган пешона терим”.
- 91 Дедим, икки нафар маҳкумга имлаб:
“Ким булар, алчайиб ётган тутунда,
Аёзда кўринган нам қўлга ўхшаб”.
- 94 У деди: “Иккови доимо шунда,
Чакак суйкашади, ғариб аҳволи,
Ётгайлар шекилли, мангу тутқунда.
- 97 Бирининг бўйнида Юсуф уволи,
Бири — троялик фирибгар Синон —
Безгак, иситмада битар мажоли”.
- 100 Синон ушбу гапни эшитган замон,
Аёл бу қадарли эмас деб мумтоз
Мушт билан қорнига нуқиди чунон.
- 103 Қорин ноғорадай чиқарди овоз.
Ҳарна бор ғазабин йиғди-ю уста
Юнонга мушт солди, қўл чўзиб дароз.
- 106 Деди: “Гарчи таним вазмин бир тусда,
Гарчи этолмасман ортиқ ҳаракат,
Лекин мушт уришга борман, дуруст-да!”
- 109 У-чи пўнғиллади: “Ёнганинг фурсат
Қўллариинг бўлмаган бу қадар ботир,
Фақат пул ясашда эдинг сен чапдаст”.
- 112 Қориндор дедики: “Ҳақлигинг бордир,
Трояликларни алдаган чоғда
Айтган сўзингдан бу ростроқдир, охир!”
- 115 Юнон деди: “Сенинг айбинг кўпроқ-да,
Мен тилда алдадим, сен-чи амалда,
Барча иблисларни қолдирдинг доғда”.
- 118 “Қасамхўр, ҳув отни эсла шу галда,—
Юнонга қориндор йўллади жавоб,—
Торта қол не кулфат бўлса азалда”.

- 121 У деди “Қорнингга заққум ва зардоб,
Айниган сувларнинг йиғилсин бари,
Ётгил ташналикка беролмасдан тоб”.
- 124 Қориндор дедик: “Ёзмиш ёзари —
Шаллақи сўз билан танглайинг қотган.
Тўғри, ичим тўла иллат заҳари.
- 127 Сенинг-чи, иситма эсинг йўқотган,
Наргиз зилолига ташлай деб ўзни
Сенмасми чорасиз алаҳлаб ётган”.
- 130 Эшитиб турардим шундоқ гап-сўзни.
Устоз танбеҳ берди: “Бу нечук ҳолат?
Ранжитиб қўюрсан ростдан ҳам бизни”.
- 133 Устоз сўзлар эди серзарда ғоят,
Номусдан бош эгиб, қарардим аранг,
Ҳануз кўз олдимдан кетмас у фурсат.
- 136 Уйқудан босинқаб уйғонган дилтанг
Кимса рўё бўлса ҳамки, ширин туш
Кўришни орзулаб тургандай, қаранг,
- 139 Узр сўрамоқни этгандим хоҳиш,
Устоз кечиргай деб турардим қараб,
Маъзур тутган экан устозим дилхуш.
- 142 “Хижолат ҳамиша маъзурга сабаб,—
Устоз лутф айлади,— бўлди, етар, бас,
Ич-этинг тирнама, ўзингни қийнаб.
- 145 Лекин билиб қўйгин, йўлда ҳар нафас
Тегра-теваракка боқиб ўтамин,
Учрайди хилма-хил шаллақи, нокас.
- 148 Бетамизни тинглаш — эмасдир тамиз”.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

Шоирлар Дўзахнинг саккизинчи доираси томон йўл бошлайдилар. Улар дуч келган улкан ўпқоннинг теварак қирғоқларида улкан зотлар — алплар тутқун этилган. Данте алпларнинг қоматини тасвир этади. Вергилийнинг сўровига биноан алп Антей шоирларни ўпқоннинг тубига тушириб қўяди.

Сўз менга етказди дастлаб жароҳат,
Руҳи авзойимни айлади нигун,
Бўлди яна ўзи малҳам ва роҳат.

- 4 Ахиллнинг найзаси, дерлар, инчунин,
Шу тахлит сеҳрга бўлганмиш эга,
Маҳзун ҳам этган у ва хушнуд фузун.
- 7 Юрдик дард маконин энди терсига,
Айланма йўл бўйлаб кета бердик жим,
На мен бир сўз дердим, на устоз менга.
- 10 Тунмиди ё кундуз — мубҳам эдиким,
Илғаб ололмасдим олисни сира,
Бурғу овозини ногоҳ эшитдим.
- 13 Диққатимни тортган гулдурос наъра
Баланд эди буткул қалдироқлардан,
Гўё кўрингандай кўзга ошкора.
- 16 Буюк Карл черикдан ва ясоқлардан
Маҳрум бўлганида Роланд чеккан дод
Солмаган бунчалик ваҳм узоқлардан.
- 19 Хира ёғду ичра кўринди кушод
Саф тортган қандайдир минорлар юксак,
Дедим: “Қай шаҳар бу, лутф айла, устод!”

- 22 Устозим дедики: “Масофа бешак
Йироқдир, боз бу дам қоронғи палла,
Нигоҳу назарни чалғитса керак.
- 25 Яқинроқ етганда боқиб баралла
Янглиш иллаганинг англарсан рўй-рост,
Тетик бўл, олға бос шахдам қадам-ла”.
- 28 Қўлимдан лутф ила тутди-ю устоз,
Деди: “Тагин ўзни қўйма йўқотиб,
Уларнинг кимлигин аввал билсанг соз.
- 31 Ўпқон атрофида турганлар қотиб
Миноралар эмас, алплар девқомат,
Кўринар белгача қудуққа ботиб”.
- 34 Кўкда қора булут тарқаган фурсат
Туман оғушида бекинган олам
Очилгани каби кўзга қатма-қат,
- 37 Қуюқ ҳаво ичра ташларкан қадам
Тарқарди аввалги сохта манзара,
Ваҳима кўпарди дилда чинакам.
- 40 Монтережонеда айлана тегра
Миноралар билан қуршалган каби,
Бу жойда ҳам шундоқ атроф, канора.
- 43 Кўриниб турарди уларнинг сафи,
Бамисли қалъадай даҳшатли, улкан,
Ҳануз қулоғимда ваҳмкор саси,
- 46 Кўз олдимда эди ошкор бир алп тан,
Фарқладим юзи-ю тўшини расо,
Кўринди қўл, қорин, сон — буткул бадан.
- 49 Хилқат бадбахтларга раҳм этмиш, оё,
Йўқса, Марсда бўлса шундоқ алп аскар
Қанчалар разил эл бўларди расво.
- 52 Фил ёки наҳангни яратганда гар —
Хилқат тутган бўлса шунчаки усул,
Алплар борасида мақсад муқаррар.

- 55 У ерда ҳокимдир тафаккур нуқул,
Бириккандир қудрат ҳамда ирода,
Қошида одамзод ноилож буткул.
- 58 Алпнинг юзин шундай айлай ифода:
Пётр жомесига яқин бир бужур,
Ўшандоқ келади. Бўй ҳам зиёда!
- 61 Оёқлари унинг ўрада эрур,
Этакдан чўзилса уч фриз — дароз
Бўйлашолмас эди у билан бир қур.
- 64 Биқину умуртқа ораси паққос
Ўттиз қарич келар ва балки кўпроқ...
У галат бир тилда бақирди бехос:
- 67 “Rafel mai amech izabi”, — деди тумтароқ,
Пешланмаган даҳан шунчалар қобил,
Тиловат қилолмас бундан гўзалроқ.
- 70 Устоз деди: “Ўзин этгунча сабил,
Яхшиси, бурғуга пуфла, эй нодон.
Қанча қаҳринг бўлса ўшанга тўккил!
- 73 Бўйнингни пайпаслаб боққил, галварс жон,
Амаллаб топ аввал бурғу тасмасин,
Бурғу эса қорнинг устида шу он”.
- 76 Устоз деди менга: “Бу алп аслин чин
Ангатди — шоҳ Нумруд шулдир мутлақо,
У бузган одамзод яхлит лаҳжасин.
- 79 Унга гап айтмоқлик беҳуда савдо,
Унинг сўзларини тушунмас биров,
Ўзи ҳам англамас ҳеч не, ҳеч вақо”.
- 82 Йўлда давом этдик, сўл томон икков
Бир камон ўқича босдик масофа,
Дуч келди бошқа алп — жуда улкан, дов.
- 85 Билмадим, қандай куч, қайси ирода
Унга бас келибди; қайрилган бир қўл.
Бир қўли-чи олдда. Ҳоли афтода.

- 88 Алпнинг ёнбошида оғир занжир — гул,
Осилиб турарди гарданин ўраб,
Вужуди шу тахлит занжирбанд буткул.
- 91 “Бир замон кучимга йўқ дея тараф
Дий билан олишган такаббур, мана, —
Устоз гап бошлади чўнг алпга қараб. —
- 94 Алплар худоларга қарши росмана
Курашган чоғида ўша бўлган бош.
Эфиальт, то абад занжирбанд, ана”.
- 97 Устозга дедимки: “Эй ҳодий сирож,
Улкан алп — юз қўлли Бриарейга
Боқсам бўлармикан? Бормикан илож?”
- 100 Деди: “Етажакмиз ҳозир Антейга;
Безанжир сўзлашар ва берар мадад,
Ўтказиб қўяр у иллатли жўйга.
- 103 Сен айтган алпгача бордир анча ҳад,
У ҳам манов каби бандидир, лекин
Унинг башараси жаҳлдорроқ фақат”.
- 106 Ғазабкор Эфиальт титради дуркун,
Қанча зилзилалар бўлса ҳам азал
Бундоқ титрамаган ҳеч қалъа, замин.
- 109 Қўрқув ичра қотдим, етди деб ажал,
Айрилиб қолардим эҳтимол жондан,
Бандилигин кўриб тинчландим сал-пал.
- 112 Яна кета бердик, қора ўпқондан
Пайдо бўлди Антей — ўзга паҳлавон,
Беш газ келар эди бели гардондан.
- 115 “Ганнибал қўшинин енгиб Сципион
Забт этган водийда кечириб ҳаёт
Довруқ солган, эй, алп, шуҳрат топган жон.
- 118 Қанча арслонларни бурдалаган зот,
Сен ҳақингда дерлар: бу алп қилса жанг,
Шубҳасиз, Олимпни этарди барбод.

- 121 Мағрурлик қилмагил, очилсин чехранг,
Ўтинчимиз шулдир: Баҳри Коцитга —
Муз қўлига бизни тушириб қўйсанг.
- 124 Тифей ҳамда Титий йироқда, четда.
Лабингни бурма кўп; менинг ҳамроҳим
Улуғлагай сени чексиз муҳитда.
- 127 Шонингни ёйгай у барҳаёт роқим,
Сени яна қайта этажак машхур,
Роҳат дунёсига қайтгунча токим”.
- 130 Устоз гапидан сўнг буюк баҳодир
Дарҳол ола қолди уни кафтига,
Кафтки, Алкид бир чоқ синаган, қодир.
- 133 Вергилий чиққан сўнг кафтнинг сатҳига
Мени ҳам ёнига чорлади дарҳол,
Қучди, қалқон бўлиб қалбим ваҳмига.
- 136 Қияга булутни ҳайдаса шамол,
Боқсанг Гаризенда минорига гар,
У ҳам кўринади эгилган мисол.
- 139 Менинг тепамда ҳам шундоқ дев пайкар
Антей турар эди; рост айтсам, аммо
Ўзим қилмас эдим бу йўсин сафар.
- 142 Зулматда Люцифер, ҳамда Яҳудо
Чулғанган манзилга элтди паҳлавон.
Сўнгра ростлаб олди қаддини расо.
- 145 Қомати — кеманинг елканисимон.



ЎТТИЗ ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

Дўзах тўққизинчи доирасининг туби метиндек мустаҳкам музлик билан қопланган бўлиб, бу ерда энг разил кимсалар — сотқинлар ва хоинлар жазо топадилар. Улар ватанига, дўстларига, маслаҳатдошларига, мураббий устозларига нисбатан саркашлик билан хоинлик қилган сабийлардир. Дантенинг уларга нисбатан нафрати ниҳоятда қаттиқ.

Дўзах қаъридаги жами йўл, жарлик —
Қопқалар туташган энг улкан ўпқон,
Тасвири — ўзгача услубга молик.

- 4 Шеърим бўғиқ ҳамда жасур бўлган он
Ифода айловдим буткул ниятни.
Лекин бу ерда-чи, иш эмас осон.
- 7 Оламнинг тубини — ботиниятни
Ҳазилмас тасвиру тасаввур этмак,
Талаб этар бул иш олий санъатни.
- 10 Илҳом ўзи менга кўрсатсин кўмак,
Қўллагандай Фивнинг бунёдкорини,—
Насиб этсин аслин сўз билан битмак.
- 13 Шўрлик қавм, тортарсан азоб борини,
Молдай яшаб ўтсанг бўларди афзал —
Чеккунча Дўзахнинг чўнг озорини!
- 16 Жаҳаннам тубида турардик тугал,
Алпнинг пойидайдик, пастликдан, ё раб,
Ўрлади тепага бир қоя жадал.
- 19 Кимдир деди: “Юргил кўзингга қараб,
Шўрлик қавмларингнинг бошларига нақ
Турибсан сал бўлса оёғинг тираб”.

- 22 Атрофга боқдимү илғадам филҳақ;
Бир қўл кўринарди музқотган, заранг,
Мавжи йўқ — ойнадан қилмас эди фарқ.
- 25 Австрияда Дунай ҳам аёзда таранг
Бундоқ музламагай, йироқ Танаис
Тўнмагай бунчалик, бу — мисоли санг.
- 28 Ағдарилиб тушса қўл сари илкис
Кўҳи Петропане, Тамберник ҳатто,
Бунинг бир чеккаси дарз кетмас ҳаргиз.
- 31 Ёз чоғи ҳовуздан бўйлашиб расо
Вақиллашга тайёр турган саф қатор
Шомги қурбақалар тўпидай гўё,
- 34 Белига қадарли музга банд, абгор,
Тишин такиллагиб бамисли лайлак
Ётарди маҳкумлар кўкариб, ночор.
- 37 Аҳвол-руҳияси уларнинг бешак
Акс этиб турарди афтида тамом,
Совуқдан юзи тунд, чашми-жон ҳалак.
- 40 Атрофга энгашиб кўрдим шу айём:
Турар икки арвоҳ бақамти, тигиз.
Сочлар ҳам айқашган, хулласи калом.
- 43 Дедим: “Сийнангизни қапиштирмиш муз,
Кимсиз?” Иккиси ҳам секин буриб бош,
Мен томон юзланиб, тикиб қолди кўз.
- 46 Йиғидан шишганди буткул қабоқ, қош,
Оби дийда қилиб ётардилар тек
Ва музлаб қолмишди киприкларда ёш.
- 49 Иккита гўлани бу қадарли берк
Бириктира олмас темир ҳалқа ҳам.
Шохлашар бамисли икки эчкидек.
- 52 Аёзда қулоқсиз қолган бир одам
Бошин кўтармасдан деди: “Нима гап?
Кўзгуга боққандай қарайсан дам-дам.

- 55 Мановлар кимлигини билмоқчисан заб,
Падари — Альберто Бизенцио ерин
Қолдирган уларга мерос деб хатлаб.
- 58 Кезиб чиқ Каиннинг бошдан-охирин,
Шу оға-инидай хор бўлган арвоҳ —
Муз қотган кимсанинг топмассан бирин.
- 61 Артурдан зарб еган ўша сергуноҳ
Ҳароми фарзанд ҳам эмас бунча хор,
Фокаччо ҳам чекмас буларчалик оҳ.
- 64 Тепамда бош эгиб турган ғамгузор
Сассоль Маскерони ҳоли ҳам авло,
Тосканда бу зотни билишар бисёр.
- 67 Ўзимни танитай энди ошкоро:
Камичон де'Пацци эдим, нигорон
Кутгум Карлинони, у баттар бало”.
- 70 Итдай турқи совуқ, лак-лак беимон,
Маҳкум бандаларнинг кўрдим анчасин,
Қалбда ҳанузгача даҳшатдан нишон.
- 73 Кулфату азоблар — барча-барчасин
Нуқта низомига етгунча толдим,
Ҳис этиб зулматли сахро нафасин.
- 76 Тасодифми — қисмат, билмайин қолдим,
Сонсиз каллалардан ўтаркан хатлаб,
Кимнингдир чакагин мен босиб олдим.
- 79 Ингради бечора: “Жанжалми матлаб?
Келмагансан ахир мени туртмоққа,
Монтаперти учун яна қасд тилаб?”
- 82 Дедим: “Кутгил, устоз, бир оз, шу чоқда
Мени шубҳалардан этсин у холи,
Сўнг жадал кетгаймиз десанг қаёққа”.
- 85 Йўлбошчим сабр этди, ўша маҳали
Шаллақи маҳкумга дедим хитобан:
“Кимсан эй, бунча сур, ортган малолли?”

- 88 “Ўзинг кимсан? — деди маҳқум жавобан,—
Антенорда бизни нуқигувчи зот,
Тепса тирик бунча оғримас бадан”.
- 91 “Барҳаётман,— дедим,— номинг этиб ёд,
Назмимда то абад айласам тасвир,
Анча таскин топиб, бўлардинг-ку шод”.
- 94 Деди: “Мен аксини хоҳлайман, ахир,
Кет мундан, қўлингдан келмаскан фириб,
Лақиллатмоқ учун топибсан тадбир”.
- 97 Сочига чанг солдим, юлқилай туриб
Дедим: “Кимлигингни айтгил, лаънати,
Йўқса соч-почингни олгум суғуриб”.
- 100 Деди: “Юларкансан кокилим, рости,
Агар этсанг ҳамки тилка-ю тилка,
Сенга кимлигимни айтмасман, асти”.
- 103 Чуйда сочларига даст уриб тикка,
Бир неча тутамин юлиб ҳам олдим.
Ўкирар эди у тушганча чўкка.
- 106 Кимдир товуш қилди: “Бокка, бўлгил жим,
Шундоқ ҳам шақиллаб тегдинг-ку жонга,
Вангиллатаётир сени яна ким?”
- 109 Дедим: “Бас, эрк берма энди лисонга,
Сенинг пасткашлигинг, сотқин найрангбоз,
Аён этажакман буткул жаҳонга”.
- 112 У деди: “Кета бер, ўтригингни ёз,
Лекин битигингга сўкишда башанг,
Ановни ҳам қўшсанг — бўлур эди соз.
- 115 Уни зор йиғлатар ақчай фаранг,
Етказ, Дуэра ҳам музлик баҳрда
Бошқа маҳқумлардай банддир, ҳоли танг.
- 118 Десалар: “Ким бордир тагин асирда”,
Беккерия дегил, у бизга ёвуқ,
У ҳам бўйинбандда ётар бу ерда.

- 121 Ҳув Жанни Сальданер кўзи ним юмуқ,
Генеллон, Тебальделло — бари ёнма-ён,
Ёвга Фазиц қасрин очганди тўлуқ”.
- 124 Кетдик, лекин шу он бўлди намоён
Муз қотган ўрада иккита арвоҳ —
Бири ўзгасига эди соябон.
- 127 Нонни тишлагандай очофат суллоҳ,
Бир арвоҳ ўзгасин бўйнин сершиддат
Тишлаб олганини кўрдим баногоҳ.
- 130 Ҳаттоки Тидей ҳам энг сўнгги фурсат —
Ўлар чоғ аламда Меналип бошин
Ғажимаган бундоқ қаҳрнок, бешафқат.
- 133 Дедим: “Ғанимига буткул бардошин
Ҳай тутиб, ғазабин сочган маҳкум зот,
Аён эт, билай то бу ҳолнинг фошин.
- 136 Ҳақ бўлсанг ва унга терс ҳам бўлсанг бот,
Билсам гапнинг тагин, билсам номингиз,
У ёруғ жаҳонда эканман ҳаёт —
- 139 Сизга хизмат қилгум, сиз ишонингиз!”



ЎТТИЗ УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

*Пизанликлар граф Уголинони икки ўғли ва икки набира-
си билан қамаб, очликдан қийнаб ўлдирганлар. Граф Данте-
га шу ҳақда гапириб берарди. Шунингдек, шоир сотқин одам-
нинг руҳи ҳали вужуд барҳайтлигидаёқ Дўзахга тушиши,
тирик қолган тана ичига эса иблис ўрнашиб олиши ҳақида
нақл эшитади.*

- У макруҳ калладан оғзини тортди
Ва қонга беланган даҳану лабни
Маҳқумнинг ғажилган сочига артди.
- 4 Деди: “Мусибат ва аламли гапни
Қўзғаб турмакдасан ўксук дилимда,
Уни эслаш ҳатто бузгай асабни.
- 7 Жазо тортаётган ҳозир қўлимда —
Маҳқум тўғрисида тарқатсанг хабар,
Айтиб бергум барин, гуссам кўнглимда.
- 10 Лекин, ўзинг кимсан? Қилолма бовар,
Қайтгусиз маконга келдинг қандайин?
Тосканликсан, билдим, тил-лаҳжанг менгзар.
- 13 Граф Уголино эдим, айтайин,
Архиепископдир — Ружери манов,
Бунда туғишгандан ёвуқмиз тайин.
- 16 Унга ишонардим, аммо номард ёв
Асир қилиб олди мени аввало,
Ўлдирди оқибат қийнаб беаёв.
- 19 Мени қай йўсинда маҳв этганин, о,
Билмагай бирорта замондош одам,
Тинглаб, гапларимни дилга этгин жо.

- 22 Оч қалға аталмиш жой бор мустақкам,
Унда банди бўлмиш сўнг қанча тутқун,
Қафас туйнугидан боқардим мен ҳам.
- 25 Ўтказдим ҳабсда неча-неча тун.
Мени чулғаб бир чоғ ваҳимали хоб,
Келажак йўлларим бекитди бутун.
- 28 Туш кўрдим, гўё у малъун серитоб
Луккуни бизлардан ажратган тоққа
Болали бўрини қувлармиш шитоб.
- 31 Кетармиш таъқибкор тўда овлоққа,
Гваланди, Сисмонди, Ланфранки — бари,
Кўппаклар шошгандай мисли ялоққа.
- 34 Маҳв бўлмиш бўри-ю ҳам болалари,
Ёвуз овчиларга ем бўлмишлар хор,
Қобирғага ботмиш ўткир тишлари.
- 37 Уйғонган эдим мен ёришмай наҳор,
Эшитдим, тўрт ўғлим уйқу аралаш
Нон, нон, деб тўхтовсиз айлар эди зор.
- 40 Кўз ёш тўкканмисан сен ҳам ҳеч ғамкаш?
Фарзандлар ҳолидан ўртаниб кўнглим,
Чашмим селоб бўлиб турардим яккаш.
- 43 Пайт етиб уйғонди тўртовлон ўғлим,
Емиш тарқатарди зиндонбон бу вақт,
Турардик биз тушнинг таъсирида жим.
- 46 Эшитдим, қалъанинг қопқаси тақ-тақ
Ёпилди, мен эсам боқар эдим лол,
Ўғиллар ёнида, тош қотгандай нақ.
- 49 Ҳатто инграмоққа етмасди мажол,
Ўғлим Ансельмуччо деди: “Дадажон,
Нечун нигоҳингда ўзгача бир ҳол?”
- 52 Йиғламас эдим мен, гунгдай безабон
Ўтказдим кеча ва кундузни сокит,
Кун ошиб балқди-ку яна субҳ, тонг.

- 55 Ғамгин хилхонага қуёшнинг йилт-йилт
Шуъласи туйнукдан тушган сония
Англадим — ҳолимиз эрур қай тахлит.
- 58 Бармоғим тишладим — мажруҳ руҳия,
Болаларим бўлса ўйламиш, ҳайҳот,
Очликдан ўзини ғажийди дея.
- 61 Дедилар: “Бизни сен этгансан бунёд,
Вужудни қайтиб ол, розимиз, дада,
Бизни ея қолгин, одил гап шу, рост”.
- 64 Жим қолдим, дилларин этмай деб зада,
Ўтди сукунатда кунлар бирма-бир.
Қаро ер, ютмадинг нечун у дамда?!
- 67 Етгач тўртинчи кун, Гаддо бетадбир
Оёғим остига келиб берди жон,
Сўнг гапи шу бўлди: “Ота, мадад бер!”
- 70 Худди менга боқиб турганингсимон —
Кўрдим, кўз ўнгимда бўлдилар нобуд
Икки кун ичида қолган уч ўғлон.
- 73 Кўздан ҳам қолгандим, икки кун беҳуд
Силаб-сийпаб турдим улар мурдасин,
Охир ғолиб келди очлик беҳудуд...”
- 76 Жим қолди ва бирдан ростлаб нафасин
Оғиз солди аянч калла чаноққа,
Худди ит суюкка ташланган йўсин.
- 79 О, Пиза, доғдирсан гўзал тупроққа,
Si саси таралган тупроққа иснод.
Қўшни эл жазонгни чўзса узоққа —
- 82 Капрара, Горгона ороли кушод
Жойидан қўзғалсин, тўссин Арнони,
Орсиз элинг билан бўлгил ғарқ, барбод!
- 85 Қай шон чулғамасин Уголинони,
Майли, у қўрғонни бермиш сарҳадда,
Лекин не айби бор тўртта ўғлонни?!

- 88 Фивни қурганлар ҳам покдир, албатта,
Мен шу зум номини битганлар ҳам пок,
Покдир Угуччоне ва Бригата.
- 91 Қия текисликдан кетдик олдинроқ,
У ерда маҳкумлар — қавми гуноҳкор
Ётарди муз кўлга банд бўлиб мутлоқ.
- 94 Йиғлаб йиғлаёлмас улар нолакор,
Чашмида йиғилиб ўқтин изтироб
Сингиб кетар эди яна азобкор.
- 97 Кўзига тиқилган ёшлари селоб —
Биллур сипар каби қош-қабоқ аро
Музлаб қотар эди бетўхтов, шитоб.
- 100 Наздимда юз-кўзим, кипригим ҳам то
Даҳшатли совуқдан бўлганди карахт,
Сезмасдим совуқнинг ўзини ҳатто!
- 103 Ҳис этдим шамолни, лекин шу фурсат
Дедим устозимга: “Қайдан бу шамол,
Ахир гарм ел бунда музлагай абад?”
- 106 Устозим дедики: “Сабр айла алҳол,
Нечун қутурганин шамол ушбу зум,
Ўзинг кўражаксан, англарсан дарҳол!”
- 109 Банди музлар аро бир маҳкум шу зум
Қичқирди: “О, бу ён этганлар сафар,
Нечоғ бешафқатсиз, очингиз кўзим!”
- 112 Чашмимни қоплаган оғир муз сипар,
Очингиз, тўкайин озгина кўз ёш,
Зора кўз ёш ила зарра ғам кетар”.
- 115 Жавоб бериб дедим: “Шартим, аввалбош —
Аён эт кимлигинг, аҳдимдан қайтсам,
Майли, муз остида қотай мисли тош”.
- 118 Деди: “Альбериго — роҳибман, айтсам,
Неъматдан ёвуз иш кўзгадим, аммо,
Хурмога анжирни алишдим бу дам”.

- 121 Ногоҳ дедим: “Қачон топтинг сен фано?”
Деди: “Жисмим тирик ёруғ дунёда,
У қай аҳволдадир? Билмасман асло!
- 124 Толомейда — яъни ушбу юҳода
Шундоқ қоида бор: жазо топгай жон
Атропос этмасдан танни омода.
- 127 Пешонамдан музни сидирмоқ чандон
Сенга завқ берсин деб, очай яна сир:
Билиб қўй, сотқинлик рўй берган замон
- 130 Руҳ кетиб, вужудга иблис киргайдир.
Вужуд аввалгидай юргайдир яшаб,
То муддат битгунча кечиргай умр.
- 133 Руҳ эса тубанга юмалагай заб,
Боқ, анов жунжиккан қўшни арвоҳга,
Балки у ҳам юрар тирикка ўхшаб.
- 136 Магарам келмишсан ердан биз ёққа,
Бранька д’Орьяни билмоғинг керак,
У билан биргамиз бизлар ҳар чоғда”.
- 139 Дедим: “Келтиргумдир гапларингга шак,
Бранька д’Орья ҳали барҳаёт,
Емоқ-ичмоқни у этган эмас тарк”.
- 142 У деди: “Микеле Цанке — шаҳид зот
Танин оғушига олмасдан замин,
Ҳали мум ҳовузда бўлмасдан барбод,—
- 145 Иблис эгаллаган бунинг баданин.
Хеши ҳам бор бунинг — бирга топган шон,
Иблис эгаллаган унинг ҳам танин.
- 148 Энди қўлингни чўз кўзларим томон,
Оч уни!” — Лекин мен қайтдим гапимдан,
Менга шараф эди номардлик шу он!
- 151 О, генуяликлар, номус-ор зимдан
Сизнинг юракларни тарк этмиш абад,
Нечун ўчмагансиз буткул заминдан?!

154 Сизнинг элат аро энг ифлос, мургад
Бир касни учратдим этган чоғ сафар,
Руҳи унинг маҳқум Коцитда минбаъд,—

157 Тирикларни эса вужуди алдар.



ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ ҚЎШИҚ

*Дўзахнинг сўнги, тўққизинчи доирасининг ушбу бўлин-
масида сотқинлар буткул вужуди билан музга банд ҳолда
ётадилар. Ўртада — Люцифер (Шарқона номи — Азозил)
учовлон оғзидан чиқаётган даҳшатли оқим билан учта сот-
қин зотни тинимсиз жазолаб туради. Булар: Исо пайғам-
барга хоинлик қилган Иуда, Валинеъмат ҳокимиятининг
юзига оёқ қўйган Брут ва Кассий. Вергилий Дантени оғушига
олиб, Люцифер — Азозилнинг мўйига тирмашганча ер кур-
расининг нуқтаи низомидан ўтиб, иккинчи ярим шарга чи-
қиб олади. Кўкда юлдузлар чарақлайди. Бу жойлар Аросат
тоғларидир.*

Vexilla regis prodeunt infernil

Устозим дедик: “Рўбарўга боқ,

Кўрарсан зулматда У турган ерни”,

- 4 Замин осмонига тун ёйилган чоқ
Ва ёки тушганда туман, булдуруқ,
Тегирмон парраги кўрингай шундоқ.
- 7 Бу ҳам турар эди ҳайбатга тўлиқ,
Даҳшатли шамолдан сақлай дея жон,
Борардим устозга паналаб, ёвуқ.
- 10 Шиша ичра қотган бутоқларсимон
Арвоҳлар ётарди музга бўлиб банд.
Байтга битсам ҳатто гувранади жон.
- 13 Кимдир тикка қотган, ким музга пайванд.
Кимнинг боши тубан, кимнинг оёғи,
Кимдир эгилганди бамисли каманд.

- 16 Қачондир хушсурат бўлган сиёғи —
У зотга яхшироқ ташла деб назар,
Ҳодийи комилим истади чоғи —
- 19 Мени илгарига ундади сарвар,
Деди: “Мана шу жой Дитнинг қўраси,
Бу ерда ваҳмага берилма магар”.
- 22 Сўраманг, ҳолимнинг не тафсираси,
Ўша он битганди буткул мажолим,
Тўнғиб ҳам қолгандим, гапнинг сираси.
- 25 На ўлик, на тирик, мушкул аҳволим,
Менинг у чоғдаги шахтимни, илло,
Аён этар сизга бу ҳасби ҳолим.
- 28 Азоб салтанати соҳибининг то,
Кўкраги қадарли музга эди банд,
Алплар қоматин ҳам мендек денг, аммо,
- 31 Люцифер қўлига келолмас монанд.
Муз тагида қолган унинг жуссасин
Тасаввур этиб боқ, ўқувчим, ҳарчанд.
- 34 Холиққа бир замон шу чеҳра аксин
Кўрсатган бўлса гар ушбу бадрафтор,
Демак, у кўфрга ибтидодир чин.
- 37 Турардим қошида лол қотиб бисёр,
Унинг рухсорида ранг эди уч хил,
Юзин олд томони — қирмизи узор.
- 40 Икки ён томонда — ранглар мутгасил
Чаплашиб, айқашиб кетганди паққос,
Қўрқинч бир шамойил этганди ҳосил.
- 43 Азозил ўнг юзи оқ-сариққа мос,
Чап юзи бўлса-чи, аҳли Нил мисол
Қорамтир тусдайди — ҳабашларга хос.
- 46 Иккала кифтида қанотлар яққол,
Баҳайбат эдилар жисми сингари,
Кемаларда бундоқ елкан йўқ, алҳол.

- 49 Кўршапалак мисол – йўқ пату пари,
Сирпаб ва қайириб улкан қанотин
Уч тараф таратар шамол сарсари.
- 52 Баҳри Коцитни у музлатар ботин,
Олтовлон кўзидан оқиб ётар ёш,
Учов оғзидан-чи, қонли сув бетин,
- 55 Ҳар бир уч тарафдан келишиб ёндош,
Ҳар битта маҳқумга бориб етарди,—
Бу ерда уч маҳқум — бардоши одош.
- 58 Олдинги маҳқумнинг бул эди дарди:
Елка курагига солганча тирноқ,
Терисини шилиб, тирнаб ётарди.
- 61 Устозим дедики: “Рўбарўга боқ,
Иуда Искарёот — азоби баттар,
Боши муз ичида, тепада оёқ.
- 64 Манави Брутга ташлагин назар,
Азозил оғзидан чиққан калласи,
Лаблари қапишган, гувраниб ётар.
- 67 Рўбарўда Кассий — норғул гавдаси.
Йўлга отланайлик, чўкмакдадир тун,
Кўрдинг не ба имкон — шулдир ҳаммаси”.
- 70 Амр этди — устозни қучдим, инчунин,
Азозил қаноти ёйилган заҳот —
Пайт пойлаб, ёндашди йўлбошчим ўқтин.
- 73 Махлуқнинг тўшига чанг солди азот —
Ва унинг мўйидан тутамлаб қур-қур
Қумоқ музлар аро йўл солди ул зот.
- 76 Тушдик осилганча белига довур,
Ярим танасига етгач ниҳоят,
Йўлбошчим ёстанди, ҳаллослаб, базўр.
- 79 Бош буриб оёғи томон сершиддат —
Тевага тирмашиб кетди бу бора,
Ўйлабман, орқага қайтдик деб, ғалат.

- 82 Толиққан одамдай устоз бечора
Ҳансираб дедики: “Ушлагил маҳкам,
Чиқурмиз томуғдан ушбу йўл ора”.
- 85 Қоя тирқишидан ўтиб у бардам,
Бир четга ўтқизди мени аввало,
Сўнг чиқди қоянинг устига шахдам.
- 88 Мен бўлсам, Иблисга боқиб шу асно,
Ўйлардим, қошидан чиқолдим қандоқ.
Ҳолати тескари — у нечук бало.
- 91 Дилимга қанчалар тушганин титроқ
Мен ўтган сарҳаднинг баёнин топқур —
Фаҳм этмаган зотлар айтсинлар кўпроқ.
- 94 Устозим дедики: “Кўзғал, энди юр,
Мушкул, машаққатли йўллар кутар гал.
Икки соат бўлди — офтоб сочар нур”.
- 97 Қасрда эмасдик икков у маҳал,
Таги ўнқир-чўнқир ертўла — тош тим,
Милтираб турарди шуъла ҳам сал-пал.
- 100 Устозга юз бурдим турган заҳотим:
“Лутф айла, икковлон токи зулматда,
Шубҳалар ичра мен саҳв этмай токим:
- 103 Музлик қайда қолди? Азозил — пастда
Нечун оёқ чўзмиш? Офтоб самода
Қай йўсун кундузга чеврилди шартта?”
- 106 Деди: “Иблис мўйин тутган юҳода —
Оламнинг нуқтаи низомида шай
То ҳануз турибмиз дерсан мабодо?”
- 109 Уни сен тубанда кўрдинг йўлакай,
Сўнг эса азоблар юки мужассам
Нуқтада йўлимни бургандим атай.
- 112 Ҳозир бош устингда само муҳташам,
Нариги осмоннинг тескариси бу,
Нариги хилқатда Инсон мукаррам —

- 115 Бегуноҳ ҳаёти маҳв бўлди мангу.
Сен ҳозир оёғинг тираб турган тош —
Жудеккининг акс, кичик доираси шу.
- 118 Бунда — офтоб, унда — қораймоқда қош.
Ўзинг воқиф бўлган зот — пахмоқ нарвон,
Бу ерга санчилиб қолган аввалбош.
- 121 Самодан у қулаб тушган бир замон.
Нарёқда авваллар гуллаган замин
Денгизга айланган, даҳшатга макон.
- 124 Ярим шар биз томон бўлган ост-устун.
Замин чиққан балки туртиб тоғсифат,
Оралиқ бўшлиқда қолган у локин”.
- 127 Вельзувелдан нари бир жой бор, қат-қат —
Дахмалар девори чўзилган йироқ.
Тубандан отилган жилғанинг фақат —
- 130 Гувлашида уни англайсан кўпроқ.
Тошлар орасидан чиққан сув қайнаб
Пастликка таралар. Биз эса шу чоқ
- 133 Мавҳум ва билгисиз йўлдан шахт айлаб —
Чароғон дунёга келдик икковлон.
Энди интилардик юксакка қараб,
- 136 Устозга эргашиб борардим ҳамон.
Кетдик, шуълаларга тушгунча то кўз,
Чашмим ёритгунча нурафшон осмон.
- 139 Ва яна намоён бўлганди юлдуз.



ИЗОҲЛАР

Биринчи кўшиқ

1 “*Ердаги умримнинг ярмини юриб...*” — инсон умрининг камоли ва заволи хусусида Данте ўзининг “Базм” асарида сўз юритиб, камолотни 30 ва 40 ёш орасида деб белгилайди.

3—12 “*Боқсам, бир ўрмонга кетибман кириб*” — мажозий маънода. Италиянинг ижтимоий-сиёсий муҳитини билдиради.

32—60 “*Тушиб келди ногоҳ бир қоплон чаққон*” — Данте уч нафар ҳайвонга дуч келади. Қоплон — сохтакорлик ва сотқинликни, арслон — мағрурлик ва зўравонликни, қашқир — очкўзлик ва такаббурликни англатади.

62 “*Бир зот пайдо бўлди қаршимда ногоҳ*” — Данте ниҳоятда севган қадимги дунё шоири Вергилий.

102 “*Шавкатли Ит келгач, иши бўлар терс*” — Италия халоскори маъносида.

106 “*Эвриал ҳамда Турн, Нис ва Камилла*” — Италия тарихи билан боғлиқ қаҳрамонлар.

121 “*Диловар руҳ сени олгайдир кутиб*” — Беатриче.

Иккинчи кўшиқ

13 “*Сен дейсан, падари Сильвий чинакам*” — Эней, Рим ҳукмдорларининг сулоласи ундан бошланган.

94—100 “*Қўкда бир аёл бор — нурҳиммат, расо*” — Биби Марьям. Лючия — нажот маъбудаларидан. Роҳила — Ёқубнинг хотини.

Учинчи кўшиқ

77 “*Ахерон*” — Дўзах дарёси.

Тўртинчи кўшиқ

45 “*Лимбо водийсида кезишар фақир*” — Дўзахнинг дастлабки доирасига мансуб хос жой — Лимб. Ташқи, қоронғи қисмида христиан динидан аввал яшаб ўтган зотлар ҳамда чўқинтирилмасдан ўлиб кетган гўдаклар жой олган. Ички, ҳашаматли қисмида донишмандлар ва қадимги дунё қаҳрамонлари ўрин олганлар.

52 Дўзахда Исонинг ва Биби Марьямнинг номлари айнан тилга олинмайди.

131 “*Донишманд зотларнинг устозин кўрдим*” — Аристотель.

Бешинчи кўшиқ

5 М и н о с — Дўзах ҳаками, ярим худолардан. Онаси Европа. Думи билан маҳқумни неча марта ўраса, маҳқум ўша доирага тушмоғи керак.

58 С е м и р а м и д а-Оссурия — Бобил маликаси.

64—67 “*Жанглар сабабкори, энг гўзал аёл*” — Елена, Менелайнинг хотини. Парис томонидан ўғирланиб, Троя урушининг сабабчиси бўлган. А х и л л — Гомер “Илиада”сининг бош қаҳрамони. Т р и с т а н — қирол тоғаси Маркнинг бўлғуси хотини Изольда билан зино қилган.

73 “*Анов иккисидан эшитсам жавоб*” — Паоло ва Франческа ҳақидаги машҳур ҳикоя келтирилади. Равенна шаҳрида шунга ўхшаш воқеа содир бўлган.

124 Л а н ч е л о т — “Артур” романининг қаҳрамони. Қирол Артурнинг рафиқаси Жиневра билан севишган.

135 Г а л е о т — ўша романдаги қаҳрамонлардан бири. Қўшмачи.

Олтинчи кўшиқ

13 Ц е р б е р ь — Дўзах қоровулларидан бири.

52 Ч а к к о — флоренциялик мечкай.

64—75 “*У деди: “Хунхорлик бўлгай муҳаққақ”* — Чакко Флоренциянинг тақдирини каромат қилмоқда. У ҳокимият “Ўрмонлик”ларга тегади, дейди. Данте мансуб бўлган Оқ гвельфларнинг бошлиғи қишлоқдан бўлган. “Ўрмонлик” дегани шунга шама.

73 “*Икки тақводор бор...*” — кимлиги номаълум. Бири Дантенинг ўзи бўлиши эҳтимолга яқин.

115 П л у т о с — антик мифологияда бойлик худоси. Айни ўринда у зиқналар ва исрофгарлар ётган Дўзах қабатининг кўриқчиси.

Еттинчи кўшиқ

1 P a p e S a t a n, p a p e S a t a n, a l e p p e — айрим олимлар, бу сўзларнинг маъносини англаб бўлмайди, дейди. Бу сўзларни турли дантешунослар турлича тушунтиришади. Масалан: “О, Иблис, Иблис, саркардайи шайотин ёхуд уларнинг ибтидосисан”, “Мана, Папанинг биринчи душмани” ва ҳоказо.

11 “Қосид Микоил...” — “Инжил” тафсирига кўра, танг-рига қарши бош кўтарган Иблис ва унинг шерикларига қарши курашган ва ғалаба қозонган зот.

16—66 Зиқналар ва исрофгарлар бамисли ёвлардек бир-бирига қарши қўйилган. Улар юмалатиб юрган тошлар эса уларнинг кўкка соврилган ёки сарф этилмаган бойликларини эсла-тади.

22 Х а р и б д а — Сицилия қирғоқлари бўйидаги, Мессин бўғозидаги гирдоб.

61—96 Ф о р т у н а — антик давр мифологиясида тақдир худоси. Вергилий уни бойликни тақсим этувчи адолат маъбудидеб билса, Данте уни ёвуз заковат деб қарашга мойил. Данте-нинг Фортунага бўлган муносабатини турлича шарҳлайдиган қарашлар ҳам мавжуд.

106 “С т и г и й б о т қ оғ и...” — шоирлар Дўзахнинг бешинчи доирасига ўтишади. Бу манзилда адоватгўйлар жойлашган.

Саккизинчи қўшиқ

1 Ривоятларга кўра, Данте Флоренциядан қувғин бўлгунча, ушбу етти қўшиқни ёзиб улгурган. Бир неча йиллардан сўнг юқоридаги сўзлар билан асарни давом эттирган.

4—12 “*Икки ўт ёнарди у ерда чандон*” — Дит (Люцифер), Дантенинг аретинликлар билан бўлган уруш ҳақидаги хотиралари акс этган.

44 “*Нечоғ ҳимматлидир суронли ул руҳ*” — гап Дантенинг онаси ҳақида бормоқда.

61 “У ш л а А р ж е н т и н и...” — Арженти қора гвельфларга мансуб шахс.

68 Д и т — антик мифологияда Дўзах худоси. Бу ерда Дўзах-нинг энг пастки қавати маъносиди.

130 “*Қўрғон қопқосини очар у саркор*” — Исо пайғамбарни айтмоқчи.

Тўққизинчи қўшиқ

1—33 Вергилийни ҳам қўрқув босади. Лекин, у Дантени руҳан қўллаш мақсадида Дўзахга бир вақтлар қандай йўллар билан кирганини гапириб беради.

7—8 Вергилий Беатриче мададига ишонмоқда.

23 Э р и х т о — фессалиялик жодугар аёл.

27 Я ҳ у д о с а р ҳ а д и — Дўзахнинг энг тубида.

37 У ч ф а р и ш т а — Интиқом маъбудалари — Тисифона, Мегера ва Аленто.

52 М е д у з а — антик мифологиясига кўра, назари тушган ҳар кимсани тошга айлантирувчи фаришта.

53 Тезей — антик ривоятларга кўра, Дўзахга Плутон (Аид)-нинг хотинини ўғирлаш учун тушганда, фаришталар уни занжирбанд қилишган. Геркулес уни озод этган. Фаришталар ўшанда Тезейдан қасос ололмаганликлари учун афсус чекадилар. Мажозий маънода юқоридаги образлар ўша даврдаги Флоренция ва Италиянинг ички муҳитини билдиради. Ёвузликлардан Вергилий ўз шоғирдини ҳимоя қилади. Фаришталар образида шоирнинг виждон азоблари, Медузада эса унинг иккиланишлари, ночорлиги акс этган.

112 Арле — Франция жанубидаги Рона дарёси бўйида жойлашган шаҳар.

113 Поль — История (Югославияда) Карнаро кўрфази бўйидаги шаҳар. У ерда қадимий римликларнинг даҳмалари жойлашган.

Ўнинчи қўшиқ

14 Эпикур — грек материалист файласуфи, руҳ абадийлигини инкор этган. Дантенинг дўсти Гвидо Кавальканте Эпикур ва ибн Рушд таълимотига эргашган.

22—51 Фарината — Италиянинг йирик сиёсий ва ҳарбий арбоби. Сиёсий партиялар орасидаги тортишувларда фаол иштирок этган. 1264 йилда вафот этади.

52 “*Шу асно қабрдан бир арвоҳ бетин*” — Кавальканте — флоренциялик машҳур гвельф, эпикурчи-атеист. У шоир Гвидо Кавалькантенинг отаси. Гвидонинг Вергилий талантига нисбатан фикри юқори бўлмаган.

79 “*Эллик бор кўринмай ойнинг жамоли*” — Фарината Дантенинг эллик ойдан кейин сургун бўлажagini каромат қилмоқда.

85 Арбия — бу жойда гвельфлар билан жанг бўлган.

119 Федерик — Фридрих II Гогенштауфен, Неаполь ва Сицилия қироли, папа тахтининг душмани, эпикурчи.

Кардинал — Оттавиано дел Убальдини, гиббелин.

127—132 Вергилий Дантени жаннатда Беатриче билан бўлажак учрашув ила овутмоқда.

Ўн биринчи қўшиқ

8 Папа Анастасий — 496—498 йилларда папа тахтида ўтирган. Айримлар унинг динсизлар тўдасига тушиб қолганига сабаб фессанолилик Фотин таълимотига таважжуҳ билдирганидан бўлса керак, деб ҳисоблашади.

16—66 Гап Дўзах қаърида хилма-хил жазога мустаҳиқ бўлганлар устида боради. Каорсо — француз шаҳри, унинг фуқароси судхўр сифатида ном чиқарган. Содом — Ўлик денгиз ҳав-

засидаги шаҳар. “Инжил” ривоятига кўра ушбу шаҳар фуқаросининг ғайритабiiй гуноҳлари учун (баччавозлик) худонинг газабига дучор бўлиб ёниб кетган.

98 *Файласуф* — Аристотель.

112—114 Юлдузлар ҳолати. Олимларнинг ҳисобича, бу 1300 йил 25 март, тунги соат 2-ю—40 минутга тўғри келади.

Ўн иккинчи кўшиқ

5—10 Тренто шаҳри ва Адич соҳили Италиянинг шимоли-шарқида.

13 *“Аҳли критликнинг исноди махлуқ”* — Минотавр (гавомард) — ярим ҳўкиз, ярим одам. Антик ривоятларга кўра, Крит подшоси Миноснинг хотини Пасифая ёғоч сигир ичига кириб, ҳўкиз билан қовушган. Минотавр шундан туғилган ҳароми. Ҳайвоний куч рамзи.

17—20 Яъни, Афина тахтининг вориси Тезей билан демоқчи. Тезей лабиринт ичига Ариадна (Миноснинг қизи) берган калава ип билан кириб Минотаврни ўлдиради.

38 Ривоятга кўра Исо жон берганда, оламда зилзила юз берган. Дўзахдаги ўпирилишлар ҳам ўшанда пайдо бўлган.

41—43 Эмпедокл таълимотига ишора. Унингча, дунё тўрт асосий унсур (ўт, сув, ҳаво, тупроқ) тўқнашувидан яратилган. Агар улар ўртасида уйғунлашиш вужудга келса, яна борлиқ парчаланиб кетади ва тартибсизлик юз беради.

47 *Хун дарё* — Флегетон, унинг комида золим ҳукмдорлар, зўравонлар, талончилар жазо тортади.

55—75 *Кентаврлар* — Флегетон қўриқчилари, қайноқ сувдан бошини чиқармоқчи бўлган маҳқумларни камондан ўққа тутадилар. Уларнинг танаси отники, боши одамники. Бу ерда бир неча кентаврларнинг номлари тилга олинади.

Хирон — Ахиллнинг мураббийси, кентаврлар бошлиғи. *Несс* — грек мифологиясида жаҳлдорлиги билан ажралиб туради. *Фол* — антик ривоятларда ўзининг зулмқашлиги билан машҳур бўлган.

88 *“...энг олий тобон”* — Беатричега ишора.

107—138 Бу ерда бир гала ҳукмдорлар тилга олинади. *Александр* — Искандар Зулқарнайн ё балки Фессалиядаги Ферей ҳукмдори (эрадан аввал 4-аср). *Дионисий* — Сиракуз ҳукмдори. *Аццолино* — Падуя ҳукмдори. *Обиццо де’ Эсте* — Феррара ва Модена ҳукмдори, ўз ўғли томонидан ўлдирилган. *Атилла* — хунлар бошлиғи, “Тангри қамчиси” деган ном олган. *Пирр* — Эпир шоҳи. Римга қарши курашган.

137 *Риньер де’ Пацци ва Риньер Корнето* — талончи зодагонлар.

Ўн учинчи қўшиқ

2—6 Худкашлар ўрмони — ўз-ўзини ўлдирганлар Дўзахда дарахтга айланиб қолган жой.

Чечина, Корнето — жой номлари, ботқоқлик, чангалзори мўл манзиллар.

12 Гарпийлар — грек мифологиясига кўра, йиртқич, ёвуз қушлар. Гўё, улар Строфад оролларида Энейнинг ҳамроҳлари-га ҳужум қилишган ва Энейга уни Италияда кутаётган бахтсизлик ҳақида хабар қилишган.

58—63 Гап император Фридрих II саройининг обрўли маслаҳатгўйи Пьер делла Винья ҳақида. У иғво туфайли қамоққа тушган ва ўзини ўлдирган.

68 Август — император Фридрих II.

115 “Сўл ёқда иккита дабдала, парчин” — уларнинг бири сиеналик Лано, исрофгарчиликлари билан ном чиқарган, Топпо яқинида аретинликлар билан бўлган жангда ўлдирилган. Иккинчиси — Жакомо исмли исрофгар, сарой кишиси. Ёнгиндан ҳузур қилиш учун уйига ўт қўйган.

143 “*Иоанн деб унут бўлди ул салаф, ўша шаҳар эди менин-чун макон*” — Флоренция шаҳри афсоналарга кўра, уруш худоси Марсга қарашли бўлган. Христианлик даврида шаҳарда Иоанн ҳокимлик қилган. Лекин бари бир флоренцияликлар “Марс санъати” бизни урушга тартади, деб ўйлашган. Марс ҳозирча Флоренцияни яқсон қилмаганининг сабаби эса Арно сувларидан топилган “Уруш худоси”га боғлиқ алақандай ҳайкал парчаларини дарёнинг Кўҳна кўприги устига қўйилганидир. Шунингдек, хунлар шоҳи Атилла Флоренциянинг кулини кўкка совурган, деган ривоятлар ҳам бор. Аслида, Флоренцияни готларнинг доҳийси Тотила қамал қилган.

151 “*Кулбамда ўзимни қилганман қурбон*” — бу сўзлар кимга тааллуқли эканлиги қоронғи. Қадим шарҳловчилар уни судда нотўғри хукм чиқарган флоренциялик судья Лотто дельи Альи дейишади.

Ўн тўртинчи қўшиқ

14 Катон Утически — эрамиздан аввалги I асрда Помпеянинг бир қисм қўшини билан Нумидий подшосини қарши олмақ учун Ливан саҳросини кесиб ўтган.

32 “*Ҳинда жаҳд айлаган Искандар...*” — афсоналарда айтилишича, Искандар Ҳиндистонга юриш қилган чоғ қўшини устига ёғилган олов парчаларига кўзи тушиб, уни топтаб ўчиришни амр қилган.

46—72 “*Кимдир манов ётган бўйчан ва тунд зот*” — Дўзах азобига беписанд боқиб ётган бу зот бир замон Фив шаҳрини қамал қилган грекларнинг етти қаҳрамонидан бири мағрур Ка-

панейдир. У худоларга — Вах ва Зевсга истехзо билан қараган, куч-қудратдагина ҳақ-ҳуқуқ бор деб ҳисоблаган. Ғазабланган Зевс уни яшин билан парчалаб ташлаган. Капаней Дўзахда ҳам саркашлигини давом эттиради.

80 Буликამе — Витербо кўли яқинидаги қайноқ булоқ. Данте Флегетоннинг юқори оқимини шунга ўхшатмоқда.

94—114 “Крит қарияси” — Данте қуйидагиларни айтмоқчи: денгиз ўртасида бир замон ўз болаларини еган Сатурн подшоҳлик қилган Крит ороли бор. Ида тоғи ўрмонларида эса Сатурннинг хотини Рея чақалоғи Зевсни яширган. Бола йиғлаганда, унинг овозини Сатурн эшитмаслиги учун Рея хизматкорларига шовқин-сурон кўтаришни буюрган. Ида тоғида елкаси Дамьятега, юзи Римга қараган “Улуғ қария” ўтирибди. Мифга кўра, унинг боши тилладан, кўкраги ва қўллари кумуш, қовургалари мис, оёқларининг бир қисми темир, бир қисми лой. Данте “Таврот” ривоятини олтин аср ҳақидаги антик ривоят билан уйғунлаштириб юборади. Ундан кейин эса қадим афсоналар асосида Дантенинг ўзи тўқиган миф бошланади. Крит қариясининг бўйнидан то пастигача дарз кетган. Дарз кетган жойларидан кўз ёши ва ундан Дўзах дарёлари ҳосил бўлади. Дўзахнинг энг тубида эса у муз кўли — Коцитга айланади. Крит қариясининг бир оёғи лойдадир. Бу — инсоният тарихида даврлар ва подшоҳликлар алмашиб туришини англатади. Шунингдек, Крит қарияси антик даврдан бошлаб инсоният умр йўллари ҳам билдиради. Инқирозга юз бурган одамзоднинг қисмат йўли Дўзах тубига — Люцифер — Азозилга келиб тақалади. Инсониятнинг қайноқ кўз ёшлари Флегетон ва бошқа Дўзах дарёларига айланади. Инсоният образини мужассам этган, ярадор қарияни Данте нега Критга жойлаштирган? Эней Критни трояликларнинг асл ватани, деб ҳисоблаган. Эней ҳамроҳлари билан у ерга сузиб борган. Аммо худолар Энейга Италияга қайтишни ва жаҳон империясини асослашни буюришган. Инсоният бешиги бўлмиш Критда бир вақтлар олтин аср ҳукм сурган. Айни маҳалда эса у темир асрига айланиб турибди. Қариянинг яралари тузалмоғи учун олтин аср, Римнинг янги, умумжаҳон империяси даркор. Крит қариясининг назари шунинг учун ҳам Рим харобаларига қаратилган.

Ўн бешинчи қўшиқ

4—10 “Фламандлар қурган дамбага ўхшар” — Данте Флегетон устидаги дамбани Бруджа ва Гвидзант ёхуд педуанлар Грентда ўрнатган дамбага қиёс қилади. Данте, бу дамбанинг бунёдкори кимлигини билмадим, дея эҳтиёткорона шама қилиб кетади. (Худоми ё иблис?)

30 Сэр Брунетто — флоренциялик олим ва ёзувчи. Дантени ёшлигида ўқитган.

55 “... саодатли бурж” — инсон толеи юлдузлар ҳолатига боғлиқ, деган ақида.

70 “*Ҳар икки тараф ҳам сенга терс ва бад*” — Оқ ва Қора гвельфлар — иккала тараф ҳам Дантенинг фанимларидир, де-моқчи.

90 Беатриче кўзда тутилмоқда.

109—110 При с ци а н — лотин грамматиги, А к к у р с и й — Болоњьядаги ҳуқуқ профессори.

112—114 Андреа де’ Модзи — руҳоний бўлса-да, ниҳоятда ахлоқсиз бўлган. Папа Бонифаций ундан қутулиш учун Виченцу шаҳрига епископ қилиб жўнатиб юборган.

119 “*Ҳазнаи илмимни асра...*” — Брунетто ўзининг “Ҳазиналар китоби” ҳақида гапиряпти.

121 “*Ғизиллаб жўнади бурилиб чаққон*” — Веронада югурувчилар мусобақаси бўлиб турган. Голиб чиққан одам бир парча ашил мато олган. Брунеттони ўша югурувчиларга ўхшатыпти.

Ўн олтинчи қўшиқ

5 “*Уч соя қайрилиб келди дафъатан*” — булар: Г в и д о Г в е р р о — бой-феодал оиласидан, флоренциялик гвельф саркардаларидан. Теггьяйо Альдобранди дальи Адимари — гвельф партиясига мансуб таниқли пешволардан. Я к о п о Р у с т и к у ч ч и — Кавалькантининг қариндоши, пулдор.

70 Гульельмо Борсиери — Флоренциянинг таниқли фуқароларидан.

106 П ў т а — Данте белига ўраб олган арқон. Пўтанинг асарда нимага ишора эканлиги хусусида қадим замонлардан турли дантешунослар турлича фикр билдирадилар. Бир гуруҳ тадқиқотчилар Вергилий пўта билан ёлғончилик тимсоли бўлмиш Геррионни лақиллатмоқчи, йўлга солмоқчи бўлган, дейдилар. Агар шундай бўлса, бу ўринда пўта Тафаккур, Оқилона тadbиркорликни англатиши мумкин.

129 “*Комедиям ҳақи қасам ичароқ*” — Данте бу ерда биринчи маротаба ўз асарини комедия деб атайти. Унинг фикрича, комедия трагедиядан, аввало, мазмунига кўра фарқ қилади. Трагедия сокин бошланиб, даҳшат билан тугайди. Комедия эса бунинг аксидир. (Дантенинг Кан Грандега хатини қаранг.) Шунингдек, уларнинг услубида ҳам фарқ бўлади: трагедияда баланд ва кўтаринки, комедияда эса одатдагидек услубдир, дейди Данте. Трагедия ҳамда комедия ҳақидаги антик ва ҳозирги замон тушунчалари Данте даврида бўлмаган.

Ўн еттинчи қўшиқ

1—15 “*Мана шу махлуқдир касадум ҳайвон*” — антик мифологиядан олинган, Дўзах саккизинчи доирасининг кўриқчиси

Герион. У Ёлгончилик тимсоли бўлиб, рухсори ёқимтой, феъли бад, ниҳоятда даҳшатли махлуқ.

16 “*На турк ва на татар тикканда палак*” — Данте даврида шарқдан Марко Поло ва бошқа сайёҳлар томонидан келтирилган палак-кашталак машҳур бўлган.

18 Арахна — лидиялик тўқувчи қиз. Афсоналарга кўра, унинг санъати Афина санъатидан ҳам ўтиб тушган. Фазабланган маъбуда уни ўргимчакка айлантириб қўйган.

21 Олмон — немис.

56 “... *тамғали, нишонли ҳамён*” — ўша замон судхўрларида уларни қайси хонадонга мансублигини билдирувчи хос белгилари бўлган. Данте ўшалар ҳақида сўз юритмоқда.

107 Фазтон — Қуёш худоси Феб — Аполлоннинг ўғли. Само аробасида кетаётганда отларни уйда қилолмасдан, Зевс чақмоғига дуч келиб, ерга қулаб тушган. Шунингдек, Данте бу ўринда Дедал ва Икар ҳақидаги ривоятни ҳам келтириб ўтади.

Ўн саккизинчи қўшиқ

1—18 “*Дўзахда бир жой бор, оти Ёвуз Фор*” — Дўзахнинг саккизинчи доирасини Данте шундоқ деб атайди. Номни муаллифнинг ўзи ўйлаб топган. Ёвуз Фор бир гала ўпқон юҳолардан иборат бўлиб, орада жуда кўп дамба ва кўприклар учрайди.

50 Веннедик Каччанемико — болоньялик таниқли, гвельф, у сингласи Гизолабеллани Феррар ҳокими Обиццо де’ Эстега ўйнаш бўлишига мажбур этган. Данте унга шафқатсиз киноя билан қарайди.

115—126 Алессио Интерминелли — бу одам ҳақида бизга жуда кам нарса маълум. У Оқ гвельфларга қўшилган, 1295 йилда ҳали тирик бўлган. Данте унга заррача шафқат билдирмайди.

133 Фаида — Теренцийнинг “Ахта” асаридан, афиналик бузуқи аёл.

Ўн тўққизинчи қўшиқ

1—6 “*Бадбахт ялоқхўрлар, о, Симон қаллоб*”... — Учинчи туйнук — ўпқонда черковдаги мансабларини суиистеъмол қилган, черков мулкларини ўғирлаб кун кечирган руҳонийлар жазо тортади. Бу типдаги қароқчиларнинг пири Симон Волхв деб аталади. У авлиё Пётр ва Иоаннинг руҳларини пулга сотиб олмоқчи бўлган, оқибатда Пётрнинг қарғишига учраган.

52—81 Папа Николай III — Дантенинг овозини эшитиб, Николай III уни папа Бонифаций VIII деб ўйлайди. Папа Бонифаций бу маҳалда тирик эди. У черковни алдаб юргани учун муаллиф томонидан тириклай Дўзахга мустаҳиқ этилган.

Николай III Орсини деб аталган аристократ рим оиласидан. Орсо — итальянча айиқ дегани. Шунинг учун у: “уругим аювдир”, дейди.

82—87 “*Сохта роҳиб келар...*” — черков мулкларининг талон-чиси, сурбет папа Климент V. Уни француз қироли Филипп Соҳибжамол қўллаб-қувватлаган. Бир замонлар иуда руҳонийси Ясон ўз мансабини Сурия подшоси Антиох Епифандан 360 талант кумушга сотиб олган. Данте уларни бир-бирига муқояса қилмоқда.

88—114 Данте аввалги авлиёлар ва дастлабки папалар ҳалол яшаган, демоқда. Николай III га эса, сен Неаполь қироли Карл I га бермоқчи бўлган ҳаром бисотингни Дўзахда ҳам босиб ёт, дейди. Папа Неаполь қироли билан курашмоқ учун Византия императоридан пул олган. Ораларидаги низонинг сабаби шулки, Неаполь қироли папага қариндошларидан бирини хотинликка беришдан, яъни папа билан иттифоқ тузишдан бош тортган.

116 *Император Константинга мурожаат* — Дантенинг фикрича, император Константин I пойтахтни Византияга кўчириб, ўзини мохов дардидан халос қилган папа Сильвестр I га Римни тортиқ қилгандан буён ғарб черкови йўлдан озиб кетган.

Йигирманчи қўшиқ

32 Амфирай — Фивани қамал қилган грек йўлбошчиларидан. Фолбинликка иштиёқи бўлган. Гўё у энгилишини аввалдан каромат қилиб қочиб қолган. Зевс ғазабига учраб, ҳамманинг кўзи ўнгида уни ер ютганмиш.

40—44 Тиресий — фивалик кароматчи авлиё. Овидий келтирган афсонада айтилишича, у, гўё чақишиб ётган бир жуфт илонга рахна солгани учун аёлга айланиб қолган. Ҳассасини илонларга қайта теккизгачгина яна аввалги ҳолига қайтган эмиш.

46—51 Арунс — Луни деган жойда яшаган этруслик фолбин. Римликлар уруш оқибатини билиш учун уни чақириб олишган.

61—91 Данте Италия дарёлари ва тоғларини бир бутун ватан дея тасвирлайди. Мантуя шаҳри тарихини ҳикоя қилади.

94 Мантуя шаҳрини Казалодини деган галварс ҳокимдан айёр Пиноменте тортиб олган.

112 Эврипил — қадимги ривоятларга кўра қоҳин.

116 Микеле Скотто — император Фридрих II нинг сарой мунажжими, Аристотель асарларига шарҳ ёзган, араб тилидан таржималар қилган.

119 Бонатти — форлилик таниқли астролог. Азденте — асли этикдўз, фолбин.

124 “Фурсат дир...” — халқ тушунчасига кўра Ҳобил (ой одами) елкасига шох-шабба ортиб Севилья (Испания) томонга кетаётган вақт. Тонгги соат 6 га тўғри келади.

Йигирма биринчи қўшиқ

38 Зита — Лукк шаҳрида яшаган тақводор аёл.

41 Бонтуро — Қора гвельфларнинг XIV асрадаги йўлбошчиларидан бири Бонтуро Датти. Учига чиққан порахўр. Иблисларнинг гапларида киноя сезилиб турибди.

112 Иблисларнинг гапига кўра, 1266 йил бурун Дўзахдаги кўприклардан бири бузилган. Бу воқеа Исо жон берар чоғ юз берган. Бундан чиқадики, Данте сафарга 1300 йил, жума куни эрталаб отланган.

118 Иблисларнинг номларини Дантенинг ўзи тўқиган.

Йигирма иккинчи қўшиқ

1—12 “*Кўрганман суворий сафлар мақомин*” — бу ерда Данте 21-қўшиқ охирида эслатиб ўтган, иблислар чиқарган ғайришуурий овозларга ишора қилади ва улардан фарқли ўлароқ, ёшлигида ўзи эшитган юксак, жанговар созларни эслайди.

48 Наварралик — қадимги шарҳловчиларнинг кўрсатишича, бу маҳкумнинг исми Чамполо. У қирол Тебальд II нинг хизматида бўлган.

81—90 Роҳиб Гомита ва Микеле Цанке — Гомита — сардиниялик князь Нино Висконтининг вазирларидан бўлган. Висконтининг ишончини суиистеъмол қилиб, қамоқдагиларни пора эвазига озод қилиб юборган ва оқибатда осиб ўлдирилган. Микеле Цанке — логодорлик қирол Энционинг ноиб. Қирол болоньяликларга асир тушганда, Микеле Цанке ўз вилоятидаги ҳокимиятни эгаллаб, қиролнинг хотинига уйланиб олган. Куёви томонидан ўлдирилган.

Йигирма учинчи қўшиқ

103 Каталано ва Лодеринго — 1261 йилда ташкил этилган “Хушчақчақ қардошлар” деб аталмиш Гаудентлар диний уюшмасининг аъзолари.

131 Қора фаришталар — худо даргоҳидан қувилган малаклар.

Йигирма тўртинчи қўшиқ

125 Ванни Фуччи — Данте уни шахсан таниган, иккаласи жангларда бирга бўлишган. У сиёсий мухолифларидан шаф-

қатсиз үч олган, кўпинча уларнинг мол-мулкларини талаган. Лақаби “Хайвон” бўлган. Ванни Фуччи Оқ гвельфларнинг мағлуб бўлишини каромат қилаётир.

Йигирма бешинчи қўшиқ

2 “*Бармоқларин букиб, диндак кўрсатди*” — Дўзахда Ванни Фуччи нафақат ўғри, у Кананейдан ҳам ўтиб тушадиган саркаш осийдир.

22 “*Елкасида эса аждар серзугум*” — қадим дунё қароқчиси Как Ёвуз Форларда аждарга айланган. Данте уни кентавр деб ҳам ҳисоблайди. Гераклнинг буқаларини ўғирлагани учун Как пастки қабатга — ўғрилар орасига тушиб қолган. Геракл уни уриб ўлдирган.

35 “*Пастда тўпланибди уч нафар арвоҳ*” — пистойялик Ванни Фуччининг ўрнида энди беш ўғри пайдо бўлади. Данте энди уларнинг қайси партияга ёхуд мазҳабга тааллуқли эканини фарқлаб ўтирмайди.

97 Аретуза ва Кадма — Овидий асарининг қаҳрамонлари.

Йигирма олтинчи қўшиқ

7 Прото — Флоренция ҳокимларига ҳамиша тобе бўлган кичик бир шаҳар. Прототикларнинг эзгу армони мустақиллик эди. Бу жойда Дантелар хонадонининг мулклари бўлган.

43 “*Юксакдан кўринар эди барчаси*” — маълумки, Дўзахнинг бу доирасида ўз хўжайинларини ёмон йўлларга тарғиб қилган маслаҳатчилар жазоланади. Дантенинг ўзи ҳам қувғин маҳалида сарой маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. Шунинг учун унинг ўзи ҳам хавотирга тушяпти.

53—69 “*...аланга тили қўшалок*” — қўш тилли аланга ака-ука Этеокл ва Полиник куйдирилган гулхонни эслатади. Бу оғанилар бир-бирига душман бўлган. Дўзахнинг бу алангасига эса, Троя урушида устакорликлари билан ном чиқарган грек йўлбошчилари Улисс ва Диомед маҳкум этилгандир. Улисс Трояга алдамчилик билан ёғоч от олиб кирганликда ва оқибатда Энейнинг ватани бўлмиш Трояни яксон этганликда айбланади. Улисс ва Диомед Троядан Афина Паллада ҳайкалини ўғирлаб кетишган. Улисс — Одиссейдир.

100—142 Улисснинг сўнги саёҳати: Улисс ҳамроҳлари билан Фарбга, Геркулес сарҳадига (Гибралтар бўғози) жўнайди. У бир қанча ороллардан айланиб ўтиб Атлантик океанига чиқиб олади. Улисс саёҳати ҳақида турли афсоналар, жумладан, Гомернинг “Одиссея” асари ҳам мавжуд. Аммо Данте Улисснинг сўнги саёҳати ва унинг ўлими ҳақида мутлақо ўзига хос, мустақил ривоят яратган.

Йигирма еттинчи кўшиқ

4 “Яна пайдо бўлди олов изма-из” — бу аланганинг ичидаги маҳкум XIII аср сиёсий арбобларидан, таниқли саркарда граф Гвидо ва Монтефельтродир.

7—24 Сицилия буқаси — мисгар Перилл Агригент ҳукмдори Фаларидга ясаб берган. Ичига маҳкумларни солиб тагидан ўт қўйилганда маҳкумларнинг овози буқа бўкиришига ўхшаб эшитилган. Подшо мукофот тариқасида буқа ичига устанинг ўзини биринчи бўлиб тикқан. Данте подшонинг тутган йўлини тўғри деб ҳисоблайди.

28 Романья — Италиядаги вилоят.

40 Равенна — бу шаҳарнинг ҳокими Полентанинг герби Бургут бўлган.

43 “Фаранглар ҳужумин даф қилиб” — Форли шаҳри, француз ва италян аскарларидан иборат папа Мартин IV қўшинининг қамалига бардош берган. Бирмунча вақтдан кейин шаҳар Скарпетти дельи Орделаффининг қўлига ўтган. Унинг герби тилла ранг матода Яшил Арслон сурати бўлган.

47 Веррукко кўппак — гап Малатеста да Веррукко ва унинг ўғли ҳақида. У Романьянинг кичик бир бўлагини эгаллаб, мутаб ётган.

68 Роҳиб пўтаси — Франциск роҳибларининг камари.

71 “...papa — олий зот” — папа Бонифаций VIII.

94 Ривоятларга кўра, мохов очган шоҳ Константин папа Сильвестрдан шифо топган.

100 Пенестрино — Романьядаги шаҳар.

112 Франциск — диний жамият бошлиғи.

Йигирма саккизинчи кўшиқ

7—30 Данте Италия тарихи билан боғлиқ бир қанча урушларни эсга олади.

56 Дольчино Торниелли — Христиан динидаги мазҳаблардан бирининг бошлиғи. Папа Климент V уни кофир санаб қувғин қилмоқда эди. Муҳаммад уни ҳам ўзи сингари янги тариқатчи ҳисоблаб, рағбат билдирмоқда. Дольчино 1307 йилда тутиб олиб ўлдирилган.

73 Пьер да Медичина — Болоньяда ва бошқа вилоятларда амалдорлар орасига нифоқ солиб юрган.

100 Курион — Кай Курион, ваъзхон.

106 Москва — флоренциялик, Ламбертилар оиласидан, рухонийлар орасига нифоқ солган.

134 Бертрам да Борн — машҳур правонсал трубадури, сиёсий мавзуда шеърлар ёзган. Англия қироли Генрих II ни ўғли билан уриштириб қўйган. Данте уни шоҳ Довуд билан ўғли Абусалом ўртасига нифоқ солган Ахитофелга ўхшатади.

Йигирма тўққизинчи қўшиқ

10 “Фурсат ўтиб борар, ой ҳам оёқлар” — куннинг иккинчи ярми, тахминан соат 1 ларга тўғри келади. Демак, Данте сафарини бошлаганига 18 соат бўлган, сафар тугашига эса 5 ёки 6 соат қолган.

40—57 Бу доирада сохта пул ясовчилар, алхимиклар, игвогарлар ва бошқалар жазо тортади.

58—63 Данте маҳкумлар тортаётган азобни бир маҳаллар Эгина шаҳри аҳолиси вабодан тортган азобга қиёс қилаётир. Гўёки, Эгина подшоси Зевсга мадад сўраб мурожаат қилганда, муқаддас эман дарахтига ин қурган чумолилар одамга айланган ва шаҳарда қайтадан фуқаро пайдо бўлган. Мирмидонлар — грекча чумолилар деганидир.

109 “Мен ареццоликман...” — алхимия билан шуғулланган Гриффолино.

125 Стрикки — отасининг меросини кўкка совурган, Никколонинг иниси. Улар исрофгарлардир. Капокко — Данте-нинг мактабдоши, уста тақлидчи бўлган. 1293 йили ўлдирилган.

Ўттизинчи қўшиқ

1—24 Юпитер Фив подшоси Кадманинг қизи Семелани севиб қолади. Юнона рашк устида Семелани ўлдирди ва Семеланинг синглиси Ионанинг эри бўлмиш шоҳ Афамантни ақлдан оздиради. Афамантнинг кўзига хотини ҳамда болалари шер ва шерваччаларга ўхшаб кўрина бошлайди. Афамант ўғли Лearchни қояга уриб мажақлаб ташлайди. Малика эса қолган болалари билан ўзини сувга гарқ қилади.

16 Гекуба — Троя подшоси Приамнинг хотини. Бева қолгач, юнонларга асир тушади. Ўғли Полидор ва қизи Поликсена ҳалокати туфайли ақлдан озиб, итга ўхшаб улий бошлайди.

32 Жанни Скикки — Кавальканте оиласига мансуб. Айтишларича, у бошқаларнинг овози ва хатти-ҳаракатларига беқиёс даражада тақлид қила билган. У мессер Буозо Донати исмли ўлган одамнинг тўшагига ётиб олиб, сохта васиятнома ёздирган.

37 Мирра — Кипр подшосининг қизи, ўз отасини севиб қолади ва бошқа аёл қиёфасида отасининг тўшагига киради.

61 Уста Адам — асли англиялик таниқли алхимик. Сохта пул ясагани учун ўлдирилган.

91—109 “Таврот” ривоятига кўра, Фиръавн қўриқчиларидан бирининг хотини Юсуфга тухмат қилади. Бизнинг ўзбек адабиётида шунга ўхшаш ривоят “Юсуф ва Зулайҳо” номи билан машҳур. У трояликларни алдаб, шаҳарга ёғоч от киргизишда маслаҳат берган хотин.

128 Наргиз зилоли — эмишким, наргиз сувда ўз аксини кўриб, севиб қолган.

Ўттиз биринчи қўшиқ

4 *Ахилл найзаси фриз* — Ахиллнинг, гўёки, жароҳатлаб ҳам тузатадиган найзаси бўлган эмиш.

13 *Бурғу овози* — қоронғилиқдан эшитилган даҳшатли овозни Данте Роланднинг ўлим олдидаги ҳайқирғига ўхшатади.

46—80 *Немврод* (Нумурд) — Бобил подшоси, Хама қаби-ласининг бошлиғи. Гўё, у Бобил минорасини барпо эттираётганда, иш тезроқ юришсин, деган мақсадда қурувчиларнинг ягона тилини парчалаб юборган. Шундан дунёда кўп тиллилик пайдо бўлган эмиш. Дўзахда унинг жазоси ҳам шунга хосдир: унинг нима деганини бирор кимса тушунмайди. “Таврот”да айтилишича, у ҳайвон тутувчи ҳам бўлган. Бурғу унинг ўша хунарига ишорадир.

84 *Эфиальт* — Немвроддан кўра ҳам ёввойироқ алп, Зевс билан қурашган, шунинг учун ҳам у Дўзахда занжирбанддир.

98 *Бриарей* — 50 қўл, 100 бошлик дев. Данте уни одам шаклига солади, шу сабабдан ҳам алплар қаторига киритади.

100 *Антея* — Нептуннинг ўғли, ривоятларга кўра Ливан саҳроларида яшаган. У худолар билан бўлган жангларда иштирок этган эмас, чунки у кейинроқ дунёга келган. Вергилийнинг айтилишича, жангларда борди-ю у ҳам қатнашганда эди, алплар худолардан енгилмаган бўлар эди.

136 *Гаризенда* — Болоньядаги минора.

Ўттиз иккинчи қўшиқ

25—39 *Муз кўли* — бу жойдаги маҳкумлар ярим белига қадар музга банд ҳолда ётадилар. Данте Муз кўлни Дунай ва Дон (Танаис)нинг музлашига қиёс қилади. Унга, тоғларни қулатсанг ҳам дарз кетмайди, дейди.

40—57 *Ака-ука Альбертилар* — отасидан қолган мулкни талашиб бир-бирини ўлдирган гибеллин Наполеоне ва гвельф Алессандро.

67 *Камичон де’ Пацци* — Арно водийсидан, қароқчи феодаллар зотидан. Мерос учун қариндоши Убертинони ўлдирган. У ака-ука Альбертиларни ўзидан баттарроқ деб ҳисоблайди. Камичон дунёда ўзига ўхшаб яшаб ўтган бир қанча қароқчи, қотил зодагонларни эслатиб ўтади.

78 *“Кимнингдир чакагин мен босиб олдим”* — бу сотқин ўз исмини айтишдан бош тортади. Бошқа бир маҳкум унинг оти-

ни атаб чақиргандагина унинг Бокка дельи Абати эканлиги аён бўлади. У Монтанерти ёнидаги жангда флоренцияликларнинг байроқдори Якопо де' Пащининг қўлини қирққан ва мағлубиятта сабабчи бўлган ватан хоинидир. Дантенинг унга нафрати ниҳоятда буюк.

121—122 Данте яна бир неча хоинларнинг номларини келтириб ўтади.

124 Данте бирининг бошига бири жон-жаҳди билан оғиз солиб турган икки маҳкумни кўради. Уларнинг кимлигини бошда айтмайди. Уларни Тидей ва Меналиппга қиёс қилади. Тидей Фивани ишғол қилган етти подшонинг бири бўлиб, уни Меналипп яралайди. Тидей Меналиппни ўлдирди ва унинг бош чаноғига оғиз солган ҳолда ўзи ҳам ўлади.

Ўттиз учинчи кўшиқ

1—3 Қасоскор Уголино — граф Уголино епископ Ружери томонидан қамоққа олинган ва болалари билан бирга очликдан ўлган. Уголино Дўзахда Ружерининг бошини бағи қасос олаётган. Гваланди, Сисмонди, Ландофранкилар Ружерининг ҳамтовоқларидир. Бўри ва бўривачалар деганда ҳам Уголино ва унинг болалари кўзда тутилади.

80 “Si” — итальянча “Ҳа” деган сўздир. Бу ерда, умуман, Италия назарда тutilмоқда.

103 Ўрта асрлардан буён, шамол, ҳавони қуёш қиздиришидан пайдо бўлади, деб ҳисоблашган.

109 Альбериго — Гаудентлар жамоасидан. Гвельф. У бир замон оралари бузилган қариндошларини яраш ошига чақириб ўлдиртириб юборди. Яъни, Альбериго хизматкорларига: “Мева келтирингиз!” деган заҳоти улар келиб меҳмонларни бўғизлаб ташлашади. “Альбериго мевалари билан сийлаш”, деган гап итальянларда мақолга айланиб кетган. Альбериго “Хурмони анжирга алмашдим”, демоқда. Маълумки, Италияда хурмо анжирга қараганда қимматроқ эди. У, Дўзахда қасос мўлроқ бўлди, демоқчи. Қизиғи шундаки, Данте асарини ёзганда Альбериго барҳаёт бўлган. Ундан: “Сен қачон фано топгансан?” — деб сўраганда, у: “Жинойат қилганим учун руҳим тириклигимдаёқ Дўзахга жўнатилган, ёруғ дунёда қолган вужудимга эса иблис жойлашиб олган”, деган қабилда жавоб беради. Кўриниб турибдики, Данте баъзи одамларни тириклигидаёқ адолат юзасидан жазолашга ошиқади.

136 Альбериго ўзига ўхшаб тириклай Дўзахга мустаҳиқ этилган яна икки кишининг номини атайди. Данте эса гўё ўзини билмасликка олиб, таажжубланади.

156—157 Ҳалиги тирик дўзахиларни айтмоқчи.

Ўттиз тўртинчи қўшиқ

1 *Vexilla regis prodeunt inferni* — “Жаҳаннам подшосининг байроғи яқинлашиб келмоқда”, дегани. Жаҳаннам подшоси, олти қанотли Люцифер — биз уни Шарқ диний ақида-сидан келиб чиққан ҳолда Азозил деб ҳам олдик. Данте, одат-дагидек, дастлаб Азозилни ўз номи билан атамасдан, у, деб кетаверади. Шунингдек, Азозилнинг қанотларини ҳам дастлаб ўз номи билан атамасдан, туман ичра қўринган тегирмон парра-гига қиёс қилади.

10—15 Дўзахнинг сўнгги доираси ҳақида гап кетади. У Жудекка деб аталади. Бу ном Исо пайғамбарга хиёнат қилган Яҳудонинг номи билан боғлиқ.

20 Дит — Люцифер (Азозил).

34 Х оли қ — яратган дегани.

38—45 Азозилнинг уч хил ранги бор. Қ и р м и з и — ғазаб, о қ с а р и қ — ожизлик, қ о р а — ҳасад. Учлик, умуман, ўрта асрларда илоҳийлаштирилган. Худо, Исо пайғамбар ва Биби Марьям тариқасида ва ҳоказо. Бу ерда тангрига саркашлик қилган Иуда (Яҳудо) ҳамда инсон шарафини сотган Брут ва Кассий жазога дучор этилган.

96 “*Икки соат бўлди — офтоб сочар нур*” — шоирларнинг Дўзах бўйлаб саёҳат қилганларига роппа-роса йигирма тўрт соат тўлган. Бу 1300 йилнинг 24 мартини англатади. Бундан кейин шоирлар Азозилнинг тукига тирмашиб пастга туша бошлайдилар. Азозилнинг ярим белига етгач эса юқорига тирмашиб чиқа бошлайдилар. Бу дегани, дунёнинг марказига етгач, биринчи ярим шардан иккинчи ярим шарга ўта бошладик, деганидир. Азозил эса парвардигор ғазаби туфайли самодан ерга улоқтирилиб, замин қаърига санчилиб кириб кетган. Унинг ерга санчилиш зарбидан ярим шарлар туси ўзгарган — қуруқлик океанга айланган, океанда эса Аросат тоғи бўртиб чиққан. Азозил эса қоқ ўртада жойлашган. Бу ерда Данте христиан диний ақидалари бўйича ва ўрта аср олимларининг Ер шари ҳақидаги тушунчаларига асосан гап юритади.

139 “...юлд уз” — Данте асарининг ҳар бир бўлими шу сўз билан тугалланади.



ШЕЪРИЙ ДРАМАЛАР

ЛЕСЯ УКРАИНКА

МАФОРАЛАРДА

(Муҳтарам дўстим
А. Крымскийга бағишланади)

Рим яқинидаги мафоралар. Ингичка мум шамлар ва май чироқлар билан хирагина ёритилган ер остидаги масканда христианлар жамоаси тўпланган. Епископ қироатни тугатади. Тингловчи эркак ва аёллар юзларида илоҳий ифода билан беозор сукут сақлаб турибдилар.

Епископ

Шарафлайлик, биродарлар, ҳазрат Исони,
Хариклейнинг жабрдийда инисини у
Ноил этди парвардигор марҳаматига.

Хор

Гуноҳларга тўлиб ётган ер азобидан,
Кишанлардан ҳаммамизни халос этгувчи
Ва худонинг дийдорига бизни элтгувчи
Пайғамбарга шараф бўлсин, шараф Исога!

Дьякон

Омин!

Епископ

Мажусийлар қули эди биродаримиз,
Энди эса тангримизга мутедир фақат!

Неофит қул¹

Муте дейсан? Бу дунёда тобе бандалар
Қуллигича қолса наҳот самовотда ҳам?
Қул ва хўжа йўқ дердинг-ку, у ёқда ахир?

¹ Неофит — бирор диний мазҳабни янги қабул қилган киши.

Е п и с к о п

Ҳақ гап! Тенгдир барча банда тангри қошида!

Н е о ф и т қ у л

Куллар ҳамми?

Е п и с к о п

Ҳазрат Исо уқтириб айтган:
Уқубатим оғир эмас, аччиқмас зулмим.

Н е о ф и т қ у л

(Бир оз ўйланиб.)

Ақлим етмас, рости, менинг бундай гапларга!..

Х р и с т и а н қ у л а ё л

(Тўсатдан жунбушга кириб, каромат қила бошлайди.)

Аллақачон болта турар дарахт қошида!
Ваҳий келди: “Дарахтни мен ҳозир майдалаб,
Алангага айлантиргум!” Келсанг-чи, Исо!

Бошоқ олиб пишиб турар ўзинг эккан дон,
Ўроқчини кутмакда у... Келсанг-чи, тезроқ!
Роҳила ҳам инграмоқда, болалари йўқ.

(Бетартиб нутқ асабий алжирашга айланади. Баъзи аёллар йиғи-сиғи қилишга тушиб кетадилар, ўзини тутолмаган айрим эркалар ҳам йиғлаб тиловат бошлайдилар.)

Е п и с к о п

(Қаттиқ, таҳдидкор овоз билан.)

Йўқол, иблис! Сенинг ҳукминг ўтмас бу ерда!

(Зикр тушаётган кароматчи аёлнинг қошига келади ва унинг бошини силайди.)

Ёвуз руҳнинг қутқусидан фақат ибодат,
Фақат тоат халос этар сени, эй синглим.

*(Кароматчи аёл сал ўзига келади ва ёнидаги аёлларнинг
қўлига беҳол суялади.)*

Х р и с т и а н а ё л

*(Кароматчини суяб турган аёллардан бири, заиф овоз
билан.)*

Ўзинг асра! Кеча унинг болаларини
Коринфлик бир грекка сотди хўжайин.

Е п и с к о п

Бас қил дейман, улуғ ҳазрат ўғит берган-ку:
Йиғинларда заифалар сукут қилсин деб.

(Кароматчи аёлни олиб чиқадилар. Сукунат.)

Н е о ф и т

*(Ҳаяжондан қалтираган, аммо вазоҳатли, дадил овоз
билан.)*

Маъзур тутгин, аммо сира тушунолмаймаман,
Қандай қилиб аччиқ бўлмас азият чекиш,
Қандай қилиб оғир бўлмас ахир уқубат.

Е п и с к о п

Иним, менга қулоқ солгин, ихлос билан гар
Бўйин эгсанг бандаликнинг азиятига
Руҳинг топгай ажойиб бир ҳузур, ҳаловат;
Ихлос билан хочга агар қўл югуртирсанг,
Оғир бўлмас асло у ҳам.

Н е о ф и т қ у л

Кимга ҳам зарур
Азиятга ўзни урмоқ ихтиёр билан.

Эркисизлик-ку қийнаётир шундайича ҳам,
Кимга зарур хоч кўтармоқ яна бекорга?
Мутеликнинг юкларидан сабримиз битган.
Мен черковга азоб ва хоч ахтариб эмас,
Умид билан озодликни истаб келганман.

Е п и с к о п

Озодликка эришгайсан, шубҳасиз, иним,
Бош эгсанг бас, дину имон азиятига.
Фоний дунё уқубати ила йўл босиб
Етишгайсан у мангулик, олий даргоҳга!
Биз тангрининг муҳиблари — ҳаммамиз тенгмиз.
Паноҳимиз ва отамиз ёлғиз худодир.
Яратгандан тонмоқ ёки унинг қошида
Такаббурлик қилмоқ фақат иблисларга хос!

Н е о ф и т қ у л

Тақсир, қулда такаббурлик қаёқдан бўлсин!
Майли, дейлик паноҳимиз ёлғиз худодир.
Лекин айтинг, у даргоҳга қачон етгаймиз,
Биров уни ерда дейди, биров осмонда...

Е п и с к о п

Иккиси ҳам ҳақ албатта.

Н е о ф и т қ у л

Хўш, ундай бўлса,
Ердагиси қаёқда у? Қайда у хилқат?

Е п и с к о п

Шу ерда у!

Н е о ф и т қ у л

Шу Римда-я?

Е п и с к о п

Бизнинг черковда!

Н е о ф и т қ у л

Яъни, демак, шу ғорларда?

Е п и с к о п

Шак келтирма, анов-манов жойдами деб у,
Тангри бизнинг дилимизда, демак, ҳар қайда.

Н е о ф и т қ у л

Қачон унга иқрор бўлар барча бандалар?

Е п и с к о п

Ҳазрат Исо иккинчи бор ерга қайтганда!

Н е о ф и т қ у л

(маънос)

Бир оғайним айтгандики, ҳазрати Исо
Қайтгунича ўтади деб минг йиллар, балки.

Е п и с к о п

Сен бидъатга берилгансан, илло биз унинг
Вақт-соатин билолмаймиз.

Н е о ф и т қ у л

(қувнаб)

Демак, ўша кун
Бошланиши мумкин экан ҳар қандай дамда!

Е п и с к о п

Мумкин, бешак.

(Неофит қул ўйга толади ва яна маъюслашади.)

Нималарни ўйлаб қолдинг, хўш?

Н е о ф и т қ у л

Биз хилқати олийдамиз сенинг сўзингча,
Ундай бўлса орамизда нега қуллар бор
Ва мансабдор руҳонийлар, ҳуқуқсизлар бор?

*(Атрофга кўз югуртиради, баъзилар кўзларини олиб
қочадилар.)*

Х р и с т и а н з о д а г о н

(бир оз олдинроққа чиқиб)

Сенинг руҳинг ташвиш чекар бекордан-бекор,
Мен — зодагон, у эса қул.

(Кекса одамни кўрсатади.)

Фарқимиз фоний,
Аслда-чи, баравармиз тангри қошида.

Н е о ф и т қ у л

(Кекса қулга)

Сен юзаки қараганда қулсан, шундайми?

К е к с а қ у л

Йўқ, ҳазратга фақатгина қўрққанимданмас,
Азбаройи содиқликдан хизмат қиламан,
Парвардигор иродаси буюрган буни.

Н е о ф и т қ у л

Модомики, тенг экансиз иккалангиз ҳам,
Нега фақат сен тобесан, нега у эмас?

К е к с а қ у л

Худойимнинг иродаси бўйича, иним,
Мен қул бўлиб туғилганман, у бўлса — хўжа!

Н е о ф и т қ у л

Демак, олий хилқатда ҳам қул ва хўжа бор?!

(Кекса қул жим қолади.)

З о д а г о н

Бу ерда у қул эмас ҳеч, мен ҳозир унинг
Оёғини ювмоқликка тайёрман, чунки,
Баб-баравар сажда қилдик, баравар туриб
Бир дастурхон атрофида тамадди қилдик.

Н е о ф и т қ у л

(Кекса қулга)

Уйда ҳамми?

К е к с а қ у л

Йўқ, у ерда жоизмас.

Н е о ф и т қ у л

Нечук?

К е к с а қ у л

Мумкин эмас... Мумкин эмас...

Е п и с к о п

(Неофит қулга)

Мўмингина бир бандани чалғитма бунча,
Бундайларга парвардигор марҳамат қилгай.

Шукр қилиб яшаса ким — бахтлидир ўша,
Хўжами у ёки қулми — бари бир бўлгай.

Н е о ф и т қ у л

Йўқ, тақсирим, йўқ, тақсирим, бари бир эмас,
Кеча менинг бегуноҳдан-бегуноҳ болам
Қорни очиб йиғлаганин бир кўрсанг эди,
Базми жамшид хизматида бўлиб онаси
Бирров келиб эмизишга вақт тополмади,
Бола шўрлик тоби қочиб чўзилиб қолди.
Хатто кўз ёш тўқолмайди шўрлик онаси,
Чунки ҳазрат соҳибжамол қул аёлларнинг
Йиғлашини ёқтирмайди сира-сира ҳам.

Е п и с к о п

Боланг хатто ўлганда ҳам йиғлаш яхшимас,
Ахир уни самовотда олий бахт кутар.

Н е о ф и т қ у л

Ҳазратимнинг ўз боласи қазо қилса-чи?
У ҳам олий мартабага эришса керак?!!

Е п и с к о п

(бир оз хўмрайиб)

Бегуноҳлар баравардир тангри қошида.

Н е о ф и т қ у л

(Қовоғини солиб.)

Икки бора бахт кўраркан ҳазрат фарзанди,
Бири ерда, иккинчиси яна самода.

К е к с а қ у л

Фигон чекма, биродарим, қадингни букма,
Бунчалик ҳам тил теккизма табаррук зотга.

Хўжайининг мажусийдир, христиан бўлса
Оёқости қилмас эди сени бу қадар.
Гар имонинг бутун бўлса, аёлингга ҳам,
Ўзингга ҳам заҳмат етмас, ҳамма гап шунда.

Н е о ф и т қ у л

Бас қил, ҳой чол, қовурмагин мени гап билан,
Ҳа, кечир, сен беҳабарсан менинг дардимдан.
Айтай десам, номус қўймас, ҳа, қул одамга
Номус нечун? Айтсам айтай... сен имон дейсан,
Қани айт-чи, ўша имон қаёқда бўлсин —
Кечалари ўз хотиним — шаръий хотиним
Хизматидан қайтиб келса — бадмаст, беҳаё?
Зулфларига ақиқдайин чечаклар тақиб
Кириб келар, менинг ғариб кулбамда эса
Оташироқ товланади ўша чечаклар.
Ўша ердан кийиб келган либосларини
Жулдур билан алмашишга ҳовлиқади у.
Чунки либос ифлос бўлар менинг кулбамда,
Кечалари йиғлайди у нафс ва ҳирс қийнаб,
У чидолмас, яшай олмас нафсин қондирмай.
У йиғлайди, калтаклайман шунинг-чун уни,
У баттароқ бўлишини билсам ҳам, атай.

З о д а г о н

Хотинингни тарғиб қилгин имонга, динга,
Ҳирси қўзғаб кўз ёш қилмас ўшанда фақат.

Н е о ф и т қ у л

Тингланг, тақсир, ё сизнинг-ча, тингланг, биродар,
Хотинимни ўзга динга ўтказмоқ нечун?
Бу ерда у имон тилаб кўзёш қилгандан
Гўзал кийим ва нафс дея йиғласин, майли.
Гуноҳ-савоб нималигин билганида ҳам
Бари бир у пок бўлолмас! Билмагани соз!

Е п и с к о п

Мажбуран ким гуноҳ қилса — имонсиз бўлмас.

Н е о ф и т қ у л

Биз қулармиз, биз билмаймиз, қилган ишимиз
Мажбурийми ё хоҳишми, гуноҳми, савоб.
Қалбимизда қолар фақат алам излари,
Тилим бормас айтмоқликка, ўз болам кимдан?
Менданми ё хўжайиндан? Билолмасман ҳеч,
Мен болани ҳам севаман, ҳам кўролмайман...

К е к с а а ё л

Кўролмаслик гуноҳ эрур, гўдакда не айб.

(Епископга назар ташлаб, жим қолади.)

Е п и с к о п

Доно гаплар чиқар баъзан аёллардан ҳам.

*(Дьякон аёлнинг қулоғига юпунгина кийингансўлғин ёш аёл
нималарнидир шивирлайди.)*

Д ь я к о н а ё л

(Епископга)

Изн беринг икки офиз сўз демоқликка.

Е п и с к о п

Сўзла, фақат қисқа бўлсин.

Д ь я к о н а ё л

Манов ҳамшира
Холис хизмат қилсам дейди биродарига.

(Неофит қулни кўрсатади.)

Е п и с к о п

Қандай хизмат?

Д Ъ Я К О Н а ё л

Яъни унинг ўша хотини
Хўжайиннинг юмушига кетган пайтларда
Боласини ҳеч тортинмай қолдирсин эмиш,
Эмизармиш, юпатармиш кечами, кундуз.

Е п и с к о п

(ёш аёлга)

Худойимнинг олдида бу савоб иш, қизим.

(Ёш аёл бош эгиб қўяди.)

Д Ъ Я К О Н а ё л

Аёлингга айт, болани Кичик Жомега
Деодатнинг хужрасига келтириб берсин.
Унга энди Анцилодея ўзи қарайди,
Норастанинг боқимидан кўнгли тўқ бўлсин.

А н ц и л о д е я

(Ёш аёл майин овоз билан Неофит қулга.)

Рад қилмассан?!

Н е о ф и т қ у л

Қуллуқ, сингил.

З о д а г о н

Мен ҳам майлига,
Сал эскироқ бўлса ҳамки кийим бераман,
Модомики хўжайиннинг қарамас экан.

Н е о ф и т қ у л

(ўзини тутиб)

Қуллуқ, ҳазрат.

Е п и с к о п
(Гапни тузатган бўлиб)

Ҳазрат эмас, биродар дегин.

Н е о ф и т қ у л

Хўп, биродар!

С а в д о г а р х р и с т и а н

Айтишингча, тозаликни севар хотининг,
Уйинг эса ифлос экан, шунинг-чун сенга
Совун берай бепул, текин, ҳа, хўжайининг
Совунни ҳам аяр экан.

Н е о ф и т қ у л
(масхараомуз)

Куллуқ сизга ҳам.

Д ь я к о н

Эҳтимол, гоҳ қорнинг тўйиб овқат емассан.
Мажусийлар қулларига қарамас унча.
Садақага ош тортамыз, бозор кунлари
Келиб тургин. Қорнинг тўяр, кўнглинг ҳам ўсар.
Ҳурматинг ҳам маросимда жойида бўлмай.
Менинг исмим Агатофель, мойчиман ўзим,
Ҳовлимни ҳам ҳамма билар, топиб оласан.
Мажусийлар эса менинг ҳақимда доим
“Текин томоқ кимсаларга ош-нон бергувчи
Эси паст бой”, деб айтарлар. Вайсайди улар.

Н е о ф и т қ у л
(Дьяконга жавоб қилмайди, бошини чангаллаганича
бирмунча вақт тик туриб қолади.)

Кўргулик деб айтса бўлар мана бу ҳолни!
Тиланчи чол бўлиб қолдим ёшлигимданоқ.

Кимни қарғай? Кимга лаънат ўқийин ахир?
Ноилождан қарзи учун мени пуллаган
Отамними лаънатлайн? Харидорними?
Ё бўлмаса ушбу бадбахт, қора дунёга
Шўрпешона бўлиб келган онни қарғайми?

Е п и с к о п

Ношукурлик қилма бунча, ўзингни босгин,
Берилмагин кўп ҳам иблис васвасасига.
Мадад берай деса сенга биродарларинг,
Шаккоклигу ношукурлик қилмоқлик нега?

Н е о ф и т қ у л

Шу мададми? Юрагимни эзиб юборди!
Бир қара-чи, сен мана бу бемор аёлга.

(Анцилодеяни кўрсатади)

Арвоҳ дейсан! Хотиним-чи, менинг хотиним
Ёш ҳам соғлом. Фақатгина болам қаровсиз.
То хотиним сархушликда даврон сураркан,
Болам учун ўзгалардан, бечоралардан
Нон сўрайми? Жой сўрайми? Шу диёнатми?
Яланғочдан кийим сўраш, очдан нон сўраш —
Шу савобми? Яна мени ношукур дейсан...

Д ь я к о н

Садақани бой ҳам берар, камбағаллар ҳам.

Н е о ф и т қ у л

Ҳа, дарвоқе, унутибман, дўкандор оғам
Бепул совун бермоқчийди, олишим керак.
Ахир тангри висолига етганимиз дам
Биз қулларнинг жулдур, кир-чир кийимларимиз
Бой-бадавлат иниларни хижолат этмас.
Ҳа, бундан ҳам зарурроғи, бозор кунлари

Қорнимизни тўйғизгани ошга борганда
Кир чопонни тоза жойга қўймоқ яхшимас.

(Зодагонга)

Совун учун ташаккур айт сен ҳам у зотга,
Чунки сенинг ҳузурингга борганим чоғлар
Оёқларим тоза бўлғай, жирканмассан, ҳа,
Христиан одатича, оёқларимни
Зодагоннинг ўзи ахир ювмоғи керак.

*(Зодагон ғазабланади, лекин билдирмайди, фақат
епископга қараб қўяди.)*

Е п и с к о п

(секин, бироқ шиддатли овоз билан)

Юрагингга кириб олган қандай ёвуз рух,
Нега ахир бу қадарли паст сўзлар билан
Ерга уриб қоралайсан қардошларингни?
Улар сенга нима қилди? Нима қасдинг бор?

Н е о ф и т қ у л

Аламимдан, ноилождан дод солмоқдаман,
Мен қул эдим, эрксиз эдим, тутқун бандайдим,
Энди бўлса тиланчи ҳам қилмоқчисизлар.
Истайсизки, энди ўзим ихтиёр билан
Шафқат сўраб, мадад тилаб қўл узатайин.
Истайсизки, ширин бўлсин ўша азият,
Истайсизки, енгил бўлсин ўша уқубат.
Истайсизки, лаққа тушсам гапларингизга
Енгил бўлиб қолар гўё менинг аҳволим.

Е п и с к о п

Биз сен билан суҳбатлашдик холис, самимий,
Худованднинг каломини солдик ўртага.

Н е о ф и т қ у л

Мен бўлсам-чи, ишонмайман гапларингизга,
Мадад бериш ниятингиз бўлсайди чиндан,

Меҳроб узра турган манов олтин ва қумуш
Ҳисобига этардингиз қулларни озод.

(Зодагонга)

Сен бўлсанг-чи, рухсат берсанг бўлгани эди,
Бир амаллаб топар эдик нон-ошимизни.

Е п и с к о п

Биз киммизки, ўзгартирсак тангри ҳукмини,
Ким қул, ким ҳур — тайин этиш бизларнинг ишмас.
“Фақатгина томоқ билан яшамас инсон,
Унга яна парвардигор каломи зарур”.
Хўш, не дейсан?

Н е о ф и т қ у л

Бу ҳали оз, унга яна ҳурлик ҳам керак,
Усиз умр — умр эмас, ғурбатдир холос.
Шунинг учун ғам-ҳасратим беҳад улуғдир.
Сиз умримнинг эвазига кийим-бош, овқат
Ва қандайдир каломларни ваъда қиласиз.

Е п и с к о п

Барча калом бир хил эмас, тангри каломи
Одамларнинг мададидан кўра халоскор.

Н е о ф и т қ у л

“Сабр қилу бўйнингни эг” — ўша сўзларми?
Наҳот шулар озод қилса инсонлар руҳин.
Наҳотки шу сўзлар учун мўмин бандалар
Ҳайвонларга ем бўлади, қатлга борар?

Е п и с к о п

Одамларни азиятга жалб этган сўзни
Инсон тили этолмайди асло ифода.

Н е о ф и т қ у л

У қандай сўз?

Е п и с к о п

Тангри сўзи!
Ҳар бир нарсанинг,
Тирикликнинг ибтидо-ю, интиҳоси у.
Бу оламда худо битта — қодирӣ ғаффор!
Мажусийлар худо дея сифинган зотлар —
Иблислардир ё кўп борса маккор малаклар.
Биз уларнинг йўриғига қулоқ солмаймиз,
Қутқуларин тингламаймиз, шу боисдан ҳам
Тинчлик бермас улар бизга...

Н е о ф и т қ у л

(Епископ сўзларига қувлик билан қўшимча қилади.)

“Шунинг учун ҳам
Кураш олиб боргин бандам, зулматга қарши”
Шундоқмиди парвардигор ўгити, ҳазрат.

Е п и с к о п

Бу гапларга яна битта илова керак:
Бўйин эгиб, сабр билан курашгаймиз биз.

Н е о ф и т қ у л

(заиф овозда)

Ҳеч нарсага тушунолмайд қолдим мен яна,
Бўйин эгиб курашгаймиз... Бовар қилмайман.

Е п и с к о п

Бандалармас, руҳлар билан курашгаймиз биз,
Ҳоқонларни, подшоларни эътироф этиб,
Ҳурматларин ўз жойига қўямиз сўзсиз.
Фақат маккор малакларга иқрор эмасмиз,
Биз уларга бош эгмаймиз, рўйхуш бермаймиз.

Н е о ф и т қ у л

Хоқонлару подшолар ким? Баттар-ку улар
Ҳатто ўша иблисларнинг югурдагидан.

Е п и с к о п

Эътиқодда улар ғайри бўлиши мумкин,
Лекин бошлиқ сифатида, тангридан элчи.

Н е о ф и т қ у л

Қайси тангри? Улар қайси тангридан элчи?

Е п и с к о п

Худо битта, у каломдир, у муҳаббатдир.

Н е о ф и т қ у л

Хоқонларни, подшоларни, зодагонларни
Ва қулларга ҳоким бўлган бой кимсаларни
Тепамизга юборган ҳам ўша тангрими?

Е п и с к о п

“Парвардигор назаридан холи шавкат йўқ” —
Умри фоний ҳокимлару жаҳонгирларнинг
Қиблагоҳи, шаҳаншоҳи ёлғиз худодир.
Адолатга рахна солса бирортаси гар,
Бизлар эмас, ёлғиз худо жазосин берар.
“Ёлғиз ўзим қасоскорман”, — дер холиқ қудрат.

Н е о ф и т қ у л

Қачон келар ўша қасос?

Е п и с к о п

Бандаси билмас!

Н е о ф и т қ у л

Балки қайта келганида улуғ пайғамбар,
Тангри ҳукми жорий бўлса юз берар бу ҳол?

Е п и с к о п

Шундай бўлар, маҳшар келар, охират келар.

Н е о ф и т қ у л

Ундан кейин нима бўлар?

Е п и с к о п

Уюр битта-ю
Чўпон ўзи битта бўлар.

Н е о ф и т қ у л

Унинг даврида
Бўлмасмикан хўжайинлар, ёрдамчи зотлар,
Бўлмасмикан у замонда фикри озоду
Амалда-чи қул бандалар, муте кимсалар?

Е п и с к о п

Мен билмайман, бу гапларни айтган эмаслар
На у Исо алайҳиссалом, на ноиблари.

Н е о ф и т қ у л

Гап бунда денг? Ундай бўлса ўша қутлуғ кун
Асти келмай қўя қолсин!

К е к с а қ у л

(бениҳоя қўрқинч билан)

Ё тавба, тавба!

Ўзинг асра бизни, тангрим, не демоқда у?

(Христиан жамоа ғазабга келади, гап-сўзларни англаб бўлмайдди, ер ости масканининг қоронғи йўлаклари бўрон каби даҳшатли шовқин-суронлар билан тўлади.)

Е п и с к о п

(қўлини кўтаради, қаттиқ овоз билан)

Алъамон! Ё алъамон!

(Неофит қулга)

Эй, тавба қил, шаккок!
Бу имонсиз сўзларингни қайтариб олгин!
Бу дунёда тангри васлин тан олмаганлар
У дунёда маҳрум бўлгай висолдан мангу!
Ундай осий охиратнинг оташларида
Инграб ётар, ёниб ётар абадий, мутлоқ!

Н е о ф и т қ у л

Йўқ, йўқ, тавба қилмагайман, охират билан,
Азоб билан қўрқитмагин сен мени, ҳой чол!
Ҳар сониям азобмасми шундайликча ҳам!
Ҳар кун, ҳар дам, ҳар бир соат, ҳар дақиқада
Атрофимдан оху фиғон, нола тинглайман!
Юрагимни кемиради бешафқат ғашлик,
Ўша ғашлик олиб келган мени бу ерга!
Мен озодлик истагандим. Хўш, нима топдим?
Боқий роҳат ҳақидаги пуч хаёллару
Олий хилқат, қодир хўжа — худо ҳақида
Сафсаталар топдим холос. Ўша эмасми
То пайғамбар қайтгунича хўжайинларга
Ҳукмронлик ҳуқуқини топшириб қўйган.
Мана, сизнинг руҳингиз бу, ўлгандан сўнг ҳам
Токи маҳшар кунигача тангри қошида
“Бўйин эгиб, сабр билан” курашгайсизлар,
Мана бу қул,

(кекса қулни кўрсатиб)

Унинг руҳи шу қадар муте,
У ёқда ҳам ҳазратига қўрққандан эмас,
Виждон билан хизмат қилар.

(Савдогарга)

Мана бу эса
Тарозуга солиб тортар гуноҳ, савобни
Ва бизларга бир чимдимдан улашиб чиқар,
Мана бу-чи, *(дьяконга)* ҳафтада бир қавмларининг
Руҳларига озиқ берар. Биз шўрликлар-чи?
Ҳазратининг қошидаги қул гадолардай
Епископнинг ишорасин кутиб турамыз.
Гапир деса гапирамыз, балки куйлаймыз
Подшоларнинг ҳомийсининг шаънига қўшиқ,
Аниғини билмайману, аммо қулликнинг
Чорасиз бир аҳволдан мангу у азоб —
Охиратнинг уқубати афзалроқ эрур.

Е п и с к о п

*(Неофит қулнинг гапини бўлишга бир неча марта уринади,
ҳассаси ила ерга уради, ғазабкор ва даҳшатли овози
Неофит қулнинг овозини босиб кетади.)*

Чекин бундан, тинчимга қўй, зулмат фарзанди,
Муқаддас бу жамоатни безовта қилиш
Сенга нечук зарур бўлди, эй иблисзода!
Чекин гумроҳ, чекин гумроҳ, чиққан уянгга!

Н е о ф и т қ у л

Чекинмайман, билиб қўй, сен ҳайдай олмайсан,
Ишонибман сенинг маккор ваъдаларингга,
Меҳр, оқибат, ором истаб келибман, афсус,
Сиз-чи, меҳру муҳаббатим заҳарлаб, ҳатто
Мени сўнгги оромимдан жудо қилдингиз.
Бу дунёда гуноҳ нима — мен билмас эдим,
Энди билсам — бахтсизлигим гуноҳим экан.
Ўлим мени азоблардан ва кулфатлардан
Қутқарар деб ўйлар эдим. Сиз бўлсангиз-чи,
Арзимаган гуноҳ учун дўзах азоби
Кутишини илк мартаба айтдингиз тўқиб.
Ҳатто менинг ҳимоям ҳам маҳрингиздадир,
Қавмларингга меҳрибон бўл деб ўргатдингиз.
Мутеликда қул хешларим кетмасин ўлиб,

Сиз уларга жон сақлашни ўргатинг энди.
Шафқатингиз бахтсиз турмуш тўлови, холос,
Шафқатингиз ғамимизга фақат ишора!
Ё бўлмаса бегона бир аёл сутини
Оналикнинг чин меҳри деб тортиқ айламоқ,
Ё бўлмаса хотинимни тоза либос-ла
Ҳар доимги ифлос уйга қайтаришдай гап.
Менга нафсу нон керакмас, керакмас таскин,
Менга фақат бешубҳа-ю беҳасад, бедоф
Севги керак, муқаддас ва покиза севги.
Кўрай дейман ҳеч бўлмаса эрк шарпасини,
Ҳеч бўлмаса менинг ўғлим ёки набирам
Етсин дейман қуллик сўзи йўқолган кунга.
Умидворман, шундай қутлуғ кун келадики,
Зулматларни ёритар у ва инсонларни
Хўжаларсиз, ҳазратларсиз ва саидларсиз
Битта эркин жамоага айлантиражак.
У жамоа йўлбарсларнинг ва бўриларнинг,
Тулкиларнинг таъқибидан қўрқиб қочувчи,
Ҳам мустабид бир чўпоннинг гапин уқувчи
Пода бўлиб қолмас дейман, шуни қўмсайман.
Руҳи ташна бир мен эмас, мендайлар кўпдир,
Қул оғайним айтгандики, Тибр томонда
Бош кўтарган сирли қуллар қароргоҳи бор.
Эркисизликнинг занжиридан толиқиб улар
Итқитмоқчи эмиш оғир бўйинтуруқни.

З о д а г о н

Айт-чи, халос бўлармикан улар бутунлай?

Н е о ф и т қ у л

Бир дақиқа бўлса ҳамки, озод бўлар-ку!
Мен сизларнинг жамоада мангу озодлик,
Мангу эркака эришмоқни ўйлаган эдим!
Сиз-чи, ўша майингина бўйинтуруқни
Бир дақиқа бўлса ҳамки, ололмадингиз.
Абадий эрк ҳақидаги ўйдан воз кечиб,
Қонли ишрат хусусида ўйласаммикан?

З о д а г о н

Хоч тагида шармандали ўлим ҳаққи, айт!

Н е о ф и т қ у л

Христианлар, айтингиз-чи, қачондан буён
Шармандали ўлим дейсиз бундай ўлимни?
Хатто ўша Масиҳи ҳам — пайғамбарингиз
Қароқчилар билан бирга хочга қапишиб
Жон беришдан уялмаган, сизга не бўлди?

Е п и с к о п

Хочни бизга азиз этган, табаррук этган
Пайғамбардир, аммо шаҳид қароқчилармас,
Пайғамбарни қароқчилар халос этмаган,
Балки ҳазрат халос этган қароқчиларни.

Н е о ф и т қ у л

О, шундай денг? Агар ўша қароқчиларнинг
Қони у кун тўкилмаса, пайғамбарингиз
Самовотда ҳоким бўлиб юрмасди балки.
Сабр-тоқат, мутелик ҳам аллақачонлар
Ўчиб кетган бўлармиди ернинг юзидан?
Оёқ-қўли михланган у исёнкорларнинг
Арвоҳлари даҳшат солиб юрмасди балки.

Ё ш х р и с т и а н й и г и т

Бизнинг учун оёқ-қўли хочга михланган
Пайғамбар деб жон беришлик қўрқинчли эмас.

Н е о ф и т қ у л

Лекин у зот бу кулфатни нечун тортганлар?
Бизни дучор қилиш-чунми қайта азобга?
Халоскор куч қайда ўзи? Ким ёрлақайди?

Е п и с к о п

Худо ўзи ёрлақайди, бандалар эмас,
Имон ҳаққи вужуд кетса — ҳеч нима қилмас.
Исо ахир бизлар учун бор вужудини
Насиба деб бағишлади. Фақат сен каби
Маккор қуллар бу туҳфанинг қадрига етмас,
Бекор кетар сендайларга табаррук тортиқ.

Н е о ф и т қ у л

Хўш, бизлар-чи, мажусийлар истаги дея
Қурбон бўлиб кетмадикми бекордан-бекор?!
Сен айтганча, бизга қуллик тамғасин босган
Подшолар деб ўлмоқдамиз қанча-қанчамиз.
Хоч кўрсатган йўллардан биз асрлар бўйи
Босиб ўтган масофани ким ўлчаган, хўш?
Оқаётган қонимизнинг ҳисоби борми?
Қанча-қанча худоларнинг расул лашкари
Ердан кўкка ўша қонни кечиб чиққанлар.
Шу бебаҳо ва қайноқ қон қачонга қадар
Оёқости бўлар экан беқон зотларга?
Майли, Исо одамлар деб ҳатто қайтадан
Ўз илоҳий ва муқаддас қонин тўкса ҳам,
Қатра қоним бермам унга, алишмагайман.
Кўкда худо биттами ё тўртта-бештами,
Уч юзтами, тўрт юзтами, саноғи йўқми —
Менга зарра зарурати қолмади, билсанг.
На подшо деб, на хоқон деб, на Олимпдаги
Мустабид деб жон беришни истарман бу чоқ.
Фақатгина одамларни муте қилмаган,
Қул қилмаган Прометейга таъзим этаман.
У инсонни ваъда эмас, ўт-оташ билан
Нурлантирди, курашларга чорлаб яшади,
Золимларни ҳазрат эмас — золим атаган
Ва шунинг-чун азоб чеккан Прометейга,
У баҳодир Прометейга таъзим этаман.
У қурбонлик тиламайди, аммо жонимни
Унинг йўли, иши дея беришга шайман.
Майли, бир зум юрагимда оташ ҳис этай,
Майли, бир зум бўлса ҳамки, қул бўлиб эмас

Эркин бўлиб, хур бўлиб мен яшаб кўрайин,
Озод бўлиб яшайин-чи, худоларга тенг,
Ўлимга ҳам тик бораман ва хоч тагида
Жон бераман кудуратсиз, бахтиёр туриб.

(Анцилодея инграй бошлайди.)

Н е о ф и т қ у л
(эркалаб)

Кўз ёш нечун? Нимадан сен даҳшатга тушдинг?
Ёки қаттиқ сўзлар айтиб хафа қилдимми?
Ранжишингни истамасдим, ишонгил, сингил.

А н ц и л о д е я

Ранжитганинг йўқ сира ҳам, раҳмим келмоқда,
Ачинаман, ўлим кутар сени.

Е п и с к о п

Йиғлама!
Бу маккор қул кўз ёшинга арзимас тақир,
Прометей руҳига у қул бўлаётир.
У-ку, иблис, азал-абад шаккок бир илон.
Манов қулга энди сира марҳамат бўлмас,
У ўзини ҳалок қилди. Кетайлик энди,
Эзгуликка юз тутайлик, куфрдан йироқ.

Н е о ф и т қ у л

Ҳақиқат деб, озодлик деб, қулликка қарши,
Сизга қарши мардонавор бош кўтараман!

*(Жамоа аъзолари қўлларида шам билан чиқиш йўлагига
томон юрадилар. Олдинда епископ. Неофит қул бошқа
йўлакдан, бошқа томонга ёлғиз ўзи кетади.)*

Т а м о м

ЕНЪЁ ХЕЛЪТАИ

СОҚОВ РИЦАРЬ

Шеърӣ драма

Қ а т н а ш у в ч и л а р :

Петер Агарди	Беатриче
Селия	Нарделла
Беппо	Марцио
Карлотта	Тариби
Монна Меа	Руҳоний
Жанетта	Зиндонбон
Матяш	Даҳшатли Лайош
Пьетро	Жаллодлар
Жонглёр	

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Монкольеридаги Селия саройининг иккинчи қаватдаги зали. Зал тўрида улкан дуб эшик — асосий кириш йўли. Ўнг томонда ҳам шундай эшик. Чап томондаги уч зина ёпиқ, кенг айвонга олиб чиқади. Ўртадаги дераза ланг очиқ. Айвонда мўъжаз стол, кресло. Зал ўртасида катта стол. Атрофида стуллар. Чап девор томонда каттакон сандиқ. Улкан чўян қандил, шамлар... Зални қуёшнинг қирмизи нурлари ёритиб турибди. 1481 йил, аммо зал безаклари анча қадимий. Деворда авлиёлар портрети ҳамда Селиянинг марҳум эри сурати осифлиқ. Хонанинг саранжомлиги бу уй бекасининг дурустгина дидидан дарак беради. Селия ва унинг дугонаси Монна Меа залнинг ўнг бурчагида камин олдида кашта тикиб ўтирибдилар. Карлотта бекаси қошида, скамейкада ўтириб, калава чуватади. Жанетта айвондаги креслода кўчани кузатмоқда. Қисқа жимлик.

С е л и я
(каштадан бош кўтариб)

У ҳали ҳам шу ердами?

Ҳамма Жанеттага юзланади.

Ж а н е т т а
(бош ирғаб, мавхум)

Қайдам!

К а р л о т т а

Тонгданоқ
Келишини канда қилмас, худо бермиш кун
Тура бериш жонига ҳам тегмайди мундоқ.

Ж а н е т т а

Соя каби роса ўжар, иқболи нигун.

К а р л о т т а

Қайда бўлмай ҳозирдир у, тайёрдир у ҳам,
Таъқиб этар эртаю кеч қадам-бақадам.
Хонанишин ўтирмасам чора йўқ бўлак.

М о н н а М е а

Ибодатга чиқмагандинг! У айбдор демак!

С е л и я

Ва чиқмайман бундан буён. Биларсиз ахир,
Соя каби эргашар у изимдан тагин.
Уят, номус деган нарса йўқ унда тақир.
Тангрига у муҳаббат деб ёлборар ҳорғин.
Не деган гап унинг учун нажоткор Исо,
Мен азобда қовриламан, у-чи ёнимда.
Мен беозор тиловатни бошлайман, аммо
У термулиб галаёнлар кўзғар жонимда.
Хоч қошида юкинаман букиб тизларим,
У-чи, мендан узмайди ҳеч суқли кўзларин.
Хочнинг ғамгин суратидан узаман нигоҳ,
Ҳаяжоним қачонгача яшираман, оҳ.

(Қоронғи чўка бошлайди.)

М о н н а М е а

(хўрсиниб)

Ҳасад деган балодан мен йироқ эрурман,
Аммо шундоқ таъқибни мен ҳавас қилурман.

Ж а н е т т а

(ҳамон дераза олдида)

Кун ҳам ботди, ошиқ эса кутмоқда ҳамон.

С е л и я

(Бир оз ҳовлиқиб)

Тура берсин! Кун ботишин кузатгай ҳайрон,
Нега энди сен ишқибоз! У менга ошиқ.
Бас, Жанетта, тура берма балконда ортиқ.

К а р л о т т а

Балкон тагин макон қилган эртадан то шом,
Қўлларини қовуштириб тура беради.
Оҳ чекади, воҳ чекади, мафтун батамом,
Ишқ оташин оғушида юра беради.
Кўзлари ҳам нигорондир...

С е л и я

(қатъий)

Карлотта, бас қил!

К а р л о т т а

Кўзлари-чи, шундоқ яхши, шундоқ мафтункор,
Шаҳло кўзлар, назар солса — ҳасратинг бекор.
Шўрлик рицарь азоб тортар...

С е л и я

Ўз ишингни бил!

(Карлотта жим бўлади, ича бошлайдилар.)

Ж а н е т т а

Эртаю кеч шу ерда у, бечора ошиқ,
Бирорта сўз аймоқликка қилолмас журъат.
Бардоши ҳам маҳкамликда мрамрдан ортиқ.

С е л и я

Чидолмайман, юзларим ҳам ловиллар, уят!
Чидолмайман, қачонгача, о, парвардигор,
Исканжага олар мени номус билан ор.

М о н н а М е а

Қаҳрингни мен тушунаман.

С е л и я

(ловиллаб)

Йўқса нетайин!
Қайда бўлсам у ҳам келар албатта, тайин.

Ж а н е т т а

(Қайтиб тушади)

Ташвишини қиляпсанми?

С е л и я

(жеркигандай)

Унингми? Асло!
Олижаноб ўз номимни ўйлайман фақат.
Одамларнинг топганлари ғийбат ва иғво,
Ишонтириш мумкин эмас уларни ҳеч вақт.

(деразага ишора қилиб)

У ҳали ҳам шу ердами? Даф бўлсин тезроқ!

М о н н а М е а

Кимлигини билмайсанми?

С е л и я

Билишни ҳам истамайман!

М о н н а М е а

У рицарь бироқ.

Ж а н е т т а

Унчалик ҳам қари эмас, оти, ҳа, оти...

К а р л о т т а

У Агарди Петер эрур, мажордир зоти.

М о н н а М е а

Неаполнинг қўшинида ёшликдан аскар,
Қўрқув нима билмаган у қонли жангларда.

Ж а н е т т а

Шамширларнинг жарангидан завқ олган аксар.

К а р л о т т а

Қутлуғ Ерга кетмоқчийди,
Кетмас, агарда...

С е л и я

Тилингни тий! Хабар топса улфат бекалар
Маломатга қолурман мен! Мулзам этарлар!

К а р л о т т а

Маликамнинг иродаси мен учун қонун.

Ж а н е т т а

Шаҳримизда яшагувчи ҳар бир фуқаро
Бокира, пок аёлларни билгай мутлақо.

Сен уларнинг орасида энг бокираси,
Дахлсиздир сенинг номинг, гапнинг сираси.
Исо учун қурол тутиб эринг ҳам ахир
Мажусийлар билан жангда бўлганди ҳалок.
Ҳаётингда йўқдир хуллас зарра губор, кир.

М о н н а М е а

Парвардигор меҳри билан қалбинг эрур пок,
Ибодатдан бўшамайсан, софсан ҳамиша.

Ж а н е т т а

Италия сенинг билан фахр этар ҳар чоқ!

К а р л о т т а

Фариштасиз!

М о н н а М е а

Фариштасан! Чиндан фаришта!
Билиб қўйгин, бу дунёда фақат сен учун
Қайтмагайман керак бўлса ўт ва сувдан ҳам!

С е л и я

Қулоқ солинг, айтсам сизга гапнинг тўғриси,
Бордир мендан афзаллар ҳам.

Ж а н е т т а

Сен танҳо санам!

С е л и я

Шундоқ эса, мен эмасман бунга сабабкор.

Ж а н е т т а

Фақатгина бир нарсани тушунмам, бекач,
Шунча сеҳру малоҳатни жам этган дилдор
Ишқ оташин зуҳур этмай яшаса яккаш?

С е л и я

Холи чоғлар варақлайман Инжилни бот-бот,
Унда айтган, ким енголмас васвасни агар,
Мадад бергай ва қўллагай тангри — қодир зот!

К а р л о т т а

Дилингизни фақат севги бездирмасин сал,
Беваликда бўш тўшакни билурсиз афзал.

Ж а н е т т а

Бунақанги бокиралик нархи қимматмас,
Марҳум эринг хўрматин ҳам бажо этдинг, бас.

М о н н а М е а

Менинг эрим бору, қийин у билан яшаш.

Ж а н е т т а

Ёнамиз биз эр қошида мум шамга ўхшаш.
Бирдан маъшуқ пайдо бўлса — не қиламиз, хўш.
Тиловатдан кўра бўса лаблар учун хуш...

С е л и я

(жирканиб)

Вой-вой! Нима демоқдасиз! Уят-ку, уят!

М о н н а М е а

...Ажойибсан, қаттиққўллик қилмагин аммо.
Бир нарсага сира шубҳа этмасман фақат,
Ким ошиқдир — кечиргайдир тангри-таоло.

Кўнғироқ овозлари. Аёллар чўқинади.

Ж а н е т т а

Қоронғи ҳам тушди буткул.

М о н н а М е а

Тиқишим ҳам бас,
Қоронғида каштага ҳеч кўзларим ўтмас.

С е л и я
(ўрнидан туриб)

Дарҳақиқат, тун ёйилди, қоронғи ҳар ёқ.

(Карлоттага)

Фурсат бўлди, бора қолгин, фонарларни ёқ.

(Карлотта чиқади)

Хуш қолингиз, энди чиқиб ибодат қилай,
Худойимдан сиз учун ҳам марҳамат тилай.

(хонасига чиқади)

М о н н а М е а

Ибодатга чиқди яна! Ё тавба! Тавба!

Ж а н е т т а

Тиловатга мукка кетган! Мисоли телба!
Ер билан кўк орасида масофа узоқ.
Бизнинг қилган ибодату муножотга то,
Эваз учун бир мукофот бергунча само
Жуда узоқ муҳлат керак, тоқат бўлар тоқ.

(Дераза ёнига боради.)

М о н н а М е а

Кетмабдими?

Ж а н е т т а

Йўқ, кетмабди, ўша-ўша ҳол!

М о н н а М е а

Йўқса унга ишора қил, ишора дарҳол.
Рўмолчангни силкита қол.

Ж а н е т т а

Эвоҳ, тун оғди,
Рўмолча ҳам қоронғида кўринмас чоғи.

(Карлотта шам кўтариб киради.)

К а р л о т т а

Мана, мана, шамни ушла, шам тут у ёнга!

(Жанетта шамни кўтаради.)

К а р л о т т а

Баландроқ тут, мана бундай.

М о н н а М е а

Кўрдингми? Хўш?

Ж а н е т т а
(зинадан тушаётиб)

Ҳа!

М о н н а М е а
(кўксига қўлини босиб)

Оҳ, галати бўлаяпман! Наҳот бир бало
Юз берса-я... Биз ҳақмизми, ноҳақмизми ё?

Ж а н е т т а
(елкасини қисиб)

Нима бўпти? Ошиққа мен ёрдам қилурман,
Гарчанд менга ошиқмас ул, буни билурман.

К а р л о т т а

Бундоқ холис хизматлардан даромад катта,
Шойи билан қимматбаҳо мато-ку тайёр.

М о н н а М е а
(кўрсатади)

Маржон мана...

Ж а н е т т а

Мана узук.

К а р л о т т а

Ҳозир, албатта,
Хизматкорни киритсак гар, юз танга ҳам бор.

Ж а н е т т а

Хизматкорга эшикни оч, Карлотта, тезроқ!

Карлотта чиқади.

Юрак ютиб киролса бас хизматкор аҳмоқ,
Қолган гапни ўзи билар, бизлар четдамиз.

М о н н а М е а

Селиянинг дили зора эриб батамом
Ниш кўрсатса юрагига бизлар эккан дон
Ва тўй бўлса!

Ж а н е т т а

Бизларга ҳам мўл совға-салом!
Ҳозирча жим, оғзимизга солайлик толқон.

Карлотта билан савдогар кийимида сандиқча
кўтарган Беппо киради.

Б е п п о

Оҳ, нақадир гўзал ҳамда саришта даргоҳ!

К а р л о т т а

Секин! Секин! Овозингни чиқарма ногоҳ!
Билиб қўйгин, бизнинг бекач шовқинни суймас,
Шовқинда у самовотнинг ҳисларин туймас.

(эшик томон юриб)

У ибодат қилаётир!
Чиқса-я шу зум.

Б е п п о

Мен ғоятда зийракдирман, жавобгар ўзим!
Сизга холис ёрдам учун ташаккур катта.

К а р л о т т а

Хизмат қилдик, ҳа, азият чекдик, албатта.

(Жанетта, Монна Меа эшикни пойлайди.)

Б е п п о

Сизни рози қилажакмиз, ташвиш тортманг ҳеч,
Хўжам — олтин ҳадя қилгай, мен эса ўпич.
Бу хамирнинг учидан бир патир.

(ўнади)

Ёмонмас!

К а р л о т т а

(чўчиб, тисарилади)

Биласан-а не ёқишин, балосан, нокас!

Б е п п о

Бекачингга ёқмоққа ҳам этади кучим,
Минг-минг латиф сўзлар билан тўладир ичим.

Ж а н е т т а

Кўп сафсата сотаверма! Оғирроқ бўл, ҳой!

Б е п п о

(қўлини силтаб)

Аёл зотин биламан мен — мисли беш бармоқ!
Аёл зотин энг зўри ҳам мақтасанг қиттай,
Гапларингга, ҳеч шубҳасиз, солгайдир қулоқ.
Аёл зотин кўнгли бордир фақат мақтовга,
Мақтов уни осмонларга кўтарар ҳатто.
Кўнгил берар аёл зоти ҳатто меровга,
Мақтасанг бас — лабларингда ширин, хуш садо.
Ўзида йўқ хислат учун гердаяр агар
Худо урган букурни ҳам гўзалсан десанг.
Ювошгина фаришта де бўлса у маккор,
Аҳмоғига — ақлинг офтоб мисолсан десанг,
Бесўнақай аёлга-чи, хушбичимсиз де,
Харсангтошдай зил-замбилин болу пар дегин.
Бузуқисин учратсанг гар ахлоқин мақтаб
Покизалик бобида сен яқсарсан дегин.
Кар, соқовин кўрсанг агар — гапирмай мақта,
Кўрларига шивирлагин: “О, кўзи чақноқ”.
Ипириқки аёлни сен гўзал деб ата,
Ростгўйсан де учраса гар ёлғончи аҳмоқ.
Қадди шамшод деб атагин букур кампирни,
Енгилоёқ хотинларни дегил вафодор,
То кўзгуга боқиб ўзи ечгунча сирни
Мен жуфтакни ростлагайман, иш беш, не ғам бор.

М о н н а М е а

Аммо бизнинг Селиямиз ақлли, зийрак,
Ёлғон-яшиқ гапларингга учмайди асло,
Мақомига кўникмакка мажбурсан бешак.

Ж а н е т т а

Даргоҳидан қувлайди у сени шу асно!

К а р л о т т а

Ҳа, самога қаратилган бекам ҳар сўзи,
Наинки у ёлгонларинг эшитиб турсин.

Б е п п о

Фақатгина нон эмасдир инсон ризқ-рўзи,

(сандиқчани шапатилаб)

Беканг манов сандиқни бир очсин-да, кўрсин!

(сандиқчани очади. Аёллар ютоқиб боқади.)

Ж а н е т т а

Бебаҳо-ку!

К а р л о т т а

Туюлмоқда менга ҳам шундоқ!

М о н н а М е а

Венеция тухфалари!

Ж а н е т т а

Оҳ, дурлар порлоқ!

М о н н а М е а

(очкўзлик билан)

Маржон, узук...

К а р л о т т а

Тақинчоқлар.

Ж а н е т т а

Бир-биридан соз!
Ёқутлари ярашаркан менинг сочимга,
Аммо улар меникимас, омад йўқ бир оз.

К а р л о т т а

Манов тошда етти хил ранг жамулжам бўлмиш,
Бундақа ранг йўқ ҳаттоки камалакда ҳам.

Б е п п о

Бунинг бари бекангизга нисор этилмиш,
Шунақанги сахий эрур соҳибим, хўжам,
Лекин айтсам булар ҳали закалот, холос.

Ж а н е т т а

Қабул қилиб олса ҳали!..

Б е п п о

Шундоқ ҳам олсин!

(сандиқчани ёпади)

Ибодатин тугатсин-чи, вақт ўтсин бирпас.
Сўнгра манов гавҳарларга назарин солсин.
Турли шубҳа-гумонлардан бўлай то узоқ,
Бир-икки бор сўкинги мени, кейин сарбасар
Такрорланг-чи қани бир бор, мен кимман, чироқ,
Касби корим нима ўзи?

К а р л о т т а

(ўргатилгани бўйича)

Сизми? Савдогар.

(Беппо маъқуллайди)

Ҳар хил буюм тарқатасиз уйма-уй юриб.

М о н н а М е а
(*Эшик туйнугидан қараб, бирдан тисарилади*)

Жим бўлингиз!

Ж а н е т т а

Ана холос!

М о н н а М е а

Селия келар!

С е л и я
(*Беппога хўмрайиб*)

Ким бу одам? Жавоб беринг бақраймай туриб!

К а р л о т т а

Буюмлари хўп сифатли! Савдони билар,
Турли тилла безаклари кўрсатди бизга.
Узуклари ҳам бор экан...

С е л и я
(*қатъий*)

Айтганман сизга.
То бу уйга руҳсатимсиз кимса кирмасин,
Буйруғимни бекор қилмоқ бўлдингми ё сен.

К а р л о т т а

Ўйловдимки...

Б е п п о

Биласанми, хоним афандим,
Бу борада у гуноҳсиз, фақат мен айбдор.
Сенга турли буюмларни этмоқ-чун нисор
Эшикни оч дея бунга ўтинч қилгандим.

Бир қарагин, сандигимда бор экан нима?
Жавоҳирлар! Ярмин сотдим! Бу — ярмигина!

Ж а н е т т а
(ишора қилиб)

Селия, бир қарагин, ғалат унсурлар!

С е л и я

Не бўлса ҳам, булар бари қақир-қуқурлар!

(Карлоттага)

Иблис бизга жўнатибди сурбет элчисин,
Ҳайдаб чиқар уни тезроқ, ҳайда буни сен.

(Карлотта Бенпога яқинроқ юради.)

Б е п п о
(ёлбориб)

Тўққиз ою тўққиз кунким тинмай йўл босдим,
Тўққиз ою тўққиз кунким манзилга шошдим.
Флоренцияда бўлдим, Неапол, Римда,
Бола-чақам қолиб кетди қутлуғ Туринда.
Матоларим олгин, майли, кўп сўрамасман,
Олмасанг ҳам ихтиёринг, ҳеч қистамасман.
Турин эса ҳали узоқ, илҳақ хотиним,
Шошмоқдайдим ҳузурига билмай ҳеч тиним.
Қийнаб қўйди мени аммо йўл харажати,
Боз устига, бошимда бор қарзнинг кулфати.
Бовар қилгин, оҳ, бекачим, шафқат қила қол,
Майли, ярим нархин сўрай, сотиб ола қол.

С е л и я

Савдогарнинг одатдаги аврашлари бу.
Кўтар қақир-қуқурингни!

Ж а н е т т а

Уқмадингми, ҳў...
Жўна бундан!

Б е п п о

Майлику-я...

М о н н а М е а

Даҳанаки жанг!

Б е п п о

Балки сизга бахт берарди бу тошлар, аттанг...

К а р л о т т а

Арзимаган нарса балки бунинг тошлари,
Гар фойдаси бўлмаса ҳам йўқдир зарари.

С е л и я

(жозибали)

Балки булар қизиқ сизга — хизмат аҳлига,
Керак эмас, тупурдим мен бунинг барига.

М о н н а М е а

Кўз ташласанг бўлармиди бир қур, азизам,
Бу тошларнинг ҳар биттаси — санъат чинакам.

Б е п п о

(ҳовлиқиб)

Гўзаллиги бир ўлканинг гултожи бўлган,
Сенга эмас, тагин кимга келтирай молим.
Сен жаннати бир аёлсан, мулки Италиян
Сендай зотни кўрмаган ҳеч, комил имоним.

(сандиғини очади)

Қара, бекам: увол бўлмас назаринг асло,
Зумрад рангин кўзларингга қиёс этгин, о,
Қайси бирин ранги ўткир? Босфорлик заргар
Шакл берган бу зумрадга.

С е л и я
(кўз ташлаб)

Тошингни кўтар!
Маъниси йўқ мақтовларинг довдиратолмас.

Б е п п о
(бош ирғаб)

Ўлай агар, манов узук, мана бу олмос
Нархи сени чўчитмасин, сўровим арзон.
Сени ботир, кўли очиқ дердилар, ишон!
Довдирадинг тошларга бир назаринг ташлаб,
Муҳтожликда ночор қолган йўқсилга ўхшаб!

С е л и я

Доно одам муҳтожликни четлаб ўтажак,
Кўп хомтама бўлаверма, эсим бут, хуллас,
Беҳудага вайсамаклик кимга ҳам керак.
Сандиғингни қўлтиқла-ю, жўна энди, бас!

К а р л о т т а
(уни туртиб)

Бўлди энди.

Б е п п о

Майли, аммо нега туртасан?

(Қоқилиб йиқилади, жавоҳирлар тўкилади.)

Учовлон хотин саросима ичра овозлари чиққач,
Беппога терс турган Селия қайрилиб қарайди.

Ж а н е т т а

Вой худойим, вой худойим! Лат емадингми?

Б е п п о

(инграб, базўр туриб)

Йўқ, ўрнимдан бир амаллаб тура олдим-ку!
Бойликларим сочилибди ҳар ёнга, ўҳ-ҳў.
Йиғиб олай, балки сиз ҳам қарашворарсиз.

Учовлон аёл энгашиб, тошларни йиға бошлайди.
Селия ҳайрат ва ҳаяжон билан тошларга назар солади.

С е л и я

Ҳаммасини топдингизми?

Б е п п о

(санаб)

Йигирма ва бир,
Аммо қайда барчасидан йирик жавоҳир?!

С е л и я

(тошни оёқ учида суриб)

Ол тошингни, энди ортиқ кутмасман, баттол,
Тошларингни йиққан бўлсанг тезроқ жўнаб қол.

Б е п п о

(тиз чўкиб)

Менинг манов жавоҳирим баридан қиммат,
Вужудидан қон оқади мисли жароҳат.
Дилимизга Эрот солган яра-чи, бироқ
Қолган барча яралардан эрур оғирроқ.
Жавоҳирнинг бу қирраси — қиз назаридек,
Буниси-чи, ҳаё билан боққан паридек.
Бунисида тонг шуъласи турибди порлаб,
Бу қиррада шароб ранги, бунда ақиқ лаб.

М о н н а М е а

Ол, азизам, тезроқ уни сотиб ола қол!

Ж а н е т т а

(ҳаяжони ортиб)

Ола қолгин! Сотиб олгин майли ҳаммасин,
Баланд эмас деяпти-ку нархи навосин,
Омад келган пайти-ку бу, қўйиб юборма.

(шивирлаб)

Манов ақиқ тошни аммо бериб юборма.
Кейин уни пуллаш мумкин.

М о н н а М е а

Фойдаси билан.

Ж а н е т т а

Қанийди, оҳ, пулим бўлса...

С е л и я

Қани, не дейсан?
Олсаммикан? Ўйлаб кўрсам — ёмон тош эмас.

Ж а н е т т а

Ола қолгин!

С е л и я

Шу ёқутни оламан, майли!

М о н н а М е а

Бамисоли олов каби ёнади бу лаъл.

Ж а н е т т а

Феруза-чи. Осмон ранги, тошларнинг асли,
Буни ҳам ол. Йўқса илиб кетишар тугал.

К а р л о т т а

Ёмон эмас назаримда мана бу зумрад.

М о н н а М е а

Бу узук-чи.

С е л и я

(қулогини бекитиб)

Истамайман эшитишни ҳам.
Олай майли шу ёқутни! Қанча тўлайин.

Б е п п о

Ола қолгин! Нархими... хўш, мен сенга айтсам,
Ярми, йўқ, йўқ, тўртдан бири. Савдо шарт эмас.

С е л и я

Нархини айт?! Жавобини кутиб турибман.
Қанча дейсан?

(Беппо елкасини қашийди.)

Гапир қани, хўш?

Б е п п о

(Аёлларга кўз қисади. Улар узоқлашади.)

Олти, етти, саккиз, тўққиз... Йўқ, бу кетмайди,
Ҳисобдан ҳам чалғиб кетдим, иш ҳеч битмайди.

(атрофга қараб)

Биз бу ерда кўпчиликмиз...

С е л и я

Улар дўстларим,
Бекитгулик сирым йўқдир улардан асло.

Б е п п о

Биз-чи, яъни савдо аҳли сақлаймиз ирим,
Хуфия ишни хуш кўраман мен ҳам доимо.

К а р л о т т а
(муғомбирона)

Кўзларингни ўйиб олмай, ҳой сен, лўттибоз.

М о н н а М е а

Вайсаб олсин бу савдогар, майлига бир оз.

С е л и я

Сен, Карлотта, ҳамён келтир.

К а р л о т т а

Ҳозир-да, бекам!

Учовлон аёл Селия хонасига кириб кетадилар.

С е л и я

Нархини айт! Қанча тўлай?

Б е п п о

Текинга!

С е л и я

Ёлғон!
Муғомбирлик қилмоқдасан яна сен, шайтон.

Б е п п о

Ўлай агар, гапларим рост, тошларни сенга
Чин юракдан тортиқ қилгум, яъни текинга.

С е л и я

Тўхта, тўхта! Тушунмадим, бу нечук савдо!
Зумрад, ёқут бир-биридан афзал ва аъло.
Сен эсингни еб қўйгансан! Ё мен гарангроқ.
Сахийлик бу — тошқин ҳисли қалбларга хосдир.
Савдо аҳли бунақа иш қилмайди, бироқ,
Бу ерда бир ҳийла бордир!

Б е п п о

Сен мени кечир,
Тортиқ берган мен эмасман.

С е л и я

Шундоқми ҳали!

Б е п п о

Боз устига — мен ўзим ҳам ўзиммас мутлоқ.

С е л и я

Сен бўлмасанг — ким экан у валломат, қани?!
Ҳа, тушундим!

Б е п п о

Фаҳмладинг! Агарди Петер,
Хўжайиним, мажор йигит, хўп азамат эр,
Совға-салом билан мени сенга юборди,
Бир нигоҳинг у йигитнинг ҳаёти, дарди.

С е л и я

Оҳ, ярамас, худо урган сурбет қўшмачи,
Қандоқ журъат қилиб келдинг! Қани, шошма-чи.
Ҳой одамлар!

(эшикни очади)

Сени бурда-бурда қилдирай!
Қаёқдасиз, дугоналар, азизларим ҳой,
Келинг тезроқ, келинг тезроқ! Шарманда бўлдим.

Б е п п о

(бепарво)

Айтилганки, юшатаингиз ғазабни доим.

С е л и я

(ғазабкор)

Сен ҳали ҳам шу ердами, оҳ, иблисзода!

Б е п п о

(тиз чўкиб)

Раҳм қилгил, қасам ичай ёруғ дунёга.
Раҳм қилгил, менга эмас, менгамас асло!
Ўша мажор йигитига раҳминг келсин, о!
Сенинг битта нигоҳингга зор бўлган бир зот,
Ҳажринг билан ўлиб кетар, ачингил, ҳайҳот!

Жанетта аёллар билан киради.

Ж а н е т т а

Чақирдингми?

Пьетро бошқа эшикдан киради.

П ь е т р о

Не гап, бекам?

С е л и я

(бирдан иккиланиб)

Керакмас ёрдам!
Чиқа беринг.

Улар чиқадилар.

(ҳануз тиз чўкиб турган Бенпога)

Тур ўрнингдан.

(Бенпо туради.)

Кет энди сен ҳам!

Бундан буён на черкову, кўчамда бир дам
Қорасини кўрсатмасин ановининг!

Б е п о

(тошларни йиғиб)

Аттанг!

Шундоқ гўзал, ёш йигитга ачинмоқдаман,
У жон-дилдан севар сени.

С е л и я

Қанчалик ишим!

Б е п о

Қани, айт-чи, биласанми, у зот ўзи ким?
Сени Павел черковида кўргандан буён
Жудо бўлди оромидан мутлақо, инон!
Ишқ дардини қандай қилиб енгсин бечора,
Кечалари уйқу нима, сира билмайди,
Уволига қолажаксан, ўлади шўрлик.

(тошларни йиғади)

С е л и я

(кифтини қисиб)

Бўлмаган гап!

Б е п о

Қиё боқсанг қолади тирик.

Мовий, ажиб шафақларга боқиб кечалар,

Такрор этар сенинг номинг неча-нечалар,
Фақат сенинг ёдинг билан қаршилар тонгни,
Шафаққаю гулга қиёс айлар чеҳрангни.
Эҳтирослар оловида қоврилиб жуда
Висолингга талпинади, аммо беҳуда.
Шундай экан бечоранинг аччиқ қисмати,
Унга насиб қилмаётир севги нусрати.
Сени севса найласин у? Қайда ихтиёр,
Ановларни севсинми ё?..

(аёллар турган хонани кўрсатади)

Ё парвардигор,
Лойиқ эмас булар унинг муҳаббатига,
Ундан кўра тушган афзал дўзах қатига.
Ҳар жиҳатдан ўзинг гўзал, олижанобсан,
Марҳамат қил, бечорага кўргиз инсоф сан.
Фақатгина битта сўзинг унга тўғиё,
Фақатгина битта сўзинг.

С е л и я
(жаҳл билан)

Қандоқ беҳаё!
Фақатгина бир сўз дейсан? У-чи ялтироқ
Тошлар бериб гуруримга қўймоқчи оёқ.
Аёл меҳрин қитмириликка кўрмасмиз раво,
Сенинг вайсақ гапларингда ҳикмат бор аммо,
Ҳалолликнинг қошида гар қолсак бетамиз
Тустовуққа турли тошлар ҳадя этамиз.
Лаққа тушар, шунинг билан ишлар битади,
Мингга гапдан совға кўпроқ таъсир этади.

Б е п п о

Тўғри, лекин хўжайиним унақа эмас,
Унинг дили покизадир, ишқ билан пайваст.
Манов тошлар таважжуддан белги, шунчаки,
Ол, мана бу ёқутни ол, бир чечак каби,
Бирор нарса таъма қилмас эвазига у,
Муҳаббатин изҳор этиш — ундаги орзу.
Кўнгли учун бир сўз десанг нима қилади?

Сен учун ҳам икки карра савоб бўлади:
Танҳоликда ҳеч қурса бир мулоқот қилгил,
Гапларимга ишон, бекам, гуноҳ бўлмас, бил.
Кўксидаги аламлари тўкилсин бир бор,
Этажаксан йўл олдидан уни бахтиёр.

С е л и я

Гуноҳ ишга қўл урганим била туриб ҳам
Олижаноб йўл тутайми?

Б е п п о

Рости гап, бекам,
Кўнгилчанлик борасида гапларинг ёлгон.
Садақани гуноҳ демас ҳеч ким, ҳеч қачон.
Бешафқатлик бирла шараф қўшилиб наҳот
Бир кимсани маҳв этса? Одил самовот
Тангри бир кун сўрар сендан унинг жонини,
Нима дердим, хайр, бекач!

(сандиқчани ёпади)

С е л и я

(хурсанд)

Тўхта! Айтгин-чи.

(Беппо дарҳол тўхтайди)

Гапинг демак...

Б е п п о

Севади бешак!

С е л и я

Бошқа гапни айтмоқчиман. Унинг юраги
Демак мутлоқ покизадир! Ёлғиз тилаги
Азбаройи кўнгил ишин этмоқлик бажо,
Совғалардан, демак, фақат шулдир муддао?

Б е п п о
(кўкка қўл чўзиб)

Қасам ичиб айтаманки, худди ўшандоқ!
Мадонналар ҳаққи, сени севади мутлоқ!

С е л и я
(гапани бўлиб)

Такрор айтай, муҳаббат бу ҳавойи нарса,
Хайрихоҳ бир сўз кутмоқда мендан у эса.
Майли, унга оқ йўл тилаб қолсам бўлади.

Б е п п о
(хурсанд)

Ишонтириб айтаманки, ҳозир келади.

(сандиқчага яқинлашиб)

Қайтармассан ҳар нечук сен холис совғани.

С е л и я
(бир оз иккиланиб)

Қайтармайман! Лотта, қани, ҳамённи келтир!

К а р л о т т а
(кулиб)

Буюринг, бекам!

С е л и я
(Беппога ҳамённи бер дегандай)

Ол, сеники.

Б е п п о
(муғомбирона)

Ололмайман.

С е л и я

Олгину яшир.

К а р л о т т а

(шивирлайди)

Тилла ҳамён.

Б е п п о

Бекам, ташаккур!

Дил тугёним ором топди, шуқр ҳайтовур.

(Беппо ҳамённи Карлоттага ирғитади, яшириб қўй дея ишора қилади. Карлотта кулимсираб ҳамённи яширади.

Беппо Селия этагини ўпади.)

С е л и я

(киноя билан)

Беморингга бергин, то у топширмасдан жон.

Б е п п о

(қувноқ)

Ҳозир, ҳозир! Унга малҳам этурман эҳсон!

П а р д а

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша ерда. Қандиллар ёниб турибди. Деразада оғир дарпарда. Саҳна кимсасиз. Саҳна тубидаги эшик очилиб, Пьетро кузатувида Петер ва Беппо кирадилар.

П ь е т р о

Буюрингиз, аммо лекин кутгайсиз бирпас,
Келганингиз ҳақида мен хабар берайин.

П е т е р

Хўп!

(Пьетро таъзим қилади, Селянинг эшигини қоқади).

Ўлжасини кутган каби тозилар бесас
Булар уни қўриқлайди! Ғоятда марғуб!
Италия осмонида топган бахтим у.

Б е п п о

Ўзингни бос! Бўлаверма қўпам серғулу!
Чиқиб қолар дилбаринг ҳам!

П е т е р

Кўражакман, оҳ!
Беппо, ўзинг аҳволимдан бўлиб тур огоҳ.

(уни қучади)

Наҳот унинг саройида турибман ҳозир?!

(қисқа пауза)

Тезроқ чиқса қани эди! Типирлар юрак!

Б е п п о

(елка қисиб)

Бўлаверсин майлига деб меҳмон мунтазир,
Ясан-тусан билан хоним банд бўлса керак!

П е т е р

Маккорликни йиғиштир, ҳой! Валдирама кўп.

Б е п п о

Худо ҳаққи, ушбу ҳолдан хурсандман ғоят!
Яъни дилбар маликамиз ғоятда маҳбуб,
Аммо аёл — хуш ёқишни хоҳлар ниҳоят!

П е т е р

Оҳ, севиклим!

Б е п п о

Аммо лекин аёллар айёр.
Мусофирсан бу шаҳарда — мажорсан яъни.
Чалгитарлар — бўлмагин сен қанчалар хушёр.
Сув ичкизмай қайтарарлар дарёдан сени.
Баъзилари қасамни ҳам йўяр ҳазилга,
Сен бўлсанг-чи, лаққа тушиб юрасан.

П е т е р

Асло!
Мен ёш бола эмасман, йўқ, ишон гапимга,
Умримда мен кўрмаганман қанчалар савдо!
Қасрларни забт этиб ва душманни қуршаб,
Қайралгандир курашларда менинг шамширим.
Тумтарақай халқ ҳар ёнга қоча бошлар зап,
Уйлар эса ёна бошлар, қизлар — асирим!
Таниш менга бунақанги ўлжа мазаси.
Гоҳо-гоҳо севганман ҳам, бўлганман жазман.
Аммо ушбу ҳолатимнинг йўқдир қиёси.
Самовий ҳис қаршисида буткул ожизман.
Кўрган чоғи тилларимда қотар каломим,
Олмос каби севги ёнар қалбда тамоми.

Б е п п о

Аммо сени огоҳ қилиб қўяйин, жаноб,
Сен мутлақо тўғригўйсан, сен олижаноб.
Бу ерда-чи, ҳаёт бошқа, эҳтиёт бўлгил,
Ўз оёгинг ўзинг чалиб, бўлиб қолма қул.
Хонимнинг мен феълин кўрдим, байталдай асов,
Юмшатгунча, ростин айтсам, ўлиб бўлдим-ов!

П е т е р

(қўл силкиб)

Ҳасратларим айтиб солсам — эриб кетади!

Б е п п о

Эркак зотин кўрган чоғи ранги ўзгариб,
Қизаргувчи қиз боланинг йўриғи бошқа.
Бу-чи, аёл эс-ҳушини ололган йиғиб,
Маккор ва қув! Гапларингга учмайди лаққа!
Энг расвоси — у бевадир! Жуда хатарнок.
Аллақачон битта эрнинг бошини еган,
Сендан нима тилайди у — билмадим бироқ.

Б е п п о

Унга бўлсин бор бисотим, деганим-деган.

(Эшик очилади.)

Бас қил, ўзи келаётир.

Б е п п о

Майли, мен кетдим,
Пастда сени пойлаб турай, омадинг кулсин.
Фақатгина шошилмагин, шошилма, иним,
Азонгача сени пойлаб турганим бўлсин.

(Кетади.)

Пьетро эшикни очади, Селия икки аёл билан
кириб келади.

П е т е р

(таъзим қилиб)

Маликаи муҳтарама...

Селия Петер совғаларига муҳтож эмаслигини кўрсатмоқ-
чидай ниҳоятда безаниб олган.

С е л и я

Салом, баҳодир!
Кин йўқ асло юрагимда, куттирган бўлсам.

Ж а н е т т а

У ибодат қилиб олди.

С е л и я

(аёлларни кўрсатиб)

Танишинг, лутфан.

Петер ва аёллар ўзаро таъзим қиладилар.

Довруфингиз борасида нимайки билсам
Эшитганман мен мана шу дугоналардан.
Хонадоним қоидаси анча қатағон,
Қиблагоҳим — эрим қазо қилгандан буён —
Шу онгача бирон эркак бирор-бир нафас
Менинг юксак остонамдан ўтолган эмас.
Коҳишларим тинглай олган фақат тўрт девор,
Сизни дарҳол қабул қилиш эди кўп душвор.

П е т е р

Ҳамиша ҳам интизорман, ҳар қачон кутгум,
Сизнинг ушбу марҳаматга таъзимлар этгум,
Жангларда мен ботир эдим, ҳозирча фақат
Журъат эта олурманми...

С е л и я

(қувватлаб)

Этурсиз журъат!

(Петер бир зум каловланади)

Хўш, дил сирин очингиз-чи, қулоқ илармиз?

М о н н а М е а

Балки бизлар...

Ж а н е т т а

Бир мажорга кўплик қилармиз.

П е т е р

Сизнинг пичинг бориб етар аниқ нишонга,
Аммо ундан не таъсир бор мажруҳ бу жонга,
Мен оғирроқ бир жароҳат олганман ахир.

(бурилади, жимлик)

М о н н а М е а

(Селияга)

Балки бизлар кетсак бўлар?

С е л и я

Кетманг, тўхтаб тур!
Рицарь энди сўзлаяжак турфа хил гаплар,
Шунчаки бир гуфтигўйлик бўлмаса агар,
Агар унинг гапларига бовар қилсак биз,
Нега унинг муножотин тингламайсиз сиз?
Шундаймасми, азиз рицарь?

П е т е р

Шундоқ, маликам!
Турфа сўзлар орасида энг аъло, кўркам,
Оддийгина сенинг исминг, номинг бўлади.
Рухсат этсанг, такрорласам кўнглим тўлади.

Ж а н е т т а

Ўлай агар, рицаримиз гапга кўп чечан!

П е т е р

(Селияга)

Энг покиза, соф туйғулар кимда мужассам?
Бари-бари сенда эрур, сенда, азизам!

С е л и я

Хўш, рицарим, бир-биримиз таниб ҳам олдик.

(аёллар ўтиришади)

Эшитдимки, юрагингда ҳасрат ва оғриқ,
Изҳори дил этсанг менга бўлармиш малҳам,
Аммо бунинг чораси ҳеч бормикан, қайдам!
Христиан бурчимизни этайлик адо,
Баҳол-қудрат дардларингга излайлик шифо.
Сўзла, қани!

П е т е р

Оҳ, сўзлашдан номусдир зўрроқ
Ва сўз демак сукунатдан кўра оғирроқ.
Менинг чашми селобимга бовар қилсайдинг,
Кўз ёш тўксам дилим бўшар, агар билсайдинг.
Уйқу нима, ором нима билмайман сира,
Фақат ёлғиз ёш тўкаман ёстигим узра.
Айтай десам ҳасратларим, гапнинг сираси,
Кўзларингда порлар муздай рад ишораси.
Ахир айтмоқ чораси йўқ, дилимда не бор,
Сени қандай севишимни этолмам изҳор.

С е л и я

Етар, етар! Алаҳлаш, ҳа, шу бўлса керак.
Муҳаббатдан сўз очдингми?

П е т е р

У — олий, юксак!

С е л и я

Ҳа, муҳаббат! Менинг учун ҳавойи бир сўз...

Ж а н е т т а

Унинг гапин тингласанг гар — англайсан, шаксиз.

С е л и я

Керак эмас! Пешлайверма, бари бефойда,
Менинг битта жавобим бор ҳар зум, ҳар жойда:
Муҳаббатим гўрда ётар аллақачонлар,
Бу аҳдимдан қайтаролмас ҳеч ким, ҳеч қачон,
Фулу солмас юрагимга ўтли гирёнлар,
Ҳасратимга бегонадир севги, ҳаяжон.
Менинг ботир Орландомни билгансиз албат?

М о н н а М е а
(суратга қараб хўрсиниб)

Оҳ, қанчалар олижаноб эди-я у зот!

С е л и я

Ришарь эди! Авайлади мени умрбод!

Ж а н е т т а

Етти одам оғиз солди — рад жавоб олди,
Улардан сўнг яна бири топилиб қолди.
У Нерино!

М о н н а М е а

Унча-мунча йигитмас аммо!

Ж а н е т т а

Рад жавобин олиб кетди ўша ҳам аммо!

П е т е р

Муҳаббатга даргоҳинг оч ҳеч қурса бир бор,
Наҳотки ишқ хотираси — мисли зиндонбон
Эркак зотин ҳузурингда этса бунча хор?
Хотира деб совиб кетса наҳот қайноқ қон?!

С е л и я

Оғзингни юм, ҳаддан ошма, такаббур одам!

П е т е р

Хотиралар соясида яшайсан, аммо
Чинакам бахт, ҳаловатдан бўлиб Мосуво?!

С е л и я

Эркакларнинг ҳар гапида бир мурод аён,
Керак эмас гуноҳ тўла у ширинзабон.
Янгиликми сиз сўйлаган севги изҳори
Ёки юзлаб изҳорларнинг битта такрори?
Ёлборишу аврашларга уста барингиз,
Дарё бўлиб оқар паққос кўз ёшларингиз.

П е т е р

Марҳаматли хоним, бунча шафқатсиз бўлманг,
Менинг юрак ришталарим бесабаб юлманг.
Биз, муҳаббат рицарлари, ишққа фидойи,
Тақдир юки елкамизда бордир киройи.
Ҳар қандайин ғанимларга берурмиз барҳам,
Ватан қадар биз содиқмиз муҳаббатга ҳам,
Улар учун қайта-қайта жангга кирурмиз,
Севишни ҳам, ўлишни ҳам лойиқ билурмиз,
Умидвормиз аммо-лекин, ёришгай осмон,
Биз интилган нурли шафақ порлар бегумон.
Қанча йироқ бўлмасин йўл ахийри бир кун
Ноил бўлгай муҳаббатнинг хайри биз учун.

С е л и я

Тугатдингми?

П е т е р

Биз рицарлар гапга ҳам довмиз,
Аммо сизнинг қошингизда кўпроқ соқовмиз.

Гапиришни агар менга айласанг тақиқ,
Сукунатга банди бўлиб тургумдир ортиқ.

С е л и я

Айбдор ким? Сен-ку ахир қизиққон ва ёш,
Абадий тунд бир музликка урмоқдасан бош.
Сен изимдан юрдинг севиб, қадам-бақадам,
Мен-чи, сенга ташламадим ҳатто назар ҳам.

П е т е р

Сени сира айбламасман, севаман фақат,
Ҳақсан: виждон олдида мен гуноҳқор минбаъд.
Сен бўлсанг-чи, ёш боладай тоза, беғубор,
Менинг эса ғамим яна қўпайди бисёр.
Суҳбатингга муштоқ бўлиб келгандим бунга,
Нетай, сени йўқотгайман энди мангуга!
Нега ахир кўрсатгандинг аввал рухсоринг,
Тузатмайсан шафқат билан берган озоринг,
Порлоқ чашминг умид тунин ёритди нега?

(қисқа пауза)

Ёрим бўлсанг, оҳ, турмушга чиқсайдинг менга.

С е л и я

Наҳот гапга тушунмасанг, менга ҳеч кимса,
Демак, сен ҳам керакмассан, ўз ҳолимга қўй.
Жавоҳирмас, менга фақат танҳолик бўлса,
Раҳмим келди, шу боисдан кўрсатгандим рўй.
Ғайри инсон каби сенга туюлсам наҳот?
Дунё кенгдир, кўпдир унда не қадди шамшод,
Мендан кўра гўзаллар ҳам оз эмас, ишон.

П е т е р

Алал-абад юрагимда қолди шу армон.
Бошқа нарса керак эмас менга мутлақо.
Сен ҳаммадан гўзалроқсан, гапим бор аммо:

Агар хунук бўлганингда, букур ва баттар
Ўшанда ҳам севар эдим сени муқаррар.

(Хайрлашув ишорасини қилади.)

Худо ўзи паноҳида сени асрасин.

С е л и я

Сенга раҳмим келар, айтсам гапнинг сирасин.
Қўлга олгил ўзни энди, дадил бўл чунон,
Тангри ўзи мушқулингни айласин осон.
Унут мени, худо ўзи ёр бўлсин сенга!

П е т е р

Шукр дейман, сен марҳамат айладинг менга,
Хузурингда бўла олдим лоақал бир бор,
Бироқ энди бир шафқатинг аяма, дилдор!

С е л и я

Тилагинг не? Сўз бераман — айламасман рад,
У дардингга даво эса — топилмас минбаъд!

П е т е р

Пьемонтда бир одат бор, жуда қадимдан,
Ўзи жуда жўн бўлса ҳам, гоят таъсирчан.
Меҳмон билан хайрлашиб қоларкан мезбон,
Уй бекаси чин юракдан, бир сингилсимон
Меҳмонининг лабларидан олади бўса.
Севги яшар менинг шўрлик қалбимда эса.
Сенинг порлоқ ўйинг билан дилни ўрайман,
Кетаётиб фақат битта бўса сўрайман.

С е л и я

(чўчиб)

Билмай қолдим, бундай ҳолда не қилмоқ лозим?

Ж а н е т т а

(тез)

Афв этгайсиз, рост, чиндан ҳам қадимдан-қадим
Шундақанги бир одат бор.

М о н н а М е а

Монкальер, Турин
Виоятлар тан олади шу одат турин.
Аждодларнинг удумларин ёдга олингиз,
Риоясин икковлашиб еча қолингиз.

Ж а н е т т а

Интиқ бўлиб сўраяпти, ўпич бера қол,
Рад қилсанг, бил, анчагина гуноҳ бўлади.
Яхши эмас урф-одатни этмоқлик поймол,
Бундай гуноҳ кўп фалокат бошлаб келади.

М о н н а М е а

Унчалик ҳам жиддият-ла боқма бу ишга,
Қайтиб келмас ўпичингни қайтиб беришга.

Ж а н е т т а

Урф бўйича ўпишмоқлик гуноҳмас асло,
Хўшлашганда рўмолчани силкишдай гўё.
Анов-манов нарсани у сўраётганмас,
Тилагани битта ўпич, битта ўпич, бас.
Хайрлашгин унинг билан ва лекин дастлаб
Унинг қайноқ лабларига қўяжаксан лаб.

М о н н а М е а

Гапинг тўғри!

С е л и я

Ҳа, сўз бердим, буни одат дер!
Бўса учун мен тайёрман, Агарди Петер!

(Аёлларга ишора қилади. Улар чиқиб кетади. Петер Селияга яқин боради. Аммо Селия уни тўхтаатади.)

Тўхта бир зум, эҳтиросинг олгил жиловлаб,
Аллақачон бўсаларни унутгандир қалб.
Мен тайёрман айламоққа марҳамат-шафқат,
Аммо бордир менда ҳам бир талаб, яъни шарт!

П е т е р

Мен у-бу деб ўтирмайман! Талабингни айт!

С е л и я

Мудҳиш талаб қўйсам-чи мен? Эҳтимол, у пайт
Истагингдан қайтажаксан беролмасдан дош.
Қайдам, рицарь, этарсанми шартимга бардош?

П е т е р
(жилмайиб)

Қани, айт-чи, қанақа шарт?

С е л и я

Ўйлаб қўр аввал,
Ҳанузгача ўтган гаплар эрмакдир тугал.
Айлантирмоқ бўлиб ҳатто менинг бошимни
Беҳудага ишга солдинг турли тошингни.
Энди бир шарт қўййинки, у сенга синов,
Бундан ортиқ совға ҳам йўқ, йўқ ортиқ синов.

П е т е р

Сенинг учун бор бисотим, ҳаётим кафил,
Фақатгина бўса шартин очиқ баён қил.

С е л и я

Қасам ичгил!

П е т е р

Маъбад ҳаққи, қасам ичаман.
Қасамимда турмасам гар, жондан кечаман.
Майли, ҳалол жанг пайтида шамширим синсин,
Майли, мени ғаним тараф бойлаб, қул қилсин.
Бўғизлашсин, майли, мени бамисоли мол,
Майли, ажал панжа урсин, келмагай малол.
Фақатгина бузмагайман ичган қасамим,
Шартинг айтгин, бажармоқлик қасамим маним.

С е л и я

Сўз бердингми! Бўлди энди!

(Петернинг бўйнига осилиб, икки бора ўпади.)

П е т е р

(бўшашиб, хириллаб)

Талабингни айт!

С е л и я

Бундан буён, майлига, сен қайда юрасан —
Уч йилгача сўз демайсан, соқов бўласан.

(Петер қалтириб кетади.)

Лабларингга босдим ҳозир қайноқ лабимни,
Муҳрадим демакки мен айтар гапингни.
Уч йилгача бирор сўз деб очмассан оғиз,
Уқдингми, хўш?

(Петер таъзим қилади.)

Фаму кулфат келса ҳам шаксиз,
Орзу борми, армон борми, не бор дунёда,
Сўз билан сен этмагайсан фикринг ифода.
Қаҳқаҳанг ҳам, бўзлашинг ҳам ботин бўлғуси,
Сабр-тоқат ва бардошинг метин бўлғуси.

Бесас, бедил, бамисоли тунги зиндон бўл,
Ташландиқ бир қудуқ каби ғафлат макон бўл.
Сукунатнинг зимистондай мозори бўлгил,
Ўз тилингнинг жаллоди бўл, тунд зори бўлгил.
Ҳозиргина, оҳ, рицарим туриб ёнимда
Қасам ичдинг, айтган сўзинг турар ёдимда.
Пайти келди ва бошланди даҳшатли фурсат,
Бўса сўраб ҳузуримда чекдинг кўп ҳасрат.
Муҳаббатим дарвозасин сен очмоқчийдинг,
Дўстларингга буни айтиб мақтанмоқчийдинг,
Ана, энди оғзингда қулф, чоранг йўқ бўлак,
Қасам ва урф нималигин сен билсанг керак.
Турли-туман бойлик билан ўрадинг мени,
Хатто дадил хотинликка сўрадинг мени.
Менинг лазиз лабларимдан бўсалар олдинг,
Аммо мудҳиш қасамга сен боғланиб қолдинг.
Уч йил чида, уч йилгача чиқарма садо,
Сийлагайман бу уч йиллик сукутни, аммо!
Розимисан? Чидаганга чиқарган, рицарь.

(Петер сўзсиз таъзим қилгач, чиқа бошлайди.)

Тўғри жавоб қилдинг, шоввоз!

Парда

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша жойда, бир йилдан сўнг. Қуёшли баҳор куни. Селия, Жанетта, Монна Меа ва Карлотта қадимий бир кўшиқни ўрганмоқдалар. Уларнинг овози парда кўтарилгунча эшитилади. Улар ҳамшагидек сўзана устида энгашган, зериккан бир ҳолда.

Т ў р т о в л о н

(куйлайдилар)

Юрак йиғлар, кўксимда ғам,
Дилимда бир туғён бор.

С е л и я

(Уларни тўхтатиб, қулоқларини бекитади.)

Эҳ, ёлғонга кўп устасиз!

(Улар қўшиқ айтишдан тўхтайдилар.)

М о н н а М е а

Қанақа ёлғон?

С е л и я

Ўрганолмай оворамиз анчадан буён.
Куйи бўлса изтиробли.

Ж а н е т т а

Нерино, ҳай-ҳай,
Неаполдан олиб келмиш сен учун атай.

К а р л о т т а

Теримни шил, ўлай агар, ўрганолмадим.

(кулишади)

С е л и я

Қулоқ борми?

К а р л о т т а

Бор!

(Унинг қулоғини Селия ушлаб кўради.)

М о н н а М е а

(бўйсунган ҳолда)

Қайтадан бошлаймиз тагин.

С е л и я

Сизлар менинг ишорамга қилинг эътибор,
Тўрталамиз баб-баробар бошлаймиз такрор.

Т ў р т о в л о н
(куйлайдилар)

Юрак йиғлар, кўксимда ғам,
Дилимда бир туғён бор.
Кетди йироқ азиз ҳамдам,
Ундан дарак йўқ зинҳор,
Қайтарсанми, дўсти нажот?
Сенсиз менга йўқ ҳаёт...

(куладилар)

С е л и я

Энди сал-пал ўхшаётир.

Ж а н е т т а

У кўҳлик йигит!
Муסיқада жўр бўлсайди — яхши чиқарди.

К а р л о т т а
(энтикиб)

Ширин йигит!

М о н н а М е а

Жозибадор.

С е л и я
(тунд, жаҳлдор)

Ҳаддан ошмангиз!
Ҳуд-беҳуда валдирашиб, бўлманг гуноҳкор.

(тикишни кўрсатади)

Ип чуватиб имиллаймиз бир йилдан буён,
Кўрмайсизми, тикишимиз битмайди ҳамон.

Ж а н е т т а

Ростин айтсак жонга тегди шу ишлар бари.

М о н н а М е а

Монастирнинг хужрасида ётган мисоли.

Ж а н е т т а

Эртадан-кеч уй ичида, хонанишинмиз.

К а р л о т т а

Хаёл қилсак бирор фурсат бошқа нарсани,
Ўйлайманки парвардигор айбга буюрмас.

Ж а н е т т а

(деразадан қараб)

Яйраб юрсанг чаманзорлар бағрида, қани,
Олам баҳор оғушида, яшнаган, сармаст.
Биз бўлсак-чи, тикиш билан овора тун-кун,
Ўйнаб-кулиш бегонадир, эвоҳ, биз учун.

К а р л о т т а

Қартайганда мен художўй бўларман балким,
У пайт оташ нафас била иситмас ҳеч ким.

Кўчадан гўс ноғора овози эшитилади.

Ж а н е т т а

Кўчаларда сайр этмоқда севги, муҳаббат,
Сен эса-чи, хона ичра сўлғин ва карахт.

Дерзани ланг очайлик, баҳор — ишқ демак,
Оча қолай, а, Селия.

С е л и я
(унча қаршилиқ қилмай)

Ёпсанг-чи, тентак!

Жанетта дерзани очади. Хонага қуёш нури, мусиқа қуйи-
лади.

К а р л о т т а
(қизиқиб)

Ким экан у чалаётган?

Ж а н е т т а

Жонглёр, омадсиз!
Аммо-лекин оҳанглари майиндир, шаксиз.

Ж о н г л ё р
(куйлайди)

Мажор рицарь бор эди
Ботирлардан ботирроқ.
Келди Мажористондан
Италияга бир чоқ.
Ошиқ эди бечора,
Юраги тилка-пора.

(аёллар куладилар)

Шўрлик мусофир ошиқ,
Чорасиз юрар эди.
Ёр эшигин тагида
Туну кун турар эди.
Бамисоли ярим ой
Кўнгли синиқ, ҳойнаҳой.

(Аёллар бир-бирларига қараб олишади. Селия ўзини ноқу-
лай сеза бошлайди.)

Шавкатли рицарь бир кун
Айтди: “О, соҳибжамол,
Битта бўса сўрайман,
Шартинг бўлса айта қол.

*(Аёллар дафъатан чўчиб тушадилар. Селия деразани
тез ёпишга ишора қилади.)*

Сенинг бир бўсанг учун
Не тиласанг берайин”.
Ёшгина бева эса...

*(Жанетта деразани бекитади. Музыка тинади, жимлик.
Аёллар бир-бирларига қарайдилар.)*

С е л и я

Менинг номим булғамоқчи бўлган ким, ахир,
Карлотта, тез ўша бадбахт жонглёрни чақир.

М о н н а М е а

Тилла билан оғзига ур, бас бўла қолсин.

Ж а н е т т а

Ҳикоясин сўзлаб берар, у кела қолсин.

Карлотта тезгина чиқади.

С е л и я

(Жанеттага қараб)

Булбул каби куйлайдиган муҳаббатми ё
Шармсизлик ифодаси — туйғу беҳаё?

(терс бурилади)

М о н н а М е а

(киноя билан)

Қайдам, қўшиқ сен ҳақингда эмасдир, балким.

С е л и я

Ёш бева дер! Хўш, ёш бева мен бўлмасам, ким?

Ж а н е т т а

(у ҳам киноя аралаш)

Ажаб эмас, фавқулодда ўхшаб қолса гар.

С е л и я

Деразамнинг нақ тагида куйлар дарбадар.
Ёр демайман, худо дейман кундузми-тунми,
Катта-кичик масхаралаб кулсин учунми?

(*Ўйга толиб ўтиради.*)

М о н н а М е а

Келган эди бу ерга у бир йил муқаддам.

Ж а н е т т а

(у ҳам фикрчан)

Ёвқур сарбоз, фазилатлар унда мужассам!
Изтироблар дарвозаси қошида бесас
Сўнгги бўса олган эди.

С е л и я

(*бошини кўтариб*)

Қийнамангиз, бас!

Ж а н е т т а

Юрагингдан урганмиди? Қўмсарсан бир оз.

С е л и я

Ўшаними? Бир мартаба кўрганман, холос.

М о н н а М е а

У ҳақида эшитмадинг демак ҳеч хабар?

С е л и я

Йўқ.

М о н н а М е а

Ва лекин билиб қолмиш жонглёр дарбадар.

С е л и я

Қисматидан беҳабарман унинг мутлақо,
Қаёқларда юрибди у? Кенг эрур дунё.
Тирикми у? Ким билади? Топдими ажал?
У ҳақда мен ўйламайман, ишон ҳеч маҳал.

Ж а н е т т а

Яна қайта келиб қолса рицарь мабодо
Уни қандай қаршилардинг?

М о н н а М е а

Ўшандоқми, ё...

С е л и я

(феъли айнаб)

Йўқ, эсимни емас эдим иккинчи марта,
Бўсани у жорий этган элга, албатта.
Йўқса дайди жонглёр уни билмасди ахир,
Эшитмаган бўлардингиз сизлар ҳам ҳозир.

Эшик очилиб, Карлотта ва Беппо киради. Беппо чолғу
асбоби билан, жулдур кийимда. Аёллар дастлаб уни танимай-
дилар.

Ж а н е т т а , М о н н а М е а

Беппо?

Б е п п о
(таъзим қилади)

Яъни худди ўзим, Беппо бус-бутун.

С е л и я

Бу — сенмисан? Масхарабоз, чайқовчи, маймун.
Лўттибозу қув, ҳийлагар, доғули, айёр,
Тайини йўқ ашулачи, сенмисан, маккор.

Б е п п о
(ўзини оқлаб)

Афв этгайсиз, мен шунчаки арвоҳ эрурман,
Оҳ, аввалги ҳолатимга қандоқ келурман.
Хўжам билан кўрдик қанча жангларки, қаттол,
Чап қўлимни яралади мажусий дажжол.

(кўрсатади)

Бундан бошқа жароҳат ҳам анча-мунча бор.

К а р л о т т а

Вой, худойим!

Ж а н е т т а

Ростданми, а?

М о н н а М е а

Кейин-чи? Кейин?

Б е п п о

Ундан кейин икков қолдик, жанг бўлди қийин.
Монквеверни тарк айладик, олишдик чунон,
Ғаним бизга, биз ғанимга бермадик омон.

С е л и я

Фақат икков қолдингизми?

Б е п п о

Икковлон эдик,
Лекин, хўжам, меҳрингизга зор бўлди, шўрлик.

С е л и я

Ишқ дардидан халос бўлиб, хўжанг бахтиёр,
Сен-чи, мени дoston қилиб юрибсан, гаддор.

Б е п п о

Бир ҳафтаки, бу жойларда сарсон юрибман,
Кечир мени, дайдиларга шерик бўлибман.
Одамларнинг эътиборин тортмоқлик учун
Қўшиқ тўқиб, буни чалдим етганча кучим,
Энди эса чолғу-полғу менга не керак.

(Чолғусини синдиради.)

С е л и я

Сен бу ерга мадад сўраб келгансан, демак?

Б е п п о

Илтифот ё марҳаматинг менга нозарур,
Мен епископ Ранцанонинг тилмочи эдим.
Қочиб қолдим епископни чалғитиб базўр,
Ота-онам яшар бунда, кўргани келдим.
Энди эса хўжайинга борайин илдам,
Айтай, яшнаб кетганингни аввалгидан ҳам.

К а р л о т т а

Мақтовларни келиштирар Беппо, албатта!

С е л и я
(жилмайиб)

Унга бир оз ақча бергин — пул бер, Карлотта.

Б е п п о

Йўқ, керакмас, гар этигим йиртиқ ва ямоқ,
Садақани эп кўрмасман ўзимга бироқ,
Қарзларимни қайтаришар, бордир пулим ҳам,
Соҳибимга ёрдам бергин, яхшиси, бекам.

С е л и я

Яна қайта бошладингми? Хўжанг қайдадир?

Б е п п о

Тевтонларни қийратмоқда! Узоқ жойдадир.
Ҳайратомуз эрур унинг жасоратлари,
Қаршисида зир титрайди осийлар бари.
Қийратади ва айни вақт кутади ажал,
Уни бўсанг маҳв айлаган чунки бир маҳал.

М о н н а М е а

Макр тўла гаплардир бу!

Ж а н е т т а

Қуруқ сафсата!

С е л и я

Соҳибингнинг аҳволини ўртага солиб,
Балки менинг юрагимни юмшатмоқчисан?
Жангчи экан, ўқ ейди-да мағлубми, голиб,
Ўлади ҳам— модомики ёлланган экан.

Б е п п о
(кулиб)

Ким ёлланган? Нима дединг? Менинг хўжам-а?

Ж а н е т т а

Ҳа-да.

Б е п п о

Йўқ-йўқ, менинг хўжам энг жасур аскар.
У бор жойда унча-мунча ботир ҳеч нима,
Қирол билан улфатчилик қилади аксар,
Жангларда ҳам, кенгашда ҳам қирол йўлдоши,
Матяш билан ўйинларда, базмда бирга.
Йироқ-йироқ ўлкаларга довуғи ошди,
Ҳузурида ҳатто Турчин қарайди ерга.

С е л и я

Шундоқ экан, нима уни қийнайди ахир?

Б е п п о

(бақираёзиб)

Гап шундаки, соқов бўлиб қолди соҳибим,
Оти — Петер Агардимас — Соқов Петердир.

С е л и я

(қўрқувда, титраб)

Соқов!

Ж а н е т т а

Соқов?

К а р л о т т а , М о н н а М е а

(бир-бирига шивирлаб)

Соқов эмиш, шўрлик, безабон!

С е л и я

Қайси жангда тилидан у айрилиб қолди?

Б е п п о
(бошини чайқаб)

Карахтликдан.

(уйни кўрсатиб)

Ушбу уйда бўлганди меҳмон,
Ўша маҳал... бир йил бурун, тили йўқолди.
Унинг тилин излаб келдим Мажористондан,
Соҳибимнинг забонини сўрайин кимдан?

С е л и я
(тунд)

Қолган бўлса унинг тили бу уйда агар,
Марҳамат қил, ахтариб кўр, марҳамат, ахтар!

Б е п п о

Хўжайиним ушбу уйга кирдию бирров
Соқов бўлиб қолди шўрлик, чинакам соқов!

С е л и я
(қониқиш билан)

Қандоқ азоб! Соқов бўлиб қолмиш Агарди!

Б е п п о

Жуда оғир, жуда оғир рицарнинг дарди,
Гапирмайди у, вассалом, чиқармас садо!

С е л и я

Менинг айбим нима ахир?

Б е п п о

Гап шундаки, о,
Бўсадан сўнг соқов бўлиб қолди рицарим.

К а р л о т т а

Бас қил, Беппо, борми сенда ҳаё ва шарм.

Ж а н е т т а

Бўса тотли бўлган эди, ўзингда гап бор!

С е л и я

Аблаҳ! Қайсинг бу иғвони тўқидинг, айт-чи,
Ўзингми ё хўжайининг?

Б е п п о

Кечиргин, зинҳор!
Тушунмадинг, қайта бошдан такрор этайин,
Мутлоқ соқов бўлиб қолган, соқов хўжайин!
Соқов одам қандоқ қилиб сени айблаиди.
Оҳ, қанийди сенда ҳам қалб, юрак бўлсайди!
Хўш, у ҳолда не бўларди? Айт дилинг ёриб.
Ўзинг бориб даволардинг, ёнига бориб.

С е л и я

Ўзим бориб?

Б е п п о

Ҳа, борардинг Паннон томонга,
Қолаверса, узоқроққа, Мажористонга!

Ж а н е т т а

Сен эсингни ебсан буткул!

М о н н а М е а

Табибмас-ку у,
Беморни то даволаса тайёрлаб дору?

Б е п п о

Гапинг тўғри, унга теккан гаройиб касал,
Табиб ёрдам қила олмас унга, филмасал.

Ж а н е т т а

Қанақанги дард экан у?

С е л и я

Қанақа дард, хўш?

Б е п п о

Хафақонлик, ҳасрат уни қийнайди нохуш,
Ўйлаймизки, унинг дардин даволаш мумкин!
Аммо қандоқ дори даркор? Аммо қай йўсин?
Касалми у ё атайлаб ичганми қасам?
Соқовлигин боиси не? Мутлақо мубҳам!

Ж а н е т т а

(Селияга нисбатан бирмунча шубҳа аралаш)

Бир озгина сирли экан касали...

С е л и я

Шундоқ!..

Б е п п о

Кимки уни даволаса, шу лаҳза, шу чоқ
Қиролимиз беражакдир бир этак олтин,
Матяш — яъни бизнинг қирол кўп сахий локин.

Ж а н е т т а

Ҳазил гапмас шунча бойлик.

С е л и я

Каттакон сийлов!

К а р л о т т а

Уддалолсам, даволардим мен уни дарров.

М о н н а М е а

Топилсайди бирор чора...

Б е п п о

Оҳ, қисмат золим,
Бош қотирди қанча-қанча бекалла олим,
Игналарин кўтаришиб дўхтирлар келди,
Не-не фолбин, маҳмадона учқурлар келди,
Келиб кўрди Европадан табиб — пўримлар,
Қолмади ҳеч қилинмаган ирим-сиримлар.
Ҳунарини аямади мунажжимлар ҳам,
Ўт ҳам, сув ҳам бўллмади дардига малҳам,
Рицарь бесас, рицарь соқов, садо чиқармас.

С е л и я

Шифо топиб бўлармикан дардига, хуллас!

Б е п п о

Оҳ, маликам, тузалар у, гапнинг очиғи,
Керак унга муҳаббатнинг ширин қичиғи.
Севги унга қисмат эрур, сенга-чи эрмак,
Рицарь севар фақат сени, сен — шифо демак.

С е л и я

Гапни бунча оширмасанг.

Б е п п о

Истасанг дарров
Тилга кириб кетар эди қаҳрамон соқов.

С е л и я

Бўлмаган гап!

Ж а н е т т а

Гар кулиги бўлса ҳам, зинҳор,
Бекам, унинг гапларида мутлақо жон бор.

Б е п п о

Баҳодирни даволасанг — баҳукми тақдир,
Қирол Матяш назарига тушасан ахир.
Италия бўйлаб сенинг шонинг таралгай,
Ўйлаб кўргин, шуҳратингга имкон яралгай.

С е л и я

Эпларманми?..

М о н н а М е а

Ҳа, эплейсан!

Ж а н е т т а

Ўрнингда бўлсам,
Таваккал иш тутар эдим ўйламай ҳеч ҳам,
Рицарь учун эмас, балки илтифот учун,
Бахт-саодат келтирувчи мукофот учун.

С е л и я

Эпласам-ку дурустку-я.

Б е п п о

Эплашинг мумкин.
Маликага сингил бўлиб қолажаксан сўнг.
Паннонияда яшар гўзал қироличамиз,
Маликамиз, яъни тенгсиз Беатричемиз.
Кўп ҳурматли бўлажаксан балки саройда.

С е л и я

Хунарингни қилолмайсан, иблис, бу жойда!
Қани, айт-чи, эплотмасам агар дафъатан,
Бош кўтариб, нима деган одам бўламан?

Б е п п о

Модомики ишонмайсан ўзинга, бекам,
Айтиб кўяй, дарҳақиқат, оқибатни ҳам!

С е л и я

Хўш, хўш, қандай оқибатни айтмоқчисан, хўш?

Б е п п о

Шартга бошинг узиб ташлар Даҳшатли Лайош!

С е л и я

Лайошинг ким?

Б е п п о

Жаллодларнинг каттаси, зўри.

Ж а н е т т а

Нега аввал айтмагандинг, оҳ, ёвуз бўри.

С е л и я

Нега энди қатл этади?

Б е п п о

Ажабмас асло,
Қиролимиз жондан тўйди энди мутлақо.
Қайси табиб эплотмаса рицарни агар
Қирол айтди, боши кетар шаксиз, муқаррар.

С е л и я

Шафқат йўқми?

Б е п п о

Шафқат бор-у бойларга фақат.

С е л и я

Хўш, қанча пул афв учун бўлар инобат?

Б е п п о

Тирик қолай десанг агар — йигирма беш минг.

С е л и я

Дарҳақиқат, бир каллага арзийдиган нарх.

Ж а н е т т а

Арзийдими, йўқми — сенга бари бирмасми?

С е л и я

(шунчаки)

Ана, энди бу иш мени қизиқтирмоқда.

Ж а н е т т а

(қўрқув билан)

Эсу ҳушинг жойидами?

С е л и я

Қўрқма мутлақо!

Жон чекмасанг бирор зафар келибди қачон,
Жасурларга кулиб боқар омад бегумон.

(Беппога)

Айт, қўлимдан келармикан уни даволаш?

Б е п п о

Ишонаман, удалайсан!

С е л и я

Мен ўзим яккаш,
Тилга солиб юборгумдир соқов рицарни.
Ва шуҳратим таралгайдир асрлар оша.
Қиролича Беатриче қошида, яъни
Мартаба ҳам орттираман шунга яраша.
Фақатгина ўжар рицарь тилга кирса, бас!
Эпларманми?

М о н н а М е а

Эпларсанми?

Ж а н е т т а

Йўқса, не бўлар?

С е л и я

(елка қисиб)

Не бўларди? Жаллод Лайош калламни олар,
Йигирма беш минг тиллани тўлайман ёки.
Ҳамроҳ бўлиб боражаксан, Карлотта, менга,

(Жанетта ва Монна Меага)

Сиз ҳам бирга боражаксиз Паннонияга.

(Карлоттага)

Тайёр бўлсин карета ва икки хизматкор!
Тангри қўллар, кимки бўлса гар эҳтиёткор,
Огоҳ бўлгил, йўлтўсарлар учрар, эҳтимол.
Эҳтиётдан яна уч-тўрт қўриқчини ол.

Ж а н е т т а

(қўрқиб кетади)

Вой худойим, қачон ахир йўлга чиқамиз!

С е л и я

Отлангунча бирор ҳафта ўтади сўзсиз.

М о н н а М е а

Бугун қай кун?

Ж а н е т т а

Бугунми, ҳа, душанба!

С е л и я

Демак,
Якшанбада тайёр бўлиб, жўнасақ керак.

К а р л о т т а

Қароқчилар бор эмиш, оҳ, ҳамма томонда.

Ж а н е т т а

Қўрқаяпман!

К а р л о т т а

Оҳ, йўқолиб кетсак ёмон-да!

М о н н а М е а

Етамизми ё етолмай тамом бўламиз?

К а р л о т т а

Учовлон ҳам йўлда балким...

Ж а н е т т а

Ҳалок бўламиз.
Боз устига қаҳратон қиш у ерда ҳоқим.

Б е п п о

То боргунча келиб қолар баҳор ҳам, балким.

С е л и я

(дафъатан, қатъий, ўз-ўзига)

Ҳа, дарвоқе, йироқ сафар олдидан тайин,
Ҳазрат Пётр дуосини олиб қайтайин.
Тангри ўзи мадад берсин, қўлласин гаффор.

(Беппога)

Сен-чи, нокас, қулф соласан оғзингга зинҳор.

Б е п п о

(қасам ишорасини қилиб)

Орамизда қолар бу гап, ишонинг, бекам!

С е л и я

Токи, рицарь боришимни билмасин ҳеч ҳам.

(қатъий)

Ишонаман мени кўргач ҳасрати тарқар.

(Беппога)

Сақдайсанми ушбу сирни, жавоб бер, овсар?

Б е п п о

(таъзим қилиб)

Ишонавер, о, маликам, шу қасам гаров.
Соҳибимдек мен ҳам бўлгум бутунлай соқов.

П а р д а

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Австриядаги Хайнбург қасри. Қирол қабулхонаси. Ҳашам-ни яхши кўрадиган инжиқ итальян аёли Б е а т р и ч е нимқорон-ғи бу хонани ўз дидига мос беаган. Деворларда авлиёларнинг суратлари. Гидамлар. Кенг ёзув столи, қалайи сиёҳдон, патқалам, кумуш кўнғироқ, қоғозлар. Ўнг ва чапда ётоқхона эшик-лари. Уй тўрида балкон, иккита зина. Каттакон дарпардалар, қироличанинг энагаси Н а р д е л л а дарпардаларни суради. Кеч-ки шафақ хонани ёритади. Узоқдан орган садолари эшитилади. Олдинда қирол масхарабози Т и р и б и турк столи ёнидаги ска-мейкада ўтириб ошиқ ўйнамоқда.

Н а р д е л л а

(дарпардани сураётди)

Ўйин жонга тегмадимми, ҳой, масхарабоз...

Т и р и б и

(ошиқ ташлаб)

Суягингни чумолилар айласин пардоз.
Эшитдимки, сен эмишсан имонсиз сўтак,
Мижозингга ёқар эмиш бегона эркак.

Н а р д е л л а

Эрим бор-ку.

Т и р и б и

Нега энди гап чуватасан,
Эринг қурчоқ — ҳар мақомда жилпанглатасан.

М а р ц и о

(чап эшикни секин очиб)

Рухсат этинг!

(киради)

Н а р д е л л а
(хурсанд)

О, Марцио, азиз ҳамшаҳрим,
Кўп хурсандман...

Т и р и б и

Хуш келибсиз, мирзои пирим.

М а р ц и о

Мени қабул қилмоқчийди қиблагоҳ қирол.

Т и р и б и

Жаноб ҳозир капеллада.

М а р ц и о

Кутгайман, алҳол.

(ўтиради)

Т и р и б и

Оҳ, гижжакнинг овози соз.

Н а р д е л л а

Эшит яхшироқ.

*(Эшикларни очади, муסיқа овози аниқроқ
эшитила бошлайди.)*

М а р ц и о
(ҳайратда)

Органми бу? Хайнбургда янгилик мутлоқ!

Н а р д е л л а

Паннониядан келтирилган... Хуллас, бари соз.
Маликамиз ҳимматидан сарой қўшиқбоз.

М а р ц и о

Шундоқ бизнинг қиролича.

Н а р д е л л а
(тантанавор)

Ўзимга раҳмат!

М а р ц и о

Ўзинг уни улғайтирган, чеккансан заҳмат.

Н а р д е л л а
(ҳануз тантанавор)

Кўрагимни олганлари эсимда ҳамон,
Айлансами чақалоққа малика шу он.

Т и р и б и

Ва сен қайта эмчак берсанг.

М а р ц и о
(Тирибига)

Опқочасан-а
Қандай янги гаплар бор. Хўш, сўйла росмана!

Т и р и б и
(ошиқ ташлаб)

Ҳаммаси ҳам олди-қочди.

М а р ц и о
(ошиқни кўрсатиб)

Кўриб турибман.

Т и р и б и

Австрийцни қувладик ва Хайнбург сарсон.

М а р ц и о
(қўл силтаб)

Сенга айтсам, бекор юриб гап сотиш осон.

Т а р и б и

Дарвозасин очса Вена — бизники зафар.

М а р ц и о

Эҳ, Венани қўйиб тургин, у кони хатар.

Т и р и б и

Қиролимиз масалани ҳал қилар бешак,
Сен азамат жангчиларни кўрмабсан демак.
Йўқса ҳозир бойқуш каби тақилламасдинг,
Олиб бўлмас Венани деб вақилламасдинг.
Айтиб қўяй ҳозир сенга, бўлай ҳар нима,
Хайнбургда турсак ҳамки, бир қадам Вена.

М а р ц и о

Хўш, қиролнинг кайфи қалай? Биларсан сири.

Т и р и б и

Қиролимнинг кайфияти сиркадек ширин...

М а р ц и о
(ташвишланиб)

Йўғ-е, йўғ-е, кўп оширма,

Т и р и б и

Азизим, мана.

Гап олмоқчи бўлаяпсиз мендан росмана.

Н а р д е л л а

Нимани ҳам билардинг сен!

Т и р и б и

Орбанни кўрдим.

М а р ц и о

Епископ Дьерскийни-я?

Т и р и б и

Хазинадор, у билан мен суҳбат ҳам кўрдим.
Гап шундаки, сенга бугун чақа ҳам тегмас,
Аскарлар ҳам моянасиз қолибди хуллас.

(Марцио бошини чайқайди)

Модомики, аҳволинг вой, чўнтак қуп-қуруқ...
Демак, ҳар хил суҳбатларнинг ҳожати ҳам йўқ.

М а р ц и о

Мени қабул қилмоқчийди қиблагоҳ қирол.

Т и р и б и

(огоҳлантириб)

Гап ортиқча!

Марцио жим қолади.

Хос кийимда муҳрли нома кўтарган ҳолда Петер кириб
келади.

П е т е р

*(Тириби ва Галеоттоларга бош ирғаб, Нарделлани
кўриб тўхтайди)*

Т и р и б и

Қиблагоҳга салом учун келдинг ҳойнаҳой?

П е т е р
(*Тасдиқлаб бош ирғайди.*)

Н а р д е л л а

Муסיқани тинглаш билан банд соҳиб сарой,
Кейинроқ бир хабар олгин.

П е т е р
(*иккиланиб туради*)

Т и р и б и

Сенга бари бир...
Жим ўтириб кута бергин, соқовсан ахир,
Сухбатлашар келиб қолгач қиролнинг ўзи.

П е т е р
(*бош чайқаб қўлидаги номани столга
қўйишини англатади*)

Н а р д е л л а

Биласан-ку бу сафар ҳам одатдагидек,
Столга қўй, то илғасин қиролнинг кўзи.

П е т е р
(*ҳаммасини айтилгандек бажариб, Марцио,
Тириби ва Нарделлага таъзим қилиб, чиқиб кетади*)

М а р ц и о

Бу гаранг ким? У дунёдан келганга ўхшар!

Н а р д е л л а

У — Агарди Петер!

Т и р и б и

Яъни, Матяшга аскар,
Соқов Петер! Тўғрироғи, соқов баҳодир.

М а р ц и о

Бу — ўшами?

Т и р и б и

Худди ўзи!

М а р ц и о

Италиядан
Соқов бўлиб қайтган рицарь, демак, ўшадир?!

Т и р и б и

Худди ўзи деяпман-ку, дoston ҳар иши,
Ҳар ишини дoston қилган — қайтмас қиличи.

М а р ц и о

Мўъжизалар кўрсатган у соқов ҳолида...

Т и р и б и

Тиг доврўғи шеър, қўшиқдан баланд ҳамиша.

М а р ц и о

Наҳот шўрлик то ўлгунча соқов қолса-я!

Т и р и б и

Ким билар, у — итальянча касал бўлса-я.

(ирғиб туради)

Оҳ, Нарделла, ичиб келай бирор қултум май.

Н а р д е л л а

Майхўр зоти турармикан бир лаҳза ичмай.

Т и р и б и киради.

Т и р и б и

Узум шаффоф, шароби-чи, ундан яхшироқ,
Май ичишга тайёрман мен, Марцио, ўртоқ.

М а р ц и о

Худо сени ёрлақасин.

Т и р и б и кетади.

Н а р д е л л а

Ичар ўтириб,
Қиролича мажор эмас, ўзга миллатдан
Дейишгача бориб етган булар қутуриб.

М а р ц и о

Ҳай, қўя қол бу гапларни, жоним энагам,
Қироллардан сўз юритмоқ бизларнинг ишмас.
Сийёсатда боёнларнинг ўзлари ҳакам.

(эҳтиёткор)

Бошқа гап бор иккаламиз сўзлашсак агар.

Н а р д е л л а

(қизиқиб)

Қанақа гап?

М а р ц и о

Маликадан ўзинг бохабар,
Энагасан, у ҳам сени ёмон кўрмайди.

Н а р д е л л а

Тўппа-тўғри, гарчи, бир оз бефарқ маликам,
Лекин мендан юз бурганмас, илло бурмайди.

М а р ц и о

Шу кунларда меҳмон келди Италиядан,

(бошқа оҳангда)

Ўзинг ахир итальянсан...

Н а р д е л л а

Бешубҳа, чиндан!

М а р ц и о

Эса, гала мажорларнинг орасида биз,
Бир юртдошга ёрдам берсак савоб бўлади.

Н а р д е л л а

Хўш, нима иш қилай, айтгин?

М а р ц и о

(узукни олиб)

Мана буни ол,
Совға ҳали мўл бўлади, келмасин малол.

Н а р д е л л а

(узукни тақиб)

Нечун бунча мулозамат?

М а р ц и о

Римдан меҳмон бор.
Аёл киши, ҳурматини қилмоғинг даркор.

Н а р д е л л а

Қандоқ хурмат? Тушунмадим?!

М а р ц и о

Хулласи калом,
Маликага рўбарў қил уни, вассалом!

Н а р д е л л а

Бирор ҳуқуқ ё имтиёз туфайлими, ё...

М а р ц и о

Сен чўчима! Керак эмас имтиёз асло,
Ўзим борман, қолган ишга мен ўзим пешкаш.
У аёлни сен билмайсан, у жуда дилкаш,
Ярим дунё божин берар у аёл учун,
Ундан мактуб оласан ва топширасан сўнг.
Маликага эса бугун учраштирмоқ шарт.

Н а р д е л л а

(ҳаяжонда)

Ҳаммасини бажараман, келсин, унга айт!
Фақатгина тезроқ, тезроқ!

М а р ц и о

(нозик табассум билан)

Шу ердадир у,
Тўғрироғи, ўнг томонда, хиёбон ёқда,
Хос маъбуда ҳайкалининг қошидадир у,

Н а р д е л л а

Қиммат ҳайкал!

М а р ц и о

Жориялар билан бечора
Фусса чекиб, худойимдан сўрайди чора.

Н а р д е л л а

Шўри қурсин, оҳ, муштипар италян аёл.

М а р ц и о

Биласанми, энг яхшиси, ўзинг бора қол
Ва тосканча лаҳжа билан кўтар кўнглини,

Н а р д е л л а

(бораётиб)

Нима деб гап бошлайин, хўш, кўрганда уни?

М а р ц и о

Сал кейинроқ яна қайта келаман, деб айт.

Н а р д е л л а

Майли, кетдим! Аммо-лекин ўрнингдан жилма,
Бу ишларга бурун тиқиб, фикримни бўлма!

Нарделла чиқади. Жимлик. Марцио эшик томон
бориб мусиқа тинглайди, эшикни очади, ўнгга бурилиб,
бирдан таъзим билан қотиб туради. Матяш ва
Беатриче кузатувчиларсиз кириб келади.

Б е а т р и ч е

(эркаланиб)

Ёқдим, хўш, ҳамюртларим санъати қалай?

М а т я ш

(сертакалуф)

Ниҳоятда жозибадор, ростини айтай.
Сен сабабкор — яшнаб кетди Хайнбург қасри.
Юракларни қисадиган тунд эди асли!

Б е а т р и ч е

Энди эса, кўряпсанми?..

М а т я ш

Бошқача мутлоқ,
Қон тўкилган майдонларда чечаклар порлоқ.

(Марциога кўзи тушиб)

Марцио ҳам шу ерда-ку? Ҳой Галеотто!

М а р ц и о

(олдинга чиқиб, таъзим қилади)

Мени қабул қилмоқчийди қиблагоҳ қирол.

(Беатричега таъзим қилади)

Ва қиролича!

Б е а т р и ч е

(хуррам)

Хурсандман ғоят.

М а т я ш

Қандай қабул?

(кулиб)

Бўшаб қолган чиқар ҳамёнинг!

М а р ц и о

(маъюс)

Меҳмон бўлиб келган эдим. Ўтди қанча вақт.
Кутаётир Феррарада хотиним, қизим.
Италия томон кетай, берсангиз изн.

М а т я ш

Ҳар бир ишнинг фурсати бор, сабр қил бир оз.

М а р ц и о

Давлатпаноҳ!

М а т я ш

(номани ўқиб, четга улоқтиради)

Билиб кўйгин, сен Будага борасан дарҳол,
Бошимизда эсаётир ёқимсиз шамол.
Папа фақат пул чўз дейди, хўш, пул қаёқда?
Худойимнинг ўзи назар солсин биз ёққа!
Солиқ тушмас, бож тушмайди, хазина бўм-бўш,
Қиролига пул беришга ҳеч кимда йўқ хуш,
Мана, ҳозир келтирмишди Агарди хабар.
Чўнтагида бир чақа йўқ, норози аскар.
Ҳатто отга берай десак емиш, хўрак йўқ,
Номимиз кўп улуғ эрур, супра-чи қуруқ.
Хазинангда пул бўлмаса, уруш урушмас,
Ҳар қадамда битта ғалва, ишинг юришмас.
Ваъда бердим бироқ сенга, азиз Марцио,
Ора йўлда қолдирмасман.

Б е а т р и ч е

(табассум билан)

Қолмассан, асло.
Ўз ҳақингни олажаксан Будада бешак,
Қирол сени алдамайди, хизматинг юксак.

М а т я ш

Парвардигор, ўзи бизга марҳамат қилгай!

М а р ц и о

(таъзимда)

Оҳ, шундоқ бўлгай.

М а т я ш

Омон-эсон то Будага бормоғинг учун
Карвон билан қўриқчилар берилар сенга,
Соқов Петер шайлар сени, буюрдим унга!

М а р ц и о

Сизга ўзи паноҳ бўлсин қодир гаффор.

Б е а т р и ч е

Сенга эса оқ йўл берсин.

М а р ц и о таъзим қилади. Пауза. Беатриче унинг изидан
тунд қараб қолади. Матяш Беатричени кузатиб туради.

М а т я ш

(хўрсиниб)

Шўрлик Марцио...

(Беатриче тетиклашади)

Жининг суймас, биламан.

Б е а т р и ч е

Юртдошларим орасида ягона ўша
Тинч бошимга солиб юрар турли хархаша.

М а т я ш

Наҳот сенга ғаним бўлса?

Б е а т р и ч е

Очиқ-ойдин гап.
Шаҳзоданинг асабини юради қайраб.

М а т я ш

У бошқа гап! Ўғлим Янош инсофли, тоза!
Бордир унда истиқболга лойиқ андоза.

Б е а т р и ч е

Сенинг ўғлинг! Қиролича туғмаган лекин.

М а т я ш

(файласуфларча)

Энг муҳими — отаси мен! Этганман бунёд.
Ёлғиз ўғлим! Меросхўрим, ягона зурёд.
Бўлак кимга қолар эди Италия тахти?
Чор-атрофда фикри бузуқ, очкўз боёнлар
Бамисоли хира пашша, ўтказар умрин,
Теги зоти ғар, бузуқи, номаълум жонлар.
Хўш, ўзингнинг отанг-чи, хўш, ўзингнинг отанг?
Альфонсонинг зотдор ўғли, ўйнашдан бўлган,
У ҳам қанча ҳаром фарзанд ясаб улгурган.
Демоқчиман, Яношни сиз юзимга солманг,
Иштони йўқ бошқалардан қулса яхшимас.

Б е а т р и ч е

Хайнбургни зулмат қоплаб келмоқда тагин,
Бахтсизман, оҳ, сочмоқдасан қаҳр-ғазабинг.

М а т я ш

(юмшаб)

Ундай дема, бир лов этиб сўнгра ўчаман,
Сенинг дилбар хаёлингга тагин кўчаман.
Энг яхшиси, гаплашмайлик бу ҳақда, жоним,
Энгаш менга.

Б е а т р и ч е

(жилмайиб энгашади)

Қуллуқ, қиролим.

М а т я ш

(нешонасидан ўнади)

Ҳукм сурсин осойишталик.

Ичкаридан Нарделла чиқади.

Ким экан у? Энагами? Хўш, нима керак?

Н а р д е л л а
(каловланиб)

Ҳазрат...

Б е а т р и ч е

Нега келдинг?

Н а р д е л л а

Нима эди... Ҳалиги... ҳа.

Б е а т р и ч е

Шошмасдан гапир!

М а т я ш

Қопқондаги тулки каби думингни бурма,
Нега келдинг? Эшитайлик! Айтиб бер ахир!
Германми, Турк — қайси бири жўнатди сени?

Н а р д е л л а

Йўқ, йўқ! Ҳеч ким жўнатганмас, мен ўзим келдим!

М а т я ш

Муродинг не?

Н а р д е л л а

Қабулингда мусофир аёл,
Ҳасратини сўйламоқчи, ҳиммат қила қол!

Б е а т р и ч е

Эрта келсин!

М а т я ш

Нега энди қараб турибсан?

Н а р д е л л а

Бир зарурат туфайли у сарсон бўлибди,
Қабул қилгин, атайин у Римдан келибди.

Б е а т р и ч е

(қизиқиб)

Римдан? Балки итальяндир?

М а т я ш

Мақсади нима?

Н а р д е л л а

Маликамиз изидан у бечорагина
Отланибди Ножон томон Будададан чиқиб,
Ва ахийри Хайнбургга келибди етиб,
Ёнида бор қўриқчиси, жориялари,
Кўп хатарли йўллар ошиб, келмиш сиз сари.
Раҳм қилинг, қўллаганни ахир қўллапти,
Пир ҳазратим сизга ундан мактуб йўллапти.

Б е а т р и ч е

Бизни гоят қувонтирар бундайин мактуб.

М а т я ш

Уни аёл келтиргани фақат номатлуб.
Модомики, сен хоҳлайсан.

Б е а т р и ч е

Римдан келибди,
Тўхтамасдан, биз томонга атай елибди.

(Нарделлага)

Айтгин, кирсин!

(тантанавор)

Италия, сенда эрур доим хаёлим,
Сенинг мовий кўрфазларинг тушда кўрарман.
Соғинч билан, умид билан сўнар мажолим,
Ватаним, деб сенинг учун ёшлар тўкарман.
Менинг соғинч гулларимни денгизлар мавжи
Элтсин энди у қадрдон диёрга, ҳайҳот.
Неаполда қиролича эдим, энди-чи,
Қайтолмасман, айри тушдим юртдан умрбод.

М а т я ш

Қиролича эурсан-ку Мажористонда,
Бордир ахир бунинг ҳам сал аҳамияти.

С е л и я кириб таъзим қилади.

М а т я ш

Берироқ кел, берироқ кел, муҳтарама зот.

Б е а т р и ч е

Итальянмисан?

С е л и я

Сиз сингари, хоним.

Б е а т р и ч е

Дадил, жасур сўзларкансан — менга ёқади.
Сен бегона эмас менга.

М а т я ш

Кимсан сен ўзи?

С е л и я

Сизга соме, исмим эса Селия эрур.
Қаршингизда тиз чўкишдан ҳайиқмагайман.
Ўтинчим бор оддийгина, аниқ, жўнгина,
Ҳазратимнинг мактубини бермоққа шайман.

(таъзим билан номани узатади)

М а т я ш

Пир ҳазратим элчини ҳам топибди ўзи.

С е л и я

Ушбу нома — каминанинг йўлчи юлдузи.

Б е а т р и ч е

Ташвишланма, кимки ўпса ҳазрат қўлини,
Гуллар билан беагайман унинг йўлини.

(Номани очиб ўқийди, жимлик! Нома тиззасига тушади.)

Вой, худойим!

М а т я ш

Нима бўлди? Сенга не бўлди?

(Беатриче жавоб бермайди)

Рангингда ранг қолмади-ку, яширма, не сир?

Б е а т р и ч е

(ўзига келиб)

Энг бебаҳо мактубдир бу! Номаи бахтдир!

М а т я ш

Нималарни ёзмиш папа?

Б е а т р и ч е

(бахтиёр, энтикиб, номани узатади)

Аниқ мўъжиза!

Жимлик. Матяш номани ўқийди. Селия бош эгиб
уларни кузатади.

М а т я ш

(тўнғиллаб)

Сенмисан шу?

С е л и я

(қатъий)

Ҳа!

М а т я ш

(қатъий)

Бошинг кетар, кўрқмайсанми?

С е л и я

(бепарво)

Даволайман! Кўрқувим йўқ шу сабабдан ҳам.
Менга эски таниш эрур Петер Агарди.
Даргоҳимда меҳмоним ҳам бўлганди бир дам,
Мени ҳам тинч қўймаётир рицарнинг дарди.
Бир жасорат ҳис қилдим у ўзимдан ўзим,
Даволайман дея келдим, шул эрур сўзим.

М а т я ш

(масхараомуз)

Сен-а? Сен-а? Даволайсан?

С е л и я

Даволайман, ҳа!

М а т я ш

Билиб қўйгин, юзлаб табиб бўлди шарманда!

С е л и я

(хотиржам жилмайиб)

Мен олгумдир соқовликнинг машғум тамғасин.

М а т я ш

Бошқалар ҳам шундай деган.

С е л и я

Билмам бошқасин!

Гап шундаки, мен улардан кўра қобилроқ!

Б е а т р и ч е

Ахир уни жўнатибди папанинг ўзи,
У алхимик эмас, ахир! Қўзбойлоғичмас.
Имони бор банда экан, рост бўлса сўзи,
Кароматин зоҳир этса, сира ажабмас.

М а т я ш

Кароматчи бўлсанг агар — мададкоринг ким
Ва ўзинг ким?

С е л и я

Менми? Аёл!

М а т я ш

Бор-йўғи шуми?

(масхараомуз)

Аёлларнинг пуч гаплари орасида, рост,
Ёлғиз бир сўз ҳаққонийдир: аёлман дединг.
Қандай гўзал каломдир бу! Этгумдир эъзоз!

(унга қарайди)

С е л и я
(ноз билан)

Нима дердим! Кафилликка етади шу ҳам!

М а т я ш

Бекинмачоқ ўйнаяпсан — ғазабим ёмон!

С е л и я

Мен қўрқмайман!

М а т я ш

Сени кутар жаллод болтаси,
Лақиллатган эркак бўлса — дордир жазоси.
Ҳеч қандай шарт керак эмас, товламачилар
Саркардани лақиллатди! Фирибгар улар.
Ундайларга тоқатим йўқ менинг ҳеч қачон,
Жазосини беражакман, қатъий беомон.
Етар энди, чидаб келди рицарь барига,
Табибларнинг кўп бемаъни қийноқларига.
Азобларга бермам энди баҳодиримни,
Ҳар бир ишга ҳам моҳиру ҳам қодиримни.
Ким даволаб уддасидан чиқмаса агар
Сўзим битта: қатл этилар ундай фирибгар!
Уқдингми?

С е л и я

Ҳа!

Б е а т р и ч е

Уринганди баъзи сохтакор,
Ҳаммаси ҳам эплаёлмай чекинди ночор.

М а т я ш

Тирик қолай десанг, билъакс, гап индаллоси,
Йигирма беш минг тиллодир — бошинг баҳоси.

С е л и я

Тонмагайман!

Б е а т р и ч е

Хотиржамсан, қойилман!

М а т я ш

Бироқ,
Шундай гўзал бошдан жудо бўлиш хунукроқ.
Аягайман на муҳаббат, на бахтингизни,
Рицарга ҳам айтдим буни, гапимга йўқ шак,
Уддасидан чиқолмасанг — ўласан бешак!

С е л и я

Чақир, Соқов Петерни тез, муҳтарам қирол!

Б е а т р и ч е

(тантанавор)

Сен итальянсан, шундоқми?

С е л и я

(таъзим қилиб)

Қуллуқ!

М а т я ш
(қўнғироқ чалади, Селияга)

Омадингни берсин-да, ўжар.

С е л и я

Бир сўровим бор!

М а т я ш

Нима эди?

(хизматкор кириб, эшикда тўхтайди)

Маили, кейинроқ.

(хизматкорга)

Қиролича чорлади де, рицарь Агарди
Кирсин бу ён.

(хизматкор таъзим билан чиқади)

Б е а т р и ч е
(Селияга)

Дилингда ҳеч дардинг борми, яқинроқ кел, айт.

С е л и я

Бор!

М а т я ш

Хавотирдасан?

С е л и я

Табибларнинг самарасиз ишидан кейин,
Агардининг ишониши менга ҳам қийин.

М а т я ш

Аmmo азал танишинг у?

С е л и я

Хамма гап шунда,
Қайсарлиги тутмаса деб кўрқаман жуда.

Б е а т р и ч е

Нега энди?

С е л и я
(ёлгон айтади)

Менинг бошим асрамоқ бўлиб,
Ҳайдаб солар балки таниб, ғазабга тўлиб.

М а т я ш

Жодуларинг ўтмайдими?

С е л и я

Фақат иккинги
Менга мадад бермоқликка етар кучингиз.
Унга мени ёши қайтган, кампир деб айтинг,
Рим папаси қасамингни бекор қилмоққа
Сенга атай жўнатган бир табиб деб айтинг.

М а т я ш
(совуққон)

Мажористон қиролиман, масхарабозмас!
Рим шайтони! Лақиллатмоқ бўласан абас!

Б е а т р и ч е

Азиз қирол, жаҳл қилма, шайтонга бер ҳай,
Ахир уни ҳазрат папа жўнатган атай.

С е л и я
(тезгина)

У мактуб ҳам берган мендан.

М а т я ш
(гапни бўлиб)

Қиролича нима деркин?

Б е а т р и ч е

Розиман шоён!
Балки Петер ҳаётингни тилаб ҳам олар!

М а т я ш
(Селияга)

Йўқ, мутлақо! Умринг гаров! Гап кучда қолар!

С е л и я

Ташаккурлар бўлсин сизга, шонли ҳукмдор!

Хизматкор киради.

Х и з м а т к о р

Остонада ҳозир бўлди Агарди — рицарь!

М а т я ш

Олиб киринг!

(Селияга)

Сен дарпарда орқасида тур.

Хизматкор кетади. Селия парда орқасига ўтади.
Петер киради.

О, шавкатли рицаримсан, Агарди Петер,
Қиролича таклиф этган сени бу ерга.

Б е а т р и ч е

Келмиш бизга худойимнинг ўзидан пайғом,
Тилга киргай, иншоолло, соқов батамом!

(қисқа жимликдан сўнг)

Ташриф этди, хуллас калом, энг машҳур олим.

П е т е р

*(Ҳайрат ичра безовталанади. Бари бир фойдаси йўқ-ку,
дегандай бошини эгади.)*

Б е а т р и ч е

(юпатиб)

Нокаслар ҳам келган эди, бу бизга маълум,
Буниси ҳам ўшалардан бири дерсан-да.

П е т е р

(жилмаяди)

Б е а т р и ч е

Йўқ, бу бошқа! Рим папаси жўнатмиш махсус,
У ҳақиқий олим экан, даволар, шаксиз.
У шу ерда, рицарь, энди хурсанд бўла бер.

П е т е р

(жилмаяди)

Б е а т р и ч е

Фақатгина жилмаясан, синов, қийноққа
Яна бир бор чидайсан-да, Агарди Петер!

П е т е р

(йўқ дегандай бош чайқайди)

Б е а т р и ч е

Ўтиниб мен сўрасам-чи... Илтимос қилсак...

(қиролга қарайди)

М а т я ш

Ҳа, илтимос, умидвормиз бу сафар ғоят.

Б е а т р и ч е

Хўп дея қол, сўзим ерда қолмаса шояд!

П е т е р

(бу гаплар нимага керак, дегандай ишора қилади)

Б е а т р и ч е

Ўз-ўзингни бунчалар ҳам қийнама, рицарь,
Ўйлайманки, бошқалардан бу табиб беҳтар.

П е т е р

(сал-нал юмшайди)

Б е а т р и ч е

Не бўлса ҳам рози бўлгум, этмагил парво.

Петер розилик билдириб, таъзим қилади.

Б е а т р и ч е

(шошиб)

Раҳмат сенга!

М а т я ш

Мен ҳам хурсанд, айни муддао!
Қулоқ солгин гапларимга, азизим, рицарь,
Агар даво тополмаса ўша жодугар,
Ўз қўлингга топширгайман, ўзинг билгайсан.
Яъни лойиқ жазосини ўзинг бергайсан.

П е т е р ф и г о н и ч и қади.

Б е а т р и ч е

Фурсат етди, фармонингни эълон эт, қирол!

Матяш чапак чалади, хизматкорлар кирадилар.

М а т я ш

(хизматкорга пардани суришни буюради)

Шифокорни чақир, қани!

Б е а т р и ч е

(юкиниб)

Парвардигорим,
Раҳм қилгил, кушойишин ўзинг бера қол!

Ҳамма сукут ичра кутади. Селия зинадан тушиб келади,
Петерга секин яқинлашади. Петер Селияга ҳайрат
билан боқади, дастлаб уни танимайди.

С е л и я

(унга яқин келиб)

Унутганинг йўқми мени, баҳодир йигит?

(Петер ҳаяжонда, жимликдан сўнг таъзим қилади.)

Б е а т р и ч е

(ибодат қилиб)

Ўзинг қўлла, илойим!

(Матяшга тикилади)

М а т я ш

(юпатиб)

Қалтирама, ўзингни тут, оғирроқ бўлгин!

(Петер Матяш ва Беатричега, Селия бу ерга қандай қилиб келиб қолди, деган маънода қарайди.)

М а т я ш

(Петерга)

Нега энди ҳайрон бўлиб қараб турибсан?
Билиб қўйгин, туш эмас — ўнг, неки кўрибсан.
Халоскоринг айтмоқдаки, таниш эмишсиз,
Тилга солиб юборармиш у сени сўзсиз!

(Селияга қарайди, у бош ирғаб, жилмаяди.)

Б е а т р и ч е

Биз сен учун дуо қилиб турайлик, рицарь,
Табиб эса ўз ишига киришсин.

М а т я ш

Мард бўл!

(Петер тасдиқлайди. Матяш ва Беатриче дуога ибодат қила бошлайдилар, Селия қимтинган ҳолда Петерга яқинлашади.)

С е л и я

Ер юзига донғи кетган шонли Агарди,
Сен туфайли олис йўлга отландим, билсанг,
Йўл азобин енгиб келдим, ўзингга энди
Бир маҳаллар айтган сўзинг қайтариб берсам...

(Петер титраб кетади.)

Неаполнинг хос элчиси бу ерда бўлмиш,
Дўст орттириб, сизлар билан ўйнамиш, кулмиш.
Сенинг шонли ишларингни дoston этмиш у,
Шонли рицарь, сенга атаб шеърлар битмиш у.
Аmmo бир сир сирлигича қолмиш дostonда,
Чунки сенинг дардинг фақат менга аён-да!
Бир йил собит, ун чиқармай, сукут сақлабсан.
Демак, берган ўз сўзингни шоён ёқлабсан!
Лабларингга босган муҳрим этгайман бекор,
Сўзла, куйла, бақир-чақир, сенда ихтиёр.

(Петер жим туради.)

С е л и я
(шошиб)

Нега энди жим турибсан? Уқмадингми ё?
Қатағонни бекор қилдим! Ҳад йўқ мутлақо!
Гапира бер! Тилга киргин! Қасамни унут!

(кутади)

(Петер жим туради.)

С е л и я
(безовта бўлиб)

Во ажабо! Нима бўлди? Бу нима сукут?
Тилинг соқов, қулоқларинг чиндан ҳам карми?
Ўз товушинг ўзингга ҳам ёқмас, баттарми?

Жимлик. Матяш ва Беатриче бу ҳолни безовта
кузатади. Матяш гапирмоқчи бўлади, аммо
Беатриче рўйхуш бермайди.

С е л и я
(ортиқча бетоқатланиб)

Нечун жимсан?

(Петер жим туради.)

С е л и я

(Матяш ва Беатричега хавотирли қараб)

Ўз-ўзингни қийнама бекор.
Танбеҳ бўлди ўтган гаплар! Унутмоқ душвор,
Қалтис бўлди ўйинимиз, кўп қалтис ҳазил,
Ўтинаман, унут энди, энди унутгил.
Ўзим келиб турибман-ку қошинга ахир,
Тавба билан тазарруга бўлганман асир.
Йўқ аввалги ўжарлигим, ютқаздим тугал,
Олиб қўйгум лабларингдан муҳрни бу гал.
Гапира қол! Тилга киргил! Ўжарликдан қайт!
Ҳеч бўлмаса, “афв этаман” деган сўзни айт!
Сўзла ахир!

П е т е р

(жим)

М а т я ш ўрнидан туриб кетади, Беатриче уни
тинчлантиради.

С е л и я

Ёлбораман, бирор нима де!

(Петер йўқ дегандай бош чайқайди.)

С е л и я

Ёлборишим беҳудами? Гапирмайсанми?
Билиб қўйгин, иродангга боғлиқман тўлиқ.

*(Қаттиқ ҳаяжонда Матяш ва Беатричега қарайди.
Петер қўлларини кўксига чалиштирганча тунд,
қатъий тураверади.)*

М а т я ш

(Селияга совуққон)

Тонгдан буён кутмоқдаман! Чиқмас овози!
Англадимки, яхши эмас бардошнинг ози.

С е л и я
(ноқулай аҳволда)

Яна бирпас, шафқатпаноҳ!

М а т я ш

Тез бўл дейман! Лақиллатма, бас.

Б е а т р и ч е
(Селияга қўрқув билан)

Наҳот, тамом! Чора топилмас?

С е л и я

Йўқ, ундоқмас, қиролича!

(Петерга)

Тўғрими гапим?!

(Петер жавоб бермайди.)

С е л и я
(Беатричега)

Рицарь билан мен юзма-юз келганим маҳал,
Ростин айтсам, йўқотгандим ўзни даставвал.
Мана энди, қўрқув ўтди, келдим ўзимга,
Уни тилга солиш йўлин... топдим... эсимда...

М а т я ш

Уддасидан чиқолмасанг...

С е л и я

Муҳлат сўрайман!

М а т я ш

Қанча?

С е л и я

(мавхум)

Умидворман сабр-тоқат ёр бўлса агар,
Тонгги шафақ ёнгунича сўзлар муқаррар.

М а т я ш

Бир кун фурсат сўрагандинг, тугади муҳлат,
Рицарь бўлса ўша-ўша, ўтаётир вақт.

С е л и я

...Яна сал-пал...

Б е а т р и ч е

Саҳаргача чидагин, Матяш!

(Селияга)

Юлдузларга қарадингми, буржлар қанақа?
Яхшиликми, ёмонликми айтар самовот?
Тун оққанда юлдузларнинг ўрни ҳам бошқа,
Шул сабабдан, вақт ўтмасин, бўлгил эҳтиёт...

С е л и я

(фикр қилиб, дадиллашади)

Эсим қурсин, қай жин уриб, фаромуш қолдим,
Чалкаштириб юборибман шифо усулин,
Рухсат айла, ўтинаман, азиз қиролим,
Қўллаб кўрай даволашнинг энг асил йўлин;
Кўринмасин кундузу тун, ҳаттоки осмон,
Сукунатда даволайман, бўлсин тинч ҳар ён.
Ўтинаман, рухсат бергин...

Б е а т р и ч е
(*ёлбориб*)

Матяш, қиролим!

М а т я ш
(*Петерга*)

Розимисан унинг ғалат синоқларига?

(*Петер ўйлаб туриб, розилик билдиради.*)

С е л и я
(*хурсанд*)

Оҳ!

М а т я ш
(*Селяга*)

Сен айтганча бўла қолсин.

(*Беатричени кўрсатиб*)

Булар туфайли
Тун сеники!

С е л и я
(*таъзим қилади*)

Қуллуқ, қирол!

(*Петерга*)

Сенга ҳам қуллуқ!
Ярим кеча мени кутгил.

(*Петер Матяш ва Беатричега таъзим қилади.*)

М а т я ш

(Селияга)

Унутма бироқ,
Сеҳру жодунг иш бермаса, оқибат агар
Тилга келмас экан энди шавкатли рицарь,
Билиб қўйгин, ўзинг учун гўр қазарсан сен,
Афв йўқдир, маҳв бўларсан, ютқазарсан сен.
Мен — мажорлар ҳукмдори, зотман бешафқат,

(Петерни кўрсатиб)

Тилга кирғиз ёки тилдан қолгайсан абад!

П а р д а

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Хайнбург қасри, Петер ҳузурида. Ҳовли. Тўрда девор. Деворда туйнукли миноралар. Улкан дарвоза кўриниб турибди. Девор бўйлаб гуллар, майсалар ўсган. Биби Марьям ҳайкали олдида шамлар милтираб турибди. Нарироқда каттакон тош қудуқ. Чап томонда туйнукка олиб чиқадиган зиналар. Саҳна қоронғилашгач, фақат минора ичи яллиғланиб, гоҳ-гоҳ фонарь ва машғаллар кўриниб қолади. Юлдузли осмон. Кейинроқ ой кўтарилади. Саҳна кимсасиз. Кейин дарвоза орқасидан овозлар эшитилади. Селия, Монна Меа, Жанетта, Карлотта ва Беппо чиқадилар. Селия Биби Марьям ҳайкалига яқинлашиб ҳаяжон билан юкина бошлайди. Бошқалар ҳаяжонда.

Б е п п о

(фонарь тугиб)

Тез, бу ёққа!

К а р л о т т а

Вой худойим, бу қанақа жой!
Қандоқ юрт бу?! Ўлиб кетсак керак, ҳойнаҳой!

М о н н а М е а

Балчиқми бу, нима бало.

(оғриқдан қичқиради)

Ботдим-ку қонга.

Ж а н е т т а

Эгним юпқа, тун совуғи азобдир жонга.

Б е п п о

Италия илиқроқдир, севиклим, бироқ,
Бизни унча иситмади унинг қуёши.

М о н н а М е а

Қоп-қоронғи, зулмат бунда...

Ж а н е т т а

Дарвоза, равоқ...
Ўлай дедим, бошмидир бу ё сойнинг тоши.

К а р л о т т а

Хўжайининг қайда ўзи?

Б е п п о

Қаерда?

(фонарни баланд кўтариб)

Қара!

К а р л о т т а

Кўряпман, кўряпман! Жуда ажойиб!

Б е п п о

Гарчанд унинг манзилгоҳи эмасдир сара,
Лекин унинг ўзига мос, жимжит, ғаройиб.
Уйингизда тилдан қолиб бўлганди соқов.

М о н н а М е а

Бизлар уни даволашга келганмиз атай!

Б е п п о

Юзталиқдан юзта танга — Сизларга сийлов!

К а р л о т т а

Бизга сийлов керак эмас.

(Беппога)

Ҳу, баттол малай,
Эртаю кеч топинади хоним серфироқ,
Ҳаммасига сенинг ўша рицаринг сабаб.

Ж а н е т т а

Бас қил, Беппо! Ана, ўчди равоқда чироқ,
Бурғу янграр, келаётир кимдир биз тараф.

К а р л о т т а

Вой худойим! Тинчликмикан?

Ж а н е т т а

Бурғу чалинди.
Ҳой, Селия.

(Селия жавоб бермайди)

Эшитдингми?

Бурғу овози яна янграйди.

М о н н а М е а

Овози ўчди!

Учинчи бор бурғу овози эшитилади. Зинани хира фонарь ёри-
тади.

П е т е р п айдо бўлади.

Алланечук бўлиб кетдим! Нима бу?

Б е п п о

Бурғу!

Висол пайти етганини эълон қилди у!

Ж а н е т т а

Тун ҳам ярим бўлиб қолди!

М о н н а М е а

Етар, Селия!

Ибодатинг тугата қол!

С е л и я

(Ибодатни тугатиб, Бенпога кибрли қарайди.)

Роппа-роса ўн иккига таклиф этилган,

Қани менинг рицарим, хўш?

Мен келдим! У-чи?

Б е п п о

(атрофга аланглаб)

Мана, мана, маъзур тутинг, рицарь ҳам келган!

П е т е р аввал Селияга, кейин бошқа хонимларга таъзим
қилади. Бошқалар шивир-шивир қила бошлайдилар.

К а р л о т т а

Ўзгармабди!

Ж а н е т т а

Жиндак озибди.

М о н н а М е а

Сочига оқ оралабди!

Ж а н е т т а

Рангини анча олдирибди.

(Селияга)

Кетаверайликми?

М о н н а М е а

Қолайликми ё?

К а р л о т т а

Қайси маъкул, буюринг, хоним!

Селия ва Петер бир-бирига сўзсиз қараб қоладилар.

Б е п п о

(аёлларни четга тортиб)

Қани, кетдик, ҳув у жойда ажиб гўша бор,
Кўзаларда қайнаб ётар май ҳам кўп хумор.
Бошлаб борай.

(тўхтаб)

Аммо-лекин сизлар учовлон.

(Гитарасини чалиб)

Оҳ, гитарам, ёрдам бергин менга, қадрдон.

Беппо аёллар билан дарвозадан чиқиб кетади. Жимлик.
Селия ва Петер бир-бирига қарайди. Селия енгил нафас
олиб, Петерга шошиб яқинлашади.

С е л и я

Ёлғиз қолиб сенинг билан энди, хайрият,
Суҳбат қилиб олажакман, ушалди ният.
Тепамизда милтираган юлдузли осмон,
Теграмизда савлат тўккан ҳайбатли қўрғон —
Фақат улар гапимизга шоҳиддир, холос.
Иккимизга аён фақат юракдаги роз.
Ва бул гапдан воқиф фақат қодир эгамдир,
Қодир эгам даргоҳи кенг, танҳо ҳакамдир.
Юрагимни очай дангал, бўлайин иқрор.

П е т е р

(бош ирғайди)

С е л и я

(ўзини оқлаб)

Мен аёлман! Аёл қалбин тушунгил зинҳор.
Катта кетдим! Мақтанчоқлик қилдим, рости гап,
Гўёки мен қўядиган ҳар қандай талаб —
Сенинг учун қатъий қонун бўладигандай
Ва бошқалар бундан қойил қоладигандай,
Энди эса, ҳаммасини англаб турибман,
Менга қаттиқ сабоқ бўлди, фаҳмлаб турибман.

П е т е р

(жим туради)

С е л и я

(гапга солиб)

Қоронғи тун, суҳбатимиз биров эшитмас,
Гапира қол! Тилга киргил! Гапира қол, бас!

(чидамай)

Уч йил соқов бўлурман деб ичгандинг қасам,
Икки йили қолмиш яна! Ўйлаб қарасам,
Юрагингда муҳаббатнинг ўчандир чўғи.
Демак, бундоқ аҳд-паймоннинг боридан йўғи.
Бошқа биров учун ахир соқов бўлмассан?

П е т е р
(жилмаяди)

С е л и я
(тик қараб)

Ҳа, ўзингга сўз бергансан, ичгансан қасам!
Соқов сенсан, қўрққан-чи, мен! Нимадир сабаб?
Енгилгина зафар эди мендаги матлаб!
Қиролингнинг таважжуҳин қозонмоқ учун,
Бир ҳаракат қилмоқчийдим, етганча кучим.
Худбинлигим сўнг ўзимни қафасга солди,
Ғолиб чиқдинг — умрим сенинг қўлингда қолди.
Ўжар инсон, мени бунча қийнамоқ нега?
Нега ортиқ маломатлар қилурсан менга?
Гапни ҳам қўй, фақат бир сўз айта қол шу пайт,
Муҳаббатинг изҳор айла, “севаман” деб айт!
Вой худойим, уят ичра ловулла қюзим,
Ё талабинг каттароқми?

П е т е р
(бош ирғайди)

С е л и я
(баттар фулғула билан)

Берсин-да тўзим!
Мени қатл этишларин хоҳлайсанми ё?
Қизил қонга бўялсинми тонгда ҳамма ёқ?
Худо ҳаққи, бисёр этма дилда аламни,
Топтамоққа тайёرمىсан тонгда мурдамни?
Лабларингдан, майли, ғазаб сўзлари учсин,

Қулоқларим овозингни лекин эшитсин.
Майли, ёмон сўзлар билан ҳақорат қилгил,
Тилга кирсанг мен яшайман, сен яхши билгил.

(кутади)

Айтган ўша сўзларингни эслайман ҳамон:
Вайсамоқдан сукут менга дегандинг осон.
Айт-чи, шундоқ деганмидинг?

П е т е р

(маъқуллаб бош ирғайди.)

С е л и я

(маъюс)

Эсингдами, а?

(Петер бош ирғайди)

С е л и я

Кулфат, юпанч, хурсандчилик, ҳасрат ва гина —
Барчасини унутмасдан юрибсанми ё?..

П е т е р

(маъқуллайди)

С е л и я

(дили ёришиб)

Менинг бўсам ёдингдами? Ўша бўса, о...

(Петер титраб кетади.)

С е л и я

Қисматимга то бевалик тушгандан буён
Ўша бўса илк, биринчи бўлганди, ишон.
Бўса шарти қиммат бўлди, ғавғоси талай,

Лекин ўпдим журъат билан сени ҳар қалай.
Менинг қайноқ ўпичларим баҳоси баланд!
Ҳозир эса иқрор бўлгум чин дилим билан:
Сендан бўса олмоқликка тайёрман мутлоқ.

(бир қадам олдинга юради.)

Қани, азиз баҳодирим, келгил берироқ!
Бўса билан муҳр босдим лабинга бир бор.
Бўса билан энди уни қилгумдир бекор!

(яқинлашади)

(Петер рад қилиб, қўлларини кўтаради)

Узоқдан Беппо гитарасининг овози эшитилади.
Қисқа жимлик.

С е л и я

(сурли бир ҳолатда Петерга яқинлашади)

Пьемонтда шундай одат бордир азалдан;
Хонадонга келиб қолса хуш кўрган меҳмон.
Остонадан ўпич билан қарши оламиз,
Ўпич билан қузатамиз хайрлашган он.
Мен узоқдан келдим бунга, риёзат чекдим,
Қайтиб кетгум келмас бўлиб тонгда, эҳтимол.
Ҳар қандай қарз гўзал эрур тўлови билан,
Менинг ўша ўпичимни қайтаргил дарҳол.

*(Петер сал иккиланиб тургач, аввал секин,
сўнг қизгин бўсалар олади.)*

С е л и я

(хурсанд)

Севаркансан мени ҳамон! Ишқинг барҳаёт.
Қучоғинга босдинг қаттиқ, шод, ҳаддан зиёд.
Уволимга қолма энди, тилга кирсанг-чи,
Севаман, деб ҳеч бўлмаса шивирласанг-чи!
Сўзларингни эшитмасин ҳаттоки шамол,

Ақалли лаб пичирлатиб, “севгум” дея қол.
Қани, айтгил! Айтгил, қани...

(Петер ўзига келиб, Селияни қўйиб юборади ва чекинади.)

С е л и я
(даҳшат ила)

Хукмим бекорми?
Гапиришдан бош тортасан мутлақо демак?!
Билмай қолдим, энди нима қилмоғим керак.

(қудуқ бошида, энгашиб ғамгин)

Парвардигор, ўзинг менга кўрсата қол йўл,
Не қиларим билмай қолдим, аҳволим мушкул.
Қандай талаб қўйса ҳамки мана бу соқов
Бажаргумдир ҳаммасини, шубҳасиз дарров.
Модомики бўса унга камлик қилибди,
Унга наҳот менинг бошим керак бўлибди?
Мағрур эдим, унга талаб қўйгандим ортиқ,
Бугун эса ортиқ талаб ўзимга тортиқ.

(алам билан Петерга)

Сўйла, рицарь, бағринг наҳот шунча тош бўлса,
Наҳот меҳринг шунча қисқа, тез одош бўлса?
Этганмисан ёки мени ўлимга маҳкум?

(Петер жим туради.)

С е л и я

Қачон ижро бўларкан, деб кутмоқдасан зум?

(Петер жим туради.)

С е л и я

Хоҳлайсанки, бошим кессин жаллод беомон,
Шўрлик каллам юмаласин тирқиратиб қон?

(титраб)

П е т е р жим туради.

С е л и я

(ёлбориб)

Фақатгина тилинг эмас — дилинг ҳам қотмиш,
Сенинг қалбинг шафқат ҳиссин наҳот йўқотмиш?
Ёлбораман, раҳм айлагил, ўлиб кетмайин,
Оҳ, иблисдай боқасан сен, парво қилмайин.

(кутади)

Сенинг соқов бу ҳолатинг унутилган дард,
Сен чорладинг ва мен келдим, қонуний минбаъд.

(алам билан)

Шафқат қилмай, ерга урдинг мени ва лекин,
Севганмидинг асли мени?

(қўл силтаб)

Севмагансан сен!

*(Юзларини яширади, аммо бармоқлари орасидан
Петерни кузатади.)*

(Петер Селия томонга иккиланиб бир қадам ташлайди.)

С е л и я

(дарҳол унинг ёнига келади)

Ана энди гапиргайсан! Шафқатсиз бегим,
Неки гуноҳ қилган бўлсам қошингда ювгум.
Музаффарсан! Голиб чиқдинг, Агарди Петер,
Ярим кеча, бажара қол дилинг нима дер!
Бундан бўлак мукофотим, сийловим бўлмас.
Нима қилсанг қилавергин, сеникиман, бас!
Сеникидир ақиқ лаблар, сумбул сочларим,
Сеникидир бари-бари, ғам, қувончларим.
Рафиқам бўл деган эдинг менга бир замон,
Сўзларингни писанд қилмай тингловдим, ишон!
Ҳозир эса тун сеники ва тун ичра мен,
Адо этгум сўзсиз, бешак, не хоҳласанг сен.

Асирам де, маҳбубам де, сенда ихтиёр,
Қарға, уриш — нима десанг бўйсунай зинҳор.

(Петернинг пинжсига киради.)

(Петер ҳирс билан Селияни қучади.)

С е л и я

(Бўсага лабини тутади.)

Кучгил, ўпа қол!

(Петер узоқ бўса олади.)

С е л и я

Яна, тагин! Ақлу ҳушдан кетгунимча ўп,
Муҳаббат деб ёлборардинг! Энди ўзим зор!

Петер бирдан тисарилади.

С е л и я

(қўрқув билан унга эргашиб)

Кераги йўқ! Қўй гапирма! Ўзим борурман!
Сен ҳаммадан кучли, голиб, тенгсиз ботирсан!
Кел, бўла қол! Сеникиман! Юргил, чиқайлик,
Тунги висол шаробини бирга ичайлик.

Петер уни кўтариб, қасрга чиқиб кетади.

П а р д а

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Хайнбургдаги турма. Хоналардан бири. Ўнгда — бурчакда темир панжарали эшик. Ичкарида узун даҳлиз йўлаги. Эшикдан турма хонасига уч-тўрт зина олиб чиқади. Саҳна тўрида скамейка, устида бир жуфт адёл. Столда кўзача ва қумсоат. Ўнгда, юқорида темир панжарали туйнук. Ундан қуёш нури тушиб турибди. Саҳнада кекса руҳоний чол, қаршисида тақдирга тан берган Селия бош эгиб, тиз чўкканча ўтирибди. У

сокин. Скамейкада Карлотта юзларини қўли билан бекитиб жим йиғлайди. Эшикда руҳоний ва унинг олдида фонарь турибди.

Р у ҳ о н и й

Бовар қилгил, худойимнинг даргоҳи катта,
Тавба қилгил, раҳм айлагай тангрим, албатта!
Ёд этайлик пайғамбарнинг эзгу каломин,
Худо ўзи ёрлақасин сени ҳам, омин!

С е л и я

Олижаноб сўзларингиз эшитган замон
Қўнгил юмшар: биламан-ку, лекин, отахон,
Гуноҳ косам лим-лим тўлган, баҳаққи худо,
Аён эрур дилимдаги ўзимга аммо.
Тирикликнинг савдосини тугатмоқдаман,
Покман дея энди ўзни юпатмоқдаман.
Назар солсам ўз қалбимга — келмас хўрлигим,
Йўқолгандир кибру ҳаво, такаббурлигим.
Неча минг-минг жонзотларнинг сафида жойим,
Мени ҳам сен яратгансан, қодир худойим.
Ёлғиз сенга ҳаволадир овора бу руҳ,
Онт ичаман: жон топширгум сенга беандуҳ.

К а р л о т т а

(инграб)

Шафқат қилгил, парвардигор!

С е л и я

Етар, йиғлама,
Қисматимга тан берганман, бағрим тиглама!

Р у ҳ о н и й

Қисмат дея тўғри айтдинг, оҳ, она қизим,
Иродасиз ожизларга қулфатдир дунё.
Хўш, кимларнинг иродаси ожиз бўлади?
Имонсизда, ҳа, ирода бўлмайди илло!
Самога боқ, назар ташла шомги шафаққа,
Заминданмас, самовотдан нур таралмоқда.

С е л и я

Минг шукрким, имоним бут, ишонинг, ҳазрат,
Ўлимимни қарши олгум чўчимай минбаъд.

К а р л о т т а

(изтиробда қўлларини қайириб)

Аммо ҳаёт қандай гўзал! Яшаш қандай соз!
Ёш, хушрўйсан, яшнаб турар умринг сарафроз.

Р у ҳ о н и й

(Карлоттага)

Сен бўлди қил! Ўрганишиб қолгансан бунга,
Шу сабабдан англамайсан гап моҳиятин.
Барчамизнинг тақдиримиз тангри измида,
Ҳеч бир банда рад этолмас унинг ниятин.
Яхшиси, сен жасур, ботир бекачинг билан
Видолашгил, тила унга самодан макон.
Шундоқ қилиб бу дунёга хайр дегаймиз,
Қутқазади бизни фақат самовот, осмон.

(Селияга)

Бу дунёдан кўнглингни уз, сиғин фалакка,
Илтижо қил йўл бошловчи қодир малакка.
Ҳар балодан асрагувчи ёлғиз худодир,
Сўнгра танҳо паноҳимиз ҳазрат Исодир.

Р у ҳ о н и й кетади. Зиндонбон темир эшикни бекитиб,
фонарни кўтариб чиқади. Қоронгилик!

С е л и я

(секин куйлайди, тиловат оҳангида)

Қаҳр чоғи, интиҳо пайти,
Маҳв бўлар ҳаёт дарахти.
Остонада пойлайди ҳакам,
Қараб турар ўлим чинакам.
Санаб турар ҳар ўтган зумни,
Кимга айтай ночор сўзимни.

*(Карлотта инграйди. Унга қараб Селия бошқа
қўшиқ бошлайди.)*

Ўзинг қўлла, парвардигорим,
Ҳаволадир ўзингга зорим.
Мадад бергин сўнгги дақиқа...

*(Бирдан тўхтаб, эшитилаётган қадам товушларига
қулоқ сола бошлайди.)*

Фонарь милтиллайди — зиндонбон келади.

Ким у?

К а р л о т т а
(йиғлаб, ҳиқиллаб)

Келаётир, ана, зиндонбон,
Балки сени... олиб кетади...

С е л и я
(туради)

Бўлди, умид соатим битди,
Умид қилган фурсатим ўтди,
Жанетгадан бўлмади дарак —
Рицардан гап чиқмаган бешак,
У — газабдан қуйилган ҳайкал!

Турма эшиги очилиб, ниқобдор Беатриче
ва Нарделла киради.

К а р л о т т а
(шивирлаб)

Мана, энага...

(Селия уни таниб, енгил тортади.)

Н а р д е л л а
(Карлоттага)

Кета қол сен бу ердан.

Б е а т р и ч е
(*Нарделлага*)

Сен бизни қўриқлаб тур, энага,
Хабардор бўл, ҳеч ким келмасин.

Улар чиқиб кетади. Беатриче Селияга яқин келади.

Б е а т р и ч е

Сенга ишонч билдиргандик қирол иккимиз.

С е л и я

Ҳа, тонмайман, лутф этдингиз ғоят иккингиз.

Б е а т р и ч е

Поймол қилдинг бироқ бизнинг ишончни, маккор.
Наҳот бизни лақиллатдинг атайлаб, беор?

(*Селия бош эгади.*)

Мустаҳиқсан ана энди олий жазога,
Гуноҳингни сўраб сўнг бор ёлбор худога.

С е л и я

Розидирман ҳар қандайин маломатингга,
Илтимосим...

Б е а т р и ч е

Ҳали шафқат кутасанми ё?

С е л и я

Ноил бўлай сўнгги бора шарофатингга,
Катафалакка ётқизингиз, шулдир муддао.
Тирикларга қилмайдиган марҳаматни сиз,
Мен сингари марҳумадан дариф тутмассиз.

Қисқа жимлик.

Б е а т р и ч е
(мактубни кўрсатиб)

Нарделла... энага... хатингни берди.

С е л и я

Найлай, қисмат экан, бўлак чора йўқ.

Б е а т р и ч е

Ёзганларинг ёлғонмасми? Гуноҳинг ортгай.

С е л и я

Ёлғон эмас! Дилда борин ёздим яширмай!

Б е а т р и ч е

Бўсанг учун сўз олгансан сукут сақла, деб.
Шундоқми, хўш?

(Селия тасдиқлаб бош ирғайди.)

Ушбу сирни тагин ким билар?

С е л и я

Фақатгина сен...
Гўрга олиб кетажакмиз бизлар бу сирни.

Б е а т р и ч е

Аммо ошкор бўлган сирнинг нархи бир чақа!

С е л и я

Юрагимни очгим келди кимгадир ахир,
Сохта гурур шуъласидан кўзларим сўқир.
Енгаман деб ўйлагандим рицарь, золимни,
Сен — аёлсан, тушунасан менинг ҳолимни.

Б е а т р и ч е

Қани айт-чи, биз томонга шунча йўл босиб,
Хатарларни четлаб ўтиб, гоҳи адашиб
Нечун келдинг? Фақат худбин мақсад учунми?
Йўқмиди ҳеч юрагингда соғинч, муҳаббат?
Эришишмас — енгиш учун келдингми фақат?

Қисқа жимлик.

Қирол жуда олижаноб, босиқ жуда ҳам,
Демоқчиман, хайрихоҳ у сенга чинакам.
Айтдики у, ҳакам бўлгай соқовнинг ўзи,
Оҳ-воҳларинг эшитсин то қулоғи билан.

С е л и я

Йиғламасман, оҳ чекмасман!

Б е а т р и ч е

Ношукур инсон,
Рад этасан ҳар қандайин имкониятни,
Ақлинг билан кўринасан гўё совуққон.
Яширасан дилингдаги асл ниятни.
Юрагингда муҳаббатнинг ўти яширин,
Йиғламайсан, пинҳон сақлаб севгининг сирин.

С е л и я

Неаполнинг ҳашамисан, танҳо юлдузи,
Сени менга йўлламишдир самонинг ўзи.
Изн бергин, жон топширай беғалва, сокин.

Б е а т р и ч е

(юмшаб)

Истайманки, тирик қолгин, яшагин то сен.
Ёрдам бермоқ учун келдим ахир, атайин,
Қирол анча юмшаб қолди, сенга атайин.
Менинг халқим шу кунларда ғоятда хуррам,
Зафар томон юз бурмишдир қўшинлар илдам.
Ҳамма ёқда хурсандчилик бўлган бир пайтда
Маҳқум бўлиб тураверсанг, хунук, албатта.

Қиролдан мен сўраб олдим умринг бир йўла,
Йигирма беш минг тиллани тезликда тўла!
Уқдингми, хўш? Жавобинг айт!

С е л и я
(*тунд*)

Бу кеча мен ютқазганман, ўлишим аниқ.

Б е а т р и ч е

Ўлиш шунча осонмикан?

С е л и я

Номус ичра қоврилишдан осонроқ балким.
Барибир ҳам тирикмасман, суратман фақат,
Чизиғимдан юрмади ҳеч рицарь бешафқат
Ва мен ўлдим! Ўзинг айт-чи, даҳшатли Лайош,
Бир ўлганни яна қайта ўлдирарми, хўш?
Кечир мени, қиролича, рози бўл мендан.

Б е а т р и ч е
(*таъсирланиб*)

Мен розиман, мен розиман, кўнглинг тўқ бўлсин,
Ҳай, Нарделла, бу ёққа кел...

Галереяда жонланиш. Беатриче Селия билан
видолашади. Селия тиз чўкиб, қироличанинг қўлини ўпади.

Б е а т р и ч е
(*Селияни турғизиб пешонасидан ўпади.*)

Алвидо!

Зиндонбон эшикни очади. Нарделла кўринади.

Н а р д е л л а
(*қироличанинг елкаси оша Селияга шипшийд*)

Зудлик билан шу хабарни етказ дедилар;
Дўстларингни рицарь ҳозир қабул қилибди,
Келтиргайлар дўстлар сенга энди хушхабар!

Селия енгил тортади. Қиролича ва Нарделла чиқади.
Селия эшикка қараб туради. Шошганча Жанетта
ва Монна Меа пайдо бўлади.

С е л и я
(Жанеттага, шошилинич)

Қандай хабар келтирдингиз? Айтингиз тезроқ!

Ж а н е т т а

Бошин ирғаб қўя қолди, оғиз очмаёқ.
Туйғу деган нарса ўзи унда йўқдир-ов!..

М о н н а М е а

Йиғлаб-сиқтаб ёлбордию Жанетта анча.

Ж а н е т т а

Таъсир этмас гапларимиз чивин чаққанча!
Назаримда кулаётир сенинг устингдан.

С е л и я
(бахтиёр)

Бари бир у келади!

Ж а н е т т а

Томошага келади у, сен учун эмас!

С е л и я

Мен ўламан, майлига, у томоша қилсин.

Ж а н е т т а

Сен ўласан, аммо дунё бўлмагай абас,
Чаманзорлар яшнайверар, наинки сўлсин.
Ўз-ўзингга жабр қилма, шўрлик, муштипар,
Йигирма минг тилла танга тўласанг агар,—
Сеникидир ҳамма нарса — озодлик, ҳаёт,

Тирикликдан ўша ақча қимматми, наҳот?!
Тирикликдан ёки кўнглинг совиб битганми?
Руҳинг йўқлик дунёсига ҳижрат этганми?
Ҳаётми ё бисотми деб менга қўйса шарт,
Мен ҳаётни танлар эдим, ҳаётни, албат!

М о н н а М е а

Уйда эса қаллиғинг бор — бадавлат, пулдор,
Ҳар бир ишга қурби етар Нерина шунқор.

Ж а н е т т а

Италия тупроғида баҳор гуллайди,
Қушлар сайрар, гуллар яшнар, шамол гувлайди.
Сурмайсанми ўша жойда хуш даври даврон,
Мол-бисотдан минг мартаба ширин эрур жон.

С е л и я

(уларни эшитмай, гўё ўз-ўзига)

У келади! Қайта-қайта юзига боқай,
Сўнг жон берай...

М о н н а М е а

Бизнинг оҳ-воҳ, тиловатлар шунгами ҳали,
Биз ниманинг дардида-ю, ўламан дер бу.

С е л и я

Худо сизни ёрлақасин, ортиқ ғам чекманг,
Мотам тутманг! Кета қолинг. Бўлди дедим-ку.

Ж а н е т т а , М о н н а М е а

(титрашиб)

Оҳ, Селия!

К а р л о т т а

(тиз чўкиб)

Оҳ, бекачим!

С е л и я

Кўз ёши ҳам, оҳу воҳ ҳам керакмас зарра,
Видолашиб олай, майли, энг сўнгги карра.

(Улар билан ўпишиб, ортга бурилади.)

Ж а н е т т а

(титроқ овоз билан)

Йилг этган бир умид қолди, билъакс, алвидо!

Улар саросима билан чиқа бошлайди. Даҳлиздан,
айни вақтда, қадам товушлари эшитилади.

К а р л о т т а

Келишмоқда!..

С е л и я

(енгил тортиб)

Ҳозир кирар Агарди Петер!..

(Эшикка қараб туради.)

Қирмиз либосда, икки ёрдамчиси билан Даҳшатли
Лайош киради ва юқори зинада тўхтаб, учов аёлга
чиқиб кетинг, дея ишора қилади. Аёллар чиқаётиб,
ортига бот-бот бурилиб, изтироб билан йиғлайдилар.

С е л и я

(бўшашиб)

Йўқ! Фақатгина у...

Даҳшатли Лайош
(зинадан тушади, тўхтайд)

Фурсат етди!

С е л и я
(ўзига келиб, вазмин)

Кимсан?

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш
Даҳшатли Лайош!

С е л и я
Юзингга бир қараб олай, ўлдиргил сўнгра.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш
Қарайвергин, сўнг иложи бўлмайди сира.

С е л и я
Хурсандмисан?

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш
Хафамассан сен ҳам унчалик,
Бу яхшилик аломати, тўғрисин айтсам,
Сендек эсли одамларни ёқтираман мен,
Ёрдамимни аямайман улардан ҳеч ҳам.
Яъни, қандоқ жон берганин билмай қоларлар.

С е л и я
Марҳамат қил, ёрдам бергил менга ҳам шундоқ,

(ҳамён ташлаб)

Юз талер бу — хизматингга! Титрама бироқ!

(ҳаяжонда)

Айт-чи, болта кўтарганда титраганмисан?

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Турли-туман ифволарга ишонмагин сен.
Кундага бош қўйганинг дам узаман шартта,

Аввал кўргин, айтди дерсан сўнгра, албатта!
Ана энди изимдан юр.

С е л и я

Шошмай тур, жаллод,
Дилимдаги соҳир ҳисга этай хайрбод.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Вақт бўлди!

С е л и я

Қани айт-чи, баҳаққи виждон,
Борми сенга азиз ҳамда суюкли инсон?!

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Бўлса-чи?

С е л и я

Англагайсан унда менинг муножотимни.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Ҳа, тушундим.

(жимликдан сўнг)

Айт-чи, эринг ким?

С е л и я

Мен беваман!

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Куёв-чи, куёв?

С е л и я

Куёв ҳам йўқ! Аммо-лекин мени ҳар ҳолда
Юпатгучи одамим бор, бор ахир биров.

Даҳшатли Лайош

Жазманингни?

Селия

Айтиш шартми ҳамма нарсани.

Даҳшатли Лайош

Чиройингга боқиб кўнглим бузилаётир,
Ростин айтсам, кам кесганман бундай каллани.

Селия

Алдаётган эмасмисан?

Даҳшатли Лайош

Дафъатан, магар
Бўлсам эдим сенга мафтун, ошуфта рицарь.
Балогардон бўлар эдим кулфатга, билсанг,
Сеники-чи келмаётир, эҳ, аттанг, аттанг.

Селия

(ҳаяжон билан)

Ақчам ҳам йўқ.

(бирдан, қатъий)

Мана буни, узугимни ол!

(узугини узатади)

Сукут сақла, рицарни кут, у келар, алҳол!

Даҳшатли Лайош

Келмаса-чи?

С е л и я

(иккинчи узугуни узатади)

Ол, ола қол бунисин ҳам, бедаво дажжол.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

(узукларни тақиб)

Оҳ, узуклар-ку! Ёқут экан, зўр!
Айни менинг бармоғимга мос келганин кўр!

С е л и я

(маъюс жилмайиб)

Жаллодлининг айтгуликмас — тошинг енгилроқ.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

(ўзи билан ўзи овора бир ҳолда)

Сен бекорга ишонасан — одамлар аҳмоқ!
Лаънатлайди улар доим менинг касбимни,
Аммо-лекин билмайдилар ичим — аслимни.
Аёлларни ва баҳорни севаман мен ҳам,
Офтоб чиқса очилади менинг ҳам чеҳрам.
Очиқ айтсам, агар сабаб бўлмаса зинҳор,
Одам тугул пашшага ҳам бермайман озор.
Ишим нозик, соҳамизда хурсандчилик кам,
Яшай дейман ҳаёт меҳрин ардоқлаб, хуррам.
Ойболтани сира-сира кўрмасам дейман,
Кун кечирсам тинчгина ўз оилам билан.
Хотинимни эркалатсам ёмон бўлмасди,
Худо бизга чиқарган-ку севгини асти.
Қурғоқчилик, уруш, кулфат ҳуда-беҳуда,
Шўринг қурғур одамларни қийнайди жуда.
Бошпана йўқ. Асал каму айиқ кўп аммо,
Дилим шоир, касбим жаллод, мушкул муаммо.

С е л и я

Ҳа, ҳаётинг оғир экан, шўрлик жаллодим,
Ачинаман...

Д а х ш а т л и Л а й о ш

Оҳ, қанийди дилда фарёдим!
Ақл эса ўлдир дея беради буйруқ,
Ҳа, буйруқни бажармасдан ўзга чорам йўқ.

С е л и я
(*ёлбориб*)

Сабр қилгил, азиз жаллод, сабр қил бир оз,
Тайёрмасман, берироқ кел, дилда қолди роз.

Д а х ш а т л и Л а й о ш

Иложим йўқ!

С е л и я
(*ёлбориб*)

Видолашиб олай ахир севиклим билан.

Д а х ш а т л и Л а й о ш
(*бўшашиб*)

Севганинг ким?

С е л и я

Рости, аввал яширар эдим,
Мен айтганим ўша рицарь, келаман, деган.

Д а х ш а т л и Л а й о ш

Келмаса-чи?

С е л и я
(*жилмайиб*)

Агардининг гапи битта! Келмоғи аниқ.

Д а х ш а т л и Л а й о ш

Агарди? Агардини севганмисан?

С е л и я

Ҳа!

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Агардининг ўзи бўлди бу ишда ҳакам,
У ғоят тунд! Боз устига гапирмайди ҳам.

С е л и я

Ҳар ҳолда у муҳаббатга лойиқ бир инсон.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Модомики хабардордир муҳаббатингдан,
Нега сени у ўлимга буюрди экан?

С е л и я

(хўмрайиб)

Ўзим айбдор, ундан хафа бўлмоқлик бекор,
Чунки асло билганмас у — дилимда не бор.
Ва ўзим ҳам ўз кўнглимни билмасдим унча,
Билмас эдим севги ҳиссин татиб кўргунча.
Урф-одатни ҳар нарсадан юксак кўяр у,
Ҳа, мендан ҳам қасамёдин афзал билар у.
Менинг баланд гуруримни энгди азамат,
Энди ундан ёлбориб мен сўрайми шафқат!
Агардини сева туриб беражакман жон,
Тўғрисини айтсам, Лайош, сен яхши инсон,
Аммо фақат оддийгина жаллодсан холос,
Киши дилин тушунмайсан...

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Тушунмайман, рост;
Севаркансан, нега унга аён этмадинг?
Ва ўзингни оғир чоғда яқин тутмадинг!
Балки ҳамон яхши кўрар?

С е л и я
(бош чайқаб)

Яхши кўрмайди.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Лекин аввал севган-ку сени.

С е л и я

У маҳалда юрагимда ишқ эди пинҳон,
Бўса билан рицарь дилин забт этдим бироқ,
Қасам ичиб қўйганди у.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Биламан!

С е л и я
(ҳайрат билан)

Қайдан?

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Ҳа, Нарделла айтиб қўйган, қайдан бўларди!
Агардини айблаб бўлмас, рост бўлса шу гап.
Эътиборга лойиқ аммо сенинг ҳам дардинг,
Рицарни деб балоларга дуч келгансан зап.
Ҳаётингни очиқ-ойдин қиморга тикиб,
Маккорона бўса бериб, рицарни ўпиб,
Хўп тантана қилдим дея ўйлагансан-да!
Муҳаббатнинг масъуллиги бўлмаган сенда.
Ўз севгингни яширгансан атайлаб пинҳон,
Ошкор қилгинг келмас уни, айтсанг шу замон.

С е л и я

Бўлди, жаллод, фурсат етди!

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Рицарь келганда...
Муҳаббатинг очиқ-ойдин айтсанг агарда...

С е л и я

Йўқ! Мутлақо! У бари бир энди ишонмас.
Қучоғида ётганда ҳам тонган эдим, бас!
Ошкор қилгим келмади ҳеч муҳаббатимни,
Ўз-ўзимда ихтиёрим бўлгани пайтда.
Энди эса ойболтанинг зарбидан қўрқиб
Севгим дейми? Тўғри келмас энди, албатта.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Кимки тийрак туйғуларин яқин бировга
Очмас экан, айтмас экан, у қўрқоқ эрур.
Айт-чи, соқов баҳодирни кутасан нега?
Модомики юрагингни очмасанг бир қур.
Наҳот сенга керак эмас оила, ҳаёт,
Ҳали ёшсан! Хоҳламасанг яшашни наҳот?
Менга, ахир, дилингдагин айтмоғинг керак.

С е л и я

Йўқ, йўқ, жаллод!

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Йўқса қонинг оқади, бешак.
Вақт ўтмоқда, тугаб бўлди соатдаги қум.

(Қум соатни кўрсатади, узоқдан қўнғироқ жаранглайди.)

С е л и я

(титраб)

Юпатгувчи садолар бу.

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Ўлиминг яқин.
Биттагина сўз айтсанг-ку, олам гулистон!

С е л и я

Кўрқаётганим йўқ!

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Биттагина сўзни айтсанг қоласан омон.

С е л и я

Аврама кўп! Менга ҳеч ким ёрдам беролмас,
Ўз-ўзимни камситгандан ўлимим афзал.
У севмайди, менга юпанч ҳаёт керакмас,

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Қонинг оқса, яхшими, хўш?

С е л и я

(мағрур)

Майлига, оқсин!
Модомики, гуноҳ ишга юз бурдим кўрқмай,
Жон ҳам берай керак пайтда энди ҳайиқмай!
Титрамасман, титрамагин сен ҳам, эй жаллод!

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Келиб қолса-чи?

С е л и я

Фойдаси йўқ! Муҳаббатим ҳақида энди
Сенга иқрор бўлажакман, жаллод, начора!

Д а ҳ ш а т л и Л а й о ш

Етказаман.

С е л и я

У ҳаммадан ёқимлироқ, азиз, жонажон.
Кетдик энди.

Даҳшатли Лайош
(кафтига уриб)

Қани, ишга, ҳой жаллодлар!

Ичкаридан жаллодлар чиқади.

Кўзини боғланг!
Олиб чиқинг!

Жаллодлар Селиянинг кўзини боғлаб олиб
чиқади. Даҳшатли Лайош ниқобини олади.
У — Агарди Петер эди.

Парда

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна айланади. Жаллодлар Селияни галереядан олиб ўтадилар. Қўнғироқ ва орган овозлари эшитилади. Галерея кенгайган жойда, бурилишда Жанетта, Монна Меа, Карлотта нафаси ичида, қисинишиб турибдилар. Селия сокин, вазмин. Уни чароғон ҳовлига олиб чиқишади. Саҳна тўхтайтиди. Саҳна ичкарасида бутхона пештоқи.

Селия

Етиб келдикми?

Петер кириб, ишора қилади, жаллодлар
бутхонага кириб кетишади. Жимлик.

Селия

Сукунат! Овозлар тинди!
Агардидан дарак бўлмади. Сенмисан, Лайош!

Петер

Менман! Ва сен менинг қўлимдасан!

С е л и я

Кўзимни оч!

П е т е р

Қўрқмайсанми?

(орқадан келиб, боғични ушлайди)

С е л и я

(бошини чайқаб)

Йўқ, қўрқмайман! Ажаб, сенинг овозинг таниш,
Бамисоли соқов тунда таралган хониш.
Менинг учун азиз зотнинг овозидай у,
Бошимни кес, қўллариңда жон бермоқ эзгу.

П е т е р

Айт-чи, мендан гинанг йўқми?

С е л и я

Афв этаман, ўзинг бўлгил менинг жаллодим!

П е т е р

Ҳақсан! Мен ҳам сени кечирдим!

(кўзидан боғични олади)

С е л и я

(бурилиб қараб, шодликдан яйраб)

Оҳ, сенми бу? Ўзингмисан?

(атрофга қараб)

Лайош қаёқда?

П е т е р

У ўз бурчин ўтаб бўлди! Танидингми, хўш?
Жаллодингман, эсингдами, ёллаган эдинг,
Қимматбаҳо узук эмас аммо ёллаган...

(узукни кўрсатади)

С е л и я

У сенмидинг! Демак, сенга гапирибман...

П е т е р

Ҳа!
Жаллодгамас, гапиргандинг менга, ҳа, менга!
Ўша эди, ўша эди овозинг, ўзинг,
Ўша эди менга айтган иқроринг, сўзинг!
Лабларимдан кўз илғамас кишанни олдинг,
Билиб қўйгин, Лайош ҳам йўқ, соқов Петер ҳам,
Қасамни ҳам, одатни ҳам босиб ўтолдим,
Мен севаман, билиб қўйгин, севаман, эркам.

(қучади)

Юраккинанг дук-дук урар ахир, биламан...
Хукм, жаллод ва ойболта... зуҳур қиламан,
Аҳволингга қараб мен ҳам эзилдим, ишон,
Кечир мени, боёқишим, қийналдинг чунон.

С е л и я

(унинг бағрига бош қўйганча)

Гапиравер, жоним, гапир! Азоблар ўтди!

П е т е р

Бу синовни уюштирган қиролнинг ўзи,
Нафсиламбр, лойиқ эдинг шундоқ жазога!..

С е л и я

Лойиқ эдим!

П е т е р

Ва синовдан ўтдинг жуда соз!

С е л и я

Ўтдим, аммо севасанми? Севишинг ростми?

П е т е р

Рост!

Илоҳасан менинг учун, самовий зотсан.

Аммо, сен-чи, севасанми? Жонгинам, айт сен?!

С е л и я

Қулоғингга шипшигандир ахир, жаллодим...

П е т е р

Бу ҳақда гап очмасам ҳам бўларди, балки

Билар эдим аллақачон...

С е л и я

(Селия ҳаракатда)

Қачондан буён?

П е т е р

Тунда сени қучоғимга босдим, ҳаётим,

Ганжи умрим, тополганим мулки бебаҳо!

С е л и я

Бирор сўз ҳам демадинг аммо!

П е т е р

Сўз демадим, лекин кўзим очиқ эди-ку!

Мени у чоқ забт этганди энг олий туйғу.

Қайноқ-қайноқ бұсаларнинг тафтида у дам
Эриб кетди жозибали гуруринг, эркам...

(Селия юзини яширади)

П е т е р

(давом эттириб)

Эҳтиросинг оловида лов-лов ёнардим,
Мусичадай латиф эдинг, мен-чи, қонардим.

С е л и я

Бўлди, жоним.

П е т е р

Ё қайтадан соқов бўлайми?

С е л и я

(чўчиб)

Йўқ, йўқ, гапир. Гапиравер, шовқин сол, майли!
Сен ҳаммадан баҳодирсан, ҳаммадан аъло!
Тун ўрнига кундуз келди — айни муддао!

П е т е р

Севгимизга ҳаёт ўзи паноҳ ва макон,
Севгинг билан гуркирасин замин у осмон.

С е л и я

Таъкидлашим шартми менинг — гўзалдир ҳаёт.

Жанетта, Монна Меа, Карлотта Селияга
никоҳ либосларини олиб кирадилар. Икки шогирд жал-
лод — Беппо ва Тириби Петер елкасига мантия таш-
лайдилар. Ҳамма бутхона томонга йўл олади. Саҳна айлана-
ди. Бутхона тўрида меҳроб. Кекса руҳоний ва икки хиз-
маткор болакай. Олдинда Матяш, Беатриче, Марцио,
Нарделла. Селия ва Петер таъзим қиладилар.

П е т е р

Қирол, ҳазратим...

М а т я ш
(*жилмайиб*)

Шону шуҳрат тожининг сиз безак ҳашами,
Ғоят бойсиз латофатга, чиройга, хоним.

Б е а т р и ч е

Жаллод сени ўлдирганмас, тириксан, яъни
Тириклик соз, шундаймасми...

М а т я ш

Ҳийлакор аёл!
Кечирмаслик керакмиди сени, эҳтимол.
Яраш пайти етиб келди, ўтдинг синовдан,
Чекинмадинг қийинчилик, машаққат, довдан.
Менинг шонли рицаримнинг тили ҳам бурро,
Юзта юзлик тиллага ҳам лойиқсан, аммо.
Шифо топган баҳодирим ўзингга тортиқ.
Хотинликка оласанми уни, Агарди?

П е т е р

Жоним билан, ҳазратлари.

М а т я ш
(*Селияга*)

Иродам шул: никоҳига кирасан лутфан.

(*Агардига*)

Билиб қўйгин, бир умрлик асиранг бўлсин,
Хоҳишингга амал қилиб, гуноҳин ювсин,
Демак, сенга хотиндир бу.

П е т е р

Ўлгунимча то!

М а т я ш

Ярашингиз! Иккинги ҳам оқил ва доно!
Анча қаттиқ синадингиз бир-бирингизни,
Гоҳ яшириб, гоҳ ошириб дил сирингизни.
Севги билан гоҳ машаққат ёнма-ён келди,
Синов дами гоҳи пинҳон, гоҳ аён келди.
Лекин сизнинг баҳсингизда бўлмади зўрлик,
Бўлган эмас таҳқир, қарғиш, ноўрин хўрлик,
Икки юрак яшаб битта муҳаббат билан,
Кулфатларни енголдингиз матонат билан.
Ожизликка иккинги ҳам бўлмадингиз қул,
Бир-бирингиз синадингиз эринмай нуқул.
Йиғиштириб қўйинг энди кибру ҳавони,
Тотувликда гаштин суринг гўзал дунёни.
Сизни бахт ва муҳаббатга ҳукм этгум шодмон,
Куёв, бошла келинчакни меҳробга томон!

*(Орган садолари янграйди. Агарди Селия билан
меҳробга яқинлашади.)*

М а т я ш

(Марциога)

Сен — Марцио, одамларга етказ номани,
Китобингга битиб қўйгин бул ҳангомани.
Безаб турсин йилномангни неча асрлар,
Соқов Рицарь ҳақидаги қувноқ сатрлар.

П а р д а



ШЕЪРЛАР

АЛЕКСАНДР ПУШКИН

ЎТИНЧ

Ўзинг асра энди мени, туморим,
Қувғин чоғларимда мени асрай қол.
Қалбимни чулғаса шубҳа ва малол,
Ўзинг асра энди мени, туморим.

Тўлқинлар бузишиб сабру қарорим,
Теграмни чулғашиб олсалар мутлоқ,
Булутлар солсалар ваҳший қалдироқ,
Ўзинг асра энди мени, туморим.

Бегона элларда ёзиб хуморим,
Эринчак сукунат қўйнида қолсам,
Олови жанг ҳиссин қалбимга солсам,
Ўзинг асра энди мени, туморим.

Сирли ва муқаддас офтоб узорим,
Алдоқчи, ғаройиб, лазиз туйғулар...
Ҳиёнат қўкида ботдилар улар...
Ўзинг асра энди мени, туморим.

Ўтган хотиралар — дилдаги зорим,
Қалбим жароҳатин тирнамасин, бас,
Алвидо, умидлар, тинч ухла, ҳавас,
Ўзинг асра энди мени, туморим.

* * *

Ҳаммаси тугади, орамиз очиқ...
Сўнг бор қўлларингни ўпаркан, пари,
Шаънингга тўқийман мунгли бир қўшиқ,
Тинглайман жавобинг: “Тугади бари...”
Энди алдовларни қилмасман расм
Ва сени алам-ла ахтармоқ нечун?!
Ўти... ўтганларнинг унут ҳаммасин,
Севги яралмаган фақат мен учун.
Сен ёшсан, қалбингнинг гўзал маҳали,
Севимли бўларсан кўпларга ҳали...

ҲИКМАТ

Кулбада биттагина шам ёниб турар эди.
Равшан бўлди ёқишгач яна битта шамчироқ.
Бежиз эмас, қадимги донолар деяр эди:
Тўй яхшию ва лекин кенгашли тўй яхшироқ.

ЯНГИЛИК

“Хўш, дунёда нима гап, қанақа янгилик бор?”—
У эса тура берди бежавоб, ютиб нафас.
Охир деди: “О, дўстим, эзмалик кимга даркор,
Сен — аҳмоқсан, бу эса асло янгилик эмас”.

ТЎҒРИ БАШОРАТ

“Касалим тузаларми?”— Шер эшакдан сўради.
Эшак эса ўйламай деди: “Аё шоҳ жаҳон,
Ўлмасангиз, яшайсиз, ўлмаганлар туради”.
Икки карра икки — тўрт, бу эшакка ҳам аён.

ДУНЁ

Шундоқ эди бу дунё, шундоқ бўлур ҳамиша,
Кўҳна бир ҳақиқатнинг дўкони ёпилмайди:
Доно одам жуда кам, гарчи кўп илм пеша,
Бисёрдир таниш-билиш, лекин дўст топилмайди.



ТАРАС ШЕВЧЕНКО

* * *

Ҳавас қилма сармоядорга,
Ҳавасларинг сабил қолади.
Дўстликни ҳам, муҳаббатни ҳам,
У ақчага сотиб олади.
Ҳавас қилма қудратли зотга,
У барчага ўтказар зуғум.
Донгдорга ҳам ҳавас айлама,
Донгдорнинг ҳам аҳволи маълум.
У билади, одамлар асло
Хуш кўрмагай асл сийратин.
Донгдор зотнинг ўзини эмас,
Севадилар фақат шуҳратин.
Бамисоли жаннатдаги хур,
Ювошгина юришар ёшлар.
Бир қарасанг, қовушгандан сўнг,
Улар ҳам ўз ғавғосин бошлар.
Одамларга ҳавас қилма ҳеч,
Олам кезиб излама жаннат.
На замин ва на осмон бор,
Тополмассан сен уни ҳеч вақт.

* * *

Тутқунликда яшайман танҳо,
Биронта ҳам ҳасратдошим йўқ.
Ўз ўйларим ичра мен адо,
Сўзлашарга суҳбатдошим йўқ.
Ахтараман парвардигорни,
Дуч келади нуқул бошқалар.
Йиллар эди мендай абгорни,
Бошим узра кулфат тош қалар.
Баҳоримнинг қутлуғ чоғига,
Соя солди булутлар хира.
Эсламоққа гоҳи-гоҳида,
Топилмайди ёруғ хотира.
Юпанч керак дилимга, аммо,
Бир мулойим сўз менга, қани?!
Ҳолим шудир: қор қўмган гўё,
Ҳали совимаган мурдани.



ЕГИШЕ ЧАРЕНЦ

* * *

Қуёш яллуғини эмган армани забонини севгайман,
Қадим сози таратган оҳ ила фигонини севгайман,
Чечаклар гуркирар, муаттар гуллар ҳам дилга хуш,
Наири қизларин нозик рақс ила хандонини севгайман.

Менга хушдир мовий осмон, чақин қўл, тип-тиниқ сувлар,
Қуёш ўти ва тоғларда бўрондан учган ғув-ғувлар,
Қоронғи кулба бепардоз, дилимга хушдир ушбулар,
Менга тоши табаррук қадим шаҳар-қўрғонини севгайман.

Қаёнда бўлмайин дардли қўшиқларни унутмасман,
Дуодек кўҳна битиклардан асло ўзни айри тутмасман.
Ватан жароҳатидан ортиқ не юракни айлағай пора,
Бағир қон, етим Ҳаястон, дил ёронини севгайман.

Менинг мунглуғ дилимга ўзга армон йўқдир оламда,
Кучук, Нарекацидек асл инсон йўқдир оламда,
Арарат мисли нуроний, чўққи бир шоён йўқдир оламда,
Масис тоғимнинг то мангу шавкат-шонини севгайман.



ҚАЙСИН ҚУЛИЕВ

ШЕЪРИЯТ

Замин деб билган чоғ сени, шеърият,
Ёмғирдай ёғилдим ўтлоқларинга.
Гоҳида бешафқат кўчкин қор сифат,
Ваҳму қутқу солдим қучоқларинга.

Кушод ва муқаддас яловинг тутиб,
Бўлдим лашкарингнинг оддий аскар.
Сени гоҳ дарёдек тасаввур этиб,
Ўзимни ҳис этдим ирмоқ сингари.

Бурқсиб тутаган чоғ туман ва тутун
Тангри ё расулмас, инсонинг бўлдим.
Қутлуғ даргоҳингда таънасиз, забун,
Содиқ дастёрингу дарбонинг бўлдим.

Сенинг мавжудлигинг фаҳм этурман то,
Токи тарк этурман уйқуни саҳар,
Гўзал кўрингайдир кўзимга дунё,
Асло туюлмагай бу ҳаёт заҳар.

Ҳимматим ҳаққига ғамдан, кулфатдан
Майли, асрамагин мени умрбод.
Асра лоқайдлигу енгил шуҳратдан,
Токи келтирмайин мен сенга иснод.

ҲАЙРАТ

Гуллар бош эгади,
Юлдуз чарақлар,
Қор эриб, тоғлар ҳам товланар турлик.
Мен учун дунёда ҳаммадан баттар
Ҳайратни билмаган одамлар шўрлик.
Ижод чаманида такрор ва такрор
Ҳайратга тушамиз буюк санъатдан.
Улар ҳам қачондир туғилган илк бор
Оддий нарсаларга бўлган ҳайратдан.
Ҳайратда боқдим мен гулга, чечакка,
Гарчанд сирларидан эмасман воқиф.
Ҳайратга тушдим мен куй тинглаб якка
Ёки ўзгаларнинг шеърига боқиб.
Дарёлар гувиллаб чопар денгизга,
Қушлар хаёлингни завққа ўрайди.
Замин мўъжизалар берару бизга,
Эвазига фақат ҳайрат сўрайди.



МАХСАТИЙ ГАНЖАВИЙ

РУБОЙЛАР

* * *

Эй, хусни шафтоли гулидай жонон,
Дудоғингнинг атри дардларга дармон.
Жонон бисотида бир боғча бордир,
Шафтолусин тотиб кўрсайдим бир он.

* * *

Аччиқланма, деди, эй ёр, бу кеча,
Тингла насиҳатни, дилдор, бу кеча.
Очарман қўйнимни сенга, сабр айла,
Қасосга шайланма зинҳор, бу кеча.

* * *

Арвотга бандани чулғайди кафан,
Бу ишга шариат ўзи йўл берган.
Менинг кафаним-чи, бир рубойдир,
Бунга йўл берувчи ҳеч дин бормикан?

* * *

Бир бўса бер менга қанд лабларингдан,
Бир эмас, икки, уч, тўрт, бешни бер сан.
Олти, етти, саккиз, тўққиз бўса бер,
Сўнг эса ўн бўса лутф айла бирдан.

* * *

Сени ёндирдилар, айт-чи шам, нечун,
Ёндириб, унутиб кетдилар бутун?
Ўзинг айт, найласин, инсон ўзи ҳам,
Яралган бўлса гар ёнмоқлик учун?

* * *

Эй дўст, муҳаббатнинг умри тузоқдир,
Орзум истагингдир, бу сўзим ҳақдир.
Қароримни олди сифоришларинг,
Сабр деганлари мендан узоқдир.

* * *

Кел, эй, сўзи икки ишвакор ўғлон,
Бутун қилмишлари фитнакор ўғлон.
Берган ваъдаларни узум сувидек,
Қадаҳдан тўкма сен, айла ор, ўғлон.



ХАРИВАНШРАЙ БАГЧАН

(Ҳинд шоири)

* * *

Хаёл оти мени йироққа
Олиб кетса ҳамки ногаҳон.
Тушсам ҳамки бир зум фироққа,
Унутмасман сени, Ҳиндистон.
Десаларки, юр шоир, ахир
Боғи Эрам мевалари соз.
Лекин юртим, мен сенинг тахир
Илдизларинг этардим эъзоз.
Бўлсин дея сенга бир ҳадя
Юлдузларни этсалар нисор.
Бир чимдим ҳинд тупроғи дея
Этар эдим барисин бекор.
Агар мени қуёшдай хушқол
Кўтарсалар осмон-фалакка.
Уринардим парвона мисол
Ҳиндистоннинг васлига якка.
Агар кўкда қўлимга лов-лов
Ўт берсалар хурсанд бўлардим.
Лекин ўша заҳоти дарров
Ҳиндистонга томон елардим.
Оби кавсар тутқазиб агар
Десаларки, ўзгасидан кеч.
Лекин дўстлар, уни мўътабар
Ганг сувига алишмасман ҳеч.
Жаннатда ҳам маҳбусдай гамгин
Ўтирардим неча кун-тунки,
Ҳиндистонда қайтадан тагин
Туғилмоқни ўйлардим чунки.

СЕРГЕЙ БАРУЗДИН

ТОШКЕНТ

Гарчи суюклидир менинг Россиям,
Куёш ҳам мен учун у ерда балқир.
Лекин Тошкент бордир — руҳимга ҳамдам,
Бегона этмади Тошкентни тақдир.
Турфа тиллар билан элатлар аро
Энг буюк якдиллик бундадир балким.
Мен Шимол ўғлони эрурман, аммо
Шарқнинг меҳри билан лиммо-лим қалбим.
Қадиму навқирон Тошкент бор албат,
Руҳим қашшоқ тортиб қолмагай, дўстлар.
Дилимга ногаҳон йўғрилса ҳасрат
У фақат Тошкентни, Тошкентни кўзлар.
Сўнг эса қайтаман она юрт томон.
Она макон ахир — энг эзгу чароқ.
Мен Тошкент меҳрига қонганим замон
Англайман Москвани тагин теранроқ.

ОДАМЛАР

Надомат йўқ қалбимда сира,
Нени кўрдим — кўражакман бот.
Фақат Инсон бўлсин бокира,
Фақат гўзал бўлсин одамзод.
Мен улардан мўъжаз бир бўлак,
Ўзга ҳолни қилмасман даъво.
Ёнар, титрар, типирлар юрак
Бахтли бўлсин одамлар деб то.

ЭР КИШИ

Ким кўп заҳматларни бўйнига олса,
Ва ору номусга вафолик қолса
Эр киши ўша!
Кимки, тупроқ очиб, сочар экан дон,
Ўзгалар ризқин ҳам ўйласа бир он
Эр киши ўша!
Элу юрт бошига тушганда хатар,
Кимки бўла олса энг жасур аскар
Кимки дўстлар билан ҳамиша ҳамдам,
Сўнгги нонини ҳам кўролса баҳам
Эр киши ўша!
Ким аёл зотини йўлга сололса,
Ҳам унга зарур пайт қулоқ осолса
Эр киши ўша!

ФИЛ

(Ҳиндистон шеърларидан)

Нечоғ ноёб бўлса бизларда тулпор
Ўшандай ноёбдир Ҳиндистонда фил.
Мана у турибди чўнг ва улуғвор,
Бирмунча содда-ю ақлли, қобил.

Устида ўлтирган устомон филбон
Андиша қилмайин бошлаб қолар сўз:
— Қани, ҳунарингни кўрсат, қадрдон,
Икки рупияни қани энди, чўз.

Гарчи забон йўқдир филда ва лекин
Хўжасидан кўра у зийрак, ҳушёр.
Ҳар нечук у билар, емиш йўқ текин,
Қоринни тўйғазиш нечоғлик душвор.

Яхшиям уқув бор унда росмана,
Муқомлар қилади ғалати, қизиқ.
Емиш топиш учун фил энди, мана,
Халойиқ олдида кўрсатар қилиқ.

БОР ГАП

Ўтган у кунларни эслайман гирён,
Ёлгон сўз айтмоққа йўқ менда тоқат.
Урушда қўрқмайман деган сўз ёлгон,
Беҳудага ўлмоқ даҳшатдир фақат.

Гарчи ҳар кимларга бош эгмадик, йўқ,
Ҳарб чоғи қочмадик орқага гарчи.
Ҳаётингни юлса тасодиф бир ўқ,
Шунга рози бўлсанг — эмассан жангчи.

Осойиш кунлар ҳам қоида шундоқ:
Гарчи сенга бой-бой иқбол ёр.
Тасодифий бахт ҳам бахт эмас мутлоқ,
Фақат собит эрур неки барқарор.



КРЕСТИ МЕРИЛААС

(Эстония)

ҚОЯДАГИ ҚАЛДИРҒОЧ

Тўлқин кетидан
Тўлқинлар чопар.
Тўлқин устида
Қоялар ётар.
Туну кун бунда
Гувиллар шамол.
Оч бўри янглиғ
Увиллар шамол.
Мисли баландда
Турган бир нишон,
Қояда қушча
Қурибди ошён.
Қалдирғоч дерлар
Қушчанинг отин,
Мовий денгизга
Урар қанотин.
Эй сен, қалдирғоч,
Эй сен, жажжи қуш.
Сўзларим тингла,
Ёнгинамга туш.
Совуқ элларга
Нечун сен учдинг.
Нечун юртингдан
Узоққа тушдинг?
Қолмиш йироқда
Дугоналаринг.
Тиллари ширин
Парвоналаринг.
Зада этмасми
Қоялар тоши.
Соғинтирмасми
Жануб қуёши.
Шўрлик қалдирғоч
Төлеи қаро.
Уя қурибсан

Шамоллар аро.
Тўлқин кетидан
Тўлқинлар чопар.
Тўлқин устида
Қоялар ётар.
Шамоллар илдам
Ўйнар сояни.
Тўлқинлар шу дам
Йиқар қояни.
Тошлар гумбирлаб
Учса-да бот-бот,
Йиқилмади қуш
Ошёни, ҳайҳот!
Қалдирғоч дерлар
Бу қушнинг отин.
Мовий фалакка
Ёзди қанотин.
Олмоқчидайин
Балки ўчини,
Сувларга урди
Оппоқ тўшини.
Эй сен, қалдирғоч,
Толеи қаро.
Нечун уй қурдинг
Шамоллар аро
Айт сен, қалдирғоч,
Айтиб бер менга,
Бузилмай қолди
Ошёнинг нега?
Соҳилда тошлар
Ётар гижирлаб.
Сўз айтар қушча
Шунда вижирлаб:
— Майли, шамоллар
Мени ҳайдасин.
Топдим мен бунда
Баҳор майсасин.
Тупроқ ахтариб
Соҳилга бордим.
Тилларим билан
Лойни ҳам қордим.

Қоялар узра
Юрганман шундоқ,
Жажжи ошөним
Қурганман шундоқ.
Тўлқин устидан
Тўлқинлар чопар.
Тўлқин устида
Қоялар ётар.
Эй сен, қалдирғоч,
Энди нетарсан?
Бош олиб энди
Қаён кетарсан?
Хазонда гулдай
Сўларсан балки.
Ғам-алам билан
Ўларсан балки.
Соҳилда тошлар
Ётар гижирлаб.
Сўз айтар қушча
Яна вижирлаб:
— Эй сен, йўловчи,
Ачинма тақир.
Қалдирғоч дерлар
Отимни ахир.
Яна қайтарга
Саботим бор-ку.
Толиқмас менинг
Қанотим бор-ку.
Майли, шамоллар
Мени ҳайдасин.
Топдим мен бунда
Баҳор майсасин.
Соҳилга томон
Яна борарман.
Тилларим билан
Лой ҳам қорарман.
Қоялар узра
Юрарман яна.
Ошөним бунда
Қурарман яна!

АДХАТ СИНҮФИЛ

(татар шоири)

ЮРТ

Күеш бўлиб кўринади
Она юртнинг ҳилоли ҳам,
Майингина туюлади
Қаттиқ эсган шамоли ҳам.
Бахтли бўлгум, азал-абад
Юрт менда ҳам бахтин кўрса.
Бахтли бўлгум, етгач фурсат,
Юрт бир қулоч ерин берса...

ТАРИХ

Тарих бизни қизиқтирар мудом,
Ахтарамиз, недир излаймиз.
Бизга тарих тинчлик бермас тамом,
Унинг пинҳон жойин кўзлаймиз.
Кимларгадир тарих эшик очар,
Кимларгадир берқдир бу тарих.
Тилсим қачонгача тилсим бўлиб ётар,
Муродга етарми муаррих!
Ҳа, тарих бу — чиққан бир нафас,
Даб-дурустдан турмас кўриниб.
Қўп нарсалар ер остида эмас,
Ҳатто ер устида турар кўмилиб!

* * *

Юлдузларга сени тенгламайман,
Улар бири порлаб, бири сўнарлар...
Мен сени ёритқичларга менгзамайман,
Улар тонг чоғида тўнарлар.

Сени ўшатмасман ҳатто қуёшга,
Кун оғиб уфққа ботади офтоб.
Сен меҳр сочурсан дунё, тоғ-тошга,
Юзинг ярмиси кун, ярмиси моҳтоб.

Денгизга ҳам сени тенглашим қийин,
Ахир, ул баҳорнинг яшил-ку юзи...
Сен шунча диловар, шунчалар ширин,
Сенинг чашминг асли севгининг ўзи.

Сени Лайлига ҳам қиёс айламам,
Маили, малол чексин ушшоқ хайлиси.
Менинг топинганим ўзинг сен, санам,
Бўлгандек Мажнуннинг ёлғиз Лайлиси!



ХАЛИЛ РИЗО

(озар шоири)

НИЗОМИЙ

Карвоннинг бир учи Ленинградда,
Бир учи Ганжада, бири сарҳадда.
Ғарбу Шарқ, ҳаттоки фалак, албатта
Жойлашур сен каби дилга, Низомий.

Етти иқлим оқар Ватанинг томон,
Юлдузлар ҳам боқар Ватанинг томон,
Неча асрларга обрўсан шоён,
Пешвосан, шуҳратсан элга, Низомий.

Кўноқлар тушмоқда қизил қатордан,
Кўлларида чечак неча гулзордан,
Ғар бошинг кўтарсанг мармар мозордан
Кўрардинг — эл менгзар селга, Низомий.

Кўрдим бир ўзбекни, ихлосманд ўғлон,
Бошида дўппи-ю эгнида чопон.
Сенинг меҳробингга етишган замон
Тушди ялангоёқ йўлга, Низомий.

Таваллуд топгансан Ганжабосарда,
Номинг жаҳон кезар, хокинг мозорда.
Башар дурдонаси — ўлмас асарда
Сўнмас ҳаёт бердинг чўлга, Низомий.

Сенга сифинувчи бир менми танҳо,
Фақат Москва-ю Бокумикан ё!
Бошингга коинот сочмоқда зиё,
Айландинг гулшанда гулга, Низомий.

Замон ҳеч айлади тождорларни,
Ювуқсиз подшо-ю ҳукмдорларни

Ва лекин Сен каби санъаткорларни
Шоҳ этди Муғону Милга, Низомий.

Саккиз аср сенинг пойингда ётар
“Сирлар хазинаси” соҳир бир асар.
Фузулий шаклида қайтдинг бир сафар
Онанг алла айтган тилга, Низомий.

ЮРТИМ УЧУН

Бир мажлисда унутилдим.
Май ичдилар ҳар келганнинг соғлигига,
Ҳар кетганнинг соғлигига.
Май ичдилар
Соҳилига бизлар қўнган
Мовий қўлнинг соғлигига.
Май келтирган шўх гўзалнинг соғлигига,
Гулшандаги қизил гулнинг соғлигига,
Хуш қадамли ойнинг, йилнинг соғлигига.
Май ичдилар...
Пичирладим ўз-ўзимга
Эй дўст, сенинг соғлигингга!
Тўртта уммон қуршаб олган
Буюк элнинг соғлигига,
Соволону Қўчқор каби
Юксак тоғлар соғлигига,
Боққанингда ҳавас қўзғар
Сочи оқлар соғлигига.
Ўттиз йиллик курашларда
Бир асрлик йўл кечдинг сен,
Лекин ортга қайтганинг йўқ.
Бировларга қул бўлмадинг,
Қулдек қулиқ айтганинг йўқ.
Боса-боса лабимга бу пиёлани,
Ичаман ол шалолани
Эй дўст, сенинг соғлигингга.
Сен шундайин бургутсанки,
Учмоғинг бор, қўнмоғинг йўқ.
Сен шундайин ўчоқсанки,
Ёнмоғинг бор, сўнмоғинг йўқ.
Сен шундайин йўлчисанки,

Маслагиндан қайтмоғинг йўқ.
Бировларнинг шавкати
Қўриб узр айтмоғинг йўқ..
Кечирсинлар дўстлар мени,
Май тўла бу пиёлани
Ичдим сенинг соғлигингга,
Юртим, сенинг соғлигингга.



МУНДАРИЖА

Данте Алигъери. Илоҳий комедия. Дўзах 5

Шеърлий драмалар

Леся Украинка. Мағораларда 194
Еньё Хельтаи. Соқов рицарь 218

Шеърлар

Александр Пушкин

Ўтинч 356
“Ҳаммаси тугади, орамиз очиқ” 357
Ҳикмат 358
Янгилик 358
Тўғри башорат 358
Дунё 358

Тарас Шевченко

“Ҳавас қилма сармойдорларга...” 359
“Тутқунликда яшайман танҳо...” 360

Егише Чаренц

“Куёш яллуғини эмган...” 361

Қайсин Қулиев

Шеърят 362
Ҳайрат 363

Махсатий Ганжавий

Рубойилар 364

Хариванирай Багчан

“Хаёл оти мени йироққа...” 366

Сергей Баруздин

Тошкент 367

Одамлар 368

Эр киши 369

Фил 370

Бор гап 371

Крести Мерилаас

Қоядаги қалдирғоч 372

Адҳат Синўғил

Юрт 375

Тарих 375

“Юлдузларга сени...” 376

Халил Ризо

Низомий 377

Юртим учун 379

Адабий-бадиий нашр

АБДУЛЛА ОРИПОВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Тўрт жиллик

III жилд

Таржималар

Муҳаррир *Ж. Субҳон*

Мусаввир *В. Куликов*

Бадиий муҳаррир *А. Бобров*

Техник муҳаррир *Т. Смирнова*

Кичик муҳаррир *Н. Фозилова*

Мусахҳиҳлар *М. Насриддинова, Л. Мирзааҳмедова*

Компьютерда тайёрловчи *Е. Гильмутдинова*

ИБ № 3968

Босишга 01.03.2001 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108^{1/32}.
Таймс гарнитура. Офсет босма. 20,16 шартли босма тобоқ. 15,5 нашр
босма тобоғи. Жами 10000 нусха. 1530 рақамли буюртма. 6-2001
рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ижарадаги
Тошкент матбаа комбинати. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Орипов, Абдулла.

Танланган асарлар: Тўрт жилдлик / Таҳрир ҳайъати:
О. Шарафиддинов, М. Қўшжонов, Э. Воҳидов ва бошқ. —
Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001. —
3-жилд. Таржималар. — 384 б.

Шоир “Танланган асарлар”ининг учинчи жилдига жаҳон мумтоз шеърляти дурдоналаридан қилинган таржималар киритилган. Италиян шоири Данте Алигъери қаламига мансуб “Илоҳий комедия”нинг “Дўзах” китоби, Леся Украинканинг “Мағораларда” ва Еньё Хельтаининг “Соқов рицарь” шеърлий драмалари, таниқли шоирлар шеърларидан саралаб қилинган таржималар албатта, диди баланд шеърхонларни хушнуд этади.

Ўз 2